

Г-85

ЖЕМС ГРИНВУД



Жудур кийили  
Б о л с

ЖЕМС ГРИНВУД



# Фидур кийшили БОЛА



УЗБЕКИСТОН ССР МАДАНИЯТ МИНИСТРИЛГИ  
УЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИИ КОМИТЕТИ  
«ШШ ГВАРДИЯ» НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ - 1981

04

БИБЛІОТЕКА № 111
Нав. № 50057
195 р.

Кириш сўзини Е. БРАНДИС ёзган

Детгизнинг 1954 йилги нашридан  
Н. ТУРМУҲАММЕДОВ таржимаси

---

## ЖЕМС ГРИНВУД ВА УНИНГ «ЖУЛДУР КИЙИМЛИ БОЛА» ПОВЕСТИ ҲАҚИДА

### 1

Қадимги мақолда, ҳар бир китобнинг тақдирни бўла-ди, дейилади. Бу сўзларнинг қанчалик ҳаққонийлигини инглиз ёзувчиси Жемс Гринвуднинг қўлингиздаги шу китобининг тарихи ҳам кўрсатиши мумкин.

«Жулдур. кийимли бола» биринчи марта Лондонда 1866 йилда нашр этилган. Марко Вовчок тахаллуси билан машҳур бўлган ёзувчи ва таржимон Мария Маркович икки йилдан кейин бу китобни русчага таржима қилди. Қайғули болалик кечмишидан ва лондонлик кичкина дайдининг аччиқ саргузаштларидан иборат бўлган бу повестни рус китобхонлари зўр қизиқиш билан кутиб олдилар. Қўп ўтмай Россияда «Жулдур кийимли бола»нинг болалар учун қисқартирилган таржималари бирин-кетин пайдо бўла бошлади, журналларга иловалар тариқасида нашр этилди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин Т. Богданович ва К. Чуковский баёнида бу асар бир неча марта босилди.

«Жулдур кийимли бола» повести рус тилида ҳаммаси бўлиб ўттиз мартадан кўпроқ нашр қилинди. У мамлакатимизда болалар адабиётининг классик асарларидан бири сифатида қадрланади. Гринвуднинг ватанида, Англияда ҳам бу асар Совет Иттифоқидагидек машҳур-дир, деб ўйлашингиз мумкин. Афсуски, ундаи эмас. «Жулдур кийимли бола» Англияда бор-йўғи икки мар-

тагина нашр этилган ва аллақачонлар унутилиб юборилган (иккинчи ва сўнгги марта у 1884 йилда босилган). «Жулдур кийимли бола» Англияда болалар учун нашр этилгани йўқ, инглиз мактаб ўқувчилари бу асарни билмайдилар. Бунга, албатта, киши афсусланади. У босилганда жулдур кийимли боланинг қайғули тарихи инглиз болаларини кўпгина ҳақиқатлардан хабардор қилган, уларнинг кўпчилигига минг-минглаб инглиз меҳнаткашларининг болаларини бевақт ўлимга, очликка ва қашшоқликка маъқум этган ноҳақ тартибларга қарши ўткир нафрат түфдириган бўлур эди. Балки инглиз педагоглари ва ноширлари Англиядаги камбағалларнинг даҳшатли ва оғир ҳаёти ҳақида ҳикоя қилувчи бу китобни ёш китобхонлар ўртасида тарғиб қилишини атайин истамагандирлар? Балки Гринвуднинг бу китоби Англиядагина шундай қисматга дуч келгандир? Йўқ, фақат Англиядагина эмас. «Жулдур кийимли бола» русчадан бошқа биронта чет тилга таржима этилганийўқ.

Бу факт рус китобхонларининг чет мамлакатлар аданбётида пайдо бўлган янгиликларга ва юксак ғояли асарларга қанчалик эътибор ва қизиқиш билан қарашларини яна бир карра исботлайди. Бизда азалдан бери шу нарса одат тусиға кириб қолганки, чет эл авторларининг диққатга лойиқ асарлари русчага тез таржима қилиниб, кенг тарқатилади. Пушкиндан Горкийга қадар бўлган буюк ёзувчиларимиз рус адабиётининг ва рус китобхонларининг «оламшумул эътибори»ни қувониб эътироф этганлар. Бироқ юзлаб, минглаб таржима асарларининг кўпчилиги вақт ўтиши билан унтилади, бошқача айтганда, сафдан чиқади, фақат баъзиларнига, энг яхшиларигагина узоқ умр ва сўнмас шуҳрат насиб бўлади. Жемс Гринвуднинг «Жулдур кийимли бола» асари ҳам ана шундай энг яхши асарлардандир. У давр синовидан ўтибина қолмай, ҳозир, биринчи марта нашр қилинганига деярли тўқсон йил бўлган пайтларда, у совет болаларининг энг севимли китобларидан бири ҳисобланади.

Бу китоб диққатга лойиқ экан, унинг автори ҳам эътиборга сазовордир. Гринвуд ҳақида нималар маълум? Инсон ва ёзувчи сифатида у қанақа киши бўлган? Унинг яна қаңдай асарлари бор?

Бу саволларга жавоб бериш оғир. Жемс Гринвуд нинг номи Англияда унинг «Жулдур кийимли бола» асари унтутилганидек, унитиб юборилган. У ҳақда бирорта ҳам мақола ёзилмаган, энг мукаммал справочникларда, биографик луғатларда, ҳатто Британия энциклопедиясида ҳам у тилга олинмайди. Агар биз унинг «Жулдур кийимли бола» повестини ёзганлигини билмаганимизда Гринвуд деган ёзуви бўлганлигини ҳам билмаган бўлардик. Ҳолбуки, инглиз «Китоблар солномаси»га назар ташланса, шундай ёзуви бўлганлиги, у қирқ йилдан ортиқроқ давр ичидагитоблар нашр этдириб турганлигини кўрасиз. XIX асрнинг эллигинчи йиллари охиридан XX асрнинг бошларига қадар Жемс Гринвуд қирққа яқин китоб нашр этдирган. Рус тилига ўша пайтларда унинг «Жулдур кийимли бола»сидан бошқа баъзи асарлари ҳам таржима қилинган.

Гринвуд хилма-хил темаларда асарлар ёзган. Бу асарларни шартли равишда бир неча группага бўлиш мумкин. Унинг инглиз денгизчиларининг тропик мамлакатлардаги, кўпроқ Африкадаги саргузаштлари ҳақида ёшлар учун яратган повесть ва романлари алоҳида группани ташкил этади. Гринвуднинг қаҳрамонлари кема ҳалокатига учраб, саҳро ва жунглиларда сарсон бўладилар, ваҳший одамлар қўлига асир тушадилар, улар билан биргаликда йиртқич ҳайвонларни овлайдилар ва кўп саргузаштлардан кейин, ниҳоят, ўз ватанларига эсон-омон қайтиб келадилар. Гринвуд тропик мамлакатларнинг табиатини, маҳаллий ҳалқларнинг турмуши ва урф-одатларини худди ўз кўзи билан кўргандек мукаммал тасвирлайди. Гринвуднинг бундай асарлари орасида «Борнео оролида даякларга асир тушиб, ўн етти йилу тўрт ой яшаган Робин Давиджернинг саргузаштлари» номли қизиқарли романи (1869) ажралиб туради. Бу китоб кўп жиҳатдан Даниель Дефонинг «Робинзон Крузонинг бошидан кечирганлари» китобига ўхшайди.

Гринвуднинг ҳайвонлар тўғрисидаги повесть ва ҳикоялари бошқа бир группани ташкил этади. Бу китоблардан ёзуви чининг йиртқич ҳайвонлар хусусиятини, одатини яхши билганлиги яққол кўриниб ту-

ради. Автор ўз кузатишларини жонли ва аниқ баён этади.

Бундай китоблар орасида «Ўрмонда яшовчи тўрт ҳайвоннинг саргузашт ҳикоялари» (1865) деган қизиқ китобини эслаб ўтиш мумкин. Бу китобда автор ҳайвонларни Толстой ўзининг «Холстомер» повестида ёки Чехов «Каштанка» ҳикоясида ёзганидек, фикр юритувчи, гапирувчи қилиб тасвиirlайди. Турли ҳайвонлар — шер, йўлбарс, айнқ, бўри, бегемот, маймун ва фил ҳайвонот боғининг хизматчисига ўзларининг ўрмондаги эркин турмушлари тўғрисида, қандай қилиб тутиб олингандилари ва Лондон ҳайвонот боғига келтирилганликлари тўғрисида гапириб берадилар, ҳайвонот боғининг хизматчиси уларнинг тилига тушунади. Ана шундай приём авторга ҳайвонларнинг ҳаёти ҳақида мукаммал ва қизиқарли ҳикоя қилиш имконини беради.

Гринвуд асарларининг учинчи ва энг йирик группаси унинг Лондонда хор-зорлик билан кун кўрувчи кишилар ҳаёти ҳақидаги очерк ва ҳикояларидан, повесть ва романларидан иборатdir. Ёзувчи ўз асарларнда Лондон чолдиворларида яшовчи бечораларнинг оғир, қайғули ҳаётини, дайдилар, боқимсиз болалар, майда ҳунармандлар, тикувчилар, фабрика ишчиларнинг машаққатли турмушини, камбағалларнинг кулбалари, касалхоналар, турмалар, ғарихоналар, майхоналар ва ўғрихоналарни ёрқин бўёқларда акс этдиради.

«Жулдур кийимли бола» ҳам Гринвуднинг ана шундай фош этувчи асарлари группасига мансубdir. Капиталистик шаҳарнинг энг ярамас маразлари фош этилган бу асарлар Гринвуднинг оддий халқ ҳаётини қанчалик яхши билганлигини, унинг жабр-жафоларига, қайғуларига чуқур ҳамдард бўлганлигини кўрсатади.

### 3

Жемс Гринвуд ўз китобларини ёзган йилларда Англия жаҳонда энг қудратли капиталистик давлат эди. Унинг қонли урушлар ва озодлик учун курашганларни аёвсиз қириш натижасида қўлга киритган мустамлакалари ер юзининг турли қисмларида бор эди, бу мустамлакалар майдони миллионлаб квадрат километрни

ташкил этар эди. Инглиз савдогарлари ва дворянлари мустамлака халқларни беаёв талаб, мисли кўрилмаган даражада бойидилар. Ўша пайтларда Англия энг кучли саноат ҳамда кўп сонли ҳарбий ва савдо флотига эга эди. Инглиз фабрикантлари ва савдогарлари ўз молларини жаҳоннинг деярли ҳамма мамлакатларида бемалол ўтказиб, Англияни «Жаҳоннинг мастерскойи» деб атаб, гердаярдилар.

Ҳукмрон синфлар бойиган сари инглиз меҳнаткашларининг аҳволи ёмонлаша борди. Ишчилар ҳеч бир мамлакатда Англиядагидек қаттиқ эзилмаган эди ўша пайтларда. Ҳеч бир мамлакатда бу ердагичалик қашшоқлик мавжуд эмас эди, ўз-ўзини ўлдирувчилар, жиноятчилар, ишсизлар, очлар ва дайдилар ҳеч қаерда Англиядагидек кўп эмас эди. Лондон чолдиворларидағидек даҳшатли турмуш шароити ҳеч бир мамлакатда йўқ эди.

Лондон чолдиворларидағи даҳшатлар билан ўша пайтларда фақат иш уйларигина рақобатлаша оларди. Ҳукумат камбағалларга бериладиган турли ёрдамларнинг ҳаммасидан бош тортганидан кейин Англияда 1834 йилда бундай иш уйлари жорий этилган эди. Иш уйларига тушиб қолган баҳтсиз кишилар маҳбусларга айланардилар. Эрлар хотинларидан, болалар ота-оналаридан ажратиларди. Иш уйларидан чиқиш қийин эди, бошлиқларнинг ижозати билан айрим ҳоллардагина йўл қўйиларди. Иш уйларida турувчилар силлани қуритувчи оғир ишларни текин бажаришга мажбур эдилар: эркаклар тош йўниш, аёллар ва болалар эса эски арқонларни титиш каби ишларни қиласидилар. Иш уйларидан турувчилар маҳбуслардан ҳам ёмонроқ боқиларди. Шунинг учун ҳам бундай «ғамхўрлик» қурбонлари назоратчилар кўзи олдида жиноий ишлар қиласидилар, иш уйларидан кўра турмага боришни афзалроқ билардилар.

Иш уйларининг жорий қилиниши бир қанча қўзғолонларга сабаб бўлди. Англия ҳукумати кўпчилик халқ оммасининг ўсиб бораётган ғазаб ва нафрати туфайли 1909 йилдагина иш уйларини ёпишга мажбур бўлди.

Ўша йилларда бой ва қудратли мамлакат ҳисобланган Англияда ўн ва юз мингларча кичик ёшдаги болалар оиласидан ва мактабдан ажратилган, кўчага улоқти-

рилган ёинки хасис, зиқна корхона эгаларининг қўлига топширилган эди. Маълумки, XIX асрда жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида болалар меҳнати Англиядагидек капиталистларга кўп фойда келтирмаган. Кичик ёшдаги ишчилар тонг саҳардан оқшомга қадар меҳнат қилишга мажбур эдилар, иш ҳақи эса ҳаддан ташқари кам тўланар, очдан ўлмасликнигина таъмин эта оларди.

Англиянинг илғор кишилари болаларни қаттиқ эзишга қарши узоқ йиллар мобайнида қизгин кураш олиб бордилар. Натижада инглиз ҳукумати кичик ёшдаги болаларни ишга олиш ва болаларни кун бўйи ишлатишга йўл қўймаслик тўғрисида қонун чиқаришга мажбур бўлди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Англияда бир неча йирик ёзувчилар инглиз капиталистларининг жиноий ишларини фош этишини ўз олдиларига асосий мақсад қилиб қўйдилар. Улар жаҳон афкор оммасини инглиз камбағалларининг аччиқ қисмати тўғрисидаги, иш уйларида ва қарздорлар турмаларида, зах ертўлаларда ва совуқ чордоқларда мингларча кишилар гуноҳсиз ўлиб кетаётганликлари тўғрисидаги даҳшатли ҳақиқатдан хабардор қилдилар. Шу билан бир қаторда, бу ёзувчилар баланд ғиштин деворлар билан бошқалардан ажралиб турган бой хонадонларининг эгалари кечираётган беғам ва бемаъни ҳаётни ҳам нафрат билан ўз асарларида акс этдирдилар.

Чарлз Диккенс, Уильям Теккерей, Шарлотта Бронте, Элизабет Гаскелл ва бошқалар Англия ҳукмрон синфларининг ярамасликларини кескин фош этган ана шундай реалист ёзувчилардирки, Маркс ва Энгельс уларнинг ижодига юксак баҳо берганлар.

Диккенснинг «Оливер Твист», «Николас Никклби», «Давид Коппер菲尔д», «Кичкина Доррит» романларини ўқиган кишилар бу асарлар темаси жиҳатидан ҳам, оддий халқ орасидан чиққан қаҳрамонларга авторнинг муносабати жиҳатидан ҳам Гринвуднинг «Жулдур кийимли бола» повестига ўхшашлигини биладилар. Бу бечиз эмас. Чунки Гринвуд ҳам, шубҳасиз, XIX асрда яшаб, ижод этган инглиз реалист ёзувчилари группасига, олтмишинчи йилларда Диккенс бошчилик қилган группага мансубдир.

Жемс Гринвуднинг номи инглиз адабиётидан ўчириб юборилгани ғоятда ачинарли қисматdir, унинг китоблари унунтилган, у ҳақда деярли ҳеч қандай маълумот сақланиб қолмаган. Кўп изланишлардан кейин у ҳақда озгина маълумот тўплашга мұяссар бўлдик. Бунга ҳам Жемс Гринвуднинг акаси Фредерик тўғрисида яқинда китоб нашр этган Робертсон Скотт деган инглиз тарихчisi сабаб бўлди.

Фредерик Гринвуд ўз вақтида машҳур журналист, «Пеллмелл газетт» деган обрўли газетанинг редактори бўлган. Автор бу китобида бор-йўги уч саҳифада Фредерикнинг укаси Жемс Гринвуд тўғрисида анча қийналлиб топилган биографик фактларни беради.

Жемс Гринвуд 1833 йилда майда хизматчи оиласида туғилган. Оилада Жемсдан бошқа ўн бир бола бўлган, улар кейинчалик турліча касбларда ишлаганлар. Уч ака-ука: Фредерик, Жемс ва Уолтер босмахонага ишга кириб, меҳнат фаолиятларини ҳарф терувчиликдан бошлаганлар. Бир неча йилдан кейин Фредерик билан Жемс газеталарда ишлай бошлаган, Уолтер эса сил касалига мубтало бўлиб, ҳарф кассаси ёнида вафот этган.

Ҳамма вақт «кўзга кўринадиган» киши бўлишга, бой бўлишга интилган Фредерик анчагина пул жамғариб, катта газетанинг редактори бўлиб олади. Жемсни эса, аксинча, ҳаётнинг энг қайнаган жойлари ўзига тортади. Шунинг учун ҳам у ўз эркини редакцияда катта маош тўланадиган вазифага алмаштирмайди, акасининг таклифларини рад қиласди.

Жемс мақолалар, очерклар ва романлар ёзади, энг муҳим темаларда асарлар яратувчи уқувли журналист ва адаб сифатида машҳур бўлади. Олтмишинчи-етминишинчи йилларда Жемс Гринвуднинг номи Англияга яхши танилади. У Лондон ғарибхоналарида яшовчиларнинг ҳаёти ҳақидаги фош этувчи ҳаққоний очерклари билан афкор омманинг диққатини жалб қиласди.

Кунларнинг бирида Гринвуд дайдилардек кийиниб, тунги ётоқхона олдида совуқ куз оқшомида бир неча соат совуқда қотиб туради. Бу ерда у кўп ифлосликлар ва ярамасликларни кўради, камбағаллар. бошдан кечира-

ётган машаққатларнинг гувоҳи бўлади. Лондон чолдиворларида кишилар маҳкум этилган машаққатлар унинг тасаввуридагидан ҳам ошиб тушади. Гринвуд ана шулар тўғрисида очерклар яратади, бироқ цензура томонидан анча юмшатиб босилади. Шунга қарамасдан бу очерклар газетхонларда зўр қизиқиш уйғотади, улар бо силгач, газеталарнинг тиражи сезиларли даражада ортади. Гринвуднинг очеркларини бошқа газеталар ҳам кўчириб босадилар, улар ҳақида кўп шов-шувлар кўтарилади. Очеркларга ёзилган рецензияларнинг бирида бундай дейилади: «Гринвуд акс этдирган воқна шу жиҳатдан ҳам ваҳималики, бу воқнани авторнинг ўзи бошдан кечирган, у оғир шароитдаги бир туннигина акс этдирган, минглаб ватандошларимиз бутун умрларини ана шундай машаққатлар билан ўтказмекдалар...»

Жемс Гринвуд ўзининг энг яхши китобларини олтмишинчи йилларда ёзган. Кейин у адабиётда аҳён-аҳёндагина кўринади, оқибатда унинг номи йўқола боради. 1905 йилда Гринвуд ўзининг сўнгги китобини нашр этдирганида янги китобхонлар авлодига у номаълум автор бўлиб кўринган эди. Шундай қилиб, унинг номи ва кўп сонли асарлари унучилиб юборилади.

Жемс Гринвуд 1929 йилда, тўқсон етти ёшида вафот этади.

## 5

Жемс Гринвуднинг ижтимоий темалардаги асарлари орасида «Лондоннинг етти марази» номли очерклар китobi (1869) айниқса қизиқарлидир. Бу очеркларни автор Лондон чолдиворларини узоқ йиллар ўрганиб яратган. Бу очерклар кўп жиҳатдан «Жулдур кийимли бола»нинг мазмунини тўлатади.

Гринвуд болаларнинг назоратсизлигини, қашшоқликни, дайдиликни, ароқхўрликни, жиноий ишларни, бузукхоналарни ва шу кабиларни Лондоннинг энг даҳшатли маразлари деб ҳисоблайди. У рўй бериб турган воқиаларни ҳаққоний акс этдириб, кўпгина ярамасликларни фош қиларкан, агар ҳукумат жиддий эътибор билан қараса, буларни тугатиш мумкин, деб ўйлайди. Ёзувчи капиталистик тузумни йўқотмай туриб, кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишига, пулдор бойлар-

нинг чексиз зулмига асосланган тузумни йўқотмай туриб бойлик ва камбағаллик ўртасидаги қарама-қаршилилкка барҳам бериб бўлмаслигини, капиталистик тузум мавжуд экан, капиталистик шаҳарларда даҳшатли ҳаёт кечириш табиийлигини тушуниб етмайди.

«Жулдур кийимли бола» повестининг темаси билан «Боқимсиз болалар» очеркининг темаси бирдир. Гринвуд бундай деб ёзди: «Бу маълумотлар қаердан олинганинги аниқ билмайман, бироқ шуниси аниқи, кўркам, азим Лондон кўчаларида ёзин-қишин ҳар куни юз мингга яқин ўғил ва қиз болалар боқимсиз, овқатсиз, кийимсиз ва назоратсиз дайдиб юрадилар, ўқимайдилар. Булар каторгалар, меҳнат уйтари ва, ниҳоят, Поргланда турмаси ва сургуналар учун яхши кандидатлардир».

Гринвуд «Жулдур кийимли бола» повестида ҳам қашшоқлик ва дайдилик кишиларни жиноий ишларга етаклашини ишонарли қилиб акс этдиради. Табиатан соғдил ва аҳлоқли бўлган Жим машаққатли ҳаёт йўлида ёмон шароитнинг таъсирига дуч келади. Охири у ёмон йўлга кириб кетади ва ўғирлик қила бошлайди. Бунга фақат Жимнинг ўзи айборми? Автор ана шу саволга ўз асарида тўлиқ жавоб беради ва бунга фақат Жим эмас, балки ўша мұхит, шароит айбдор эканини исботлаб беради. Отасининг жуда камбағаллиги, оиласидаги доимий жанжаллар, доим ароқ ичиб маст бўлиб юрагиган ўгай онанинг хўрлашлари ва шу кабилар Жимнинг уйдан қочиб кетишига ва кўчаларда дайдиб юришига сабаб бўлади.

Тўғри, инглиз ҳукумати камбағалларга «ғамхўрлик» қилади: худойихоналар, фариҳоналар ва иш уйлари ташкил этилади. Бироқ буларда турмуш шароити шу қадар даҳшатли бўладики, Жим кўчаларда дайдиб юришини афзал билади, иш уйларининг каторгадан бадтарлигини кўради.

Шундай қилиб, буржуа давлатининг қонунлари, кўпчилик кишиларнинг моддий жиҳатдан таъмин этилмаган ҳаёт шароити дайдиликка, қашшоқликка, ўғирликка олиб келишини кўрамиз. Китобнинг охирида кичкина Жим муттаҳам Гапкинс қўлидан қутулиб, меҳнат билан кун кўрувчилар орасига тушгани, ўғирлик қилишдан бутунлай воз кечгани, ишга кирганлиги тасвиrlанади.

Жулдур кийимли боланинг тарихи нақадар ҳаётйи ва ҳаққоний акс этдирилганини Гринвуднинг бошқа кузатувлари ҳам тасдиқлайдики, буларни боқимсиз болалар ҳақида ёзилган очерклардан ҳам билиб олиш мумкин.

«Лондонда икки турли боқимсиз болалар дайдиб юришади,— деб ёзади у,— «үйи борлар» ва «үйсизлар». Улар орасидаги фарқ уй итлари билан кўча итлари орасидаги фарқдан кўп эмас».

Боқимсиз қолган Жим ҳам худди ана шундай оғир шароитда яшайди: гоҳ икки ўртоғи билан форда, гоҳ юқ ташувчининг аравасида, баъзан эса зах ерларда ётиб юради. Кундуз кунлари эса у Ковентгарден бозорида қўлига илингандар нарсани ўғирлаб ёинки ташландиқ овқатларни еб кун кечиради.

«Боқимсиз болалар асосан ташландиқ овқатларни еб кун кўрадилар,— деб ёзади Гринвуд ўз очеркида.— Бу чириндилар улар учун гўё заҳарли хусусиятларини йўқотиб, эса бўладиган овқатдай эди».

Ҳа, оч болаларгагина шундай кўринарди. Ҳақиқатда эса бундай даҳшатли шароитга бардош беролмай кўпдан-кўп боқимсиз болалар ўлиб кетарди. Шунга қарамай, Лондонда уларнинг сони камаймасди. Ўлган болаларнинг ўрнига ҳаёт янги дайди болалар тўдаларини вужудга келтираверарди.

«Агар ўлим бугун эрталаб бу ирkit жулдур кийимли болаларнинг ҳаммасини олиб кетса ҳам, эртаси куни бозорларда яна ўшанча сон-саноқсиз болалар ўз ризқини хандақлардан излаётганликларини кўриш мумкин эди»,— деб ёзади Жемс Гринвуд.

## 6

Гринвуд инглиз меҳнаткашлариинг болалари жуда ёмон аҳволда ҳаёт кечиришга маҳкум этилганликлари тўғрисида кўпгина аччиқ ҳақиқатларни баён қиласди. Унинг китоби кишида кўп қайфули ҳиссиётлар уйғотади. Шунга қарамай «Жулдур кийимли бола» повести кишида маъюслантирадиган, умидсизлантирадиган таассурот қолдирмайди. Повесть ёзувчининг ҳар қандай ҳаёт синовларида ўзини йўқотмайдиган, руҳан тетик, келажакка ишонч билан қарайдиган оддий кишиларга қизғин муҳаббати билан суғорилган.

Китобни ўқиган киши то охирги саҳифасига қадар жулдур кийимли боланинг бахтесизликларига ачинади, кайғу-аламларига ҳамдард, бир бураа ион ёки тунашга жой топган пайтларида унинг қувончига шерик бўлади. Кичкина Жим ҳатто энг оғир минутларда ҳам умидсизланмайди, мардлигини йўқотмайди. Унинг қувноқлиги ва дилкашлиги, кишиларга нисбатан тўғри ва яхши мусносабатлари унинг содик дўстлар ва ўртоқлар топишига ёрдам беради, бу дўстлар ва ўртоқлар уни кўп марта турли офатлардан сақлаб қоладилар. Китобнинг сўнгги саҳифасига қадар жулдур кийимли боланинг ҳаёт синовларига бардош бера олишига, ҳаётий курашда ғолиб чиқишига ишончимизни йўқотмаймиз.

Максим Горький ўзининг «Кишилар орасида» деган автобиографик повестида Гринвуднинг «Жулдур кийимли бола»си ўзида қанчалик катта таассурот қолдирагини ҳикоя қиласади. У бу китобни ўспиринлик пайтида ўқиб чиқсан. Алёша Пешков ҳар бир қадамда, эски дунёнинг ифлосликларига ва ярамасликларига дуч келган лондонлик боланинг фожиали тақдиди кўп жиҳатдан ўз бошидан кечирганларига ўхшашлигини кўради. Гринвуднинг китоби уни умидсизлантирмайди. Аксинча, бу китоб уни руҳан тетикланитиради, инсоннинг ҳар қандай синов ва мусибатларга чидай олишига ишончини мустаҳкамлайди.

Горький «Кишилар орасида» повестида бир танини бичувчи аёл турли қизиқарли китоблар берганлигини, бу китоблар кутилмаганда кенг ва катта дунёни кўриш учун унинг кўзини очганлигини хотирлайди.

«Бир неча кундан кейин,— деб ёзади Горький,— бу аёл менга Гринвуднинг «Жулдур кийимли боланинг сарузашти» китобини берди; китобнинг сарлавҳаси менса алати туюлди, бироқ биринчи саҳифасини ўқишимидаёқ албимда қизиқиши иштиёқи уйғонди, китобни охирига завқ-шавқ билан ўқиб чиқдим, баъзи саҳифаларни аки, уч мартараб ўқидим...»

Гринвуд руҳимга тетиклик баҳш этди...»

Гринвуднинг китоби бундан кўп йиллар муқаддам ёзилган, унда ўтмиш ҳикоя қилинади. Бироқ ёзув ўзининг ёш қаҳрамони тилидан ҳикоя қиласан яратади, ҳаёт кўринишлари капиталистик мамлакатларда, жумладан Англияда ҳали ҳам давом этиб келма.

Ишсизлик ва қашшоқлик, болалар боқимсизлиги ва саноат корхоналарида болаларнинг оғир меҳнати каби ижтимоий оғатлар бутун дунёда социалистик тузум ғалаба қылгандан кейингина бутунлай йўқотилиши мумкин.

*E. Брандис*



## Ўгай она

Олти ёшда эдим. Онам ўлиб қолди; отам бошқа хотин олди, ўгай онам сержаҳл, ишёқмас ва маккор аёл эди. Унииг номи миссис<sup>1</sup> Берк эди. У кун бўйи менга оғир ишлар қилдирав, бола боқтирав, қудуқдан сув таштидирав, уй супуртирав, дўконга югуртиради — шунча иш қилсан ҳам менга яхши қарамасди.

Отам рўзгорга харажат қилиш учун ҳар куни эрталаб унга пул қолдириб, ишга кетарди; у эса пулни ароққа сарфларди, ўтакетган ароқхўр эди, ичмаган куни йўқ эди. Отамни алдаш учун у мени дўконга юбориб, арзимаган пулга эски суюклар сотиб олдирав, отам уйга келгач, уларни кундуз куни еган овқатимииздан чиққан суюклар, деб кўрсатарди.

Отам доим кечқурун уйга қайтарди. У бозорда бир бой сабзавотфурушнинг дўконида сотувчи бўлиб ишлар, хизматдан жуда ҷарчаб келарди. Доимо унга кечқурун иссиқ таом ҳозирлаб қўйилар эди; мен эса ҳар кун фақат бир бурда нондан бошқа нарсани татимасдим, бир тишлам гўштга кўнглим суст кетар эди, отам овқатланаётганида бирор бўлак гўштини бермасмикин, деб унга термилиб ўтирадим. Отамнинг ўз тарелкасидан менга бирор нарса бераётганини кўриб қолса, ўгай онам дарров ёлғон ёғдиради:

<sup>1</sup> Миссис — эрли хотинларга мурожаат этганда ишлатиладиган сўз.

— Оқ, азизим жемс,— дерди у,— болага ҳадеб овқат бераверманг: бўкиб қолади, касал бўлиб қолиши мумкин! Улгудек очкўз бўлибди. Бугун тушда уч марта катта-катта бўлак гўшт бердим, иккни киши еса тўярди унга.

— Бу қандай ярамас бола чиқди-я!— деб қичқирапди отам.— Бир ой овқат емагандай, олдимда ўтириб олиб, оғзимга термилади-я! Бориб ухла, мечкай, бўлмаса хипчин билан савалайман!

Узимни оқлаш учун ҳеч нарса дёёлмай, оч ҳолда ухлагани ётар эдим.

Бир марта ўгай онам менга жуда ёмон қабиҳлик қилди. Уйимизга бир хотин меҳмон бўлиб келди, отам тушки ва кечқурунги овқат учун қолдирган пулга иккаласи ароқ ичишди. Меҳмон кетди, ўгай онамнинг кайфи бир оз тарқалгач, у кўрққанидан ташвишга тушиб қолди: ахир онла овқатсан қолдирилганини билса отам уни қаттиқ уришарди-да. Бундан ташқари, отамга кечки овқат пишириш учун пул толиши зарур эди, бироқ уни қаердан топади?

Угай онам йиғлай бошлади, кишининг раҳманин келтирадиган даражада нола қилиб, оҳ-воҳ тортаверди.

— Шўрим қурсин мен баҳти қаронинг, энди нима қиласман?— деб йиғлади у.— Ҳадемай отанг қелиб қолади, жоним Жимми! Бир оздан кейин келади уйга! Унга овқат қиломайман, ўлгудек уради энди мени! Баҳтсизман, пешонам қурсин!

Унинг кўз ёшлари менинг раҳмимни келтирди, айниқса «жоним» деганидан кейин кўнглим эриб кетди. Мен унинг олдига бордим-да, юпатишга ҳаракат қилиб, бинор ёрдам беролмасмикинман, дедим.

— Сен шунчаки гапирасан, холос, Жимми,— деди у,— ичигда бутунлай бошқа нарсани ўйлайсан. Менга раҳминг келмаслиги ҳам тўғри; сени доим уриб-силтаб келдим! Оҳ, шу балодан қутулсам, сенга қўлимни ҳеч қачон тегизмас эдим!

Угай онамнинг хоксорлик билан афсусланиши юрагимни бадтар эзиб юборди.

— Қандай ёрдам кераклигини айтсангиз бўлди, ҳаммасини бажараман,— дедим унга астойдил.

— Ёрдам беришга-ку, ёрдам бера оласан-а, Жимми

жоним, лекин шуни сендан сўрагим келмаяпти да. Ма сенга, бир ярим пенс<sup>1</sup>, хоҳлаган нарсангни олиб е.

Миссис Беркнинг сахиyllиги мени довдиратиб қўйди, нима билан ёрдам берсан бўлади, деб ундаи яна илтимос қила бошладим.

— Биласаними, ўргулай,— дея гап бошлади шиҳоят у,— отанг ишдан келганда унга: аям синглимга дори келтириш учун қўлимга пул бериб, аптекага юборган эдилар, пулни йўқотиб қўйдим, десанг бўлгани. Шундай дейни сенга қийинлик қилмас дейман, қўзичогим?

— Отам мени дўппосласа чи?

— Йўг-э, айланай! Нега дўппослар экан? Ахир, мен ёнингда бўламан-ку! Мен отангга бир новча муттаҳам буни туртиб юбориб, қўлидан пулинни олиб қочиб кетибди, бунда ҳеч қанақа айб йўқ, дейман. Шундан кейин отанг сени урмайди, хотиринг жам бўлсин! Ҳозирча бир оз ўйнаб кел, бир ярим пенсингга хоҳлаган нарсангни олиб е.

Кўнглим потинч бўлса ҳам кўчага чиқиб кетдим.

Ўгай онам отамга пул йўқотиш воқиасини бафуржа гапириб бериши учун шу куни ўйга атайнин кеч қайтдим.

Ўйга келишим билан отамни эшик олдида кўрдим. У қўлига қайиш тутиб турар эди.

— Бу ёққа кел-чи, ярамас!— деб бақирди у қулоғимдан ушлаб олиб.— Пулинни нима қилдинг? Гапир!

— Йўқотиб қўйдим, ота!— дедим қўрқа-писа, миссис Беркка ёлворгансизман назар ташлаб. У ҳозир менинг ёнимни олади, деб умид қилдим.

— Йўқотдим? Хўш, қаерда йўқотдинг?

— Поллига дори олмоқчи эдим, бир новча бола мени туртиб юбориб, пулни олиб қочиб кетди.

— Ёғон гапга ишонишади, деб ўйлаяпсанми?— деб қичқирди отам ғазабдан кути ўчиб.

Отамнинг ишонмаслиги мени таажжублантирмаганди, аммо ўгай онамнинг гапи мени ҳайратда қолдирди:

— Бу бемаъни гапини менга ҳам айтган эди у. Ундан сўрангчи, Жемс, шу пайтгача қаерда юрган экан, қўйлагидаги ёғ доғи нимадан?

Кўйлагимда ростдан ҳам ёғ доғи бор эди, бир ярим пенсга ёғлиқ пирожкка олиб еб, лоғ түширган эдим.

<sup>1</sup> Пенс — чақа шул.

2 Жемс Гривул

— Уғри! — деб қичқирди отам.— Сен ҳали пулимни ўғирлаб, ўзингни зиёфат қиласидиган бўлиб қолдингми?

— Ҳа, шунақага ўхшайди,— деди аглаҳ хотин.— Унинг адабини бериб қўйсангиз ёмон бўлмасди.

Отам мени қалин қайиш билан савалаб, баданларимни кўқартиргунча ўгай онам томоша қилиб турди. Додлаб, отамга пул тўғрисидаги ҳамма гапларни гапирдим, бироқ у менниг гапимга қулоқ солмади, чарчагунича савалади. Ниҳоят, савалай-савалай чарчагач, мени қоронги хонага қамаб, устимдан қулфлаб қўйиши, кечқурунгача шу ерда ётдим. Шунда ўгай онамга бўлган иафратим қанчалик тўлиб-тошганини билсаигиз эди! Шу қадар дарғазаб бўлдимки, калтак зарбидан қонталаш бўлган баданларимнинг оғриғини ҳам сезмаётгандек эдим.

Отам бу маккор аёлга жуда ишонар, уни түққан онамдек яхши кўришимни талаб қиласди. Кунларнинг биринда кечқурун отам уйга ёшгина бир киши билан кириб келди, мени бир шиша ром олиб келишига буюрди. Мен ромни олиб келгач, меҳмон уни стаканларга қўйди, отам ва ўгай онамнинг соғлиғи учун, уларга баҳт тилаб, ича бошлади. Бу мени мутлақо қизиқтирилмас эди, хонадан чиқиб кетмоқчи бўлган эдим, отам мени тўхтатди.

— Бу ёққа кел-чи, Жим,— деди у.— Кўряпсанми, анати ўтирган аёл ким?

— Кўряпман,— деб жавоб қайтардим.— У ўгай онам, миссис Берк.

— Уни ўгай дея кўрма. Ўгай эмас у сенга! — деб бақирди отам.

— Бўлмаса ким? — деб сўрадим.

— Онанг бўлади, уни она деб айтишинг керак! Худди ўз онанг каби уни севишинг керак. Қани, бориб бир ўп-чи.

Отамнинг бу сўзлари кишини хафа қиласидиган сўзлар бўлмаса ҳамки, ўзимни тутолмай, ўпкам тўлиб ўйглай бошладим.

— Бу ярамас нега пиқиллаяпти энди? — деб қичқирди отам.

— Уни ўз ҳолига қўя қол, азизим,— деб аралашди ўгай онам.— Ўлгудек ўжар бола... Унинг ўтакетган ярамаслигини ўзинг ҳам яхши биласан!

Жуда ҳам хўрлигим келди, чунки марҳум онамни

бөхад яхши кўрардим, бу бўлмагур, маккор хотинни она деб аташга ҳеч тилим бормасди.

Отамнинг жаҳли чиқди, столни мушти билан урди.

— Бўлди, қўйинглар, болага ҳужум қилавермаиглар,— деди меҳмон.— Ўнинг ёши нечада, Жемс?— дея мурожаат этди отамга у.

— Еттига қадам қўйди.

— Ҳе, ўзини-ўзи боқа оладиган бўлиб қолибди-ку.

— Бўлмасам-чи, аллақачонлар пайти келган!— деб бидирлади ўгай онам.— Қаранг, кап-катта болал Пул топадиган пайти. Бекор юргани бас энди.

— Ҳали ҳам ишлаяпти-ку,— деди отам норози оҳангда,— уззукун Поллини боқади.

— Шу ҳам иш бўптими? Мўмингина болани қўлига олиб ўтиради-да. Қўпинча уни ёлғиз қолдириб, болалар билан ўйнагани-ўйнаган.

— Мен сизларга айтсан,— деди меҳмон жиддий оҳангда,— дунёда бола боқишдан ёмон иш йўқ! Мени ҳам бир вақтлар шунга мажбур қилишган эди, лекин бир амаллаб бу ишдан воз кечганман. Ҳатто кейин кишилар қўлида вовулловчи бўлиб ишлашга ҳам рози бўлганман.

Яхши меҳмон шу гапларни гапира туриб, қўлимга секингина пул тутқизди. Мен шу пулга бир маза қилишни ўйлаб, катталарнинг суҳбатига эътибор қилмай қўйдим ва уйдан аста чиқиб кетиш йўлини ахтара бошладим. Бироқ меҳмоннинг ит каби вовуллаш ҳақида-ги сўзлари бутун хаёлимни банд қилиб олган эди. Болага қарашдан кўра ит бўлиб вовуллашга мен ҳам жон-жон деб рози бўлардим. Бироқ менинг вовуллашим кимга керак бўларкин? Чўпон қўйларни ҳайдаганда болалар ит каби вовуллашиб, хириллашиб подани ҳайдашга кўмаклашганларини кўргандим. Бироқ бу хизмат учун ҳақ тўланиши ҳеч қачон хаёлимга келмаган эди. Чўпон нега болаларни вовуллаш учун ёлларкан? Чинакам ит боқиши унга арzonроққа тушмайдими, деб ўйлаб кетдим. Бироқ меҳмон, болага қарандан кўра ит бўлиб вовуллаган яхшироқ, деди. Менинг қандай яшаётганимни, отам менинг тўғримда ғамхўрлик қилмаётганини, золим ўгай онам мени қанчалик қийнаётганини ҳали бу меҳмон билмасди! Бола боқиши унга кўнгилсиз туюлган бўлса, мен учун ҳақиқий қийноқ, азоб эди.

## II

### *Янги кулфатлар. Қочиш*

Кичкина Полли менга ҳатто кечалари ҳам тинчлик бермасди. Қеч бўлиши биланоқ уни тўшагимга ётқизишарди, мен ухлашга ётганимда уни ўйғотиб қўймаслик учун жуда эҳтиёт бўлардим. Бахтимга, ўйғонмай қолгани пайтларида фақат уч-тўрт соатгина тинч ухлай олардим. Қечаси соат иккиларга бориб у ўйғонар, қаттиқ чинқириб йиғлай бошларди. Уни ҳеч овутиб бўлмас, дарров овқатлантириш лозим бўларди. Тўшагимиз олдига сариёғ суртилаган бир бурда нон ва бир кўвача сут қўйнишарди. Овқатланаётганиша қизча бирпас тинчирди. Аммо кечалари уининг иштаҳаси зўр бўлар, овқатнинг ҳаммасини еб қўйиб, яна қичқира бошларди. Ҳеч қандай эркалаш, аллалаш ёки тебратиш уни тинчита олмас эди.

— Ойи! Ойи! Ойи! — деб бақирганини кўчанинг нариги бошидан эшитиш мумкин эди. Уни тинчлантириш учун кўп овора бўлардим.

— Полли, мен билан сайр эткинг келмайдими? — деб сўрардим ундан баъзан. Ҳаво очиқ, ойдин тунларда у бунга рози бўларди. Биз ростакамига сайр қиласмасдик, албатта. Лекин Полли бунинг маъносига тушунмас эди. Биз ростакам кўчага чиқиб кетаётган киншилардек кийинардик. Унга ўгай онамининг шляпасини кийгизардим, елкасига эса ўзимнинг калта камзулимни ташлардим. Мен ясанган бўлиб, отамнинг тўшагимиз тагида ётадиган эски шапкасини кийиб олар эдим. Кийиниб бўлганимиздан кейин ўгай онамнинг овозига ўхшатиб:

— Жимми, Поллини сайр қилдир, конфет дўконини кўрсат унга! — дердим.

Кейин ўз овозим билан жавоб қайтарган бўлардим:

— Кийиниб бўллик, ҳозир жўнаймиз!

Шундан кейин сайр қилишга кетган бўлардик-да, жўрттага эшикни топа олмас эдик. Муҳими ҳам шу эди. Биз конфет сотиб олиш учун кўчага ниқишиниз лозим, бироқ эшикдан чиқа олмасдик. Поллига кийгизилган катта шляпа бу ишда менга ёрдам берарди. Полли шу тарзда менинг қўлимда ярим соатча «сайр этиб», ухлаб қоларди. Мен уни секингина тўшакка ётқизардим. Баъзан шундай бўлардик, Полли сайр этишга кўнмасди, ана шунда ёмон бўларди. Конфет олиб берман деб овутишларим, ит бўлиб ҳуриш мушук бўлиб миёвлаш, курка, чўчқа боласи, жўжа бўлиб чийиллаш ва қичқиришлар ҳаммаси кор қилмас эди: у ҳеч нарсага қулоқ солмай, ҳеч нарсага қарамай, овозининг борича «нанна» деб қичқираверарди. Сарнёғ суртилган нонни «нанна» дерди. Мен куйиб-пиншиб, қанчаки алдаб-сулдашга уринмай, у ҳадеб ўша сўзни тақорлаб бақираверарди. Шундай пайтларда девор дукилларди: ўгай онам таёқ билан деворни уриб, қичқираварди:

— Бола бечорани нима қиляпсан, шум така?

— «Нанна» бер деяпти.

— Деса нима бўлти, ўрнингдан иргиб туриб, олиб бера қолмайсанми, дангаса!

— Нимани олиб берай? Еб бўлди-ку!

— Еб бўлди?! Ёлғон! Сен яна ярамас қилингингни бошлагангага ўхшайсан. Гўдакнинг овқатини паққос саб қўйгансан! Ҳозир тинчлантир уни, жаҳлимни чиқарма, бўлмаса адабингни бериб қўяман!

У боплаб адабимни беришини яхши билардим, шунинг учун ўпкам тўлиб йиғлардим, тинчлана қолгин, деб Поллига ялниардим. У қулоқ солармиди! Онасининг овозини эшитиб, бадтарроқ бақираварди. Қўшни



## II

### *Янги кулфатлар. Қочиш*

Кичкина Полли менга ҳатто кечалари ҳам тинчлик бермасди. Қеч бўлиши биланоқ уни тўшагимга ётқизишарди, мен ухлашга ётганимда уни ўйғотиб қўймаслик учун жуда эҳтиёт бўлардим. Бахтимга, уйгонмай қолгани пайтларида фақат уч-тўрт соатгина тинч ухлай олардим. Кечаси соат иккиларга бориб у ўйғонар, қагтиқ чинқириб йиғлай бошларди. Уни ҳеч овутиб бўлмас, дарров овқатлантириш лозим бўларди. Тўшагимиз олдинга сариёғ суртилган бир бурда нои ва бир кўвача сут қўйишарди. Овқатланаётганида қизча бирпас тинчирди. Аммо кечалари ушинг иштаҳаси зўр бўлар, овқатнинг ҳаммасини еб қўйиб, яна қичқира бошларди. Ҳеч қандай эркалаш, аллалаш ёки тебратиш уни тинчита олмас эди.

— Ойи! Ойи! Ойи!— деб бақирганини кўчанинг нариги бошидан эшитиш мумкин эли. Уни тинчлантириш учун кўп овора бўлардим.

— Полли, мен билан сайд эткинг келмайдими?— деб сўрардим ундан баъзан. Ҳаво очиқ, ойдин тунларда у бунга рози бўларди. Биз ростакамига сайд қилмасдик, албатта. Лекин Полли бунинг маъносига тушунимас эди. Биз ростакам кўчага чиқиб кетаётгани кишилардек кийинардик. Унга ўгай онамнинг шляпасини кийгизардим, елкасига эса ўзимнинг калта камзулимни ташлардим. Мен ясанган бўлиб, отамнинг тўшагимиз тагида ётадиган эски шапкасини кийиб олар эдим. Кийиниб, бўлганимиздан кейин ўгай онамнинг овозига ўхшатиб:

— Жимми, Поллини саир қилдир,  
конфет дўконини кўрсат унга! — дер-  
дим.

Кейин ўз овозим билан жавоб қай-  
тарган бўлардим:

— Кийиниб бўлдик, ҳозир жўнай-  
миз!

Шундан кейин саир қилишга кет-  
ган бўлардик-да, жўрттага эшикни  
топа олмас эди. Муҳими ҳам шу эди.  
Биз конфет сотиб олиш учун кўчага  
чиқишмиз лозим, бироқ эшикдан чи-  
қа олмасдик. Поллига кийгизилган  
катта шляла бу ишда менга ёрдам бе-  
рарди. Полли шу тарзда менинг қў-  
лимда ярим соатча «саир этиб», ух-  
лаб қоларди. Мен уни секингина тў-  
шакка ётқизардим. Баъзан шундай  
бўлардик, Полли саир этишга кўн-  
масди, ана шунда ёмон бўларди. Конфет олиб бе-  
раман деб овутишларим, ит бўлиб ҳуриш, мушук  
бўлиб миёвлаш, курка, чўчқа боласи, жўжа бўлиб  
чийиллаш ва қичқиришлар ҳаммаси кор қиласи эди: у  
ҳеч нарсага қулоқ солмай, ҳеч нарсага қарамай. ово-  
зининг борича «нанна» деб қичқираверарди. Сариёғ  
суртилган нонни «нанна» дерди. Мен куйиб-пишиб, қан-  
чаки алдаб-сулдашга уринмай, у ҳадеб ўша сўзни так-  
рорлаб бақираверарди. Шундай пайтларда девор ду-  
килларди: ўгай онам таёқ билан деворни уриб, қичқи-  
рарди:

— Бола бечорани нима қиляпсан, шум така?

— «Нанна» бер деяпти.

— Деса нима бўпти, ўрнингдан иргиб туриб, олиб  
бера қолмайсанми, дангаса!

— Нимани олиб берай? Еб бўлди-ку!

— Еб бўлди?! Ёлғон! Сен яна ярамас қилиғингни  
бошлаганга ўхшайсан. Гўдакнинг овқатини паққос  
еб қўйгансан! Ҳозир тинчлантири уни, жаҳлимни чи-  
қарма, бўлмаса адабингни бериб қўяман!

У боллаб адабимни беришини яхши билардим, шу-  
нинг учун ўпкам тўлиб йиглардим, тинчлана қолгин,  
деб Поллига ялинардим. У қулоқ солармиди! Онаси-  
нинг овозини эшиитиб, бадтарроқ бақираварди. Қўшини



хонада қадам товушини эшитиб, қўрқувдан титрадим. Шунда эшик ғижирлаб очилар, ғазабга тўлган ўгай онам тунги кўйлагида ёнимга келиб, гап-сўзсиз менга ташланарди ва яланғоч баданимга аямасдан мушт тушира бошларди. Бошимни ёстиққа босиб урганидаи, овозим чиқмас эди.

У мени ураётганини отам билмас эди: ўгай онам ҳадеб, агар болага қўйилган овқатни яна еб қўйсанг сени дўппослайман, деб қаттиқ қичқирап ва бу билан мени ўлгудек калтаклаётганини сездирмасликка тиришарди.

— Унга қуруқ пўпса қилиб ўтиришнинг нима фойдаси бор?— деб қичқирапди отам қўшни хонадаи.— Жагига солсанг-чи у ярамас мечкайни, бўлмаса сенинг гапларингни назар-писанд ҳам қилмайди.

— Тоқатим ҳам тоқ бўлди энди!— дея жавоб қайтарарди ўгай онам.— Яна шундай қилгин-чи, сен ярамас!

Шундан кейин у ўз хонасига чиқиб кетарди ва отамга дерди:

— Уришнинг фойдаси йўқ, Жемс. Уриш билан болани тузатиб бўлмайди.

Шуниси қизиқки, ўгай онам мени дўппослагандан кейин Полли йигндан тўхтаб, ҳеч нарса бўлмагандек, ухлаб қоларди. Буни отам сезиб, агар истаса ростдан ҳам болани тинчлантира олади, деб ўйларди. Кунларнинг биринда мен чидай олмай, ўгай онамдан шикоят қилдим.

— Сенга ҳеч ҳам раҳмим келмайди,— деб жавоб қилди отам.— Сен ўжар, ярамаснинг адабингни бошқачароқ қилиб бериш керак.

— Майли,— дедим унга,— мени қачонгача эзиб юаркин, катта бўлсан кунини кўрсатиб қўяман унга.

Отам менга қараб кулиб юборди.

— Катта бўлганимда эди,— дедим отамнинг кулгисидан дадилланиб,— унинг тумшуғига солардим, оёғинн синдирадим! Ундан нафратланаман.

— Аҳмоқона валдирашни бас қил,— деб сўзимни бўлди отам.

— У ҳамма вақт сизга ёлғон гапиради. Бир минут ҳам бўшатмай, доим Поллини менга ташлаб қўяди!

— Болага қарашиб шунча қийин бўптими! Бошқа сен тенгилар ишлаб пул топишяпти!

— Мен ҳам ишлашни хоҳлайман, ота!

— Хоҳлайман эмиш! Ишни қидириш керак, иш кишининг олдига ўзи келмайди. Сен ҳали ухлаб ётган пайтларда, эрталаб соат тўртларда бозорга борганимда, сендан икки ҳисса кичикроқ болаларни учратаман. Чойчақа ишлаб топсалар, овқатланадилар, топмасалар, оч юраверадилар.

— Менинг тузукроқ шимим йўқ, пайпогим ҳам, этигим ҳам йўқ, ота. Мен қандай қилиб иш излай оламан.

— Аҳмоқсан, аҳмоқ! Ишлаш учун ясаниб юриш керак деб ўйлайсанми? Мен айтган болаларнинг ҳаммаси яланғоч юришади, катталардан қолишмай ишлашади, балиқ, картошка ташишади, қайнұларни, юк ортилган араваларни қўриқлашади. Сен эса олифта бўлиб оқ кўйлак, юмшоқ қўлқоп кийиб ишлашни хаёл қиласан! Чакки эмассан!

Отам энсаси қотиб, мендан юз ўгириди-да, кетди.

Ўгай онамнинг зулми кундан-кун ортиб борарди. Айниқса, кунларнинг бирида отам уни маст кўриб қолгач, урганидан кейин ўгай онам менга нисбатан мутлақо раҳмисиз бўлиб қолди. Агар кекса кир юувучи хотин миссис Уинкшипнинг менга раҳми келмаганида ҳамма вақт кун бўйи оч юришга тўғри келарди. Миссис Уинкшип менинг ўз онами илгаридан яхши биларди, уни ҳамма вақт мақтарди: «У отангга жуда меҳрибои эди, отанг эса мана бу заҳар, маккор Беркка меҳрибон», — дерди у. Мен кўпинча ўзимнинг дард-аламларимни миссис Уинкшипга айтардим, у мени ошхонасига чақириб, қолган овқатидан берарди. Баъзан Поллини қўлига олиб, бироз ўйнагушимча уни овутиб турарди.

Мен миссис Уинкшипдан «вовулловчи» деб қандай кишини айтишади, деб сўрадим. У менга тушунтириб, мол сотувчи киши томонидан ёлланган, мол юклangan аравачани тортиб юрувчи, хўжайин бозордан турли нарсалар олгунча унга қараб турувчи, кейин харидорлар чақириб туриш учун қичқириб турувчи болани вовулловчи деб аташади, деди.

— Сиз кўрган энг кичик «вовулловчи» неча ёшда эди? — деб сўрадим қизиқиб.

— Неча ёшда эди? Сендан кичиклари ҳам бор эди. Аммо катта-кичикликнинг аҳамияти йўқ. Мұхими — янгроқ овози бўлиши керак.



Миссис Уинкшии сотувчи учун молини қаттиқ ва ёқимли овоз билан бақириб мақташ қанчалик аҳамиятга эга эканлиги түғрисида күп гапирді. Ҳар бир нарсанын ўзига мос овоз билан қичқириб, харидорға маълум қилиш керак, деди у. Қўмир сотувчи мана бундай қичқиради, сут сотувчи эса мана бундай қичқиради, деб қичқириб кўрсатди.

Шундан кейин мени, менинг янгроқ овозим бормишини, деган савол қийнай бошлади. Үгай онам яхши ашулачи ҳисобланарди, мен ундан бир неча қўшиқни ўрганиб олтани эдим, назаримда шу қўшиқларни ёмон куйламасдим. Бироқ ким билсни, балки менинг ово-

зим қўшиқ айтишга ярар, балиқ ёки меваларни сотини учун қичқириб туришга ярамас! Қандай бўлса ҳамки, ўгай онаминг зулмидан, қалтаклашидан қочиш ҳақида ўйлардим, «вовулловчи» бўлишдан бошқа иш қилишини ҳаёлимга ҳам келтирмасдим. Бир неча марта гоҳ у, гоҳ бу нарсани кўтариб юриб, сотувчига тақлид қилиб қичқириб кўрдим, бироқ овозим яхиними ёки ёмоими — бунга ишонч ҳосил қила олмадим.

Бир куни Поллини зинапояда кўтариб ўтирган эдим, шу қадар ҳаёлга бериллиб кетибманки, бола бечора қўлимдан тушиб, бақирганича зинапоялардан пастга дўмалаб кетди. Миссис Берк буни эшитиб, жон-жаҳди билан менга томони отилди. Менинг гапимга мутлақо қулоқ солмай, ҳатто болани полдан кўтариб ҳам олмай, сочимдан тутиб, бир неча марта бошимни деворга урди. У қулогимдан ушламоқчи бўлган эди, мен чап бердим, фақат чаккамни тирнаб, қонатиб юборди. Шундан кейин у муштлари билан дўппослай бошлади, бармоқлари билан бурнимни бураб ташлади. Оғриқ жон-жонимдан ўтиб кетди. Қўлидан чиқиб, бармоғини тишлиб олдим. У додлаб мени қўйиб юборди. Фурсатдан фойдаланиб, кучимнинг борича кўчага қочдим.

### III

## *Кепқурун Смитфилд бозорида. Таҳликада қолганым*

Миссис Берк орқамдан қувладими-қувламадими билмайман. Орқамга ҳам қарамай қочавердим. Кирчи хотин миссис Уинкшип мени кўриб қолди, бўздек оқарган юзимга қараб қўрқиб қочаётганигимни пайқаб, деди:

— Қоч, Жимми, тезроқ югур, қувиб етмасинлар!

Тор кўчамидан юрганимча Тернмилл кўчасига чиқиб олдим, кейин Смитфилд бозори томонга бурилдим. Миссис Берк одам кам кўчада мени қувиб етиши турган гап эди, бозор майдонининг тор йўллари ва пастқам жойларидан эса мени сира топа олмасди.

Бозор майдони тинч ва кимсасиз эди. Мен бу майдонни яхши билардим, ўртоқларим билан бу ерда кўп ўйнар эдим. «Чўчқа бозори»да болалар ўйнашни истамас эдилар, бу эсимга тушиб қолиб, шу ёққа жўнадим. Бир ёпиқ дўконнинг зинапоясига чиқиб, атрофга қарадим. Миссис Берк ҳеч қаерда кўринмасди. Қаттиқ югуғанимдан ҳаллослардим, оғриқ ва аламдан йиглаб юбордим. Кўз ёшларим тирналган юзимдан оқаётгани билан аралашиб томчиларди. Сочларим тўзиган, бош кийимим йўқ, оёқларим лой, курткам эса йиртиқямоқ. Илиқ май оқшомида мен ана шу ҳолатда «чўчқа бозори»даги зинапояда ўтирадим.

Дастлабки ярим соат ичида хаёлим, миссис Берк бирор бурчакда яшириниб, мени пойлаб ўтирибди-ю, тўсатдан устимга ташланиб қолади, деган ўй билан банд бўлди. Ҳар тарафга аланглаб, хавотирланиб тикилардим, ҳар бир шарпадан қўрқиб чўчиб тушардим.

Вақт ўтаверди, душманимнинг эса ҳеч қаерда қораси кўринмади. Оз-моз тинчландим, соат тўргга занг урганини эшишиб, нима қилишим кераклиги ҳақида ўйлай бошладим. Уйга борасаммикин? Йўқ, мумкин эмас! Ўгай онам ўлгудек уради. Энди мени истаганича қийнаши мумкин, тишланган бармоғини отамга кўрсатади, унинг нима дейиши аниқ, ўзимни нима деб оқлаш оламан? Мен унинг бармоғини қаттиқ тишлаб олган эдим, бу ёмон бўлди. Бундан ташқари, болани йиқитдим. Ахир, менга болани маҳкам ушлаб, тўғри ўтиришини буюрган эдилар, мен эса қўлимдан тушириб юбордим, у лат еди, балки қаттиқ лат егандир. Бечора Полли! Йиқилиб, қаттиқ чинқирганича қолди; балки унинг суяклари сингандир. Балки шунинг учун ҳам ўгай онам ортимдан қувмагандир. Йўқ, уйга қайтиш ҳақида ўйлаш беҳуда!

Аммо қаерга бораман? Кўча қоронғилаша бошлади. Фонарларни ёқишига киришишди. «Чўчқа бозори»да ўтиравериш ноқулай. Бошқа бозорга ўтдим, у ерда яна анча вақтгача ўтиредим, нима қилсан экан, деб кўп ўйладим. Қоронги тушиб қолди. Жуда ҳам очиқкан эдим. Уйга борсам нима қиларкин, деб ўйлай бошла, дим. Уйда жуда қаттиқ дўупослашган пайтлар ёдимга тушди, аммо бу галги таёққа чидай олармикинман, деб ўйладим. Тўсатдан кимдир қўлимга туртди, қарасам олдимда қандайдир эркак киши қўлида икки пенс ушлаб турарди.

— Эҳ, ирkit бола!— деди у ачинган оҳангда.— Ма, нон олиб е.

Гаажжубдан ўзимга келгунча, у қоронғиликда кўздан ғойиб бўлди. Мен ҳатто миннатдорчилик ҳам билдиrolмай қолдим, қўлимдаги пул учун унча хурсанд бўлмадим. Нега энди у: «Мана сенга икки пенс!» деб қолмади. Мени кўп кишилар ирkit бола деб атасаларда, бундан хафа бўлмасдим, аммо у нон сотиб ол деди, мени гадой ҳисоблади! Ўз иззати-нафсимии ерга урмаслик учун, йўловчи кетган томонга қараб қичқирдим:

— Нон сотиб олмайман! Нимани истасам, ўшани сотиб оламан!

Мен атайи хайр қилган кишининг хоҳишига қарши иш қилмоқчи бўлдим. Йўлда нон дўконлари олдидан ўтаётганимда юзимни тескари ўгириб, фақат ширинлик фолиб ейиш ҳақида ўйлашга ҳаракат қилардим. Ҳар бир

банкада унинг баҳоси ёзиб қўйилган эди. Олхўридаи қилинган мураббо солинган банка айниқса кўзимга иссиқ кўрниди. Банкада «Бир фунт<sup>1</sup> 18 пенс» деб ёзилашган эди. Бармоқларим билан ҳисобладаб, бу мураббонинг 2 унцияс<sup>2</sup> 2 пенс ва бир фартинг<sup>3</sup> бўлишини ҳисобладим. Бир фартинг етишмас эди, бироқ буниш аҳамияти йўқ, чунки мен икки пенсга мураббо олишим мумкин эди. Икки пенс — катта пул эди-да, ярим пенс эмас-ку, ахир!

— Менга икки пенсга олхўри мураббодай беринг!— дедим ўзимга ўзим ва дадил қадам ташлаб дўкон эшигига яқинлашдим. Аммо остонаяга қадам қўйиним биланоқ кимдир қулоқ-чаккамга тушириб қолди:

— Йўқол бу ердан!— деб қичқирди сотувчи кампир:— Ун минутдан бўён сени кузатиб туримсан, ярамас ўғри бола!

Шу сўзларни айтиб, у эшикни қаттиқ ёниб олди.

Менга жуда ҳам алам қилди. Бирор тош излаб кўчага югурдим, бу ярамас кампирнинг деразасини синдиригим келган эди. Бироқ шу минутда диморимга шундай ёқимли ҳид урилдики, ғазабим дарров тарқалди.

Ҳид қўшни закусочнаядан анқиётган эди. Афтидаи, нўхат пудинг ва ёғлиқ нон ҳозиргина таизирдан узилган бўлса керак. Бир-икки томчи мураббо учун икки пенс пулимни сарфлаб қўйганимда нима бўларди! Бир минут ҳам иккиманмай туриб, закусочнаяга кирдим ва кечки овқат сотиб олдим: ярим пенсга битта ёғлиқ нон, бир парча нўхатлик пудинг, ярим пенсга пиширилган картошка сотиб олдим. Шу заҳотиёқ овқатланмоқчи эдим, бироқ ҳимоясиз болаларнинг овқатларини тортиб олиб ейдигаи ноинсоф кишилар ҳам борлиги ҳақида эшитганларим ёдимга тушди. Шунинг учун овқатни карам баргига ўраб, уни курткамниш ичидан қўлтиғимга яширдим. «Чўчқа бозори»га келиб, бирор увоғини ҳам қолдирмай, иштаҳа билан маза қилиб едим.

Қорним яхши тўйди деб айта олмайман. Йўқ, яна буига икки баравар кўп бўлганда ҳам ердим, лекин ҳар

<sup>1</sup> Фунт — 453,6 граммга тенг иёглиқ оғирлик ўлчови.

<sup>2</sup> Унция — 28,3 граммга тенг иёглиқ ўлчови.

<sup>3</sup> Фартинг — броңзадан ясалган, пенснинг тўртдан бирига тенг чақа.

ҳолда бу овқат очилгимни бирмунча босди. Кичкина Полли яна хаёлимни банд қила бошлади. Ҳоли нима бўлди экан? Эпли у мен билан гаплаша олмас эди, йиглаган пайтларимда менга жуда раҳми келарди. Миссис Берк мени дўйностаганда кичкина Полли жажжи қўллари билан бўйнимни қучоқлаб олар ва ўпар эди.

Шу манзаралар кўз олдимдан ўтар экан, кўнглим жуда бузилиб кетди, уйга боргим ёки ҳеч бўймаганда кўчамиз яқинига бориб, уйда қандай гаплар борлигини бирон қўшинимиздан билгим келди.

Атроф қоп-қоронги бўлиб қолган эди. Смитфилд бозори йўлида йўловчилар сийрак. Жуда ҳам эҳтиётлик билан юриб, ён-атрофига қарадим, назаримда отамга ёки миссис Беркка ўхшаган бирор қаршимдан чиқиб қолганида дарвоза орқасига яширинардим. Бироқ қўрқишиларим беҳуда экан. Тернилл кўчасининг ярмидаш хавф-хатарсиз ўтдим. Кўчамизгача йигирма саржинча йўл қолар-қолмас дўстларимдан бири, мендан уч-тўрт ёшлар чамаси каттароқ бўлган Жерри Пепга дуч келдим. Рости, мен унга эмас, у менга дуч келди. У кўчанинг бу бетига югуриб ўтиб, икки қўли билан мени қучоқлаб олди, мени кўрганига ҳаддан ташқари хурсанддек эди.

— Жим! Ази дўстим! — дея қичқирди у. — Қаёққа кетяпсан?

— Ўзим ҳам билмайман. Жерри. — деб жавоб бердим. Уйга бир бориб кўрсам...

— Ҳали уйга борганинг йўқми? Эрталаб қочганингдан буён бормадингми?

— Ҳа, кун бўйи кўчада юрдим. Уйда нима гаплар бор, Жерри? Тушки овқатдан кейин Поллини кўрмадингми?

Пеп менинг саволларимга жавоб қайтармади.

— Уйга бормаган бўлсанг, тезроқ бор! — деди-да, у ёқамдан тутиб, мени кўчамизга томон судрай бошлади. — Кетдик, кетдик!



Жеррининг ҳаракати менга шубҳали туюлди.

— Истаган пайтда ўзим боравераман,—дедим ва кўприкка ўтириб олдим.—Мени судрама, Пеп!

— Судраяпманми сени? Гапини қаранг-а! Сени судраб нима фойда қиласман! Ўзпнг уйга кетяпман дединг-ку! Яна сенга яхшилик қилиб ўтирибман-а!

— Қанақа яхшилик, Жерри?

— Қанақа бўларди? Кўчанглардагилар ҳаммаси сенинг ташвишингда! Отанг ҳам, ўгай онаиг ҳам, кичкина Полли ҳам оҳ-воҳ қилиб ўтиришибди, кишининг раҳми келади! Сенсиз кечки овқат томоқларидан ўтмаётган эмиш, кечки овқатга картошга, билақ катта пудинг тайёрлашган! Мен ўйладим: улар сен учун жон беришга тайёр, ўзларининг азиҳ Жиммиларини интизорлик билан кутишяпти-ю, Жимми бўлса уйнга боришга қўрқади. Бораман-да, қўрқма, дейман, деб сенинг қошинингга келдим, сен эса кўприк устида оёқ тираб олиб, мени ёлғон гапиряпти, деб ўйлајпсан.


Мен Жеррининг юзига тик боқдим, газ фонарнинг ёғудсида унинг юзи шунчалик софдил кўринидики, шубҳалангим келмади. Аммо унинг гаплари ғалати туюлди. Ҳамма мен учун йиглаётган, ҳамма менинг тўғримда ташвишланаётган эмиш! Мен туфайли гўшти пудинг совуган эмиш! Виждон азобида қолдим, кўзларимда ёш томчилари пайдо бўлди.

— Рост гапиряпсанми, Жерри?— деб сўрадим дик этиб ўрнимдан туриб.— Яна ёлғон гапирган бўлма? Агар ёлғон гапираётган бўлсанг менга қанчалик ёмон бўлишини биласан, ахир. Ўгай онам қандай аямай уришини, соchlаримдан тортиб судрашини биласан-ку!

— Нимаси ёлғон! Ҳаммаси сенинг тўғрингда қайғурнишяпти, худди уйи куйгандек отанг ҳаммадан кўра кўпроқ хафа. Агар ишонмасанг, бориб кўр. Уинкшипларнинг уйи олдидан унинг овозини эшитиш мумкин. Қайғурганидан ўзинн-ўзи осншга ҳам тайёр.

— Полли-чи? У қандай? Соғми ўзи? Зинапоядан йиқилганда суяқ-пуюги синмадимикин, бурни қонамадимикин, боши ғурра бўлмадимикин?

— Ҳали шундан қўрқяпман дегин!— деди қувноқ ҳолда Жерри.— Албатта соппа-соғ у! Уни қўлга кўтариб олишлари биланоқ жиннига ўхшаб қаҳ-қаҳ уриб кулди. Кейин докторга олиб кетишиди...



— Докторга? Докторга нега олиб кетишди, Жерри? Ҳеч шикастлангани йўқ дединг-ку, ахир?

— Мен сенга докторга дедимми?— деб ғулдуради Пеп ва ғазабланиб мендан юз ўгирди.

— Ҳозир айтдинг-ку, Пеп. Докторга олиб кетишди дединг!

— Нима учун олиб кетишганини айтмадим-ку, ахир. Уни полдан кўтариб олганларида қаҳ-қаҳ уриб кулганини айтдим. У жуда қаттиқ кулди, бундан қўрқибдишлар ва касал деб ўйлабдилар, кейин уни докторга олиб кетибдилар.

Бу гаплардан кейин кўнглим бутунлай тинчиб, хурсанд бўлиб, сакраб-сакраб кўчамизга томон йўл олдим. Жерри ҳам қувноқлик билан гап сотиб, мен билан ёнма-ён борарди. Кўчамизга киришга бир неча қадам қолганда тўсатдан бир бола қаршимиздан чиқиб қолди, бу бола билан мен бир неча марта ўйнаган эдим, у қўлимдан ушлаб олди.

— Қўлга тушди, қўлга тушди!— деб қичқирди у.— Шерик бўламиз, Жерри? Шерик, майлими?

— Бекор айтибсан!— деб қичқирди Жерри, менинг бошқа қўлимдаи ушлаб олиб.— Бир ўзим қўлга туширдим! Отаси уйга келгандан бери мен унинг орқасидан юрибман! Уни биринчи бўлиб мен тутдим!

— Шерик бўламиз, деяпман сенга!— деди ҳалиги бола қўлимга қаттиқроқ ёпишиб.— Мен ҳам учрашганингиздан бери орқаларингиздан пойлаб юрибман. Менсиз уни уйгача олиб бора олмайсан. Гапни кўпайтирма, уйнга олиб бориб топширайлик уни!

— Йўқол! Жемс Бализет нима деган эди! Уни ким биринчи бўлиб тутиб, уйга олиб келса — ўшашга бир шиллинг<sup>1</sup> берамсан, деган эди. Бошқа ҳеч нарса демаган эди!

— Бекор айтибсан, юм оғзингин! — деди бояги бола. У Жерридан кучлироқ эди.

— Юрсанг-чи, юр! — Бу сўзлар менга айтилди. — Сен билан шерик бўлмайман. Чунки қўлга тушлиниг дегунча отанг чала ўлик қилиб дўпнослади сени.

Қўрқанимдан ўзимни йўқотиб, бир силтандим-у, уларниг қўлидан чиқдим, кўчамизга томон яна бир ҳадам босгандан кўра ўлганим афзалроқ, леб овозимниг борича қичқириб, кўпrik устига йиқилдим. Оёқ яланг бўлганим учун тез югурга олмас эдим, шундай бўлеа ҳам рақибларимдан қочиб анча узоқлашдим.

Болаларниг иккаласига ҳам алам қилиб қолди. Ярамас Жерри газабидан оқариб кетди. Гарчи у қўрқоқ бола бўлса-да, бирдан унинг ботирлиги тутиб кетди. Уз рақибига томон ўгирилиб, қулочкашлаб турив нешонасига туширди. Зарбадан эсанкираб қолган бола бир лаҳза нима қиларни билмай қолди-да, зарба еган бурнини ишқаб, Жеррига тик боқди. Кейин тўсатдан Жеррига ташланди ва уни йиқитиб олиб, дуч келгани жойинга ура бошлади.

Душманимниг баҳтсизликка учрашидан ғоят хурсанд бўлдим. Ҳатто хавфни ҳам уннутиб, бир неча минут томоша қилиб турдим. Аммо хаёлимга «улар уришиб тураверсиллар, мен бундан фойдаланиб қочишим керак!» деган фикр келди. Шу заҳоти кучим борича қоча кетдим, душманларим эса кўча ўртасида лойга булашиб бир-бирларини урганларича қолдилар.

---

<sup>1</sup> Шиллинг — таңга пул.

## IV

### *„Вовуллаш“ни машқ қилганим. Янги танишлар*

Мен орқамга, келгап томонимга қараб югуриб кетдим ва яна Смитфилд бозорига, яъни куннинг асосий қисмини ўтказган жойимга келдим. Орқамдан ҳеч ким қувмаётган эди, бозор боя мен ярим соат илгари кетган пайтиндагидан ҳам қоронфироқ, жимжит эди. Энди уйга қайтиб бориш тентаклик бўлишини яхши билардим. Жеррри Пеп ва унинг ўртоғи билан бўлган воқиалардан кейин отаминиг ҳам, миссис Беркнинг ҳам меңга нисбатан дарғазаблигига шубҳам қолмади: Отам менни тезроқ тутиб олиб жазоламоқчи экан, ҳатто менни тутиб берган кишига бир шиллинг беришга ваъда қилибди. Бу отам учун катта пул эди: бир шиллингга уч кружка пиво сотиб олиш мумкин эди. Хўп, уйга қайтмасам, нима қилишим керак? Қаерда ухлайман?

Шу вақтгача ҳамма вақт каравотда ётиб ухлардим. Каравот менга унча қулай бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда каравот эди-да. Энди-чи... Наҳотки шу ўтирган жойимда ухлашга тўғри келса? Нима ҳам қиллардим? Яхинингина овқатлашиб олдим, кечаси унча совуқ эмас. Бир кечани ўтказса бўлади. Бурчакда ёнбошлаб, букилиб оламан-да, ухлайвераман! Тонг барвақт ёришали, кейин...

Кейин... хўш, кейин нима қиламан? Ухлашга ётишдан олдин эртага қандай иш қилишим мумкинилиги, эрталабдан бошлаб бирор иш қидириш ҳақида хаёл сурдим. Қанақа иш қилсан экан? Албатта, вовуллайман! Эртага бирор бозорга бораман-да, тузукроқ бир савдогарга учрайман, қўлимдан қеладиган динкин унга

айтаман. Агар овозим жарангдор бўлмаса, шима бўлади? Бир вовуллаб кўрай-чи!

Ҳали унча кеч эмас эди, соат 9 дан ошган эди, холос. Машқ қилиб кўриш учун чўчқа бозорининг энг ўртасига бордим. Қанақа гуллар, мевалар сотарканман? Гулларнинг ичидаги яхиси желтофиоль<sup>1</sup>, ҳозир унинг харидори кўпроқ.

— Желтофиоллар! Янгигина узилган, хушбўй желтофиоллар!

Овозим анча баланд туюлди, бироқ барибир сотувчиларнинг овозига ўхшамасди. О-фио-ли деб чўзиб қичқириш керак эди. Яна бир қичқириб кўрдим:

— Желтоо-фиоллар, янги, хушбўй желтоо-оффиоллар!

Бу гал тузукроқ қичқирдим. Қоп-қоронғи бозорда чорак соат давомида у ёқдан-бу ёққа юриб, худди желтофиоль сотаётгандек қичқирдим. Гуллар солинган сават ортилган эшакни тасаввур қилиб, унга «хих-хих!» дей қичқирадим, ўз хўжайнимга ҳурмат билан мурожаат этгандек бўлардим. Желтофиоль сотишни ўзимча шу тарзда ўрганиб олганимдан кейин землянига сотишни ўрганишга киришдим. Землянига сотиб олишни таклиф қилиб қичқириш қийинроқ бўлиб чиқди.

— Ширин землянига, шарват землянига, кеп қолинглар!— деб қичқирдим ҳар хил овозда, аммо яхши чиқара олмадим. Ҳуллас, такрор-такрор қичқиравериб, тузукроқ қичқирадиган бўлдим. Шу пайтда омборнин бурчагида икки бола пойлаб турганини пайқаб қолдим. Мен уларни Жерри Пеп ва унинг рақиби бўлса керак, уришиб бўлиб ярашишганда, мени излашта киришган бўлсалар керак, деб ўйладим. Уларга томон ўгирилишин билан бирори ўз пистирмасидан сакраб чиқиб, сочимдан тутиб олди.

— Ширин землянига, шарват землянига,— дея мени мазақ қилиб қичқирди у. ҳар бир сўзида сочимдан силтаб-силтаб.— Нимага бу ерда қичқирасан? Уйингга бориб ухламай, нега ҳадеб бозорда шовқин-сурон қиляпсан?

У дарғазаб бўлган полициячининг овози ва ҳаракатига тақлид қилиб гапиради. Сочимдан тортиб, жонимни оғритган бўлса ҳам унинг юзини кўриб хурсанд

<sup>1</sup> Сариқ гулли декоратив ўсимлик.

бўлиб кетдим. Булар Жерри Пеп ва унинг рақиби эмас, бошқа болалар эди! Демак мени улар уйга судрашмайди!

— Гапга қулоқ сол, ҳей бола!— деда ҳазилини давом эттири «полициячи».— Уйингга жўна, жўнамасанг полицияга олиб бораман!

— Ўзларингиз уйингизга жўнанг!— дедим унинг қўлидан чиқиб.— Сизлар нега уйингизга бормайсизлар? Нега менга ёпишасиз?

— Ҳали ҳам биз уйга кетяпмиз!— деди ўртоғининг қилиғидан завқланиб қаҳ-қаҳ уриб кулган иккинчи бола.— Театрга борган эдик, энди уйга кетяпмиз.

Кейин ўз ҳамроҳига мурожаат қилиб деди:

— Қўй, кетдик, Моулди! Бунақада биз Вестминстер<sup>1</sup> кўчасига ярим кечада ҳам етиб боролмаймиз.

Мен отам билан биргаликда Ковентгарден бозорида бир неча марта бўлгандим, бозорнинг ё Вестминстерда, ёки унинг яқинида эканини билардим, аммо у ерга бориладиган йўлни яхши билмасдим. Шунинг учун ҳам:

— Вестминстернинг қайси қисмида турасизлар?— деб сўрадим сўнгги гапларни айтган боладан.

— Энг яхши жойида-да, албатта,— деб жавоб берди у.

— Ковентгарден сизларга яқинми?

— Ковентгарден театрими?— деб сўради Моулди.— Афв этасиз, извошимизда икки минутлик йўл, биз Рипстон билан ҳамма вақт театрда ложада ўтирамиз! Шундай-а! Рипстон?

— Бекорчи гапларни бас қил энди,— деди унга Рипстон.— Биз ростдан ҳам Ковентгарден бозорига ва театрга яқин жойда турамиз. Дельфада турамиз. Сенчи, бола?

«Менинг қаерда туришим буларга барибир эмасми,— деб ўйладим мен.— Ковентгарденда ҳам Смит菲尔ддагидек ўзимга тунаш учун қулай жой топа оламан. Агар бу болалар билан борсам, улар менга йўл



<sup>1</sup> Лондоннинг бойлар яшайдиган қисми.

кўрсатадилар, ёрталаб эса зарур жойда ҳозир бўла-  
ман».

— Юринглар бўлмаса,— дедим мен.— Кеч бўлиб  
қолди.

— Сен қаёқقا бормоқчисан?— дея ҳайрон бўлиб  
сўради Моулди.

— Сизлар билан бирга бораман,— дедим мен да-  
дил.

— Ахир биз Дельфага борамиш-ку.

— Мен ҳам.

— Сен «Арк»да турасанми ҳали?

— Қанақа «Арк»да? Сизлар Дельфада дединглар-  
ку?

— Ҳа, Дельфа билан «Арк» иккаласи ҳам бир.

— Э, мен билмасдим! Билишим ҳам мумкин эмас,  
мен ҳеч қачон у ерларга бормаганим.

— Ҳеч қачон бормаганиш! Ҳозиргина ўша ерда  
тураман дединг-ку?

— Йўқ, ҳеч қаерда турмайман, ҳеч қанақа кварти-  
рам ҳам йўқ.

— Бу бўлмаган гап!— деб қичқирди Моулди.— Ҳам-  
манинг ҳам квартираси бор. Олдин қаерда турар-  
динг?

— Олдинми?

Бу бегона болаларга бошимдан ўтган воқиалар ҳа-  
қида гапириб бергим келмасди, бироқ сўрайвериб, ўз  
ҳолимга қўймадилар, уйсиз дайди эканлигимни улардан  
яшира олмадим. Умуман, уларга бу ҳақда гапириш  
хавфли ҳам эмас эди. Уларнинг ўзлари ҳам, афтидан,  
менга ўхшаган болалар эдилар, бирор жойга жойла-  
шиб олишимга, иш толишимга ёрдам беришлари ҳам  
эҳтимолдан холи эмас эди.

— Ҳаммасини гапириб берсам, билдириб қўймас-  
ликка ваъда бера оласизларми?— деб сўрадим.

Улар керилиб, бунақа насткашлик қилишига ўрган-  
маганимиз, деб жавоб қилдилар.

— Сизларга айтсан, уйда отам билан бирга эдим,  
шу кунга қадар уйимда яшардим.

— Қочдингми? Энди қайтиб уйингга бормайсан-  
ми?

— Ҳеч ҳам бормайман! Уйга қайтишим мумкин  
эмас!— дедим қатъий.

— Тушунарли! — деди **Моулди**.— Уйдан нимани ўмардинг?

— Умардинг деганинг нимаси?

— Үғирладинг деганим. Тутиб олдиларми? Еки уйдан сездирмай қочиб қутулдингми?

— Нимани ўғирлардим? Ҳеч нарса ўғирлаганим йўқ, мени ҳадеб урганлари учун қочдим.

Болалар ишонқирамай, бир-бирларига қараб олишиди.

— Наҳотки фақат урганлари учун уйдан қочган бўлсанг?— деб сўради Рипстон.

— Фақат шундан! Агар сизларни ҳам шундай дўп-послаб урганларида, «фақат» деб ўтирмас эдинглар!

— Ишқилиб, овқат беришармиди?

— Беришарди.

— Чойшап, одеял, ёстиқ, тўшакларинг бормиди?

— Албатта.

— Уни қара! Яна «албатта» дейди-я?— деб қичқириб юборди Рипстон.— Фақат урганлари учун тайёр овқат, кўрпа-тўшакни ташлаб, уйдан қочдим деганингга бизни ишонади деб ўйлайсанми! Ёлғончисан!

— Еки қип-қизил аҳмоқ!— деди Моулди дангал.

— Ишонгиларинг келмаса, ишонмай қўя қолинглар,— дедим.— Аммо мен сизларга ҳақ гапни айтдим.

— Хўп, майли, шундай бўлиши ҳам мумкин!— деди Рипстон.— Бу дунёда кўп галати воқналар бўлади! Биласанми, бола, мен сенга айтсам: фақат урганлари учун яхши ўйни, яхши овқатни ташлаб қочган одам булаrinинг қадрига етгуича уйсиз, овқатсиз қолдирилса арзиди.

— Бирор менга тузуккина жой берса эрталабдан кечқурунгача ураверса ҳам рози бўлардим,— деди Моулди.

— Бу унга кўниб бўпти,— деди кулиб унинг ўртоғи,— бу боланинг калтаклашдан қочганинга ишонмайман. Үғирлик қилган ёки бирорни куйдириб қўйган, фақат айтиб қўйишади, деб қўрққанидан тан олгиси келмаяпти. Шундай бўлиши турган ғап: ахир у бизларни билмайди-да.

Шу тарзда гаплашиб бирга кетавердик. Аммо йўлда тез-тез тўхташга тўғри келарди, Моулдининг қўпол-этиги оёгидан тез-тез тушиб кетарди. Қоронки тор йўллардан юрдик, бунақа йўлларни умримда ҳеч қачон

кўрмаган эдим. Ҳатто кундуз кунлари ҳам бунақа кўчалардан юриш ноқулай эди. Биз эса кечаси, қоп-қоронғи тунда юриб бормоқда эдик, ҳар бир қадам мени уйдан узоқлаштираётганини сезиб борарадим. Уйдаги ҳаётим жуда қайғули эди, бироқ ҳамроҳларимнинг гапларига қараганда, уйдан кетиб аҳмоқлик қилган эдим. Афсусландим, кўнглим нохуш бўлди. Кўзлағимдан ёш томчиладай бошлади. Юра-юра, охири газ билан ёритилган кўчага чиқиб қолдик.

---

## V

### Арк

Кечаси соат ўн бирга яқинлашиб қолган бўлса ҳам кўчада одам кўп эди. Ҳар қадамда бизни туртиб ўтарилилар, юриш қийин эди.

— Қадамингни тезлат, яқин қолдик! — деди менга ўгирилиб Рипстон.

Унинг бу сўзлари мени қувонтириди. Яхши ёритилган кенг кўчага чиқиб олдик. Шунда: «Ҳамроҳларим жуда ажойиб жойда туришаркан, мен ҳам бу ерда яшасам маза бўларди-да», деб ўйладим. Турли фикрлар хаёлимга кела бошлади. Ҳамроҳларим уйимизга кетяпмиз дейишди, мени таклиф ҳам қилганлари йўқ. Бир неча дақиқадан сўнг улар уйларига кириб кетадилар, мен эса кўчада қоламан... Шунда Рипстоннинг: «Қадамингни тезлат, яқин қолдик» дегани мени бироз умидвор қилди; мени уйларига таклиф этишадиганга ўхшайди, деб ўйладим.

Тўсатдан иккала ҳамроҳим кўздан ғойиб бўлди. Қани улар? Балки мен уларни кўрмай олдинга ўтиб кетгандирман? Орқамга қайтиб, уларни чақира-чақира анча юрдим. Ҳеч бири жавоб қайтармади, яна олдинга юрдим. Овозим борича «Рипстон!» деб бақирдим. Рипстон жавоб бермади.

Жуда алам қилди, умидим яна пучга чиқди, балки бу болалар жўрттага мен билан ҳазиллашаётгандир? Мен билан улфат бўлгилари келмагандир, менин кўчада қолдиргандирлар? Балки мени Ковентгарденга эмас, бошқа ёқса олиб келгандир улар. Бу ўйлар ҷунчалик ғамгин эдики, аламимни енголмай қолдим. Фонаръ ёғо-

чига суюниб олиб, овоз чиқариб йиғлай бошладим. Тұ-  
сатдан таниш овоз әштилди:

— Смитфилд, қаердасан?

Албатта, менинг отим Смитфилд эмас эди, мен ўр-  
тоқларим биләп учрашган жойнинг номи Смитфилд  
эди, номимни билмаганлари учун улар мені шундай  
деб атаган әдилар. Бу Моулдининг овози эди.

— Бу ердаман! Сен қаердасан?— дедим.

— Биз бу ердамиз. Күрмаяпсанми?

Улар күринимасылар. Овоз худди ер остидан чиқ-  
қанга ўшарди. Қаршимда турған дүкөнлар қаторида  
пастаккина бир девор бор эди. Деворда, ер бетида  
думалоқ ғорлар бор эди, бу ғорларнинг жуда ичкари-  
ликка кириб кетганинги сезилиб турад әди. Овоз шу-  
ларнинг биридан чиқмадимикини?

Тұсатдан бирор құлымдан тутди.

— Бу сенми, Моулди?— деб сүрадим.

— Албатта, мен,— деди у ҳовлиқиб.— Борадиган  
бүлсанг юрмайсанми ахир!

Моулди мени девордан кириладиган ғорлардан би-  
рига бошлади. Нам ва совуқ ҳаво юзимга урилди. Ат-  
роф шунчалик қоп-қоронги әдикі, иккі қадам нарида  
нима борлигини пайқаб бўлмасди. Йиртқич ҳайвон-  
нинг үясига ўшшаган бу ваҳимали ғордан бир неча  
қадам юрганимдан кейин мени ваҳима босди, юриш-  
дан тўхтадим.

— Шу ерда яшайсизларми, Моулди?— деб сўра-  
дим ундан.

— Пастроқда,— дея жавоб берди у,— яна бироз  
пастроққа түшиш керак. Юр. нимадан қўрқяпсан?

— Жудаям қоронги-ку, Моулди.

— Сен, алабатта, пар тўшакларда ётиб ўрганга-  
сан, биз бунақа эркатойлардан эмас. Юр, бўлмаса қў-  
лимни қўйиб юбор, ўлдан қолдирма мени!

Мен қўрққанимдан унинг қўлига маҳкам ёнишиб  
олдим. Нима қилишни билмасдим. У қўлларим титра-  
ётганини пайқаган әди.

— Қўй-э. нимадан қўрқяпсан, чақалоқ!— деди у  
мулойимгина.— Тезроқ юр, аравадан похол-мохол то-  
пини керак, остилизга тўшаб ётамиз.

Қоронги, зах йўлакдан анча юрдик. Бу йўлак пастроқ  
қараб тик тушарди, сирғанчиқ эди, агар оёғимда боши-  
моқ бўлганида камида ўн марта йиқилган бўлар әдим.

Моулди айтган нохолли аравани топганимиздан кейин устида ётиб олгач, бу йўлакнинг машаққати унуглидади деб ўйлаб, ўзимни руҳлантиридим. Моулди қандай меҳрибон бола-я, ўз тўшагини меҳмондўстлик билан баҳам кўрмоқчи! Биз борган сари пастга тушавердик, юзимизга урилаётган шамол эса борган сари совуқ бўла борди. Биз ниҳоят Рипстонга етиб олдик. У, мунча судралдинглар, энди бирорта ҳам бўш арава топиб бўпсизлар, деб тўнгиллади бизга.

— Қаёққа боряпмиз? — деб сўрадим мен бўшашиб. — Бу йўл қаёққа олиб боради?

— Тўғри бораверсанг дарёга, — деди Рипстон кулиб.

— Нега қўрқитасан уни! — деди меҳрибонлик билан Моулди. — Рост, Смитфилд, тўғри юраверсанг бу йўл дарёга олиб боради, бироқ биз тўғрига юрмаймиз, йўлда буриламиз.

Қўрққанимдан ўзимни йўқотиб қўйган эдим, улар билан бирга бормасам, адашиб кетиш ваҳимаси пайдо бўлгани учун ҳам улар билан бирга кетишга мажбур эдим. Ҳамма ёқ ҳамон қоп-қоронғи эди. Моулди меҳининг қўлимидан ушлаб борарди, Рипстон эса аллақандай қувноқ ашула кўйлаб, орқамиздан келмоқда эди. Биз ёнга бурилдик-да, зинаноядан қўйига тушдик. Энг пастдаги зинапояга етганимизда, Моулди:

— Мана, етиб келдик! — деди. — Рип, сен унинг нариги қўлидан ушла, бирор нарсага чалишиб кетиб, бошини ёриб қўймасин!

— Қадамингни катта-катта бос, Смитфилд, — дея маслаҳаг берди менга Рипстон. — Иссикроқ, юмшоқроқ бирор нарсага оёгинг тегиб кетса, телпак деб ўйлаб, қўл тегиза кўрма, тишлаб олади!

— Нима тишлаб олади? — деб сўрадим қўрқиб, чўчқа бозорида тунаб қолмаганимга афсусланиб.

— Нима бўларди? Каламуш-да! — деб жавоб берди Рипстон, менинг қўрққанимдан завқланиб. — Мушукдек-мушукдек келадиган каламушлар ўйноқлаб юришади бу ерда.

— Валдираивермасанг-чи! Ўзинг олдинга ўт! — деб ўртоғининг сўзини бўлди Моулди.

Қаерга келиб қолдик? Бунча қоронғи, ваҳимали! Унда-бунда милтиллаб ёниб турган, тугаб ўчаётган шамларнинг ёғдусида гишт деворлар тагида қуюқ буғ

қоплади. Яна отилган бир ларча лой шамни ўчирди ва ерга тушириди. Арава устида яна кулги кўтарилиди.

— Кетдик,— деди Моулди,— бу ерда нима қиласиз турраб. Бизнинг аравамиз нарироқда ҳали.

Моулдининг қўлидан маҳкам ушлаб олиб, ўртоқларим орқасидан кетавердим. Ўлар иккаласи ҳам бу жойга жуда ўрганиб қолгани кўриниб турарди, чунки эпчиллик билан бемалол одим ташлаб боришарди, ҳолбуки мен араваларнинг шотисига чалиниб йиқилаверадим, қоронгида ҳеч нимани кўрмасдим. Бечора чолининг шами оз-моз бўлса-да, бу майдонни ёритиб турган эди. Бошқа шамларни болалар ва катталар қуршаб олган эдилар, улар зах ерга, похол устига ўтиришиб олиб, қарта ўйнашар, трубка чекишарди. Энг ярамат сўзлар билан бир-бирларини сўкишарди. Ниҳоят, тўхтадик.

— Тўхта, Смитфилд, мана аравамиз!— деди Моулди.

Ҳеч нарсани кўролмадим, фақат Моулдининг арава фидирагидан юқорига кўтарилганини пайқадим.

— Хўш, қалай, тузумки?— деб сўради ундан Рипстон.

— Жуда соз,— деди Моулди аравадан тушиб.

— Нега қаққайиб турибсан, чиқсанг-чи!— деди менга Рипстон.— Фидиракка оёғингни қўй, мен орқангдаи кўтариб чиқазиб қўяман.

Ростдан ҳам у мени эпчиллик билан кўтариб юборди, мен эмаклаганимча аравага тушдим.

— Жуда соз дейсан-а!— деб тўнгиллади Рипстон аравага чиққаҷ,— похол йўқ-ку!

— Сира йўқ экан-ку!— деб унинг сўзини маъқуллади Моулди.

— Билиб эдим-а,— деди Рипстон.— Фидирагига оёғимни қўйинш билан бу аравага бугун тошкўмир ортилганини билувдим.

— Аравакашга кўмир ташимаслик ҳақида фармойиш берсанг бўлмасмиди?— деди ҳазиломуз Моулди.— Мебель ташиса-ку, кечқурунлари аравада похол ёки сомон бўларди. Бунаقا қилаверса, квартирани алмаштиришга тўғри келади.

— Похол йўқлиги ҳеч гап эмас,— деди унга Рипстон.— Лаънати кўмир кукуни оғиз-бурунга киравергани ёмон.

— Қалай, Смитфилд, квартирамиз ёқадими сенга?

— Шу ерда ухлаймизми ҳали?

— Квартирамиз шу. Марҳамат қилинг, тортиниб турманг, ўз уйнингиздек билинг!— хушмуомидалик билан деди Моулди.

— Кўрпа-тўшагинглар қани? Бордир ахир?

— Албатта! Энг асил момиқ билан тўлатилган тўшаклар, ёстиқ ва чойшаплар! Ҳаммаси ҳам бор бизда, лекин қаёққа еойиб бўлиб қолибди улар!

Моулди худди нарса йўқотган кишидек аравада эмаклаб, тимискилашга киришди.

— Эҳ!— деди у бироздан кейин.— Тўшак эмиш-а! Мана тўшак!— у пошинаси билан араванинг четини тениди.— Қаттиқроқ ботса, пастга туш, тагидаги лой юмшоққина!

— Валдирашига қулоқ солма, Смитфилд,— деди Рипстон.— Бугун бу ер ҳар кунгига қараганда ёмонроқ, похол йўқ экан-да. Похол бўлганда-ку, маза бўларди-я! Баъзан совюқ кечада келасан-да, ўзишни баҳтсиз ҳисоблайсан, яна қуруқ тахта устида ётаманми дейсан! Бирдан қуруқ похоли бор аравага кўзинг тушади, югуриб келиб, похолнинг ичига кириб кетасан.

Рипстон похол ҳақида ўйларкан, жуда мазали шўрвани татиб кўрган кишидек лабинни сўриб, тилини чалниллатиб қўйди.

— Ечиниганда совқотмайсизларми?— деб сўрадим.

— Билемадим!— деб қисқа жавоб берди Рипстон.— Ҳали ечиниб кўрганим йўқ.

— Мён ўтган йили августда бир ечиниган эдим,— деди Моулди.— Энди бўлди, ухлаш керак. Қим ёстиқ бўлади? Смитфилд, ёстиқ бўласанми?

Мен шу қадар баҳтсиз эдимки, энди менга ҳамма нарса барнибир эди, шунинг учун рози бўлақолдим.

— Балки ёстиқ бўлгинг келмаётгандир? Истамасанг, айт!— деди Рипстон.— Ёстиқ бўлишни ҳамма ҳам яхши кўравермайди! Бирор бошини юмшоқ жойга қўйиб ётгиси келади, бошқа бирор иссиқ ётишини маъқулроқ билади. Сенга қайси бири дуруст?

— Мен ҳам юмшоқ, ҳам иссиқ бўлишини яхши кўраман,— дедим кўзларимдан ёш тирқираб.

— Кўнглинг ҳеч нарса тиламас экан-ку! Ҳам унисини, ҳам бунисини эмиш! Қулоқ сол, ёстиқ бўлгинг келса, бўл, ҳиқиллама фақат! Йиғлоқилардан безормиз! Сени бекор олиб келибмиз!



Кўз ёшимни тиёлмадим ва Моулдига шошиб-пишиб, агар қанақа қилиб ёстиқ бўлишни кўрсатсанг, бўлавераман, дедим.

— Ўрганидиган жойи йўқ,— деди у бироз юмшаб.— Қимки ётиб, бошқалар унга бош қўйса, ўша ёстиқ ҳисобланади. Унга иссиқ бўлади, бошқаларга юмшоқ; жуда оддий, жуда ўнғай.

— Нарироқ тур, мен ёстиқ бўламан!— деб қичқирди Рипстон ва араванинг бир четига ётиб олди.— Бошларингизни менга қўйиб ётинглар!

— Менга ўхшаб ёт, Смитфилд,— деди Моулди ётатуриб.

Бироқ унга ўхшаб ёта олмасдим: у елкаси билан Рипстоннинг бутун гавдасини банд қилди, меъ эса оёғинга бош қўйиншими керак эди. Уни итариб бўлмасди, бир илож қилиб бошимни қўйдим.

— Ухлайсанми, Рип?— деб сўради Моулди бир неча минутлик сукунатдан кейин.

— Ухлайман. Сен-чи?

— Бунақа жанглардан кейин сира ухлай олмайман. Ўйлаб кўр, сенинг кораблингга уч қароқчи ҳужум қилса, сенда бор-йўғи кўйлак, иштон, иккита пинчоқ, бошқа ҳеч қанақа қурол йўқ?

— Ҳа, театрда ажойиб томошаларни кўрсатдиларда!— деди Рипстон мудроқ овозда.— Хайрли кеч!

Яна сукунат чўқди, Моулди яна жимликни бузди:

— Ухляяпсанми, Рип? Рип! Эшитяпсанми, ухляяпсанми?

— Бунақа валдирайверсанг, энди ёстиқ бўлиб бўбман!— деди жаҳл билан Рипстон.— Нима дейсан?!

— Фалати одамсан-да! Ётиб олиб, кўрганларинг ҳақида гаплашгинг келмайди-я?

— Шунга мени уйғотдингми?

— Сендан сўрамоқчиман: сен нима дейсан, қароқчилар қудуқча тирик одамни ташладиларми?

— Албатта-да! Қопининг йиртиғидан қўли кўринди,— деди уни мазақ қилиб Рипстон.

— Ўша ердаги қудуқ ростдан ҳам чуқур деб ўйлайсанми?

— Бўлмасачи? Албатта чуқур!

— Сув шалоплаганини эшифтадим,— деди Моулди.

— Қулоғинг эшифтабди-да. Қудуқ чуқур, шунинг учун дарров эшифтмайсан, мен одам ташлангач, уч минутдан кейин эшифтдим.

Моулди жимиб қолди. У оғир нафас оларди. Гаплашгиси келаётгани сезилиб туради. Рипстонни биринки чақирган эди, бироқ у жавоб ўрнига хуррак отди. Моулди мен билан гаплашмоқчи бўлди, бироқ менинг ҳам гаплашгим келмасди, шунинг учун ўзимни уйқуга солдим.

Аслида эса сира уйқум келмас эди. Рипстоннинг кўз ёшимдан ҳўл бўлган тиззаларига бошимни қўйиб, ўтмишим ҳақида, уйдан қочганим, келажакда мени нималар кутаётгани ҳақида ўйлардим. Қайта миссис Беркнинг зулмига чидаганим яхши эмасмиди? Жерри Пеп мени тутганида уйга бораверганим яхшимасмиди! Отам қайнish билан уради, кейин ҳеч гап бўлмагандек ўтиб кетарди, юмшоқ, иссиққина тўшакда ётиб, Поллини овутнуб юрган бўлардим. Албатта, баданим калтак зарбидан анчагача оғриб юради. Бироқ шу лаҳзада ҳар қанақа азобга ҳам чидардим, фақат мени кўчамизга, 19-уйга олиб бориб, айбларимни кечирсалар бас эди.

Бечора кичкина Полли! У эсимга тушганда кўз ёшимни тиёлмасдим, у сира кўз олдимдан нари кетмасди.

Балки тош зинапоялардан думалаб тушиб, ўлгандир, ҳозир уйда ёлғиз, ҳаракатсиз ўлиб ётгандир. Бу фикр шунчалик ваҳимали эдикни, кўз ёшларим ҳам таққа тўхтаб қолди. Онамни эсладим. У вафот этган кеча, у дағн этилган кун ёдимга тушди.

Тўсатдан оёқ товушиларни эшитилди. Қарта ўйнаётган болалар араваларга югурдилар.

— Шамни ўчир. Қармоқлар келяпти!

Полициячиларни қармоқлар деб аташларини билардим, шунинг учун менин ваҳима босди. Балки миссис Берк менинг қочганимни полицияга маълум қилгандир, менин излаб юргандирлар! Нега мен ёстиқ бўла қолмадим! Менин кўролмасди улар! Қадам товушлари яқинлаша бошлади. Уч полициячи аравамизга яқинлашди. Баданимни қалтироқ босди, юзларимдан совуқ тер чиқди. Полициячилардан бири арава фидирагига иргиб чиқди, фонаръ нури аравамиз устини ёритди.

У настга тушганидан кейингина эркин нафас ола бошладим. Учаласи ҳам ўз ишлари ҳақида гаплашга биздан узоқлашдилар. Аста-секин турли овозлар тинди, фақат ухлаётганларнинг хурраклари ва камашларнинг чийиллашлари қулоқча чалинарди. Шу кўйи мен ҳам уйқуга кетдим.

---

## VI

### „Рипстон, Моулди ва К°“ ширкати

Қотиб ухлаётгани эканман, бошимнинг тагидан «ёстиқ» чиқиб кетиб, бошим араванинг тахтасига тегди. Кўзларимни уқалаб қарасам, Моулди туриб олибди. Ат-роф ҳалиғира-шира қоронги эди; худди полициячи фонари билан аравамизни ёритгандан буён беш минутгина ўтгандек, чарчаганим ва қийналганим тарқалмабди, худди ҳеч ухламагандек, бошим остига қўлларимни қўйиб, ухламоқчи бўлдим.

— Тур, Смитфилд! — деб қичқирди Рипстон.— Нима бало, кун бўйин ётмоқчимисан бу ерда?

— Тонг отени,— дедим.— Ҳамма ёқ қоронги-ку ҳали!

— Бемаъни гапингни қўй! Туриб бир қара, ҳамма ёқ ёп-ёруғ! Аллақачон кун чиққан, пастига туш, кўрасан!

Ҳамма ёқ қоронги эди ҳали; Рипстон кўрсатган томонда биринчи қарашда кумуш шарга ўхшаган нарса ярқираб кўринарди. Яхшироқ тикилиб, бу шар **форнико** оғзи эканлигини, қуёш нури тушиб, донра бўлиб кўриниб турганини пайқадим. Тешикдан дарё кўринарди, унинг суви қуёш нурида жилваланиб оқмоқда эди. Мовний осмон ҳам кўзга ташланарди, сувда хашак ортилган кема секин сузинб бормоқда эди.

— Кетдик,— дедим аравадан туша туриб,— қуёш нур сочиб турган томонга борамиз! Нима қиласиз бу қоронгиликда!

— Кимнинг қаёқча боргиси келса, бораверади,— деди **финифиллаб** Моулди.— Боргинг келаётган бўлса, жўна!

— Рипстон билан сен бормайсизларми?

— Биз ҳамма вақт борадиган жойимизга — Ковент-гарденга борамиз. Дарё бўйида бизга нима бор?

— Балки у суяк тўпламоқчидир,— деди Рипстон.

— Жуда яхши иш-да! Бир қадоғига мис чақа беришади, кошки бир қадоғини тўплаш осон бўлса! Сийловинга кемачилар тутиб олиб дўппослайдилар. Қирғоққа кўмир ўғирлагани келди, деб ўйлайдилар. Шундай қилиб, Смитфилд, суяк йигани бормоқчимисан?

— Йўқ, бунақа иш қилмаганман.

— Нима иш қилмоқчисан ўзинг?

— Барибир менга. Нима қилиб бўлса ҳам нон тошишим керак. «Вовуллаш»га кирсам қандай бўларкин. Яхшидир, а?

Иккала ўртоғим ҳам менга қараб кулдилар.

— Қаердан келди бу фикр сенга?— деб сўради Моулди.— Ё бироннида вовуллаганидинг?

— Йўқ, машқ қилиб кўрганман, холос. Эсингиздами, кеча бозорда?

— Ростданми? Э, ҳа, овозинг яхши экан!

Бу мақтов менга жуда ёқди.

— Демак, бирор одамни топиб, уникида вовуллаб, кун кўришимга ишонсан бўладими?— деб сўрадим Моулдидан.

— Хўжайнинни-ку топарсан-а,— деди Моулди.— Аммо нон топишга келганда...— У қўли билан ёмон бир нарсани ифодалади.— Биз бу иш билан шуғулланганиз, кўп болалар вовуллаб кўрган, бироқ яхши иш эмас. Нима дейсан, Рип?

— Нима дердим,— деди Рипстон.— Ит азоби. Эрта аzonда туриб, бозорга аравани тортиб борасан, кейин хўжайн ҳар хил нарсалар сотиб олгунча аравага қараб турасан. Агар у сабзавот сотса, сен сабзавотларни ювишинг, аравага жойлаштиришинг, кейин эса кун бўйи кўчаларда юриб, харидорларга уни бақириб мақтаб юришинг керак.

— Кечқурун,— деди унинг сўзини бўлиб Моулди,— саватга солиб, ҳамма уйларда чироқ ўчгунича кўчамакўча бақириб юришинг керак. Шунча ишга қанча ҳақ беришларини биласанми? Қорнинг тўяр-тўймас овқат берадилар, холос.

— Үшанда ҳам ҳар доим эмас,— деди Рипстон.

Умидларим пучга чиқди. Ахир мен «вовулловчи» бўлиш ниятида отамнинг уйидан қочиб чиқсан эдим, шу

мақсадда мен Рипстон билан Моулдига қўшилиб, Ко-  
вентгарденга келган эдим. Мана, бу икки бола бу иш  
билан шуғулланиб кўрган экан, ярамас иш бўлганидан  
аллақачон воз кечиб юборишибди.

— Нима қилб кун кечиряпсизлар, ахир? — деб сўра-  
дим ўртоқларимдан.

— Нима қилиб? Ҳар нарса қилиб, — деди Моулди.

Бу пайт биз кеча келганимиз тор йўлакдан кетмоқда  
эдик.

— Кўз-қулоқ бўлиб турамиз-да, нима тўғри келса,  
шуни қиласмиш, — деб тушунтира бошлади Рипстон.

— Демак, қиласдиган ишингизнинг тайнини йўқ экан-  
да?

— Э, тайнини бўлармиди! — деди Моулди. — Баъзан  
ишимиз жойида бўлади, қовурилган чўчқа гўшти еймиз,  
баъзан бир бурда нонга зор бўламиз. Бахтга боғлиқ.

— Бахт қачон келишини ҳам билмаймиз. Масалан,  
кеча кечқурун яхши бўлди. Кун бўйи овимиз юришмади.  
Нонушта ҳам қиласдик, тушда ҳам овқатланмадик — ҳеч  
нарса емадик. Ахлат хандакда бир неча карам ўзаги  
топдик, еганимиз шу бўлди. Моулди умидини узиб:  
«Аркка бориб, ухлай қолайлик, дайдишдан энди нима  
фойда!» деди. Мен эса: «Яна бироз юрайлик, ҳеч нарса  
тополмасак кетамиш», дедим. Шундай дейишим билан  
кимдир: «Эй», деб қичқирди. Қарасак, қандайдир  
жентльмен турибди, карета ёлламоқчи. Моулди унга ка-  
рета чақириб келтирди, у Моулдига олти пенс берди,  
извошли бир пенс берди. Бирдан бойидик-қолдик: беш  
пенсни едик, икки пенсга театрга тушдик. Смитфилд, сен  
ҳеч томоша кўрганмисан?

— Кўчаларда кўрганман.

— Э, у бутунлай бошқа! Биз «Капитан — вампир»,  
«Қароқчининг ўлими», «Саҳро қароқчиси», «Қонга бўял-  
ган бандит» каби ажойиб пьесалар қўйиладиган чина-  
кам театрга бориб турамиз...

Шу пайт дарё бўйига чиқиб қолдик. Атроф жим-  
жит эди, соат бешга занг урди.

Моулди бизни тўхтатди.

— Қулоқ сол, — деди у менга. — Энди бу ёғига юриш-  
дан олдин айт, дарёнинг қуйисига борасанми ёки биз  
билан бирга Koventgarденга борасанми?

— Агар хўп десанглар, сизлар билан борардим.

— Хўп дейиши борми? Ҳар ким истаган томонига

бораверади-да. Энг муҳими, нима иш қилишинг ҳақида ўйла.

— Мен ҳеч ишни билмайман. Елғизман, нима қилишимни ҳам билмайман,— дедим.— Сизлар билан бирга борсам бирор иш ўргатардинглар.

— Қанақасини хоҳлайсан?— деб сўради Рипстон.— Узинг ишлаб топганингни ўзинг баҳам кўрмоқчимисан ёки биз билан шерик бўлмоқчимисан?

— Сизлар билан шерик бўлсан дейман,— деб севинганимдан дарров бу таклифга қўшилдим.

— Хўп майли, бўлмаса энди ҳамма нарсани ўртада баҳам кўрамиз,— деди Рипстон.— Бирга ишлаймиз, бирга овқатланамиз, бирга яшаймиз!

— Албатта.

— Демак, биз билан бирга борасан, нима қилсак, шуни қиласан, хўпми?— деди Моулди.

— Нима топсанг, нима олсанг, ҳаммасини бизга бerasan, биздан ҳеч нарсани яширмайсан, бўптими?

— Ҳеч қачон яширмайман. Яхши эмас-да яшириш.

— Агар полиция қўлига тушиб қолсанг, ўзингни қутқазиб қолиш учун бизларни айтиб бермайсан?

— Хўп, ҳеч қачон!

Мендан нималарин талаб қилаётганинг тўла тушуниб етмаган бўлсан ҳамки, ҳамма талабларига рози эканлигимни айтдим.

— Сен бизга содиқ дўст бўлишинг, қўрқмаслигинг, сотқинлик қилмаслигинг керак!

— Хўп!

— Бўлмаса, қўлигни бер, биз энди ўртоқмиз. Бирга кетамиз ва ишга киришамиз.

Тақдирим ҳал бўлган эди. Уйдан қочиб чиққанимга бир кеча-кундуз бўлди, энди уйга қайтиш тўғрисида хаёл қилиш ҳам ўринисиз эди. Бундан ташқари, ўртоқларим етаклаб киргани ҳаёт уйдаги ҳаётимдан кўра анча кўнгиллироқ, яхшироқقا ўшаб кўринарди. Уларни ҳеч ким урмас экан, улар истаганларини қилишар, баъзан шўчқа гўшти ейишар экан, холбуки миссис Берк менга ҳеч қачон гўшт бермасди. Булар ҳатто театрларга ҳам бориб туришаркан. Ковентгарденга етгунимизча шу фикрлар бошимни чулғади.

Биз бозорнинг усти ёпиқ расталарига кирмадик, чеңдан юрдик, бу ерда арава ва ғалтакларга юк ортишмоқда эди. Биз анча вақтгача кезиб юрдик, мен ишга

қачон киришишимиз тұғырысыда сұрамоқчи бұлған ҳам әдимки, Рипстон югуриб бориб, биздан нарироқда күрсатгич бармоғиниң чўзиб, қўлини кўтариб турган кишининг олдига борди.

— Қаёққа кетди у?— деб сўрадим Моулдидан.

— Ишга,— деб жавоб берди у.— Бармоғини кўтариб турган анави одамии кўрдингми? Қўл кўтаргани — бола керак дегани бўлади. Агар у иккни бармоғини кўрсатиб, қўлини кўтариб турса, бу унга катта киши кераклигини кўрсатади. Рипстоннинг бу иши бизни кофе билан таъминлайди. Сен билан мен ҳам бирор иш қилсак, булка сотиб оламиз, ахир булкасиз қуруқ кофе билан нонушта яхши бўлмайди. Ҳар ёққа қараб кўзқулоқ бўлиб тур, Смитфилд!

Мен ҳар томонга диққат билан тикилдим, бироқ қўл кўтариб турган ҳеч ким кўринмади.

Йигирма минутдан кейин кофехона ёнинг бордик. Бозор яқинидаги бу кофехонага Рипстон ҳам келди. Рипстон бир ярим пенс ишлаган эди, нонга пул топганга қадар кофе ичиб турмоқчи бўлдик. Кофехонада бизга бир стакандан чучмал, аммо қайноқ кофе бердилар. Кофени ичиб, ўзимизни бироз тетик ҳис қила бошладик ва яна иш излаб кетдик.

Бу сафар ҳадеганда ишимиз ўнгидан келавермади. Сабзавот бозорини бир неча марта айланиб чиқдик, мева бозорининг ҳамма бурчакларида бўлдик, ҳеч қанақа иш топилмади. Рипстон билан Моулди бепарво ва қувноқ кайфиятда у ёқдан-бу ёққа юрганларини, иш тополмаётганларидан сира хафа бўлмаётгандарини кўриб, мен ҳам тинчландим. Эрталаб соат ўнларда бозордан чиқдик ва хилват кўчалар, ҳовлилардан ўтиб Дрюри-Лейнга йўл олдик.



— Хўш, қалай, Смитфилд?— деб сўради мендан Моулди.— Топгани ўртада баҳам кўришимиз ёқадими?

— Ёқади,— деб жавоб бердим унга,— фақат иш учалик ўнгидан келмади-да.

— Зарари йўқ, майли,— деди Рипстон.— Смитфилд, бу шимиз яхши эканми?

Мен унинг бу гапларини ҳазил деб билдим ва кулиб жавоб қайтардим.

— Албатта, яхши-да! Сизларга қандай бўлса, менга ҳам шундай!

Қандайдир ифлос тор кўчага чиққунимизча йўлда чақчақлашиб, ҳазиллашиб кетдик.

— Қани, Смитфилд,— деди Моулди,— ўртага ташлачи!

— Нимани ташлай?— деб сўрадим ҳайрон бўлиб.

— Нима бўлса, борини ташла!— деди Рипстон.— Бизнинг шернгимиз бўлган чол шу ерда туради.

Ўртоқларим мендан нима талаб қилаётганларини тушуммадим. Моулди чўнтакларимни, қўлтиқларимни кавлай бошлади, ҳеч нарса йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, дарғазаб бўлиб кетди.

— Жуда яхши ўртоқ топган эканмиз!— деб қичқирди у Рипстонга қараб.— Тенги йўқ ўртоқ!

— Нима?!— деди Рипстон.

— Ҳеч вақоси йўқ, қуруқ гавдаси-я! Бирорта пиёзи ҳам йўқ!

— Ўртоқ бўлганинг шуми?— деб таъна билан сўради Рипстон.— Балли-е, анойи эмас экансан!

— Нима қилишим керак эди?— деб ўзимни оқлай бошладим.— Иш топилмаса, пулим бўлмаса. Пул бўлганида пиёз эмас, нон олган бўлардим!

Бу сўзларимни эшитиб Моулди менга еб қўйгудек қилиб қаради, мен бундай дарғазаб қиёфани умримда ҳеч қаҷон кўрмагандим. Унинг шунаقا жаҳли чиқдики, жаҳлдан бирор сўз ҳам айтольмади.

Рипстон эса кулиб юборди.

— Ҳой, Моулди,— деди у,— бунақа жаҳлинг чиқавермасин. Смитфилд нодон ҳали. Қара бу ёққа, Смитфилд!

Шундай деб у калта камзулининг чўнтакларидан еттига нақшин олма чиқарди. Шимининг чўнтаклари эса ёнроққа тўла экан.

— Шунча олма билан ёнғоқ сотиб олиш нима керак эди? — деб сўрадим.

— Нима керак эди? Қимматроқ сотиш учун мен шунақа нарсалар оламан-да.

— Қачон сотиб олдинг? Мен кўрмадим-ку...

— Мени сатаётган кишининг ўзи ҳам кўргани йўқ: ўша пайтда у бошқа харидорлар билан банд эди-да, ишдан қолдирмадим уни. Тушундингми?

Тушуна бошладим, мени ваҳима босди. Тушуниб етганларимни айтиш ҳам менга қўрқинчли эди, бирор англашилмовчилик бўлмасин деб қўрқдим.

— Унга гапириб ўтирибсан-а! — деб қичқирди Моулди. — Имо-ишораларингга тушунармиди у. Қара, Смитфилд! Рипстон келтирган олмаю ёнғоқларни кўр япсанми? Буларни ўғирлаган! Тушуняпсанми? Энди бу ёққа қара! Мана булар мен ўғирлаганлар, афсуски жуда кам. Буларни шу кўчада сотамиз. Пулига бирор нарса олиб еймиз.

Моулдининг чапанича қилиб айтган бу сўзлари мени ҳайрон қолдирди.

— Хўш, нега ҳиқиллаяпсан? — деб мазақ қилиб қичқирди у менга. — Бизни олижаноб, софдил, инсофли болалар деб ўйладингми?

— Сенинг уйинг бор,— деди менга Рипстон,— истаган пайтингда уйинингга боришинг мумкин. Бизning ризқимизга шерик бўлмасанг ҳам бўлади, ризқимиз ўғирликдан иборат. Билганингни қил, ризқингни ўзинг толиб е.

Улар шундай дедилар-да, мендан ўғирилиб, тор йўлакка кириб кетдилар. Мен ёлғиз қолдим.

## VII

### *Ишлай бошлаганим*

Мен кўчада турардим, Рипстон айтганидек, ўз риз-  
қими ўзим топишим керак эди. Ўйга боришим ҳам мум-  
кин эди. Йўлни билмасам ҳам йўловчилардан сўраб  
топардим. Софдил бола ҳеч қанақа қийинчиликдан қўрқ-  
маслиги керак. Мен софдил эмасмидим? Ўғрилар билан  
бирга ухладим, эрталаб бирга бўлдим, бирга ионушта  
қилдим. Булар тўғрисида ўйларканман, уялганимдан  
қизиб кетардим. Нега уйга бормадим энди? Нимани кут-  
япман яна? Очлик нималигини билмаган киши шундай  
савол берини мумкин. Олдинги кун кам овқат еган, бу-  
кунисига бир стакангина кофени булкасиз ичган болани  
қийнаётган, баданини бўшаштириб, қўл-оёқларини ма-  
дорсиз қўялган очлик қанақа бўлишини билмайдиган ки-  
шигина шундай савол берини мумкин эди. Моулди билан  
Рипстоннинг ўғрилиги ҳақидаги фикр қўрқинчли, очли-  
гим эса ундан ҳам қўрқинчлироқ эди. Рипстон, агар ис-  
тасам уларниң ризқига шерик бўлмаслигимни, улар ей-  
диган пудингдан емаслигим мумкинлигини айтди. Демак,  
агар истасам сийишм мумкин. Бу пудинг жудаям ширин  
нарса-да! Биламан, уни овқат сотиладиган дўконларда  
сотишади. Уни ун, гўшт ва яна аллақандай мазали  
нарсалардан қиласилар. Иссикқина бўлади у, еб бўл-  
гунча қўлинг ҳам исиб олади. Пудингни катта-катта қи-  
либ, худди фиштдек қилиб кесадилар.

Фиштдек катта, тотли пудинг ҳақида ширин хаёл су-  
риб турганимда Рипстон билан Моулдига кўзим тушди,  
улар тор кўчадан келмоқда эдилар. Унли қоплар ортил-  
ган арава орқасига яшириндим-да, уларни кузатниб тур-  
дим.

— Иш жойида бўлди,— деди қувониб Рипстон,— энди понушта қилсак бўлади.

— Ҳа, чол олма ва ёнғоқларга яхши нул берди!— деди Моулди қўлидаги беш ёки олти пенс чақани отиб ўйнаб туриб.

— Смит қаёқса кетиб қолдийкин? Ҷақириш керак эди уни!

Рипстон ҳуштак чала бошлади.

Мен аравага ёпишдим, улар ёнимдан мени пайқамай ўтиб кетдилар. Йўлга чиқиб, уларнинг орқасидан кузатиб бордим.

— Мана, Блинкинснинг дўконига ҳам етдик. Рип, кирриб икки порция пудинг заказ қила қолайлик. Тентак Смит оч қолиб бир таъзирини есин.

Моулди дўконга кирди, бир неча секунддан кейин мен хаёлимдан ўтқазган ширин пудингни олиб чиқди.

— Оҳ, ҳидини қара,— деди Рипстон пудингдан чиқаётган иссиқ бугни ҳидлаб.

Мен ҳам кўчанинг нариги бетига ўтиб олдим-да, уларнинг орқасидан аста кетавердим; улардан анча узоқда эдим, шундай бўлса ҳам Рипстон пудингдан катта бир бурда олиб оғзига солганини, иштаҳа билан еганини аниқ кўрдим. Уларга яқинлаша бордим, ниҳоят, маза қилиб чайнаётгандарини ҳам эшига бошладим. Рипстон иссиқ пудингни оғзига солиб, оғзини куйдирмаслик учун совуқ ҳаводан шимирганини ҳам кўриб турдим. У бошини бурган вақтда маза қилаётганидан кўзлари чақнаганини ҳам пайқадим.

Улар пудинг ябошлаганларида карам баргларни устида беш бўлак пудинг бор эди; энди иккинчи бўлакни қўлга олган эдилар.

— Блинкинснинг пудинглари жуда ҳам мазали-да,— деди Рипстон,— жиқса ёғ-а!

— Рост,— деди Моулди қўлини ялай туриб.— Худди қийма гўшт қўшилгандек.

— Тўйдим!— деди Рипстон.— Бошқа еёлмайман.

— Рост, ортиқча еб нима қиласан,— деди кулиб Моулди.— Мен ҳам бундан бошқа еёлмайман.

Мен чидаб туролмадим

— Муолди!— деб қичқириб юбордим-да, унинг елкасига қўлимни қўйдим.— Менга ҳам озгина беринглар.



ги бўлакни оғзига солатуриб.— Ўғирлик овқатни егани ҳазар қилмайсанми? Яна тиқилиб қолса-я!

— Топганимизни ўртада баҳам кўрамиз деб аҳдлашган эдик-ку,— дедим ялиниб, Моулдининг раҳмини келтириш учун.

— Тўғри, мен ҳали ҳам шундай фикрдаман,— деди у.— Бироқ пудингни бирга ейсан-ку, ўғирлик қилишга қолганда, қилмаяпсан-да. Яхши эмас. Тўғрими, Рип?

— Балки у гапимизга яхши тушунмагандир,— деди ўртогига қараганда раҳмидилроқ бўлган Рипстон.— Унга ҳар томонлама яхшироқ тушунтириб қўйганимизда бунчалик бўлмасди. Тўғри эмасми, Смитфилд?

Шундан кейин Рипстон қўлидаги сўнгги тишлам пудингни менга берди. Бу бирам ширин эдики, бунақасини умримда ҳеч қачон еб кўрмаган эдим. Иссиққина, мазали! Моулдининг қўлида карам барги устида эса яна бир бўлак бор, у Рипстон менга бергандан ўн ҳисса кўпроқ эди.

— Нима дейсан, Смитфилд?

Моулди қўлидаги бўлакни оғзига олиб бориб энди тишламоқчи бўлган эди, Рипстон қўли билан ишора қилиб уни ейишдан тўхтатди. Ким ейди уни? Бу менинг жавобимга боғлиқ эди. Ахир мен кеча кечқурун озгина тамадди қилганимдан кейин ҳеч нарса татимаган эдим.

— Э, сенмидинг ҳали?— деб қичқирди Моулди мени кўргач.— Уйга қўярлар деб борган бўлсанг, ҳайдадиларми?

— Ёки бозорга бориб, бизни чақиб бердингми?— деди Рипстон.

— Ҳеч қаёқقا борганим йўқ, орқангиздан келяпман. Бир бурда менга ҳам бера қолинглар, қизғанманглар! Қорпум жуда очиқиб кетди!

— Ўғирлик қилиб ейиш яхши эмас-ку, ахир!— деди кулиб инсофсиз Моулди, қўлида-

— Тушунтирганларингда менинг ҳам чўнтакларим бўш бўлмасди,— дедим ботирлик қилиб.

— Демак, энди билганингдан кейин ишингни билиб қилассан?

— Албатта, билиб қиласман.

— Жуда соз. Моулди, пудингни унга бер. У жуда ҳам очга ўхшайди.

— Тўхта-тўхта,— деб эътиroz билдири Моулди.— Мен буни еб қўймайман,— шундай деди-да, уни калта камзулининг чўнтағига тиқиб қўйди,— аввал Смитфилд бир иш кўрсатсин ва рост гапираётганини амалда исбот қиласин. Кетдик.

Орқага қайтиб, Ковентгарденга жўнадик. Мен Моулдининг ёнида, пудинг солиб қўйилган чўнтағига яқинроқ кетмоқда эдим.

Бозорга борганимиздан кейин Моулди атрофга аланглаб қаради.

— Ана у дўконни кўряпсанми?.. Кўк халатли кишини, икки устун ўртасида, кўряпсанми?— деб сўради мендан.— Ўша ерда саватларда ёнфоқ бор.

— Кўяпман.

— Бир чеккада ёнфоқ солинган сават турибди. Бор, биз сени шу ерда кутиб турамиз.

Моулди нимани талаб қилаётгани менга маълум эди. У менинг ўша ёққа бориб, саватдан ёнфоқ ўғирлашимни кутаётган эди. Бир бурда пудингни Моулдидан олиш учун нима бўлса ҳам ёнфоқ ўғирлашга қаттиқ бел боғладим, бироқ дўконга яқинлашгунимча юрагим шунакаям гупиллаб ура бошладики, асти сўраманг. Дўконниг бир ёғига карам ва бошқа сабзавотлар уйиб ташланган эди. Яқинроқка бориб қарасам — ўтиб бўлмайди, нари ёқдан айланиб келиб, ёнфоққа яқинлашдим. Карам мени кўрсатмасди, сотувчи менга орқасини қилиб, харидорлар билан савдолашмоқда эди.

Карам сатаётган аёл ҳам мени кўрмасди, у орқасини ўғирлаб, тиззасига тарелкани қўйиб овқатланиб ўтирган эди. Сават ёнфоққа тўла эди. Мен икки-уч ҳовув ёнфоқ олиб, чўнтақларимни роса тўлдирдим, кейин тор йўлкадан юриб, Моулди билан Рипстоннинг ёнига бордим.

— Қойил-э, Смитфилд!— деб қичқириб юборди Моулди.— Кўриб турдим. Кўлимдан иш келмайди дейсан-а! Балли! Мана энди пудинг сеники!



— Мен ҳеч қачон бунчалик бемалол, бехавотир ўғирлик қилмагаиман,— деди Рипстон.

— Сеними?— деб уни камситиб мазақ қилди Моулди.— Смитфилд қилғаннинг тўртдан бирини қилғанингда ҳам гердайиб мақтанаардинг. Ўзим ҳам бунчалик эпчилик билан ёнғоқ ўғирлай олмасдим. Албатта, бошқа нарсаларда у мени билан тенглаша олмайди,— деди у афтидан менинг жуда ҳам талтайиб кетмаслигим учун.

Кундузи ҳамма иш жойида бўлди, кечқурун бўлгаç, яна арава устида ётиб олганнимиздан кейин вижданан қийнала бошладим. Бу гал Моулди ёстиқ бўлди, энг ях-

ши жойини менга таклиф қилдилар. Мен Моулдининг кўкрагига бошимни қўйиб ётдим, бироқ сира уйқум келмади. Мен ўғирлик қилдим, ўғри бўлиб қолдим! Ёнгоқ ўғирладим, ўғри болалар билан бирга юрибман, ўғирланганимни улар билан биргаликда сотдим, тушган пулни бирга харж қилдим! «Ўғри» деган сўз миямда айланаб, бутун вужудимни титратар, аъзойи баданим ларзага келарди. Ўғри, ўғри!— деб тақрорларди қалбимт ўзимни тинчита олмасдим.

— Ўғри!— деб пицирладим мен.

Моулди ҳали уйғоқ эди.

— Кимни ўғри деяпсан?— деб сўради у.

— Мен ўғриман,— дедим унга.

— Сени ким ўғри эмас деяпти?— деди мазақ қилиб  
Моулди.

— Мен, ахир, илгари ҳеч ўғирлик қилмаган эдим,—  
дедим жиддий оҳангда.— Ишон, ҳеч қачон ўғирлик қилмаганиман. Шунинг учун ҳам хафаман.

— Ёлғон гапирияпсан,— деди Рипстон. У ҳам ухламаган экан..

— Рост,— дедим.— Ёлғон гапириётган бўлсам, ўлай агар.

— Бе,— деди Моулди,— ҳозир ҳам ўғри бўлсам ўлай,  
деб қасам ичаверасан-да.

— Йўқ, ундаи деб қасам ичмайман, чунки ростдан ўлиб қолишим мумкин. Энди ўғри бўлдим.

— Бекор айтибсан!— деди Моулди.— Шу ҳам ўғирлик бўптими? Бу ҳеч ҳам ўғирлик эмас.

— Ўғирлик бўлмаса нима бу? Бироннинг нарсасини олиш ўғирлик бўлади, дейишарди-ку менга.

— Бироннинг нарсасини олиб кўрмаганлар шундай  
деяверадилар,— деди Моулди. Бу қизиқ масалани яхшироқ муҳокама қилмоқчи бўлиб у қўзғалди-да, тирсагини ерга тираб, бошини кўтарди.— Агар бирор бола дўконга бориб, сотувчининг қутичадаги пулидан олса, уни тутиб олсалар, буни ўғирлик деса бўлади. Агар бола ҳаридорларнинг чўнтакларига қўлинни тиқиб, пул олса ҳам ўғирлик. Бу учун судга беришлари мумкин, судья ҳам буни ўғирлик ҳисоблайди. Агар бир кичкина бола қорнини тўйғазиш учун бировларнинг олмасидан ёки ёнғогидан олса, буни ўғирлик деб суд қилишади дейсанми? Ҳеч бир-да! Қўлга тушса, сотувчи уннинг юзига бир тарсакни тушириши мумкин ёки қоровулни чақирса, қоровул бир-

икки калтаклайди-ю, барибир яна қўйиб юборади. Ўғриларни жазолаш эса қоровуллар ихтиёрида эмас.

— Бирорларнинг олма ва ёнғоқларини яширинча олган кишини ўғри демай, ким дейдилар?—деб сўрадим Моулдидан.

— Минг хил номи бор: олиш, ўмариш, мазасини кўриш, тиринчилик қилиш ва шунга ўхшаш; барибир эмасми сенга?

— Полициячидан сўрасак, у нима деб айтаркин?

— Ўйлаб топганини қара-я! Қанақа тентак буни полициячидан сўрарди? Энг ярамас ёлғончилар ўшалар-ку!— деди Рипстон.

— Ростини айта қол, Смитфилд, жуда қўрқоқ экансан-а?— деди Моулди.

— Йўқ, қўрқоқ эмасман, ўзимча буни ўғирлик деб ўйлаётган эдим-да. Ўғирлик бўлмаса жуда яхши-ку.

— Билиб қўй,— деди Моулди,— кичкиналигимда, уйда яшаган пайтларимда отам онамга кўпинча газета ўқиб берарди, мен тинглардим. Газеталарда ёзилишича, суд ходимлари қандай эҳтиёткор, айёр бўлсалар-да, одамларга, ҳар нарсага жуда ўйлаб баҳо беришлари керак экан. Чинакам ўғирлик билан қўлга тушмаган кишини ўғри деб аташга ҳақлари йўқ экан. Суд ходимлари «ўзлаштирган», «олган», «калдаган» дейишаркан. Бирор нарсани олиш ўғирлик эмас. Мана, бир марта Рипстон чой қошиги олиб, икки ҳафта турмада ётиб чиқди. Тўғрими, Рипстон?

— Буни менга ҳадеб пеш қилаверма,— деди унга Рипстон жаҳли чиқиб.— Икки ҳафтадан ортиқ ётиб чиққан болаларни ҳам биламан, лекин мен гапирмайман-ку!

Унинг бу гапи, албатта, Моулдига тааллуқли эди. У хафа бўлиб, Рипстонни дайди деб атади. Бироқ улар тезда ярашиб кетдилар, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтириб, ниҳоят ухлаб қолдилар.

Барибир ўтган кечадаги каби уйқум келмади. Ўртоқларимнинг мулоҳазалари маъқул бўлмади менга. Яширинча бирорвинг ёнғоғидан олиш балки ўғирлик деб атамас, лекин барибир бунақа иш билан шуғуллангим келмасди. Эрталаб Моулди билан Рипстонга тўғри бола бўлишни, бозорда ҳалол меҳнат қилишни исташимни айтмоқчи бўлдим. Агар улар мен билан ўр-

тоқ бўлмасалар ажрашаман, деб ўйлаб ётиб уйқуга кетибман.

Эрталаб уйғонгач, ўзимни жуда ҳам баҳтсиз ҳис қилдим. Совуққа қотган эдим, тишларим бир-бирига тегиб такилларди. Қани энди бир қутлум қайноқ кофе бўлса! Ҳамма усти-бошимни берардим.

Моулдида кофега пул бор эди. Кечакорун у бир жаноб ресторандаги овқатланиб чиққунича унинг отига қараб турган эди, бу хизматнига олти пенс ҳақ олганди. Тўрт пенсни кечакорун овқатга сарфлаб, икки пенсни кофе учун қолдирган эдик.

Кўчага чиқдик. Учаламиз ҳам совуқдан қалтирад эдик. Майдалаб ёмғир ёғиб туарарди. Қўпприк ёнидаги майдон ўтиб бўлмайдиган лой эди. Қаҳвахонага яқинлашганимизда кўйлак-иштоним жиққа ҳўл бўлиб, баданимга ёпишиб кетгаи эди. Мен бу ўғри болалар билан алоқанин узиш ҳақида кечаги ўйлаганларимни унумтаган эдим, бироқ уларга бу ҳақда гапиришга ботина олмадим. Қандай қилиб бу ҳақда гапира олардим? Оч эдим, ич-ичимгача ивиб кетган эдим; агар улар билан уришиб қолсам, бутунлай ёлғиз қолиб, қийналишимни билардим.

— Икки пенсга уч стакан кофе беринг! — деди Моулди буфетчига.

Бўлар иш бўлди. Бу кофени бошқа бирор тақлиф қилганда эди, мен ичмай ташлаб кетишим мумкин эди, бироқ Моулдининг қўлидан кофе ичиб туриб, уни ўғирликда айблаб ўтиришим бемаънилик бўларди.

Кофе ичаётуб, Моулди деди:

— Тезроқ бўла қолайлик! Бугун бизга иш жуда кўп бўлади. Биласанми, Смитфилд, яхши ҳавода ҳамма ўз ишини ўзи югуриб қилаверади, ёмон ҳавода эса бирорни юргутиришни яхши кўради.

Моулди тўғри айтган эди. Эрталаб ёмғир кўп ёғди, ишимиз мўл бўлди. Мен ўн бир пенс ишладим, Рипстон бир шиллингу бир ярим пенс, Моулди эса тўққиз ярим пенс ишлади. Моулдидан кўп пул топганимга жуда хурсанд эдим. Кийимларим шалаббо бўлиб, оёғимни шиша синиги қаттиқ кесиб кетган бўлса-да, ўзимда йўқ хурсанд эдим, чунки меҳнат қилиб, ҳалол пул топган эдим. Рипстон билан Моулди ҳам овқатланишга етадиган пул топганлари учун бозордан бирорта ҳам олма ўғирламадилар.

— Мана, эрталаб яхши ишладик, ҳалол ишладик,— деди биздан пулларни ола туриб Моулди. У бизнинг хазиначимиз эди.

— Ёмон йўл билан ҳар хил нарсалар топиб, уларни сотишдан кўра бу яхши-да,— дедим мен юрак ютиб.

— Албатта-да, бунақада пулни ҳам кўп топиш мумкин.

— Менин шилашга мажбур қилсалар майли эди, лекин... бошқа нарсага эмас,— дедим.

— Сен бирор мажбур қиладими? Ҳамма вақт бир хил иш билан шуғулланиб бўлмайди. Шунаقا ёмон нийтлар бўладики, очликдан ўлиб қолниш мумкин. Шунинг учун, менингча, тўғри келганини қилаверини керак.

Рипстон Моулдининг бу гапларини маъқуллади.

Ошхонага қараб йўл олдик, жуда кайфи чоғлик билан овқатландик, кечки овқатга ҳам пул ажратиб қўйдик, яна олти пенс ортиб қолди. Бунга ўртоқларим менга ётиқ олиб бермоқчи бўлдилар. Эски-туски сотиладиган растага бориб, бироз кенгроқ, аммо жуда ҳам ийишга қулай ётиқ сотиб олдик,

---

## VIII

### *Күчүкча. Мени излаганлари. Күнгилсиз тун*

Кунларимиз бир хилда ўтмоқда эди. Ҳар куни тоңиши билан уйғонардик, донмо бир күча ва йўлаклардан юриб, бир хилдаги ишни қилардик. Ишлаб топган шулимиз овқатимизга етмай қолганда бозордаги ўша дўконга бориб майда-чўйда нарсалар ўғирлаб, чолга сотардик, сўнг овқатланардик. Баъзи кунлари чўчқа гўшти ердик, баъзан бир бурда қора ион билан кунни ўтказишга тўғри келарди. Баъзан похол тўшалган аравада ётсак, баъзан қуруқ тахта устида ётишга тўғри келарди.

Үйдан қочганимда кийнимим юпун эди: икки қават иштон, бир кўйлак ва бир йиртиқ камзулдан бўлак ҳеч нимам йўқ эди. Энди кўйлак ва иштоналарим янги бўлди, калта камзул ўрнига сюртюкка ўхшаш кийим кийиб олган эдим. Олти пенсга олинган этик эса аллақачонлар йиртилиб кетган ва мен яна аввалгилик, оёқяланг юрмоқда эдим. Янгисини олишга пул йўқ эди.

Рипстон ва Моулди билан учрашганимда май ойининг ўрталари эди, ҳозир эса октябрининг ўрталари. Куз мобайнида етти-саккиз марта театрга бордим, томёша кўриб жуда ҳам завқландим. Бир марта полиция участкасида тунашга ҳам тўғри келди.

Бу воқиа қўйидагича рўй берди. Арк тагидан қайтаётганимизда орқамиздан бир күчукча бизга эргашиб келаётганини кўрдик.

— Йўқол! — деб унга бақирди Моулди. — Сен билан ўйнашишга вақт йўқ бизда!

У итга тош отди.



— Ўзи менга эргашиб келди, сэр,— дедим қўрқувдан титраб.

— Қанақа қилиб «ўзи эргашганини» биламан,— деди мени мазақ қилиб полициячи ва ёқамдан тутиб, аравадан судраб пастга туширди.

Мен йигладим.

— Қўявер, хафа бўлма, Смит,— деди мени юпатиб Рипстон.— Мен қутқазаман сени.

Ростдан ҳам у мени турма хавфидан қутқазди. Ит киминкилигини суриштириб билибди-да, эгасининг уйига бориб, бўлган воқнани гапириб берибди. Кучукча шаҳар докторининг касал қизиники экай.

Эртаси кун туш пайтида мени полиция участкасининг қабулхонасига олиб келдилар. У ерда хафа бўлиб ўтирган ёшгина жувон мени ёнига чақирди-да:

— Кучукчани кўчадан топиб, бирга олиб ётгап бола сенми?— деб сўради.

— Мен, хоним,— дедим қўрқишимни ҳам, қувонишмни ҳам билмай.

— Сени ҳозир озод қилишади. Мен сени бўшатдиргани ва сенга қизим номидан ташаккур айтгани келдим. Қизим касал, кечаси ухлай олмади: кучукчамни топиб беринглар, деб кечаси билан йиғлаб чиқди. Ит

— Нега урасан?— деди Рипстон, итга раҳми келиб.— Юраверсин, ниша ишинг бор!

— Рип, уни олиб кета қолайлик,— дедим мен.— Аравада биз билан бирга ётади. Уйи ўйқу ўхшайди.

Кечаси юзимга тушган фонарь ёруғидан уйғониб кетдим. Арава ёнида полициячи турарди, у биз олиб келган итни қўлига ушлаб олган эди.

— Ярамас, буни сен ўғирлаб келдингми?— деб бақирди полициячи қўлимдан ушлаб.

топилгач, ухлаб қолди. Раҳмат, биз туфайли участкала тунаганинг учун биздан хафа бўлма.

Шундай деб у менинг бошимни силаб эркалади.

Участкадан чиққач, қувонганимдан сакраб-сакраб кетдим: аёл берган беш шиллинг пул чўнтағимда эди!

Беш шиллинг! Бундай катта пулни биз учаламиз ҳали бирга ишлаб ҳам тополган эмас эдик! Бу беш шиллингга бир тўйиб кайф қилмоқчи бўлдик. Яхши ошхонада овқатландик, ҳар биримиз бир кружкадан пиво ичдик, хурсанд бўлиб кетганимиздан ҳар ўринга икки пенсади тўлаб, катта извошда театрга ҳам бормоқчи бўлдик. Пиводан Моулди билан Рипстон мастиб бўлиб қолишди; пъесанинг ярмида бизларни театрдан ҳайдаб чиқаришди. Ёмғирда уйга пиёда қайтишга тўғри келди — чўнтағимизда пул қолмаган эди.

Үйдан қочганимга беш ҳафтача бўлди деганда, кунларнинг бирида эрталаб бозорда бир қўшнимизни учратиб қолдим.

— Ҳой! — деб қичқирди у. — Кўлга тушдинг-ку, ярамас бола! Отангга олиб бораман сени.

Мени ушлаб олмоқчи бўлган эди, бироқ мен чап бериб қочдим. Шундан кейин у ёқ-бу ёққа қараб юрадиган бўлиб қолдим, отам мени излаб келиши мумкин эди. Ўртоқларимга ҳам отамнинг қиёфасини бошдан-оёқ тасвиrlаб бердим, улар ҳам кўз-қулоқ бўлиб юрдилар.

Эртасига эрталаб соат еттиларда Моулди менга мева бозори томондан келаётган икки кишини кўрсатди. Уларнинг бири кеча мени тутиб олишига сал қолган кишин, иккинчиси эса отам эди. Отам жаҳли чиққанидан бўздек оқариб кетган, қўлида узун қамчиси бор эди, афтидан мени тутиб олса, керак бўлишини билиб, бирордан олган бўлса керак. Үнга кўзим тушиши билан мени ваҳима босди.

— Рип, азизим, ёрдам бер менга, — дедим ўртоғимга, унинг орқасига яшириниб. — Қара, жуда жаҳли чиққан, қамчисига қара.

Рипстон орқасига тисарилиб, мени бўш ётган саватлар олдига олиб борди-да, бир сават орқасига яшириб қўйди, ўзи эса ҳеч нарса бўлмагандек бепарво сабзи тозалаб еб ўтириди. Бир неча дақиқадан кейин унинг олдига отам келди.

— Ҳой бола, — деб Рипстонга мурожаат қилди



қирди отам.—Мен сендан саккизларга кирган болани сўраяпман.

— Саккизларга кирган...—деб тақрорлади Рипстон чайналиб.—Номи ростдан ҳам Жимми?

— Албатта! Жим Бализет.

— Э, Жим Бализетми?—деб қичқириб юборди Рипстон, худди тўсатдан эсига тушгандек.—Биламан, биламан уни, биз уни Раузер деб атардик. Энди эсимга тушди. У Кау-Кросс яқинида яшайди, отаси мол ташувчи бўлса керак.

— Худди ўзи, қаерда у?

— Отаси жуда сержаҳл экан-а? Жимни қайнish билан тез-тез савалаб туаркан.

— Шунаقا ҳам дедими ҳали? Ярамас бола-еї!

— Унинг яна ўгай онаси бор экан, жуда газанда, золим экан, Жимга сира кун бермас экан, ёлғончи, ғаламис экан, ўзи арақни сувдек ичаркан.

— Қани ўзи?!—деб бақирди отам. У югуриб келиб Рипстоннинг ёқасидан ушлади ва уни шунақаям қаттиқ силтадики, саватлар ҳар ёқса думалаб кетишига сал қолди.

— Қўйиб юборсангиз айтаман, бўлмаса айтмай-

отам,— бозорда йиртиқ камзул кийган, бўйи мана шунча келадиган бир болани учратмадингми?

Саватлар орасидан отам бўйинминг қанчалигини кўрсатганини кўрдим.

— Оти нима?—деб сўради Рипстон сабзи кавшай туриб.

— Жим.

— Жимни биламан. У семиз, кучли, шунақаям муштлашадики, ҳар қандай кишини бир мушт билан инқитади.

— У эмас! — деб сабрсизлик билан қич-

маш!— деб бақирди Рипстон, гапининг оҳанги ростдан ҳам мени тутиб берадиганга ўхшаб кетди.

— Қани, гапир!— деди отам.

— Ростини айтсан, у юк ташувчи бўлиб ишлашга кетди.

— Қачон, қаёққа?

— Бунисини билмадим,— деди қатъни қилиб Рипстон.— Кечакурун бир танишим уни Вестминстер кўпригига кўриб қолиб: «Раузер, нима қилиб юрибсан бу ерда, бозорда иш йўқми?» деб сўрабди. Раузер унга: «Энди бозорда юрмайман, отам мени қидириб келиши мумкин. Уенсворт йўлида баржада ишловчи бир танишим бор, ўшаникида юк ташувчи бўлиб ишлайман», деб жавоб берибди. Бошқа ҳеч нарса билмайман.

— Лаънати!— деб бақирди отам.— Қачон қайтишини гапирмабдими уйга?

— Билмадим, энди келмаса керак. Ҳамма вақт у, дengизда сузмоқчиман, деб юрарди,— деди Рипстон.— Дарёда кемалар бор, ўшаларда ишлайверади, дом-дарақсиз кетади энди!

— Бу гапиниг тўғри,— деди отам.— Кетдиқ, Жек.— дея у ошнасига мурожаат қилди.— У ярамасини қидириб ҳам нима қилдик? Денгизга чўкиб ўлмайдими менга деса!

Отам қамчисини қўлтиғига қисиб, ошиаси билан кетди, Рипстон эса улар узоқлашганларидан кейин саватлар орасидан чиқиб олишимга ёрдамлашди.

Шундан кейин отамни ҳам, қўни-қўшни ва танишларни ҳам учратмадим.

Кўп ўтмай касал бўлиб қолдим.

Ҳеч қаерим оғримаса ҳам, юриб турган бўлсам ҳамки, ўзимни ёмон ҳис қила бошладим. Бу, албатта бечиз эмас эди. Куз серёмғир келди, кийимларим бир неча кунлаб қуримай юргаи пайтлари кўп бўлди. Кийимларни қуритиш у ёқда турсин, кечаси ечиб ётишининг ҳам иложи йўқ эди. Бир неча марта томоғим, орқам қаттиқ оғриди. Икки ҳафта тиш оғриғидан азоб чекдим. Тиш оғригининг бунчалик ёмонлигини билмасдим. Нонин сувга ивитмасдан ёёлмасдим, шолғом, карам ўзагини ҳам чайнай олмасдим. Ҳолбуки, бизнинг асосий емишимиз шулардан иборат бўларди. Бахтим чопиб аҳён-аҳёнда юмшоқ бўлка ёки бошқа бирор

емиш сотиб олиб ердим, кўп вақтлар оч юришга тўғри келарди. Араванинг устида тун бўйи у бурчакдан-бу бурчакка думалаб чиқардим, оғриқдан кўз юмолмасдим, ўртоқларим эса мендан ранжишарди.

— Нега ҳиқиллайсан, Смиф! Ҳеч ухлагани қўймаяпсан-ку!— деб гиншириди Рипстон.

— Рост, мунча жонинг пахтадан! Смиф!— дерди унга қўшилиб Моулди.— Куидуз куни ҳеч нарса топмаганинг устига, кечалари ҳам ухлагани қўймайсан шекинлли.

— Нима қилай, Рип?— деб йиғлардим.— Менга ўхшаб бир неча кундан бери азоб тортсанглар, менга раҳминглар келган бўларди.

— Унга ёрдам бериш керак, Моулди,— деди Рипстон, кўз ёшларимга раҳми келиб.— Кўшни аравада ётадиган кекса скрипкачини чақирайлик, у тиш олини ни билар экан. Оғриган бир тиш учун ҳафталаб азоб чекишдан кўра, уни биратўла суғуриб ташлаш керак, бир оғрийди-қўяди.

— Яхши маслаҳат,— деб Моулди скрипкачини излаб кетди.

Бир неча минутдан кейин иккаласи бирга келнди. Скрипкачининг қўлида занглаган узун сим бор эди.

— Қани, бола фақир,— деди скрипкачи,— ўтириб, оғзингни катта оч. Сиз, болалар, уни қўлларидан маҳкам ушланглар, менга халақит бермасин.

Қаттиқ оғриқ ваҳимаси босган бўлса ҳам мен унинг айтганини қилдим. Чол оғриётган тишимни сим билан ўраб боғлади ва... кучи борича силтаб тортди...

— А-а-а!— деб бақириб юбордим чалқанча йиқилиб.

Оғзимдан кўп қон оқди, бироқ тиш оғриги шу билан даф бўлди...

Ковентгарденда ишимиз кундан-кунга ёмонлаша борди. Бизни пайқаб қолдилар, бу жуда ҳам ёмон бўлди. Ўғри эканлигимизни ҳамма билиб, пайимизга тушди. Деярли ҳар куни ё сотувчи, ё бозор қоровули бизни дўппослаб турарди.

Рипстон қишида сабзи асраладиган ертўлани топли. Биз бир ҳафтагача фақат сабзи еб тирикчилик қилдик. Аввалига жуда қувониб кетдик, бироқ кейинчалик билсак, фақат сабзи еб тирикчилик қилиш фирт зарар-

ли экан. Менинг касал бўлишимга ҳам қисман шу сабаб бўлганди.

Одатда, ҳаво яхши бўлган якшанба кунлари биз дарё қирғоғида саир қилардик, кейин аравамизга ётиб олиб, бир-биримизга турли воқиаларни ҳикоя қилардик. Мен касал бўлиб қолган куни Рипстон билан Моулди саир қилишга кетди, мен эса аравада ёлғиз қолдим. Улар кечадан қолган бир неча пенсга ноң олиб ебдинлар, мен эса наҳор эдим. Иситмам зўр эди, қалтирдим; тилим қуриб, кўзим ҳам, худди бирор ургандек бошим ҳам оғрирди. Бахтимга аравада похол бор эди, ўртоқларим уни менга инъом қилган эдилар. Бироқ, ҳеч ўрнашиб ётолмасдим: бошим остига қанча похол тўпласам ҳам барибир пастлик қиласмиш эди.

Кечга бориб аҳволим янада ёмонлашди. Бу кеча мен ёстиқ бўлишим керак эди, бироқ раҳмдил Рипстон ёстиқ бўла қолди, Моулди эса қулай жойни менга берди, ҳолбуки олдинги кун у ёстиқ бўлгани учун бош қўйишга энг қулай жойни у олиши керак эди. Улар менинг ором олишим учун ҳар кунгидан илгарироқ ухлашга ётдилар. Бироқ бу ғамхўрликлар менга фойдасиз эди. Рипстон бошимнинг иссиқлиғи камзулидан ўтиб, уни иситиб юбораётганини айтди. Мўмин-баёв Моулди эса уйқусираб жуда ҳам тажанг бўлди. У бир пайт ҳеч нарса демай, Рипстоннинг оёғига бир мушит урди.

— Нега урасан! — деди дарғазаб бўлиб Рипстон.

— Нега жим ётмайсан? Рақсга тушаётгандек оёғингни дикиллатаверасан!

— Мен эмас, Смитфилд-ку, бу! — деб бақирди Рипстон.

— Смиф, нега титрайсан?

— Совқотиб кетяпман, Моулди. Танамдан муз чиқяпти.

— Муз эмиш-а! Танаси ўтдек ёняпти, бир ушлаб кўр, Моулди, — деди Рипстон.

Моулди пешонамга қўлини қўйди.

— Мана сенга, ёлғон гапирганинг учун! — деди-да, иргиб ўрнидан туриб юзимга бир тарсаки урди. — Йиғлассанг, бу юзингга ҳам ейсан!

Мен тишимни тишимга қўйиб чидашга ва йиғламасликка тиришдим, бироқ ортиқча чида буролмадим.

Тун бўйи кўз ёшимни аранг тийиб ётган эдим, аммо Моулдининг бу қилини тоқатимни тоқ қилди. Хўрсангим келди. ўзимни тутолмай хўрсанниб йиглаб юбордим, кўз ёши қуюлиб келаверди, артиб улгурга олмадим. Гўё ичим ҳасратга тўлгану, у кўз ёши бўлиб оқиб тушиши керакдай эди. Аравага қапишиб олиб жимгина йинглайвердим, ахён-ахёнда ўпкам тўлиб хўрсинганимда ўртоқларим йиглаётганимни пайқашлари мумкин эди. Бозорда отамни қўлига қамчин тутган ҳолда кўрганимда уйга ҳеч ҳам бормасликка аҳд қилган эдим. Уша кундан кейин кичкина Поллини ҳам эсимга туширмадим, уй ҳақида бутуилай ўйламай қўйган эдим. Юрагим муздек совиб, тошдек қотиб қолган эди; эди эса яна қайтадан эригандек, юмшагандек, шу билан бирга чидаб бўлмайдиган даражада эзилаётгандек бўлди.

Менинг йигум инҳоят Моулдининг ҳам сабр косасини тўлдириб юборди шекилли, у ваъдасининг устидан чиқиб, юзимга яна шапалоқ тортиб юборди; бу илгаригидан ҳам қаттиқроқ тегди.

— Қанақа бераҳм қароқчисан! — деб қичқирди унга Рипстон. — Ўзингдан кичик болани, бунинг устига, оғир касални шунақа аямай урасамми! Тур, Смитфилд, кўмаклаш, биргалашиб адабини бериб қўйалик!

Рипстон менинг ёрдамимни кутиб ўтирмай, енгни шимарди-да, Моулдини ура кетди. Мен ёқалашмоқчи эмасдим, шунинг учун уларни яратишмоқчи бўлиб, қаттиқ урмади, унинг урганига эмас, касал бўлганимга йиглаяпман, дедим.

Моулдининг уйқуси қочиб кетгандан кейин у мендан узр сўради, билмасдан ярамаслик қилганини таъолди, баравар бўлишимиз учун бурнимга кучинг борича урақол, мен қўлимни орқамга қилиб тураман, деди. Бунга жавобан Рипстон, ол аламингни, деб менга далда берди, бироқ менинг кўнглим бўлмади. Шундан кейин Моулди ҳеч бўлмаганда телпаги ва камзулини олиб, кийиб ётишимни буюрди. Рипстон ҳам ўз кийимтарини беришга тайёр эди-ю, аммо, бор-йўғи бир кўк фуфайка унга ҳам кўйлак, ҳам камзул вазифасини бажараётганди, телпагини эса ўтган куни бозорда қоровулдан қочаётганида йўқотиб қўйган эди.

Уртоқларим мени тинчтишга, яхшироқ ётқизишга, баданим иссиқроқ бўлишига астойдил ҳаракат қилсаларда, аҳволим яхши бўлмади. Илгаригидек бутун аъзойи баданим ловуллаб ёнарди-ю, ўзим жуда совқотиб қалтирадим, тилим қуриб қолган, энтикиб-энтикиб оғир нафас олар эдим. Лекин кўз ёшларим бироз аҳволимни енгиллаштиргандек бўлди, нима қилсалар ҳам тинчгина ётишга, ҳар нарсага итоат қилишга тайёр эдим.

---

## IX

### *Иш уйига тушганим*

Менинг касал бўлиб қолганим ўртоқларимни жуда ташвишлантириб қўйди. Устимга камзул ёпиб, иложи борича яхшироқ ётқизиб қўйдилар, бироқ ўзлари ётмай, араванинг нариги бурчагига бориб олиб, нималарнидир шивирлаша бошладилар.

— Шамоллаганга ўхшайди,— деб шивирлади Рипстон.— Шамоллаш жуда ёмон бўлади. Нима дейсан, Моулди?

— Шунақага ўхшайди,— деди янада пастроқ овозда Моулди.

— Горчица малҳами қўйсак яхши бўларди... Эсимда бор, кичкиналигимда менга қўйган эдилар... Нима дейсан, Моулди, горчица малҳами олиб келайми?

— Қаёққа борасан? Бугун якшанба, ҳамма дўконлар берк, аптекалар очиқ, холос. Аптекаларда горчица малҳами топилмайди.

— Аптекадан дори сотиб олиш мумкин,— деди Рипстон.— Шуниси ёмонки, дориларнинг номини билиш қийин, нима деб сўрашни ҳам билмайсан киши.

— Тўрт пенсга дори беринг, деб сўрайвер-да.

— Аптекачи, қанақа дори, деса-чи?

— Сурги беринг, дейсан. Дориларнинг ҳаммаси ҳам шунақа бўлади-ку,— деди Моулди секингина. Умуман, унинг гаплашгиси келмаётгани сезилиб турарди, нима ҳақдадир ўйлаётгандек эди.

— Шундай қиласиз, Моулди,— деди яна Рипстон.— Эртага биринчи топган пенсимиизга Смитфилд учун дори оламиз.

Моулди ҳеч нарса демади, бир лаҳза ҳар иккаласи ҳам жим қолиши. Мен жимгина ётиб, уларнинг пицир-пицирларирига қулоқ солиб турдим. Моулдининг гапирмаётгани Рипстонда шубҳа туғдирди.

— Моулди,— деди унга Рипстон,— агар шамолламаган бўлса, яна қанақа касал бўлиши мумкин?

— Мен қаердан билай!— деди гапиргиси келмай Моулди.

— Ахир, касалхонада ётгансан-ку, кўп касалларни кўргансан. Унга ўхшаган касалини кўрган бўлсанг керак?

— Жим,— деди Моулди,— у уйгоқ, ухлаётгани йўқ.

— Ухлаб ётибди. Эшитмаяпсанми, бир текис нафас оляпти?

— Эшитяпсанми, тагила яна похол шитирляяпти, балки яна иситма тутаётгандир.— У шундай деди-ю, овозини янада пастлатди.— Эсиз, унга камзулумни бекор бердим-да, Рип. Теллагим майлику-я, камзулумни бекор берибман!

— Қизғанчиқ ҳайвонсан!— деб сўқди уни Рипстон.— Агар зарур бўлганда, у ўзининг ҳеч нарласини сендан аямасди!

— Майли, камзулумдан айрилсам айрила қолай!— деб хўрсинди Моулди.

— Нега айриласан? Эртага оласан ундан!

— Камзул билан бирга юқумли касал ҳам қўшиб олайми, керак эмас.

— Бу нима деганинг, ахир тушунтириб гапирсангчи?

— Жим, жим! Эшитиб қолса, қўрқади у.

Улар ўтирган жойларидан секингина туриб, бошлирини аравадан қўйи қилиб шивирлашдилар, лекин гапларини барибир эшитдим.

— Сен чечакка қарши эмлатганмисан, Рип?— деб сўради Моулди.

— Эмлатганман, гувоҳномам ҳам бор.

— Яхши қилган экансан: сен қўрқмасанг ҳам бўларкан. Мен эмлатмаганман, менга иситмаси юқиб қолиши мумкин.

— Иситма билан оғриганмикин?— деб сўради Рипстон қўрқиб.— Демак, ўларкан-да бечора?

— Эҳтимол.

— Борди-ю, бирдан ўлиб қолса-я?

— Бирдан ўла қолмайди,— деб шивирлади Моулди.— Аввал у ёқ-бу ёғини қарашади, сочини олишади.

— Нега сочини олишади, Моулди?— деб сўради Рипстон. Унинг жуда ҳам қўрқиб кетгани овозидан сезилиб турар эди.

— Ахир, улар жинниларга ўхшаб қоладилар-да! Агар сочини олмасалар, уни ютиб таишлайверадилар.

— Эҳ, қанақа кулфат! Бечора Смитфилд ўладими-а? Бечора Смитфилд!

Шундай деб Рипстон йиғлаб юборди. Ўз кўзларимга ишонгим келмасди, бироқ униг йиғлаётгани ҳақиқат эди.

Мен асло қўрқмадим, Моулдининг сўзига қараганди иситма билан оғриганим мени таажжублантирмади ҳам. Иситма энг ёмон касаллардан эканлигини билардим, ўзимни ҳаддан ташқари ёмон ҳис қилаётгани эдим. Иситмадан ўлиш мумкинлигини билсам ҳам, бу мени чўчитмас эди. Мен фақат бир нарсанигина истардим, мени тинч қўйсалар, ҳеч ким менга тегмаса, ҳеч ким мен билан гаплашмаса, бас эди. Рипстон билан Моулди арававининг нариги бурчагида ҳамон шивирлашмоқда эди. Уларининг пичирлашлари, гап-сўзлари, қарта ўйнаётгани болаларнинг қулгилари ва сўнишлари, оёқ товушлари, ҳар хил товушлар, шовқинлар менга ҳеч ёқмас эди. Ҳамма ёқ жимпб қолганда ҳам ўртоқларим пичир-пичирларини қўймадилар. Уларининг ухламагашлари менинг хурсанд қилди: сув ичгим келарди, Моулдидан сув олиб беринини илтимос қилдим. Ўртоқларим ҳовлиқиб қолиниди.

— Қандай қилиб?— деди Моулди майни товуш билан.— Сувни нимада келтираман? Ҳеч қанақа идешимиз йўқ-ку. Сабр қил, соат беш бўлсин, аравакашлар келсин, хоҳлаганингча ичасан.

— Оҳ, Моулди, мен соат бешгача чидаб туролмайман, ҳеч чидолмайман! Барака тоپ, ундаи дема!

— Хўп, майли, демайман, аммо бошқа илож йўқ, шунинг учун ҳам шундай дедим.

— Ҳозир соат неча?

— Бирга яқин бўлса керак.

Жуда ҳам сув ичгим келарди, аравамиз яқинидаги деворининг қуви қисмига эса дарё тўлқинлари урилиб турарди. Биринчи марта Аркнинг тагидан юриб келиб,

шу дарёни кузатганимни кўз олдимга келтирдим. Дарё қуёш нурида мавж уриб, ажойиб кўринарди, унда хашак ортилган кема сузиб кетаётган эди. Пастга, қирғоқقا тушиб, бир тўйиб сув ичгим келди. Ҳеч қанақа идиш керак эмас, ётиб олиб, бошимни сувга яқинлаштириб, дарёдан симириб ичишим мумкин эди. Урнимдан турдим, араванинг тахтасидан ошиб, пастга туша бошладим. Қоронфи эди, ўртоқларим мени кўролмасди, аммо оёқ товушини эшитишлари мумкин эди. Бир оёғимни пастга туширган эдим ҳамки, Рипстон югуриб келиб, иккинчи сёғимдан тутиб олди.

— Нима қиляпсан, Смитфилд?— деди у қўрқиб, йигламспраб.— Қаёққа кетяпсан, азизим?

— Сув ичиншга.

— Сув йўқ, ахир. Моулди, бу ёққа кел, ёрдамлаш!— деди ғазабланиб Рипстон.— Сув йўқ, Смит!

— Сув бор,— дедим,— дарёдан ичиб келаман.

— Ичгани эмас, чўккани бораётгандирсан, эс-ҳушиңг жойида эмас!— деб аламли қичқирди Рипстон.— Муолди, бунча қўрқасан, ушла уни, аравага ётқизишига ёрдамлаш.

Моулди ёнимга келишга қўрқди, чунки эмланмаган эди. Бундан ташқари, иситма аралаш уни тишлаб олишим мумкинлигидан қўрқар эди у. Бурчакдан силжи-май, менга узоқдан туриб, насиҳат бера бошлади:

— Нега турдинг ўрнингдан, Смиф?— деди у менга.— Арқдагиларни уйғотасан-ку. Типчина ёт, ҳозир сенга сув олиб келаман.

— Сув келтираман деб алдаяпсан,— деди Рипстон.— Мени ёлғиз қолдириб, қочмоқчисан?

Мен ҳам шундай қиласди деб ўйлаган эдим, бироқ ик-каласиз ҳам янгишган эканмиз. У бошимнинг тагидан телпагини олди-да, аравадан сакраб тушди, бир неча минутдан кейин телпакни сувга тўлатиб келди. Қорон-филикда дарё бўйига бориб, сув олиш хавфли эди. Бироқ Моулди омон-эсон келди. Телпаги эски, ёғ босиб кетган бўлса ҳамки, йиртилмаган, бутун эди — ундан бир томчи ҳам сув оқмасди. Беш хўплаб телпакни бўшатдим, жуда-жуда роҳат қилдим. Ўша кеча жулдор кийимли кичик дўстларим тун бўйи менга меҳрибонлик қилиб, жонимга оро кирдилар. Агар улар қирғоққа боришимга йўл қўйганларида эди, дарёдан эсаётган совуқ шамол мени нобуд қилган бўларди. Бундан ташқари,

қоронғида тойилиб кетиб, оқиб кетишім ҳам мүмкін еди.

Чанқоқлигім қонгач, ётиб ухлаб қолдым. Аллақандаі құрқинчли тушлар күрдім, Рипстон мени үйғотді: тур, ҳадемай аравакаш аравага от қүшгани келиб қолади, деди. Турншга интилиб, туролмадым. Фақат ўтира олардым, холос, тик турсам, тиззам қалтираб, йиқилиб тушардим.

— Қапи, болалар, түшинглар, сизларни күтиб ўтиришга вактим йўқ,— деди аравакаш аравага яқынлашиб.

— Мана бу бола аравадан тушолмайды,— деди Моулди ўзи аравадан сакраб тушиб.

— Нима деяпсан? Нега тушолмас экан?

— Тушолмайман деяпти. Оёғи қовушмаётган әмиш. Түшириб қўйсангиз-чи!

— Мен уни шундай түшириб қўяманки, бир умр эсидан чиқмайдиган бўлади!

Жаҳли чиққан аравакаш қўлида фонари билан аравага сакраб чиқди.

— Йўқол, дангас!— деб қичқирди у менга.

Шу пайт фонарнинг ёғдуси менинг юзимга тушди, у бирданига муомаласини ўзgartди:

— Бечора бола!— деб юборди у.— Кўпдан бери қасалми?

— Кечадан бери,— деб жавоб қилди Рипстон.— Аҳволи ёмонлигини биз ҳам билмабмиз.

— Қаерда туради у? Уйига олиб бориш керак уни,— деди аревакаш.

Шунда отамнинг охирги марта бозорда саватлар орасидан кўрганим дарғазаб қиёфаси кўз олдимга келди. Соғлигимда унинг қамчисидан ўлгудек қўрқандым, ҳозир эса касалман, энди уйга боришим ҳеч ҳам мүмкін эмасди.

— Қаерда турасан, бола? Уйинг қаерда?— деб сўради мендан аревакаш.

Мен ўзимни эшиитмасликка солдим.

— Болалар, унинг қаерда туришини билмайсизларми?— деб ўртоқларимдан сўради у.

Улар уйим қаердалигини яхши билардилар, биз уйимиз қаердалигини ҳеч кимга билдирамаслик ҳақида қасам ичган эдик, шунинг учун ҳам айтмадилар.

— Уйи йўқ, шу ерда яшайди у,— деди Моулди.

— Ота-онаси йўқ, етим у,— деди Рипстон.



— Бечора! — деди аравакаш.— Бу ерда қолдирсам, ўлиб қолиши мумкин. Иш уйига олиб бора қолай. Иш уйига борасанми, бола?

Менга барибир, ишқилиб уйга бормасам бўлгани эди. Шунчалик бўшашиб кетган, кучсиз эдимки, гапиришга ҳам мажолим йўқ эди. Аравакашнинг саволига бош силкитиб қўйдим. Раҳмдил аравакаш отининг устига ташлайдиган ёпиги билан мени ўради, отни жиловидан етаклаб, аравани Арк остидан олиб чиқди. Рипстон аравада ёнимдан ҳеч қаёққа жилмади.

Моулди иситмадан қўрқса ҳам мендан узоқлашмади, хайрлашгунча қошимда турди. Унинг аравага осилиб кетаётганини эштиб турдим, қайрилиб қараб, унинг кир юзига кўзим тушди.

— Хайр, Смитфилд! — деди у менга ва кейин аравакашга мурожаат қилди: — Мен унга камзулимни бердим, барака топинг, иш уйидагиларга айтинг, яшириб қўйсинлар, соғайғандан кейин яна ўзига берсингилар. Хўп, хайр, азизим Смиф! Хафа бўлма!

Шундай деб у кўздан ғойиб бўлди.

Рипстон анча вақтгача мен билан бирга борди. Ниҳоят, иссиқ қўлимни қаттиқ қисиб, меҳр билан бир лаҳза менга тикилиб турди, кейин ёпиқ билан мени яхшироқ ўради-да, араванинг орқасидан сакраб тушди, ҳеч нарса демай, кетиб қолди.

## X

### *Тирик қолганим*

Меҳрибон аравакаш мени иш уйига олиб келди. Иш уйида мени ечинтирдилар, ювинтирдилар, түшакка ётқиздилар. Ҳамма касалим оғирлигидан гапиради; бироқ қизиги шуки, мен ўзимни унчалик ёмон ҳис қиласmasди. Беозор ва ўрнашиб ётгандим, ҳеч қаерим оғримасди. Агар мендан бирор: Аркнинг қоронги тагида соғ юриш яхшими ёки бу ерда иситма билан оғриб ётиш яхшими?— деб сўраса, мен ҳеч иккиланмасдан, иситма билан оғриб ётиш яхши, деб айтардим. Тўғри-да. Иситма ҳеч қаеримни оғритмаётган эди. Арава устида тишими суғуриб олинганида тортган азобимнинг йигирмадан бири ҳам йўқ эди. Тўшагим тоза ва юмшоқ, дорилар унча аччиқ эмас, менга берилаётган шўрва эса жуда ҳам мазали эди. Шунга қарамай, ҳамма, ҳатто доктор ҳам менга хавфсираб қарап, тўшагим олдига сёқ учиди юриб келиб, мен билан жуда ҳам секин гаплашарди, афтидан мени жуда ҳам қийналяпти, деб ўйлардилар. Хаёлимда, балки бу ерга мени янглишиб келтиришгандир, деб ўйлардим, чунки иситманинг одамлар айтганидек ёмон касаллигини сезмаётган эдим, агар бу касал билан оғримаганлигим маълум бўлиб қолса, ўша заҳтиёқ ҳайдаб юборишади, деб қўрқардим.

Шу тарэда қанча вақт ётганимни аниқ айтиб беролмайман; бир кун эрталаб илгариги қунга қараганда анча тетик бўлиб уйғондим. Ҳамма ҳайрон бўлиб менга қарап эди. Қасалларга қаровчи кампир менга эрталабки овқатни бераётганида, бир ўлимдан қолган одамлар ҳақида алланималар гапирмоқчи бўлиб, овқатни тўкиб

юборишига сал қолди. Назоратчи аёл тўшагим олдида тўхтаб:

— Жони қаттиқ экан, ҳали кўп яшайди! — деди.

Ҳаммадан кўпроқ доктор таажжубланди:

— Балли, азамат! — деди у. — Тузалиб кетишига си-ра кўзим етмаган эди!

— Ҳа, сэр,— деди унга жавобан касалларга қаровчи аёл,— у ўлимга чап бериб қолди.

— Бу гапингиз тўғри,— деди доктор,— ростакам чап бериб қолди! Кеча кечқурун унинг жони ҳалқумига келиб қолган эди, мана энди қаранг, аҳволи қандай яхши. Тузалиб кетади энди. Яна бир марта сочи олингунча юриб кетади.

Улар нима ҳақда гаплашаётганларини яхши тушунолмадим, бироқ докторнинг сўнгги сўзлари мени ҳайратда қолдирди. Иш уйига келтирилган куним сочимни тараашлаб олишган эди, яна сочим олинишига қадар, эҳҳе, ҳали қанча вақт бор! Сочим олинадиган бўлгунча касал ётаманми ҳали? Балки доктор янглишаётгандир.

Ростдан ҳам доктор янглишган экан; ундан десам, мен ҳам янглишган эканман. Сочим жуда секин ўси, тузалишим ундан ҳам секинроқ бўлди. Докторнинг фикрича, мен юриб кетишими лозим бўлган кунларда менинг чинакам азоб-уқубатларим бошланди. Тўғри, мен оёққа турадиган бўлиб қолдим, яъни жойимдан туриб, кийиниб, палатада юра бошлашга мени мажбур қилган эдилар. Бироқ мен на соғ, на бемор эдим. Иштаҳам яхши, ҳатто жуда ҳам яхши эди, касалхонада бериладиган озгинагина овқатнинг икки-уч ҳиссасини bemalol ея олардим. Иситма бўлиб ётганимда қайта яхшироқ эди, мендан бетиним хабар олиб туришарди, тўшакда истаганча маза қилиб ётаверардим, энди эса у бурчакдан-бу бурчакка сандирақлаб юрар, касалларнинг оёқларига тегиб кетардим, каравотларнинг четларига ва қаттиқ мебелларга тегиб, суякларим зирқираб оғририш. Бир ҳафтада оёқларим шишиб кетди, бошмоқларимни кия олмадим, кейин қулогим оғриди, кейин кўзим оғриди, катта кўк козирёк тақиб юрадиган бўлиб қолдим. Жуда ҳам зерикиб кетдим, ўзимни бахтсиз ҳис этиб, сержаҳл бўлиб қолдим. Эшик сал фирчилласа ҳам ғашим келарди, иш уйи жуда жонимга тегди. Кийимларимни қайтариб бериб, кетишига рухсат беришлари учун тезроқ тузалгим келарди.

Энди менга ортиқча қарамас әдилар, бунга ақлим етарди. Фақат кийимларим устига яна битта кўйлак, шапка ва оёғимга этик қўшиб берсалар бўлгани эди. Истаган пайтимда: «Мени даволаганингиз учун ташаккур, энди кетаман», деб кетаверишим мумкин, ҳамма эшиклар очиқ, тўрт томоним қибла эди. Қаерга боришим ҳақида бош қотирмасдим. Албатта, Арк тагига, Моулди билан Рипстонниг ёнига борардим, мени кўриб улар жуда хурсанд бўлишарди. Иш уйида гарчи яхши овқат еб, яхши жойда турган бўлсам ҳамки, илгариги эркин, дайди ҳаётга қайтишни ўйлар эдим. Шаҳар кўчаларида эркин юриб, топган пулимизни ўз хоҳншимизча сарфлаб юрганларимиз, биргаликда ўтказган тунларимиз ёдимга тушаверди; Моулди билан Рипстонни тезроқ кўргим келди. Дунёда менга улардан кўра меҳрибонроқ одам йўқдек эди. Туғилиб ўсган уйим хаёлимга ҳам келмас эди.

Мен ётган палатада кўп вақтлардан буён иш уйида яшаётган бошқа болалар ҳам бор эди, бироқ мен улар билан ҳамсуҳбат бўлмадим. Улар менга қандайдир тентакларга ўхшаб кўринарди, ўз ишларим ҳақида уларга бирор нарса дейишдан қўрқардим, мени чақиб қўядилар, деб ўйлардим. Иш уйида ҳамма мени аравакашнинг гапларига асосланиб, уй-жойсиз, кимсасиз, ғариф бир етим бола деб ҳисобларди.

Ниҳоят, февраль ойларида соғайдим. Ер қалин қор билан қопланган эди. Доктор палаталарни айланиб юриб, эртага мени ва скарлатина касали билан оғриб ётган Байльс деган болани тузалган деб касалхонадан чиқариш ҳақида буйруқ берди.

Доктор кетгандан кейин Байльс мендан:

— Менга қара, Смитфилд, сен етиммисан? — деб сўради.

— Ҳа, етимман,— деб жавоб қайтардим.

— Сенга денгиз ишлари ёқадими?

— Нима деганинг бу?

— Ҳамма етим болаларни Стратфордга юборадилар, сени ҳам юборишади. Хабаринг йўқми ҳали? Стратфордда жуда қаттиқ савалайдилар, қора зиндонга ташлайдилар. Мен бир етим болани билардим — сенга ўхшаган эди, у ерда ўлдириб қўйишган.

— Нега ўлдиришган?

— У қочмоқчи бўлгандан ушлаб олишган: тепаси ти-

канли сим билан тўсиб қўйилган баланд деворга чиқ-қанда, тутиб олиб, пастга отиб юборгандар, кейин қора зинданга ташлагандар, шундан бери ундан дому дарак йўқ. Ҳамма, уни ўлдиришган, дейди.

— Аҳмоқ бўлмаса, Стратфордга бориб нима қиласди!— дедим.

— Ўз ихтиёри билан борибдими у? Мажбуран олиб боришган-да! Сени ҳам олиб боришади,— деди Байльс.

— Иўқ, мени у ёққа олиб бормайдилар,— дедим қатъий.— Бошлиқ палатамизга келганда ундан кийимларимни беришини ва ўзим истаган жойга юборишини илтимос қиласман.

— Зап гапирдинг-да!— деб кулди Байльс.— Жавоб берармиш-да! Ҳали йўл кирага ҳам пул беради, деб ўйларсан!

Мен Байльснинг гапларига қулоқ солмадим; доимо уни аҳмоқ бола деб юрардим, энди эса унинг аҳмоқлигига жуда ҳам ишондим. Иш уйида мени тутиб туриш кимга керак? Аксинча, бу ердан кетсан ҳамма хурсанд бўлади-ку!

Бошлиқ ҳар куни кечқурун палаталарни айланиб, ҳамма ўз тўшагида ётган-ётмаганини текшириб чиқарди. Менга яқинлашганда уни ёнимга чақирдим. Палата-да ҳамма бошини кўтариб, менга таажжуб билан қаради. Мен бу ишим одобсизлик эканини фаҳмламаган эдим.

— Сен мени чақирдингми, бола?— деди у гўё ўз қулоқларига ишонмагандек.

— Ҳа, сэр, сиздан илтимос қиласдим, айтсангиз, менинг кийимларимни мана шу стол устига келтириб қўйишичин. Эртага эрталаб кияман уларни. Бу ердан кетаман.

Бошлиқнинг кўзлари ғазабдан чақнаб кетди. Шундан кейин у назоратчи аёлга қараб:

— Миссис Браун, бу боланинг эси жойидами?— деб сўради.

— Мабодо, бу одобсиз тентакда эс деган нарса бўлса, сэр, ҳозирча жойида,— деб жавоб қиласди назоратчи аёл.

— Жуда соз!— деди бошлиқ чўнтағидан ён дафтари ни ва қаламини ола туриб.— У эртага жўнатиладигандардан бўлса керак. Номери нечанчи?

— 127, сэр,— деди назоратчи аёл.



— Ташаккур... Сен, 127-номер, бу одобсизли-гингни ёдингда тут.

Шундай деб у менга яна бир бўзрайиб қаради-да, хонадан жаҳл билан чиқиб кетди.

Мен ҳайрон бўлиб қолдим. Бошимни одеялга буркаб олиб, узоқ вақтгача ҳеч нарсага тушунолмай ётдим. Наҳотки Байльснинг гапи түғри бўлса? Наҳотки бу ердан чиқиб кетолмасам? Демак бу ерда асир эканман-да, эртага мени Байльс гапириб берган ваҳимали жойга олиб кетишади, бошлиқ-

қа қўполлик қилганим учун мени қора зинданга ташлайдилар.

Нима қилсам экан? Бу даҳшатдан қандай қилиб қутулишим мумкин? Иш уйидан бир амаллаб қочсам ҳам бу кийимда кўчада юролмайман. Йқорор бўлишим керакки, бу кийимни кийиб кетишдан уялмасдим, бироқ иш уйида берилган бу кийим жуда ғалати: калта камзулча, тиззадан келадиган шим, кўк жун пайпоқ, мис илгакли бошмоқ. Бунақа кийимда қандай қилиб қочиб бўлади? Ҳамма бир чақирим олисдан танийди! Лекин иш уйидан Арккача узоқ эмасди. Аркка етиб боролсам бас, Моулди билан Рипстон менга ёрдам берарди. Иш уйидан қандай қилиб қочиш мумкин?

Шу ҳақда ўйлаб-ўйлаб, узоқ вақтгача уйқим келмади. Хуллас, жуда хавфли бўлса ҳамки план тузиб, қочишга аҳд қилдим, бошқа иложим йўқ эди.

Палатамизда меҳрибон бир аёл бор эди, у касалларга қаровчи аёлнинг ёрдамчиси бўлиб, кимдандир тез-тез хат олиб турарди. Унинг оти Жэн эди. Хатни почтадан дарвазабон олиб қоларди. Дарвазабондан хатни олиб келиш учун ё Жэн ўзи борар, ё бизлардан биронтамизни юборар эди. Дарвазабон хатни ҳеч кимга билдирамай Жэнга бергани учун Жэн унга тамаки сотиб олишга ета-

диган пул берарди. Мен шундан фойдаланмоқчи бўлдим. Албатта, кўп ёлғон гапиришга тўғри келарди, аммо ҳечқиси йўқ Стратфорд менга жуда даҳшатли бўлиб кўринарди.

Тонг отди. Соат етти яримда нонушта қиласардик, хат эса одатда соат саккизда бўладиган почта билан келарди. Уйқудан тургач, иккилана бошлаган эдим, бироқ болалар Стратфордда нималарга мубтало бўлишим ҳақида мазақ қилиб роса кулишди. Шундан сўнг иккиланиб туришдан воз кечдим.

Саккиздан чорак ўтганда шапкамни қўйнимга тикиб, палатадан секингина чиқдим, зинапоядан пастга туша бошладим. Узун, тор коридор бўйлаб тушилар, дарвоза унинг охирида эди. Дарвозабон шу ерда ўтиради. Қасалхона палатасининг деразаси ҳовли томонда эди, мен ҳовлидан деразага қараб, Жэнга кўзим тушди: у шима сабабдан бемаврут ҳовлига чиққаним ҳақида ўйлаётгандек кўринарди. Мен унга аҳамият бермадим, дарвозабоннинг хонасига дадил юриб бордим.

— Хат йўқ! — деди у мени кўриши билан.

— Биламан, — дедим. — Жен муюлишдан почта қозози сотиб олиб келиш учун менга рухсат беришингизни илтимос қилди. У айтдики...

— Бекор айтиби! — деб қичқирди дарвозабон жаҳл аралаш. — Эси жойидами унинг? Қандай рухсат бера оламан? Бориб айт унга, ҳаддан ошмасин.

Шу сўзларни айта туриб у юқорига, дераза томонга қаради: деразадан Жэн унга силтаниб ҳар хил имо-ишоралар қилаётган эди.

— Имо-ишора кетмайди! Уни кўчага қўйиб юборайди, кейин мени ишдан ҳайдашсинми?

— Ҳа, айтмоқчи, — деб гапини бўлдим шошилиб, умидим пучга чиқаётганидан қўрқиб, — Жэн сизга нимочорак қадоқ тамаки олиб келишимни ҳам илтимос қиляпти.

— Ҳм, бу бошқа гап! — деди-да у яна палата деразасига қаради. Жэн ҳали ҳам қараб турарди. Жэн қизариб кетган, афтидан, унда шубҳа пайдо бўлганди, у ғазабланиб нуқул бошини қимиrlатарди. — Жэнинг тамаки билан кўнглимни овлайвермасин. Қани, пулинин бера қол менга, ўзим оларман, қофоз учун эса тезроқ бориб кел, яна таёқ еб қолмагин!

Қани энди пул бўлса-ю, унга бериб қочсам! У мени

кўчага чиқариб юборяпти, йўл очиқ! Аммо ёнимда икки пенс пул йўқлигидан бутун планларим барбод бўлиш олдидা туарди! Яна бир ёлғон гап тўқишига тўғри келди:

— Майда пулим йўқ,— дедим.— Ўзига қофоз олиб келинадиган пулдан сизга тамаки ҳам олиб келишни буюрди.

Чўнтағимдан кумуш тангани қидираётгандек ҳарат қилдим.

— Тез бориб кел! Гап сотиб ўтиргандан кўра, алла-қачон бориб келган бўлардинг!

У қоровулхона эшигининг танбасини суриб қўйди, озодликка чиқдим! Бир кўнглим шу заҳотиёқ югуриб кетмоқчи бўлдим, бироқ хавфсираб мени ҳеч ким тутмасмикин, деб ўйладим-да, югурмай, катта-катта қадам ташлаб кетдим. Биринчи муюлишига етишим билан кучим борича югурга кетдим.

Ҳали эрталаб, ҳаво булатли ва совуқ эди, мен ўзими ни одатдан ташқари енгил ва дадил ҳис қилдим. Бу жойлар таниш эди менга. Аркка борадиган энг қисқа йўлни билардим, олти минутдан кейин пастга, қоронғи Аркка олиб борадиган йўлакка етиб олдим.

---

## XI

### *Яна Тернмилл кўчасига борганим*

Аркка олиб борадиган йўлакка бурилиб кирганимда соат тўққизга занг урди. Бу мени йўлдан қайтарди. Чунки соат тўққизда Моулди билан Рипстон Аркда бўлмасди, улар аллақачон кетиб, ишлаб юрган бўлишар ва қоронги тушмагунча қайтишмас эди. Уларни кўрмай. кунни ёлғиз ўтказишга тўғри келарди. Шу сабабли иш уйидан қочганимда қалбимда пайдо бўлган қувонч бир оз камайди. Мен, албатта, ўртоқларимни бозордан тошишим мумкин эди, аммо иш уйининг кийинмидан бозорда юриб бўлмасди. Арк тагига бориб, ўртоқларимнинг келишини кутмоқчи бўлдим. Бироқ биз бир вақтлар яшаган арава туродиган жой мен кутганчалик чиқмади — жуда қоронги ва совуқ эди. Зах суяк-суягимгacha ўтиб кетди.

Бир девор остида қандайдир латта-путталар уюмига кўзим тушки, ўша ёқса бордим. Унга яқинлашишим билан латталар уюми қимиirlади, чол кишининг хирилдоқ товуши эшитилди:

— Бу ерда нималарни тимискилаб юрибсан, бола? Мен кундузи ҳамма кетар, тинчгина жон берарман деб ўйлаб эдим. Ўлаётганимда ҳам тинч қўймайдиганга ўхшайсизлар мени!

— Бемалол ўлаверинг, мен сизга халақит бермайман,— дедим юмшоққина қилиб.— Марҳамат, фақат мен совуқдан сақланадиган жой қидириб юрибман.

— Сув ташувчининг аравасидаги яшикка тушиб ёт,— деб маслаҳат берди янги танишим.— Агар юра олганимда ўзим тушиб ётардим, бемаъни гапларим билан кишиларнинг жонига ҳам тегмасдим.

Атрофга аланглаб, оғзи юқорига қараган яшик ортилган аравага кўзим тушди.

Ўзимга қулай жой топдим, деган умидда унинг ичига кирдим. Бироқ кўп ўтмай бу жой мен қутганчалик қулай ва иссиқ эмаслиги маълум бўлди: яшикнинг ичидан сув кўп бўлиб, музлаб қолган экан, даставвал билинмади, ўтириб олганимдан кейин муз эрий бошлаб, ҳамма ёғимни ҳўл қилиб юборди. Яшикнинг ичидан чиқнишга тўғри келди. Чиқиб, шамолдан сақланиш учун сув ташувчининг бочкаси ёнига ўтиридим. Шамол шунақаям кучли эдикки, ундан бекинишинг сира иложи йўқ эди. Шамол тор йўлакдан кирад, дарё қирғоидан қор учқунларини олиб келиб, юзимга уради. Совуқ зўридан қулоқларим зирқираб, суяқ-суякларимгача қақшаб кетди. Бошимни сал кўттарсам изғирин оғзимга уриларди. Телпакни иккى қўллаб тутишга тўғри келарди, бармоқларим игна санчандек оғрий бошлади. Бу азобга ярим соатдан ортиқ чидаб туролмадим. Аравадан сакраб тушдим-да, қўлларимни чўнтакларимга тиқиб олиб, у ёқдан-бу ёққа югурга бошладим. Уюшиб, совуқдан қотиб қолган оёқларимни яхшироқ ҳаракатлантириш учун ер тепинардим.

Совуқ ҳаддан ташқари жонимга текканидан кейин олов ёқишишга уриндим. Қирғоқда кўмир қолдиқлари ва тараша кўп эди. Фақат гугуртим йўқ эди. Дарёда кемалар кўп, уларда папирос чекадиган кишилар ишлашини билардим, илтимос қилсан, улар менга гугурт беришарди. Бироқ иш уйининг кийимида уларнинг ёнига бориб бўйларми? Улар мендан ҳамма гапни сўраб билиб, таниш-билишларига айтишлари ва кейин мени тутиб силишлари мумкин эди. Фақат бир илож бор эди: эгнимдаги камзулни ечиб, қўл-юзларимни кир қилиб, дарё бўйларида суяқ ва ҳар хил эски-туски тўплаб сотувчи болаларга ўхшашим мумкин. Бу қийин иш эмас эди, лекин касалдан турганлигим, озиб, мажолсизланганим учун жуда қийналдим. Фақат камзулнингина эмас, пайпоқни ҳам, бошмоқни ҳам, шапкамни ҳам ечиб ташлашга тўғри келди, суяқ ва латта-путта йигувчи болалар бунақа кийимларни киймас эдилар. Уларнинг қўл-оёқлари, юзлари ҳамма вақт кир, ифлос бўйларди. Ўшаларга ўхшаш учун дарё қирғоидаги сирти музлаган балчиқ-қа беланиш, балчиқда бироз оёқ яланг юриб, қўл-юзларга бироз лой суртиш лозим эди. «Суяқчилар» ё хал-

та, ё бирор идиш олиб юриб, топганларини шунга солардилар. Бахтимга, бир баржа яқинида балчиқда ётган эски кастрюлька топиб олдим. Уни қўлимга ушлаб, бир кекса кемачидан гугурт сўрадим.

— Йўқол, бадбаҳт ўғри! — деб қичқирди у менга, — яқинда турмадан чиқиб, яна эски касбингни бошлияпсанми?

— Мен турмада ётганим йўқ,— дедим йиги араплаш.— Ҳеч қачон турмада бўлган эмасман.

— Турмада ётганим йўқ дейди-я, аблаҳ алдамчи! Бошингга қара, сочингни турмада олмай, қаерда олишган бўлмаса?

— Йўқ, мен иш уйида эдим, ўша ерда олишди, иситма билан оғриган эдим. У ердан қочдим!

Чол кеманинг четидан соchlари оппоқ бошини чиқазиб, менинг ифлос, кўз ёши билан ювилаётган юзимга тикилди, тўғри гапираётганимга ишонч ҳосил қилди шекилли, бир оз юмшаб:

— Агар гугурт керак бўлса, бир эмас, иккитасини ол-да, йўлингдан қолма,— деди.

У иккита гугуртни кеманинг четига қўйди, мен бориб олдим. Минг афуски, ҳамма чеккан заҳматларим бекор кетди! Тараваша ҳам, кўмир ҳам, қофоз ҳам бор эди, бироқ ҳаммаси нам бўлганидан ўт ёқиб бўлмади — икки гугуртни ҳам беҳудага сарфладим. Қирғоққа қарадим, менга гугурт берган чоллар аллақачон кетиб қолган эдилар, олов ёқишнинг баҳридан ўтдим. Яна дарё бўйига бориб, оёқларимни, қўл-юзларимни ювдим, сочиқ йўқлиги учун шамолда қуритдим, яна кийимларимни кийдим. Сал исиниш учун Арк тагида у ёқдан-бу ёққа юра бошладим.

Соат иккиларда қор ёға бошлади. Бу хафа қилмади мени, балки қувонтирди: ҳаво ёмон бўлгани учун Рипстон билан Моулди тезроқ қайтадилар, деб ўйладим.



Одатда улар қайтишда Арк тагига тушадиган зинапоя-  
нинг энг қуий зинасида ўтириб, уларни кута бошладим.

Черков соати еттига занг урганда ҳам ўртоқларим-  
дан дарак бўлмади. Қаёқقا борсам, нима қилсан экан,  
деб ўйладим. Ёки уйга бора қолсаммикин?

Бу фикр дастлаб пайдо бўлганда, уни бемаъни деб  
ўйладим. Бироқ вақт ўтмоқда эди, бирдан-бир дўстла-  
римни кўришга бўлган умидим ҳам пучга чиқа бошлади.  
Яна миямга уйга қайтиш Фикри келди. Хуллас, бошқа  
ҳеч қанақа илож қолмаганди. Нега уйга боришдан бун-  
ча қўрқаман? Тўқиз ойдан буён уйдагиларимдан ҳеч  
кимни кўрганим йўқ: балки улар мени қўриб хурсанд  
бўларлар, жуда ёмон бўлганида отам мени қаттиқроқ  
коиниб қўяр. Мен энди уйдан қочган пайтлардагидек  
кичкина бола эмасми, қандай қилиб иш топишни, қа-  
нақа ишлар қилиш кераклигини биламан, оиласа энди  
ортиқча юк бўлмайман.

Кўчамизга боришдан аввал Арк яқинида анча айла-  
ниб юрдим, кейин бозорга бориб Рипстон билан Моул-  
дини изладим, уларни тополмагач, Тернмилл кўчасига  
қараб йўл олдим. Ҳеч қаерда тўхтамай, ҳеч кимга эъти-  
бор бермай, дадил қадам ташлаб тўғри кетавердим.

Смитфилд бозорига яқинлашган сари қадамим беих-  
тиёр секинлай борди, кўчамизга боргач, бирдан тўхтаб  
қолдим. Тўғридан-тўғри отамнинг олдига бориш хавфли  
эмасмикин? Ҷундай пайтларда одатда у пивохонада  
бўларди, унинг пивохонадан чиқишини кутиб турсамми-  
кин? Бироз ичган пайтларида у менга меҳрибон бўлар-  
ди. Кўчамиз қаршисида тўхтаб, отамнинг пивохонадан  
чиқишини кутиб турдим. У ҳамма вақт уйга соат ўн бир-  
да қайтарди, ҳозир эса энди тўққиздан ошгаңди. Мен  
сабр билан кутдим, отам мени қандай қаъши оларкин,  
нима деркин, деган хаёлларга берилиб кетганимдан оч-  
лик ва совуқни ҳис қилмас эдим.

Вақт ўтиб бораради, бироқ отам кўринмасди. Охири,  
отам пиво ичиб юрадиган пивохонага боришга жазм  
қилдим.

Тўсатдан пивохонанинг эшиги тарақлаб очилиб кет-  
ди, ичкаридан бир аёлни итариб чиқардилар. Унинг кўй-  
лаги йиртилган, ифлос малла сочи тўзиган, лаблари  
ёрилган, қўлида аллақандай ирkit латта-путталарга  
ўралган бола бор эди. Уни дарров танидим: бу аёл мис-  
сис Берк, кўлидаги бола эса бечора синглум Полли эди.

— Ҳу жаънати пияниста,— деб чинқирди миссис Берк.— Менга шиша отишга нима ҳақинг бор? Болани ўлдириб қўйишингга сал қолди. Ўйга борасан-ку ҳали, бошингда косов синдирамасамми!

Уни эшикка ҳайдаб чиқазган эркак унга мушт ўқталди.

— Ҳали мени пияниста дейдиган бўлдингми сен, ту баи маҳлуқ!— деб қичқирди у.— Овқатга берган пулларимни ароқ ичиб битирасан! Сен уйимга келган кундан бошлаб бутун оила оч қоладиган бўлди. Ўлдирсан ҳам кам сени!

— Тўполнонинглар етар энди, Жим Бализет,— деди мистер Пигот, унинг қўлидан ушлаб.— Пивохонамда ғавро қилишингизга йўл қўймайман. Истасангиз уни ўйингизга олиб бориб уринг, бу ерда эмас!

Жим Бализет! Кийимлари исқирт бу масти одамни Жим Бализет деб атади у! Наҳотки шуменинг отам бўлса? Отам озода, ҳатто олифтароқ кийиниб юради. Йишиндан қайтганида яхшилаб ювинарди, топ-тоза қўйлак, оҳорли куртка кийиб, бўйнига шойн шарф боғлаб, шундан кейингина кўчага чиқарди. Бу одамнинг эса юзи ювилмаган, шишган, кўзлари қизарган, соқоллари ўсиб кетган, соchlари бу яқин орада тароқ кўрмаган эди. Кўйлаги ҳам ифлос, шляпаси фижимланган, эски.

— Қўйиб юборинг мени!— деб қичқирди у мистер Пиготга.— Бу ҳайвоннинг тумшуғини қонга бўяшим керак. Илон у, бутун қонимни сўриб олган зулук у!

— Тинчлан, Жим!— деб юпатардилар уни пивохонадан югуриб чиққан кишилар.— Ҳали уйга боргач, жазосини берасан, кел, яхшиси бир стакандан ичайлик.

Шовқин-суронга полициячи келиб қолди.

— Нима бало, яна Бализетлар жанжал қиляптиларми?— деб хотиржам вазиятда сўради у пивофурӯшдан.

— Ҳа,— деди мистер Пигот.— Уларни ажратишга кучимиз етмай турган эди. Яхши ҳам келиб қолдигиз.

— Ҳа, жаноб полициячи,— деб қичқирди унга отам,— олиб кетинг бу сариқ мегажинни, кўзимдан йўқолсин!

Шундай деди-ю, гандираклаб яна пивохонага кириб кетди.

— Йўқ, бутун бор-йўғимни ичиб тугатган ўша ярамасни олиб кетинг,— деб зорланди миссис Берк. Полициячини кўриб бир оз юмшаган эди у.

— Қани жўна, жўна ўйингга, уятсиз піяниста хотин!— деб қичқирли полициячи ва уни кўчамизга томон судраб кетди; уйимизнинг эшигигача олиб бориб, эшикдан уйга итариб юборди.

Энди нима қилишим керак? Миссис Беркниңг олдига бориб бўлмасди, албатта. Ҳеч қачон унинг эркалаб, яхшироқ кутиб олишига кўзим етмасди. Ҳозир калтак еб, алам қилиб турганда кўзига кўринишм эса бутунлай аҳмоқлик бўларди. Кичкина Поллига жуда ачинардим, энди унинг тириклигини, мен тӯфайли бирор жойи майиб бўлмаганини кўриб анча кўнглим таскин топди. Отамниңг ёнига борсаммикни? Балки энди раҳми келар менга. Илгари миссис Берк мени унга ёмон қилиб кўрсатарди. Энди улар уришишибди; балки отам унинг гашига тегиш учун ҳам мени яхши кутар. Мен юрагим пўкиллаб пивохонага кириб бордим. У ерда олам кўп эди, отам кўринавермади. Ҳар тарафга яхшилаб қараб, отамниңг бир чеккадаги столга иккала қўлини қўйиб, мудраб ўтирганини кўрдим.

— Эй, иш уйидан келган бола, нима керак сенга?— деб сўради мендан хизматчи.

— Мен отамниңг олдига келдим, ана у!— деб отами кўрсатдим.

— Отангнинг оти нима?

— Жим Бализет!

— А! Шундай бўлса керак деб ўйловдим-а, дарров танидим уни!— деб қичқирди кўчамизда турадиган мўйнадўз.— Жим, кўзингни оч, қара — ўғлинг қайтиб келибди,— деб қичқирди у отами секин туртиб.

— Ёлғон, тегма менга!— деб финифллади отам бошини кўтармай.

— Кичкина Жим, кел, ўзинг гапир, овозингдан билар!

— Мен бу, ота!— дедим қалтироқ қўлим билан унинг тирсагидан тортиб.— Мен келдим.

Отам бошини секингина кўтариб, менга шундай ёмон тикилдики, қўрқиб кетиб бенхтиёр икки қадам орқамга қайтидим. У шу тарзда бир неча минут бақрайиб тикилиб турди. Мен жаҳлидан тушади деб тургандим, кутилмаганда бирдан менга ташланди, кўйлагим ва камзулимнинг ёқасидан тутиб олди. Кучли қўли билан мени қаттиқ бўғди, мен скамейкага йиқилдим.



— Кўлга тушдингми, ярамас! Тушдингми қўлга!— деди у, бўш қўли билан қайишини ечатуриб.

— Жим, нима қиляпсиз! Жим, бўғиб ўлдирасиз-ку уни! Кўйинб юборинг, Жим! Болага шунаقا азоб берадиларми?— деб атрофдагилар мени ҳимоя қила бошлилар.

— Бу менинг ўғлим! Нима истасам, шуни қила-ман!— деб бақирди отам.

У бир лаҳза жим қолди, савалаш учун мени қандай ётқизиш кераклиги ҳақида ўйлади шекилли, кейин баланд кўтариб, столнинг устига юзим билан улоқтирди. Шунда менинг ғалати усти-бошимга кўзи тушиб қолди.

— Бу қанақа кийим!— деб бақириб сўради у мендан.

— Турма кийимига ўхшайди, сочи ҳам турмада олинган бўлса керак.

— Йўқ,— деди хизматкор,— бу турманики эмас, иш уйининг кийими!

— Ҳа, иш уйиники,— дедим,— иситма билан оғриб, иш уйнга тушган эдим, шунаقا кийим беришди!

Бу сўзларим отамнинг раҳмини келтирас деб ўйла-ган эдим, акси бўлди.

— Кўярпизларми, уни уйдан ҳайдадинг, деб менга таъна қилган эдинглар, унинг нималар қилганини биласизларми? Уйдан қочди, синглисини ўлдиришига сал қолди, гадойлик қилди, мени уятга қўйди. Иш уйида ҳам бўлибди, эшитяпизларми? Иш уйида-я! Мана энди қўлимга тушди, қўйиб юбор эмиш-а! Ўлдираман уни!

— Нима қилсангиэ ҳам менинг пивохонамда қилманг,— деб қичқирди мистер Пигот, отам мени урмоқчи бўлиб ўқталган қайишни тутиб қолиб. Мистер Пигот қайишни унинг қўлидан тортиб олмоқчи бўлди, бироқ унинг иккинчи учини отам қўлига маҳкам ўраб олган эди. Улар иккаласи ёқалашиб қолишди, мен бундан фойдаландим-да, стоднинг устидан тушиб, тағига кирдим.

— Полицияни чақиринглар!— деб қичқирди пивохонанинг хўжайини.

— Хоҳлаган кишингизни чақиринг, аммо бу ярамаснинг терисини шилиб олишимга ҳеч ким ҳам халақи берса олмайди!

Пивохонанинг эшиги қия очилиб, шовқин-суронни эшитган йўловчилар бошларини суқиб қараётганинни кўрдим. Мен стол остига беркиниб олдим. Раҳмдил хизматкор секингина келиб мени етаклаб, эшикка чиқазиб қўйди. Пивохонадагилар отам билан мистер Пиготнинг муштлаётганини томоша қилаётгани учун ҳеч ким менга эътибор бермай қолди.

— Тез уйнингга жўна, яхшиликча қутулганингга шукур қил!— деди хизматкор мени кўчага итариб, орқамдан эшикни беркитиб ола турниб,

## XII

### *Икки жентльмен билан танишганим*

— Яхшиликча қутулганингга шукур қил! — деди менга пивохонанинг хизматкори.

Хўш, нимага шукур қилишим қерак? Шуни билишни истардим! Мен дунёда энг бахтсиз бола эдим: на бошпанам, на дўстим, на бир бурда ноним бор; ҳатто устимдаги кийимларим ҳам ўзимники эмас ва эркин юришинга халақит берар эди. Бутун умидларим барбод бўлди. Қалтакланишдан қутулиб қолдим, бироқ бу мени тинчлантирмасди. Шунчалик умидсизланиб кетдими, югуролмадим ҳам. Отам агар қўлига қайиш тутиб, орқамдан қувиб қолса, аҳволим оғир бўларди.

Соат ўн бирларга яқинлашган, дўконлар бекитилган. Борар жойимнинг тайини бўлмагани учун бошим оқкан томонга қараб юравердим, дайди итдек гоҳ у кўчага, гоҳ бу кўчага кирадим. Чорак соат шу тарзда юриб, кўн сотиладиган растага олиб борадиган йўлга чиқдим. Бу кўча узун бўлмаса-да, дўконлар кўп эди. Дўконлар берк, фақат булка дўконида чироқ ёниқ эди. Деразадан қарадим, катта-кичик, хилма-хил шаклдаги булкаларга кўзим тушди. Оёқларим шол бўлгандек, беихтиёр тўхтаб қолдим. Шунча вақт овора бўлганим бекор кетмади: ниҳоят истаётган нарсамни топдим. Кошки, эди шу ажойиб, қизариб пишган булкалардан биттагинасини менга берсалар! Нечтасини ея олардим? Қайсиларини танлаб олишим мумкин? Пастдаги ҳуванави синга пишганини, яна ҳув анависини — дераза ёнидагисини.

«Зэ!» — қилиб дарпарда ёпилди, Чироқ ўчди, ажо-

йиб ионлар ҳам ғойиб бўлди. Булка дўкони ҳам бошқа дўконлар сингари қоп-қоронги бўлди-қолди. Эрталабдан буёни оч қолганим сезилмаганди, овқатни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим, мана энди-чи, ошқозоним гўё энди уйқудан тургандек овқат талаб қила бошлади. Кишини қийнайдиган очлик гўё менга жон киргизгандек бўлди, ўзимни ҳаддан ташқари тетик хис этдим. Ҳар нарса бўлса ҳам овқат топишим керак. Аммо қандай қилиб? Садақа сўрасаммикин? Кимдан? Мен турган бу йўлда бой қишилар камдан-кам бўларди, ҳозир ҳеч ким ҳам йўқ. Иш уйининг кийимида қандай садақа сўраб бўлади? Ким менга пул беради-ю, кечаси кўчада нима қилиб юрганимни, уйга нега кетмаётганимни сўрамайди? Вақт ҳам хайр сўрайдиган пайт эмас. Мен ион пули топгунимча дўконларнинг ҳаммаси ҳам ёпилади. Бирор нарса ўғирласаммикин? Қаердан? Бутун кўчада фақат пивохона очиқ турибди, холос. Пиёда юрадиган одам йўқ — фақат бир полициячи келяпти. Узоқда нима борлигини яхши кўролмадим, қор қалин ёғаётган эди. Тўсатдан оёқ товуши ва кулги эшитилди, бир минутдан кейин сигара чекиб келаётган, қўлларига таёқчалар ушлаган икки ёш жентльмен кўринди. Улардан бирор нарса ўғирлашни хаёлимга ҳам келтирмагандим, улар менга раҳмлари келар, чойчақа берарлар, деган умидим бор эди. Улар жуда хурсанд эдилар, бой бўлсалар керак деб ўйладим: бармоқларида катта ялтироқ кўзли узуклари бор эди.

Бахтимга, уларнинг бири ёнгинамга келгач, сигарасини чекмоқчи бўлиб тўхтади.

— Марҳаматли жаноб,— дедим мен,— бирор нарса хайр қилинг.

— Анув ўртоғимдан сўраб кўр,— деди у.— Берни, бу бечора болага бир шиллинг беринг.

Қувониб кетдим. Унинг ҳамроҳига қарадим.

— Чўз қўлингни,— деди у.

Қўлимни чўздим, у эса қўлимга туфурди-да:

— Хайр сўровчиларга мен шунақа шиллинг бераман,— деди.

Унинг шериги эса хохолаб кулиб юборди.

Бир дақиқа шундай ғазабим тошиб кетдики, мистер Бернининг бурнини узиб ташлагим келди, бироқ очлигим бу ғазабимни бўғиб қўйди. Қўлимни деворга артиб, яна бу қувноқ жанобларга чўздим.

— Энди лоақал бир пени ёки ярим пени беринглар,— дедим ялиниб.— Очликдан ўлиб қоламан.

— Ёлғон гапирияпсан, ярамас!— деб бақирди мистер Берни.— Қийимлари башанг-ку, оч эмиш! Шунақа бошмоқ кийган киши ҳам хайр сўрайдими? Уни полицияга олиб бориш керак, Жонс!

Бу сўзлар менда бир қанча янги фикрлар ҳосил қилди. Ростдан ҳам бошмоқларим мустаҳкам, яхши эди, гадойининг бошмоғига ўхшамасди. Сотишим мумкин. Үлгудек оч юргандан кўра, оёқ яланг тўқ юрган яхши-да.

Арк тагида турадиган болалардан Филд-Лейнда ярим кечагача савдо қилиб, ҳар хил нарсалар харид қиласдиган, нарсаларнинг кимдан, қаердан олинганини суриштириб ўтирилмайдиган дўконлар борлигини эшигган эдим.

Филд-Лейн узоқ эмасди. Бошмоқларимни еча бошладим.

— Нима қиляпсан?— деб сўради мистер Берни.

— Қанақа бошмоғим борлигини эслатганингиз учун раҳмат, сизлардан пул сўрамайман энди. Пенниларигиз ҳам, туфукларингиз ҳам ўзларингизга буюрсин, яна туфурсангиз бошларингизга ғишт билан соламан.

— Кетдик, Жонс,— деди Берни.— Тегиб кўрсинг-чи, полицияни чақирамиз.

— Тўхта, тўхта,— деб уни тўхтатди Жонс.— Бошмоғингни нима қилмоқчисан, бола?

— Сотмоқчиман.

— Бемаҳалда қаерга олиб борасан? Сотсанг бизга кўрсат-чи! Фонарь олдига борайлик.

Пайпоқларимни ечиб, бошмоқларимнинг ичига тиқдим, бошмоқларимнинг иларини бир-бирига борлаб, елкамга ташлаб олдим.

Мистер Жонс мени фонарь ёнига бошлаб борди, бошмоқлардан бирини фонарга яқинлаштириб, у ёқ-бу ёғини синчиклаб кўра бошлади.

— Қанча сўрайсан?— деди у.

— Мени кўп мазақ қиласверманглар!— деб қичқирдим.— Қанчага сотсан сотавераман, нима ишларинг бор?

— Мазақ қилаётганим йўқ, бола,— деди мистер Жонс жиддийлашиб.— Нархини айт, сотиб оламан.

Қанча сўрашни билмасдим. Шунда бир вақтлар онам бундан ёмонроқ бошмоқни икки шиллингу тўқиз пенсга олгани ёдимга тушди. Бу бошмоқлар эса жуда ҳам иссиқ, қулай эди. Қор устида оёқ яланг туриб, бошмоқларнинг қадрига етиб, баҳоладим:

— Ўн саккиз пенсга сотаман,— дедим.

Мистер Жонс мистер Бернига бир қаради-да, кейин гўё мен уларга жуда қизиқ гап айтгандек иккаласи хохолаб кулиб юборди.

— Хўп, яхши!— деди ниҳоят мистер Жонс.— Ҳазилингни қўй, бунақада ишимиз битмайди, тўғрисини айтчи, қанча берай?

— Ўн саккиз пенс, камига сотмайман, баҳосини биламан.

— Олти пенс берайми?

— Йўқ, ўн саккиз, олмасангиз беринг, сизларга сотмайман уни!

— Майли, сен билан савдолашиб бўлмас экан!— деди хўрсиниб мистер Жонс.— Ма, пул; тез жўна, айниб қолмай яна!

У менинг кафтимга етти пенс қўйди-да, мистер Бернини қўлтиқлаб кетмоқчи бўлди.

Мен унинг пальтосининг баридан ушлаб олдим.

— Менга яна ўн бир пенс керак!— деб қичқирдим.— Олмасангиз, пайпоғим билан бошмоқларимни беринг.

— Аҳмоқ экансан-ку!— деб қичқирди мистер Берни.— Бундан арzonроққа этик сотиб олиш мумкин-ку!

— Ичида пайпоғи ҳам бор.

— А! Пайпоғни кўрмабман. Кўрайлик-чи, қанақа экан.

Мистер Берни бошмоқлар ичидан пайпоқларни суғуриб олди-да, диққат билан қараб, менга деди:

— Майли энди, яхши бола экансан, нархига бироз қўшамиз, ҳаммасига бир шиллинг берамиз.

— Йўқ, бўлмайди, менга ўн саккиз пенс керак. Оч бўлмаганимда бундан ҳам кўпроқ сўрардим.

Шу пайт биз кичкинагина ифлос дўконга яқинлашдик. У ҳали бекитилмаган эди, деразаси олдида катта катта буханка нон ва бир бўлак яхна ёғ турарди.

— Очман деганинг ёлғон,— деди Мистер Жонс.— Оч бўлганингда бир шиллингта жон-жон деб сотардинг. Катта нон билан мана бу ёғни тўрт пенсга олиш мумкин.



Дўкон ойнасидан кўриниб турган нон билан ёғ иштаҳамни карнай қилди. Жуда оч эдим, бир буханка нонни увоғигача қолдирмай еб ташлагудек эдим, бироқ арзимаган пулга бошмоқни сотгим келмади.

— Менга ўн саккиз пенс керак,— дедим яна.

— Кўнглинг ҳеч нарса тиламас экан-ку! Шунча пул керак бўлса, сотиладиган бошқа нарсанг ҳам бордир, чўнтағингни қара-чи, рўмолча, қаламтарош ёки шунга ўхшаш бирор нарсанг бордир!

— Ҳеч нарсам йўқ, бор-йўғи устимдаги нарсаларим.

— Майли! Ҳаммасини ҳам сотиб олаверамиз,— деди мистер Берни.— Кўйлагингга ўн саккиз пенс эмас, ўн саккиз шиллинг беришимиз мумкин. Сот!

Наҳотки кўйлагимга ўн саккиз шиллинг берсалар? Бу нархнинг ярмига ҳам жон-жон деб сотардим, чунки у одамлар орасида юришимга халақит берарди.

— Кўйлакни қандай қилиб кўчада ечаман? — деб сўрадим.

— Нега кўчада? Берни, уни уйга олиб бора қолайлик,— деб ҳамроҳига таклиф этди мистер Жонс.

Ёш жентльменлар менинг бошмоқ ва пайпоқларимни қўлларига олиб, Сафрон-Гилл сари тез-тез юра бошлидилар. Мен ҳам уларнинг орқасидан кетдим. Гиллнинг энг ифлос қисмига боргач, бир уй олдида тўхтадик. Бу уйнинг калиди мистер Жонснинг ёнида экан, у эшикни очди, қоронги коридордан юриб, ғижилловчи зина-поядан иккинчи қаватга кўтарилдик-да, бир хонага кирдик. Мистер Берни кичкинагина қалайни чироқни ёқди. Чироқ деворга қоқиб қўйилган эди; унинг ёғудусида ёш жентльменларнинг уйига назар ташладим: латтафурушнинг дўконига ўхшарди. Бурчакда бир тўда шляпалар ётарди, шляпалар устидаги бир эски цилиндр шифтга тегиб туради. Бошқа бир бурчакда эса ҳар хил каттакичик бошмоқлар, пайпоқлар уйиб ташланганди. Девор остидаги столда эса эски-туски кўйлаклар тахлаб қўйилган.

Бу дўконда афтидан одам ҳам турса керак: камин печь олдидаги йиғма стол устида патнис, ифлос пиёла-лар ва кофейник турар, шу ерда яна карам барги устида ёғ ва ушатилган булка ётарди.

— Нондан есам майлими? — деб сўрадим ва руҳсат берилишини кутиб ўтирумай, қўлимга олиб бир тишладим.

Шу пайт мистер Берни қўлимга мис гугуртдон билан бир урган эди, нон ерга тушиб кетди. Мен нонни ердан олмоқчи эдим, мистер Жонс юлқиб олди.

— Сен, бола, бу ерга ўғирлик қилгани келганинг ўйқ,— деди у.

— Гапимга қулоқ сол, бола,— деди мистер Берни жилмайиб,— сен жуда ҳам очга ўхшайсан, раҳмим келди сенга; бошмогинг учун бир шиллинг ва сийловига шу нонни ол-да, бошқа ҳархаша қилма!

Агар нондан еб кўрмаганимда эди, эҳтимол, айтган нархимда туриб олган бўлардим, кўнмай иложим қолмади, мистер Берни берган шиллингни чўнтагимга солдим-да, нонни оғзимга тиқа бошладим.

— Энди жўна,— деди мистер Жонс, эшикни менга очиб бера туриб.— Иш битди, бу ерда қиласидиган ишинг қолмади.

— Кўйлагимни ҳам олмоқчи эдинглар-ку?— деб сўрадим ёдимга тушиб.— Ўн саккиз шиллинг бераман деган эдинглар.

— Ўн саккиз шиллинг?— мистер Жонс елкамга қоқди.

— Ўн саккиз шиллинг эмас, кўпроқ ҳам берардим, ҳамон сенга шунча керак экан, ма, айтганингни олақол!

У менинг қўлимга шиллинг ўрнига ўн саккиз пенс санаб берди.

— Бу ўн саккиз пенс-ку, аҳмоқ қилманг мени,— дедим.— Менга ўн саккиз шиллинг беринг.

— Аҳмоқ-эй! Шу ярамас кўйлакка ким шунча пул берарди сенга?

— Ўн саккиз пенсни нима қиласман? Мен бунинг ўрнига бошқа кўйлак олишим керак.

Берни мени ўз олдига тортиб, кийимимга яҳшилаб кўз юргутириб чиқди.

— Биласанми, Жонс,— деди у юмшоқроқ оҳангда.— Бир яхшилик қиласилик, бечора боланинг кийимларини алмаштириб бера қолайлик,

— Яхшилик қилиш яхши,— деб эътиroz билдириди Жонс,— мени ҳам ўйлагин-да, зарарнинг ярмини мен кўтараман, ахир.

— Кўй-э, дўстим, яхшилик қилсанг кам бўлмайсан.

Шундай деди-да, у эски кийимлар олдига бориб, йиртилган, ифлос, тиззасининг кўзига катта ямоқ тушган бумази шим олди.

— Йиртиқ-ку!— дедим.

— Ҳа-да, кийилган,— деди мистер Берни.— Мен сенга янги шим берармидим.

— Менга узун, ҳам кенг келади.

— Зарари йўқ, ҳозир ҳамма ҳам кенг шим кияди, узунлик қилса, почасидан қирқамиз, олдин кийиб кўр-чи.

Кўйлакдан бошқа ҳамма кийимимни ечдим. Мистер Жонс уларни қаергадир яшириб қўйди. Бумази шим жуда кенг ва ҳаддан ташқари узун эди. Ҳалпиллаб турарди, боғлаган билан фойдаси йўқ, чунки липаси кўкрагимдан келар, почаси ерда судралиб юрар эди.

— Кўярпизми, лойиқ эмас менга,— дедим.

— Лойиқ эмас эмиш! Худди ўзинингга ўлчаб тикилгандек-ку!



— Кўполлигини қаранг! Тугмалари қўлтиғимнинг тагида юрибди!

— Кўйлаги йиғилиб қолиб, халақит беряпти,— деди мистер Жонс.— Кўйлагини ечинг, Берни, унга ихчамроқ бошқа кўйлак берамиз.

Мистер Берни сўраб-нетиб турмай, дарров кўйлагимни ечиб олди.

— Мана энди жойида бўлди!— деди у.— Бу тумани анув тешикка ўтказамиз, унисини бунга! Жуда соз, липаси баландлигининг зарари йўқ, жилет киймайсан. Яхши бўлди! Шунаقا яхши куртка ҳам топиш керак энди.

— Мана буни кийгиз-чи,— деб мистер Жонс қандайдир курткани тутқизди.— Яп-янги ҳали, майли энди, бола бечорага раҳмим келди.

Улар ҳамма ёғи бўёқ бўлиб кетган курткани менга кийгиздилар. Буни илгари бўёқчи кийгани сезилиб турарди.

— Жонинг ҳузур қиласидиган бўлди, ҳам иссиқ, ҳам қулай!— деди Берни.— Шапкангни кий-да, жўна.

— Кўйлак-чи? Кўйлак бермадингиз-ку!

— Кўйлак? Шим билан курткадан бошқа яна кўйлак ҳам олмоқчимисан биздан? Тентак бўлиб қолибсан, биродар!

— Ҳеч бўлмаганда бир оз пул беринглар: кўйлагим қиммат турарди, ахир.

— Бу қандай гап, Жонс!— деб қичқирди Берни хафа бўлгандек.— Унга яхшилик қилсак ҳаддидай ошяпти-ку. Виждонсиз, кўрнамак бола! Йўқол кўзимдан!

Улар мени уйдан туртиб чиқаришди, зинапоядан пастга тушириб, кўчага итариб юборишди-да, орқамдан эшикни бекитиб олишди.

### XIII

#### *Кўча ашулачиси бўлганим. Эски дўст*

Муттаҳамлар мени уйларидан чиқазиб, эшикни бекитиб олганларида черков соати ярим кечага зангурди. Кўчада янги ёққан юмшоқ қорни босиб кетмоқда эдим.

Берни билан Жонс мени алдаб чув туширганларини кейин билиб қолдим. Алдаганда ҳам боплаб алдабдилар. Бунинг устига яна мени виждонсиз, кўрнамак, деб айбладилар. Наҳотки мен уларнинг хизматларини етарли даражада қадрламаган бўлсан? Нима яхшилик қилди улар менга? Иссик пайпоқ ва бошмоқларим, иссиқ кийимларим бор эди. Ҳозир на бошмоғим бор, на кўйлагим. Бор-йўғ кийимим куртка билан шимдан иборат. Фақат илгаригидек оч эмасман, қорним тўқ, одамларга кўринишдан қўрқиб юрган кийимларимдан қутулдим, қўлимда яна бир шиллинг пулим бор!

Қани ўша шиллинг? Оёғим остидаги тош кўча ёрилиб кетганда бунчалик қўрқмасдим. Шимимнинг чўнтакларини қидира бошладим. Чўнтакларим жуда чуқур, тагига қўл етказиш учун ергача эгилиш керак эди; чўнтакларимни кавлаб бекор овора бўлдим: пул йўқ эди. Жон ҳолатда куртканинг чўнтакларини қидира бошладим: қотган нон ушоқларидан бошқа ҳеч нарса йўқ. Қандай бахтсизлик! Қани пулим? Шунда тўсатдан ёдимга тушди: пулни муттаҳамларнинг уйида қолдирибман! Бошмоқлар ва пайпоғим учун нон билан пул олганимда, пулни ўз шимимнинг чўнтагига солиб қўйган эдим. Бу бумази шимни кийганимда чўнтакдан пулни олишини эсдан чиқариб қўйибман. Аниқ эслаб, ўзимни бироз енгил ҳис қилдим. Уларнинг уйи яқинда

эди, кучим борича Сафрон-Гилл сари югурга кетдим. Сафрон-Гиллни ва улар яшайдиган жойни топиш қишин эмасди, бироқ югуриб бориб бирдан ҳайрон бўлиб қолдим. Уйларининг номерига қарамабман, кўчадан боққанда ҳамма уйлар бир хил эди! Ҳар ёққа аланглаб, уйларни бир-бираидан ажратадиган бирорта белги ҳам тополмадим. Бунинг устига, ҳамма уйда чироқ ўчган эди. Иккинчи қаватдаги деразалардан бирида чироқ ёниб турганига кўзим тушди.

Бориб эшикнинг зулфинини қоқа бошладим. Ҳеч ким чиқмади. Қаттиқроқ тақијлатдим. Чироқ ёғдуси кўриниб турган дераза очилди, қалпоқ кийган чолнинг боши кўринди.

— Кечиринг, сэр,— дедим,— мистер Берни билан мистер Жонс шу уйда турадими? Менинг...

— Мен қаердан билай? Кечаси эшик қоқишини ким чиқарди! Пастга тушишга эриниб турибман, бўлмаса кунингни кўрсатар эдим!

Бу дағал гапдан кейин у деразани қаттиқ ёпиб олдii. Энди нима қилсан экан? Ҳамма уйларни бирмабир тиқијлатиб чиқиши мумкин эмас, пулни қолдириб кетиш яна бўлмайди. Пул йўқолганига, албатта, айбдор ўзим. Агар улар билиб қолсалар пулимни сўзсиз қайтариб берадилар. Энг яхшиси, шу ерда әрталабгача кутиб, уларнинг кўчага чиқишига кўз-қулоқ бўлиб турнишим керак.

Бахтимга эски-туски сотиб оловчиларники шу бўлса керак, деб ўйлаган уйимнинг қаршисидаги дарвоза таги чуқурроқ экан, қулайроқ ўтириб олдим. Шундай қилиб, гоҳ мудраб, гоҳ уйғониб, бутун кечани ўтказдим.

Әрталаб соат еттида ҳовли эгаси эшигини очиб, мени ҳайдади. Соат тўққизгача шу атрофда пойлаб юрдим. Ниҳоят мен таҳмин қилган уйдан қўлларига қора халта тутган икки ёш йигит чиқди. Улар кечагидек олифта кийинмаган эдилар; сюртуклари эски, фурражкалари кир эди. Шундай бўлса-да, мен уларнинг мистер Берни ва мистер Жонс эканликларини билдим.

— Кечирасиз, сэр,— дедим улардан бирига мурожаат қилиб,— пулим шимимнинг чўнтағида қолибди, марҳамат қилиб, олиб беринг.

— Нима? Қанақа пул? Қанақа шим?

— Кеча сизларга камзулим билан бирга сотган

шимменинг чўнтағида. Ишонмасангиҳ, уйингиҳизга кириб қараб кўринг.

— Нима деб валдираяпти бу?— деб таажжублангандек сўради мистер Берни.— Ўилькинс, бу болани танийсизми?— деб у ўз ҳамроҳига мурожаат қилди.

— Биринчи кўришим.

— Янглишибисиз, азизим,— деди юмшоққина қилиб Берни.— Сиз қилираётган жанобнинг исми нима?

— Бирининг исми Берни, иккинчининки Жонс. Мана шу киши мистер Жонс-ку!

— Йўқ, дўстгинам, менинг отим Жонс эмас, Уильям Уилькинс,— деб жавоб берди Жонс.

— Наҳотки иш уйидан берган кийимларимни сотиб олган сизлар бўлмасангиҳ? Эски-туски кийимлар билан тўлган шу уйда яшайдиган наҳотки сизлар бўлмасангиҳ?— деб алам билан бақира бошладим.

— Албатта биз эмас, нега бизга ёпишиб олдинг!

— Ёлғон, сизларсиз! Тўхтаңг, ана полициячи келяпти, ҳозир чақириб айтиб бераман ҳаммасини.

Полициячини кўриб, уларнинг ранглари ўчди, нима қилишларини билмай, тез-тез қадам ташлай бошладилар.

— Пулимни беринглар!— деб қичқирдим уларнинг орқасидан қолмай.— Бермасангиҳ, булар ўғри, деб бақираман!

— Бу қандай ярамас гадой бола!— деб ғазабланди мистер Жонс.— Ма, сенга икки пенс, йўқол!

— Йўқолмайман. Менинг бир шиллингимни беринглар, бермасангиҳ, полицияга шикоят қиласман,— дедим.

— Нима деб шикоят қиласан?— деб сўради Берни.

— Иш уйи берган кийимларимни сотиб олиб, пулини беришмаяпти, деб!

— Иш уйи берган? Тўхта! Сен ҳали иш уйидан қочиб, кийимларини сотиб юрибсанми? Жуда соз! Энди ўзим сени полицияга тутиб бераман!

Шундай дея туриб, ёқамдан ушлади-да, полициячиға томон судраб кета бошлади. Аҳволим мушкул эди. Бир силтаниб, Бернининг қўлидан чиқдим-да (у мени бўшроқ тутган эди), бутун жон-жаҳдим билан қоча бошладим. Бернининг қўлидан силтаниб чиққанимда бошимдан шапкам тушиб қолган эди, қайрилиб орқамдан қувлаётгани йўқмикин, деб хавотирланиб орқамга қараган эдим, инсофсиз муттаҳам шапкамни ердан

олиб, халтасига солаётганига кўзим тушди. Шундай қилиб, шапкамдан ҳам айрилдим.

Сафрон-Гиллдан анча узоқса қочиб бордим, орқамдан ҳеч ким қувламаётганини кўргач, бир жойда салдам ола туриб, аҳволимни ўйлаб кўрдим. Ўртоқларимни топиш, иш излаш ҳақида ўйладим, дўёнолар орасида бўзчининг мокисидек у ёқдан-бу ёқса юришим ҳеч натижа бермади: Рипстоини ҳам, Моулдини ҳам кўрмадим. Менга чала-чулпа таниш бўлган болалар рождество байрамидан буён улар бозорга келмаётгандарини, ҳозир қаердалигини ҳеч ким билмаслингини айтдилар. Иш ҳам тополмадим. Касал бўлганимдан бери бўйим анча ўсган ва кийимларим илгаригидан бошқа бўлса ҳам, сотувчилар мени дарров танидилар.

— Кисовур, яна келдингми?

— Йўқол, йўқол нарироққа! — дерди улар менга кўзлари тушиши билан. — Кет бу ердан, аристон!

Ҳамма одамлар сочимни турмада олинган, деб таъна қиларди, бошимда шапкам йўқ эди, шунинг учун ҳамма дарров кўрарди. Шу тариқа бир чақа ҳам ишлай олмадим. Шу кун қор ёғмаган бўлса-да, қаттиқ совуқ, изгирин эди.

Эрталаб энди сира ўғирлик қилмасликка, ҳатто эски ўртоқларим қилган майдачўйда ўғирликлар билан ҳам мутлақо шуғулланмасликка аҳд қилган эдим. Бир пиёла қайноқ кофе ича туриб шундай фикрга келган эдим, кейин иш қидириб кун бўйи бозорда овора бўлдим, натижа чиқавермагач, оч юравериб, бу фикрда қолиб бўлмаслигини тушуна бошладим. Қоронғи ҳам тушди, дўёноларда чироқ ёқила бошлади, очлик мени яна виждондан воз кечишига мажбур этди. Яна бозорни бир айланишга, ҳар нарса бўлса ҳам қуруқ қайтмасликка қарор қилдим.

Орадан икки минут ўтар-ўтмас чўнтағимга катта ананас солиб, Дрюри-Лейнга жўнадим. Ўша пайтларда ананас жуда қиммат турарди. Ананас сотиб ўтирган дўкондор: «Сэр, бу ананаснинг ҳар донаси беш шиллинг», деганини эшитган эдим. Ананасни, албатта, мендан бу пулга ҳеч ким олмасди; ростини айтсан, дўкондорнинг сўзини эшитмаганимда, бу ананасни ё икки, ё кўп деганда тўрт пенсга бериб юборардим. Энди эса икки шиллингдан камига сотмасликка аҳд қилдим. Мендан ва ўртоқларимдан ўғирланган нарсалар-

ни сотиб олувчи кекса Баджи Симмонсига бора туриб, йўлда ўн пенсни қандай харжлаш ҳақида ўйладим: олти пенсга кечқурун овқатланаман, тўрт пенсга эса бирор жойда ётаман, деб қўйдим. Ўтган кеча жуда қийналдим, овқат ейишга иштаҳам қанчалик зўр бўлса, бир кеча иссиқ тўшакда ётишга ҳам шунчалик муштоқ эдим.

Баджи Симмонс этиқдўзниңг уйидан бир хонани ижарага олган эди, унинг хонасиға этиқдўзниңг устахонасидан кириларди. Яқинроқча бориб қувониб кетдим — этиқдўзниңг устахонасида чироқ ёқиғлиқ, деразанинг сариқ пардаси орасидан қатим тортиб, этиқ тикаётган кишининг қўли кўриниб турар эди. Этиқдўз мени яхши биларди, шунинг учун ҳам эшикни дадил қоқдим. У эшикни очди. Мени танигандек бўлди-ю, бироқ жўрттага танимаётганидан таажжубландим.

— Нима керак сенга, бола? — деб сўради у мендан.

— Ҳеч нарса керак эмас, Баджининг ёнига кираман, холос.

— Баджи Симмонс бу ерда турмайди. Яхшиси, сен ҳам бу ерда қорангни кўрсатма, бўлмаса яна полиция келиб қолади. Мен энди шайкаларингиздан ҳеч кимни кўрмасам керак деб қувониб юрган эдим.

— Баджи қаерга кўчиб кетди? — дея бетоқатлик билан сўрадим.— Барака топинг, айтинг, мен уни кўришим керак.

— Ҳеч қаёққа кўчиб кетгани йўқ, турмада ётибди,— деди этиқдўз ҳар ёққа ваҳима билан қараб.— Кет, йўқол энди,— деди у мени эшикдан итариб чиқара туриб.— Мени кузатиб юрибдилар, кимлар билан танишлигини билмоқчилар, кет энди.

— Бўлмаса, мана буни бир кўринг, балки Баджининг ўрнига сиз сотиб оларсиз,— деб илтимос қилдим, чўнтағимдан ананасни ола туриб.— Арzonга бераман сизга, бир шиллинг, тўққиз пенс берсангиз ҳам майли.

— Қўй, керак эмас, чўнтағингга сол! — деб қичқириди этиқдўз, ҳаяжондан қалтираб, ифлос қўллари билан ананасни чўнтағимга тиқиб қўяр экан.— Кет деяпман сенга!

У менга шундай ўқрайдики, нақ ўтакам ёрилай деди, кейин қўрққанимдан ура қочдим.



Бутун олам менга қарши эди! Баджи Симмонсдан бошқа ҳеч бир таниш дўкондорнинг уйини билмасдим. Энди бу ананасни нима қиласман? Бунинг ўрнига иккι-уч нок ёки иккι-уч апельсин ўғирлаганим яхши эмасмиди! Уларни йўловчиларга сота олардим, ананасни сотиб бўлармиди? Дуч келган йўловчига рўкач қилаверсам, мен ҳам Баджи Симmons ётган жойга боришим ҳеч гап эмас эди. Нима қилсан экан? Бир йўли бор холос: ананасни ўзим ейишм керак. Мен ҳеч қачон бунаقا мева емаганман, уни ҳозир бир бурда қора нонга жон-жон деб алмаштирадим, бироқ кимга? Бедфордгача бордим, турли экипажлар, аравалар турган майдонда бир араванинг устига чиқиб олдим-да, ёнбошлаб ананасни едим. Бу қиммат баҳо овқатнинг оқибати жуда ҳам ёмон бўлди: қорним шундай қаттиқ бураб оғридики, юролмай қолдим. Ярим кечагача арава устида ётдим, қўл-оёқлаларим совуқда шам бўлиб қотди. Бахтимга, майдоннинг бир бурчагида бир уюм гўнг кўринди, ундан буғ чиқиб турарди. Ўша ёққа бориб, илиқ гўнг устида тонг отдиридим.

Кейинги кунни қандай ўтказганимни ҳикоя қилиб беришим қийин. Кўчаларда мақсадсиз дайдиб юрдим. Кечқурун кўча четида бир гуруҳ одам тўпланиб турганини кўриб қолдим, яқинроқ бориб қарасам, улар бир боланинг ашуласини тинглашаётган экан. Мен ҳам эшита бошладим. Бу ашулани мен билардим, миссис Беркдан ўргангандан ашулаляримдан бири эди. Бола хушовоз, яхши ашула айтиётгани эди, бироқ ашуладаги

сўзларининг маъносига аҳамият бермасдан куйларди. Шунга қарамай, унинг ашуласи ҳаммага ёқди. Ашула тугаши билан унинг шапкасига ярим пенслик чақа ёғилиб кетди, мен ҳайратдан кўзларимни уқалаб қараб-қараб қўйдим.

«Мен ҳам ашула айтсан қандай бўларкин,— деган фикр келди миёнгга.— Ахир бу иш ўғирлик, гадойчилик қилиб кун кўришдан ҳар ҳолда яхшироқ-ку. Менга кўп пул керакмас: ўн, йигирма ўтқинчидан биттаси ярим пенсдан пул берса ҳам кифоя!»

Бир неча қадам нари бориб, ашуланинг сўзлари ва куйини эсладим-да, тўхтаб ашула айта бошладим.

Орадан бир минутча ўтга, бир бола келиб қулоқ сола бошлади, кейин чол билан аёл, ундан кейин қўлига бир кружка пиво тутган хизматкор келиб тўхтади.

«Уни шуга буюришган,— деб ўйладим ичимда хизматкор аёлга кўзим тушиб,— у бўлса тўхтаб, тингляяпти, демак ёмои куйламаётган эканман!»

Бу мени руҳлантириб юборди, шундан сўнг дадил куйланига киришдим. Аста-секин тингловчилар кўпая бошлади, ашулани тугатишм билан уч-тўрт киши мис чақа тутқизди менга. Ашулам айниқса бир маст ирландияликка жуда ёқиб кетди.

— Мана бу ашула, чинакам ашула!— деб қичқирди у қўлимдан қаттиқ ушлаб.— Бунақа ашулани ҳар кун ҳам эшишавермайсизлар! Яна чақа беришга ҳам хасислик қиляпсизлар, хасислар! Яна бир айт, азизим, айтиб бўлганингдан кейин ўзим сенга пул тўплаб бераман!

— Айт, айтақол!— дейишиди бир неча киши бирдан-ніга.

Мен ашулани яна такрорладим — ҳаммага ёқди. Ашулам тугага, ирландиялик шапкасини тутиб, даврани айланди, бир ҳовуч мис чақани менга берди. Бойлики чўйтакка солиб, даврадан чиқиб кетмоқчи бўлган ҳам эдимки, кммидир елкамдан ушлади; аёл кишининг овози эшистилди:

— Э-ҳе! Бу сенимсан, кичкина Жимми? Бечора бола! Кунинг шунга қолдими ҳали?!?

Дунёда фақат бир аёлдангина жуда қўрқардим, бироқ бу овоз унини эмас эди. Бу овоз раҳмдиллик билан эшистилди, менга таниш туюлди. Қарасам, кир юувучи аёл, миссис Уинкшипнинг жиояни Марта экан.

## XIV

### *Эски дўстим мени меҳмон қилиб, кийинтиргани*

Дунёда энг яхши кўрган кишим миссис Уинкшип бўлса, уидан кейингиси унинг жияни Марта эди. У жуда хушфеъл аёл эди, шунинг учун ҳамма қўни-қўйнилар уни яхши кўради. Шунга қарамай, ҳамма — катталарап ҳам, болалар ҳам уни «кўр», «бир кўзли» деб атарди. Ростдан ҳам унинг бир кўзи кўр эди. Болалар орасида фақат мен унинг номини айтиб чақирадим. Шунинг учун бўлса керак, у ҳаммадан кўпроқ мени яхши кўрар эди. Ҳамма вақт эркаларди, кўпинча ўгай онамнинг дастидан оч қолганларимда мени яхши овқатлар билан зиёфат қиласди.

— Бечора бола! — деб тақорлади у мен билан бирга даврадан чиқа туриб. — Шу даражага етдингми ҳали? Бахтсиз бола, мен билан бирга юр, бошдан кечиргандарингни айтиб бер менга.

— Қизиғи йўқ, Марта, — дедим. Шунда мени отам турадиган кўчага олиб кетаётганини пайқадим. — Мен бормайман, ўтган кеча тортган кулфатларим ҳам етарли менга, — дедим.

— Биламан, ҳаммасини биламан, холам ҳам билади, — деди у менга раҳми келиб. — Холамнинг сенга жуда раҳми келади. Агар бошқалардек юра олганимда, у бечорани излаб топардим, деди. Мана энди сени топдим, қанақа аҳволда кўрдим сени!

Марта кўз ёшини артди.

— Ўлгудек очман, Марта, — дедим унга. — Жуда очман!

Кейин йиғлаб юбордим, кўчанинг ўртасида туриб, иккаламиз ҳам йиғладик.

— Кетдик,— деди бирдан Марта,— кўчамизга борайлик. Сен топилганинг учун холам ўзида йўқ хурсанд бўлади.

— Йўқ, мен уйга бормайман, ҳеч ҳам бормайман!

— Кўрқма, сени уйимизга шундай олиб бораманки, ҳеч ким танимайди. Ҳозир ҳам сени таниб бўлмайди,— деди у озиб кетган баданимга қараб, кўнгли эзилиб.— Ўзим ҳам овозингдан зўрга танидим.

Бироз иккиланиб туриб, кейин ниҳоят, Марта билан бирга боришга рози бўлдим. Кўчамизга борганимизда у мени Тернилла кўчасининг бурчагида қолдириб, ўзи миссис Уинкшипни огоҳлантириб қўйишга ва кўчада хавф-хатар бор-йўқлигини билингелишга кетди.

Орадан бир неча минут ўтди, бу менга жуда кўп вақт ўтгандек туюлди, бироқ Марта келавермади. Миссис Уинкшип мени уйига киритишга розилик бермаётгани бўлса керак, деб ўйладим, қиласар ишим йўқлигидан, чўнтақдаги пулларимни санай бошладим. Ун тўрт пенс бўлибди: мана бойлик! Ярим соатга етар-етмас вақт ичидаги ишлаб топганим бу! Раҳмдил ирландиялик менга катта ёрдам берди, усиз шунинг ярмини, чоратини топсан ҳам катта гап эди! Ҳар ҳолда ярим соатла 3 ярим пенс, бир соатда етти пенс, уч соатда эса бир шиллингу 9 пенс! Қандай яхши! Марта келмаса яхши бўларди деб турганимда, у кўринниб қолди, қўлтигида нимадир бор эди. Кўчада ҳеч ким йўқлигини, миссис Уинкшип мени кутиб турганини айтди.

— Яхшиси, бормайман,— дедим.— То боргунимизча ўгай онам кўчага чиқиб, кўриб қолиши мумкин. Раҳмат сизга, Марта, яхшиси, кетаман.

— Йўқ, йўқ!— деб қичқирди у йўлимни тўсиб.— Кўчаларда дайдиганинг етар, кетмайсан энди, қўймайман, юр мен билан, гапимга кир! Мен сени шундай кийинтираманки, ҳеч ким таний олмайди.— Шу гапларни айтиб, у қўлтигида эски юбка ва аёллар шляпасини олиб, мени тез кийинтириди, кейин қўлимдан ушлаб, кўчамиз томон юришга уннади. Мен қаршилик қилолмадим.

Биз миссис Уинкшипнинг ҳузурига кирганда у пеъ ёнида ром қўшилган қайкоқ сув ичиб ўтирган экан.

— Мана у, хола,— деди Марта менинг юбкам билан шляпамни еча туриб.

— Нажотки!— деб қичқириб юборди миссис Уинкшип ҳайрат ва ваҳима аралаш менга тикилиб.— Оббо



шўх бола-еї, худди она-  
сининг ўзгинаси-я! Вой,  
шўрим қурсин, аҳволи  
бир ҳолатда-ку! Сариқ  
ароқхўриниг касофати  
бу! Ҳозир у ярамас  
ёнимда бўлганида жиги-  
ни эзардим! Қара, Марта,  
кўйлаги ҳам йўқ. Иш  
уйининг иссиққина кийи-  
мини кийиб олган деб  
ёлғон айтишган экан,  
ҳолбуки...

Миссис Уинкшип га-  
пини нима деб тугатга-  
нини эслай олмайман.  
Иссиқ уйга кириб, печка  
ёнида турганим учун  
бирдан қулоқларим шан-  
ғиллаб, бошим айланаб

кетди. Оёқларим бемадор бўлиб, срга йиқилдим.  
Беҳуш ҳолда кўп ётган бўлсам керак, аҳволим яхшилан-  
гач, уйғониб қарасам, миссис Уинкшипнинг хонасида  
дивандан ётибман, куртка ва бумази шим ўрнида жун-  
дан тўқилган фуфайка, узун ва кенг иштон кийгизибди-  
лар, бу кийимларни бир вақтлар мистер Уинкшип кийган  
бўлса керак, Устидан эса ғалати кенг кўйлак — афти-  
дан миссис Уинкшипнинг кечаси киядиган кўйлагини  
кийгизибдилар, бу кийим сёқларимни ёпиб турар эди.  
Бошимда ҳали ҳам оғриқ бўлса-да, ўрнимдан бирнав  
туриб, атрофга кўз ташладим. Миссис Уинкшип печка  
ёнида ўтириб, идишда ниманидир қормоқда эди, Марта  
эса хонага кириб келиб, стол устига учта каттакон кот-  
лет солнган идишини қўйди. Бу ажойиб таомга кўзим  
тушиши биланоқ дивандан сакраб тургим келди, бироқ  
сёқларим ўралгани учун туролмадим.

Миссис Уинкшип буни пайқади.

— Хўш, йигит, ўзингга келдингми? — деди у меҳри-  
бонлик билан. — Бўлди, азизим, кўзингни оч, бардам  
бўл, нега бирдан ўзингни тутолмай қолдинг?

Бу билан у нима учун йиғлаётганимнинг сабабини  
сўраган бўлди. Бир ҳисобдан, йиғлашимга унинг ўзи  
айбдор эди. У мени бағрига босиб, пешонамдан ўпди,



онам ўлгандан кейин мени ҳеч ким бунақа эркаламаган эди. Оналик меҳри кўзларимда ёш пайдо қилди. Миссис Уинкшип тўйиб йиглашимга эрк бериб, ўзи кечки овқат тайёрлашга тутинди. Бир қанча вақтдан кейин голланд пеккасидан фоятда ёқимли ҳид анқиди.

— Қани, овқатланишга тайёрмисан, Жимми?

— Тайёрман, раҳмат сизга.

— Тушки овқатимиз гўштли бўлганди,— деди миссис Уинкшип майин овозда. У мени елкамдан суяб, стол олдидаги катта креслога ўтқазди.— Үшандан қолганини шўрвангга солдим. Е, азизим, ҳеч қолдирма, еб бўлгугунингча котлет ҳам пишади.

Ортиқча мулоzиматнинг ҳожати йўқ эди. Шўрва жуда ҳам мазали экан. Бироқ менинг ичагимга ҳам юқ

бўлмайдигандек эди! Мен гўё тезроқ йўқотиш керак бўлган душманимга ҳужум қилгандек жон-жаҳдим билан унга ёпишдим ва хаш-паш дегунча чапгини чиқарив ташладим. Буни кўриб, миссис Уинкшип ҳангуманги бўлиб қолди.

— Шу аҳволга тушибди-я, бечора бола!— деди у идишини бир лаҳзада тап-тақир қилиб қўйганимни кўриб.— Бу шўрва ҳеч нарса бўлмади унга.

Ростдан ҳам ичган шўрвам ҳеч нарса бўлмади, лекин буни миссис Уинкшипга билдирамадим. Одоб сақлаганимнинг касри шу бўлдикни, у мендан, қўй гўштидан пиширилган котлетдан ҳам ейсанми, деб сўраганда: «Майли, фақат бутун эмас, кичкина бир бўлак бўлса кифоя қилади», дедим, ҳолбуки пишаётган котлетларнинг ҳаммасини бир буханка нон билан пок-покиза еб, идишининг тагидаги ёгини ялаб қўйгудек эдим. Қорнимдан ҳам кўзим очроқ эди. Ниҳоят, яна бир котлет ва бир неча картошка егач, эл қўнгандек бўлдим.

Энди бошдан кечирганингни бир четдан гапириб бер биэга, Жимми,— деди миссис Уинкшип, Марта столининг устини тозалаб бўлиб, печка олдидағи диванда учаламиз ўтирганимизда.

Мен миссис Уинкшипнинг илтимосини жон-дил билан қабул қилдим.

Үгай онамнинг бармоғини тишлаб уйдан қочиб кетганимдан кейин бошимдан нималар кечган бўлса, ҳаммасини гапириб бердим. Ўртоқларим Рипстон ва Моулди билан бирга бозорда қилган ишларимиз ҳақида гапирганимда миссис Уинкшип турмага қамалишимга сал қолганини айтиб, бунга айбдор бўлган үгай онами қарғади.

— Бозорда ўғирлик қилганларни турмага қамамайдилар,— дедим,— бозор қоровулининг ўзи жазолайди. Менга Моулди шундай деган.

— Сенинг Моулдинг ёлғончи бола, яқин орада ўзинг ҳам тушуниб қолардинг буни. Яхшиямки, иситма билан оғриб қолибсан, Жимми, касаллик ўғри бўлиб кетишиннга халақит берибди. Кейин ўғирлик қилмадингми?

— Йўқ, ўғирлик қилмадим!— дедим ананас ҳақида гапирмасликка аҳд қилиб.

Иш уйидан қочганимни гапириб берганимда миссис Уинкшип қотиб-қотиб кулди, эски-тускичи йигитларнинг қилмишлари уни жуда ғазаблантирди.

— Эҳ, аблаҳлар! — деди у. — Агар мен эркак киши бўлганимда пойлаб, тутиб олардим-да, бунақа аблакликлари учун боплаб жазосини берардим.

Ҳикоямни айтиб битиргач, у енгил хўрсаниб:

— Яхшиямки бундан бадтар кунилар тушмабди бошингга,— деди.— Гадойлик қилганинг, болам, албатта, яхши бўлмабди, бироқ бундан ҳам ёмон бўлиши мумкин эди!

— Гадойлик қилмадим! Ҳеч кимдан садақа сўраганим йўқ! Марта мени кўриб қолганда, ашула айтиб тургандим.

— Ашула айтганинг — гадойлик қилганинг бўладида, фарқи йўқ,— деди миссис Уинкшип.

— Фарқи йўқлигини билмаган эдим,— дедим хафа бўлиб.— Мен гадойлик қилиб яашни истамайман, менга беришган ўн тўрт пенсии улоқтириб юборишни мумкин. Қани улар?

— Энди яхшиси, қасрдалигини сўрамай қўя қол, Жимми. Керак эмас сенга бунақа пул. Биз бир бечорага бердик, сенга энди кераги йўқ. Марта, у хотин пул билан латта-путталарни олиб, нима деди?

— Жуда қувонди. Беҳад миннатдор бўлди бечора. Кичкина Биллисига иштонча тикишга киришди.

Улар қанақа ифлос латта-путталар ҳақида гапиряпти? Наҳотки менинг иштон ва курткам ҳақида бўлса? Майли, кичкина Билли улардан фойдаланаверсин, менинг ўн тўрт пенсими ҳам ола қолсан! Миссис Уинкшип менга ўзи уст-бош қилиб берадиганга ўхшияди. Менга кийғизган костюми жуда соз, иссиқ эди: бироқ кўчага чиқиб бўлмасди. Балки улар менинг кийимларим ҳақида эмас, бошқа биронники ҳақида гапиришаётгандир? Шубҳаларим буни аниқлаб олишга ундарди. Бироқ гапини қандай бўшлаш ҳақида бир неча минут ўйлаб турдим. Ниҳоят, печка устида бир катта тугмага кўзим тушди.

— Мана бу тугма керакми? — деб сўрадим.

— Керак эмас, нима эди?

— Камзулимга қадаб олмоқчи эдим, юқоридаги бир тугмаси йўқ.

— Ўша ифлос латталаринги эслама! Энди сира кўрмайсан уларни, Жимми.

— Нега сира кўрмас экамсан? — дедим қўрққансимон.— Камзулсиз қандай юраман?

— Бу ҳақда ташвишланма,— деди меҳрибон кампир бошимни си slab.— Бошқа камзул киясан. Камзул масаласи қийин иш эмас, қийинроқ ишлар бор ҳали.

— Қанақа иш экан у?— деб сўрадим қизиқсиниб.— Шим топиш қийинми?

Бу савол кампирнинг кулгисини қистатди.

— Йўқ, шим топиш қийин эмас, Жимми,— деди у хохолаб кулиб.— Энг қийинни сени нима қилсак экан? деган масала. Бу ерда кўп туролмайсан. Отанг билоб қолса, қанақа ҳангомалар бўлишини ўзинг биласан.

— Албатта, мен бу ерда турмайман, қўрқаман,— дедим шошиб-пишиб.

— Уни биронга шогирдликка берсак яхши бўларди,— деди Марта ўз ишини давом эттира туриб. У пай-поқ тўқнётган эди.

— Яхши бўларди-я! Бироқ кимга?

— Мен ўйладим... Фақат, бу қанақа касб дерсиз?

— Хўш, қани айт-чи?

— Жиммини труба тозаловчи Бельчерга берсакмикин, шогирд болалар керак унга.

— Жуда яхши!— деб қувониб қичқирди миссис Уинкшип.— Бу яхши иш! Нима дейсан, Жимми?

Мен эхтиром юзасидан:

— Майли, яхши!— дедим.

Бироқ миссис Уинкшипнинг бу касбни менга танилаб, хурсанд бўлгани менга ёқмаган эди. Албатта, ўтган кеча, мен ўлгудек оч бўлиб, чарчаб, гўнг устида ётганимда труба тозаловчига шогирдликни тавсия қилганларида хурсанд бўлардим. Аммо ҳозир яхши овқатланиб, юмшоқ диван устида озодагина кийиниб ўтирган бола учун труба тозалаш жуда кўнгилсиз машғулот экани маълум.

— Бу фикрингдан ниҳоятда хурсанд бўлдим, жонгинам,— деди қувончи ичига сиғмай миссис Уинкшип.— Бундан яхши иш йўқ. Биринчидан, бу тез ўрганиладиган ҳунар ва ҳамма вақт яхши пул топиш мумкин. Дик Бельчер ҳам илгари Жиммига ўхшаган камбағал бола эди, ҳозир эса ҳеч нарсага муҳтоҷ эмас. Иккинчидан, у бу ердан узоқда туради, энг муҳими, трубаларни тозалаш кишини шундай ўзгартириб юборадики, юзмайоз келиб қолганда отаси ҳам таний олмайди. Бу масала ҳал. Эртага эрталаб, Марта, Кемберуэлга бориб, Дик Бельчери чақириб кел.

## XV

### *Янги ҳўжайинам*

Миссис Уинкшипнинг илтифоти билан шу кеча юмшоқ диванда, топ-тоза чойшап ва иссиқ кўрпа ёпиниб маза қилиб ётдим. Шунга қарамай, алламаҳалгача ухлай олмадим. Бошимга яна қандай кунлар тушажаги ҳақида хаёл сурис кетдим. Қанча кўп ўйламай, труба тозаловчига шогирд бўлгим келмасди. Отамнинг қўшниси бўлғаш бир труба тозаловчини билардим. Унинг икки шогирди бор эди, бу шогирдларнинг ҳаёти азобуқубат билан ўтаётганини биз болалар яхши билардик.

Шогирдлар мистер Пайкницида — труба тозаловчининг номи шунаقا эди — кўп турмасдилар. Унинг шогирдлари тез-тез ўзгариб туради, ҳеч бирни уницида бир йил турмаганди. Улар бир йил ичидан ё ўлардилар, ё қочиб қутулардилар. Шогирдларнинг қиёфаси бирбирига ўхшаш эди: ҳаммаси ифлос, қоп-қора, кийимлари йиртиқ, қуёш нурида кўзини қисиб юрар эди. Биз, болалар, мистер Пайкнинг ўтакетган қўполлиги ҳақида кўп нарсаларни эшитган эдик. У ўз шогирдларини трубага қандай киритишни билардик: канопнинг бир учини қўлида ушлаб, иккинчи учини шогирдининг тилига боғларкан, ўзи томдан кузатиб тураркан, агар шогирд трубага тез тушмаса ёки бирор ишни янглиш қиласа, у ипни қаттиқ силтаб тортар экан. Агар шогирд ҳаяллаб қолса, пайраҳага қалампир аралаштириб боланинг тепасида ёқаркан. Бир кун бир шогирдини трубага туширган экан, қайтиб чиқмабди. Ҳойнаҳой мистер Пайк унинг устида ўтинни кўп ёқиб, димиқтириб ўл-

дирган бўлса керак, деб ўйлаган эдик. Бироқ орадан икки ҳафта ўтгач, уни Шордичда кўрибдилар, у қочиб қутулган экан.

Бу даҳшатлар кўз олдимдан ўтавериб, уйқум келмади; соат ўн иккига, кейин бирга, ундан сўнг иккига занг урди. Ниҳоят, уйқуга кетибман, соат ўнгача ухлабман. Миссис Уинкшип билан Марта, албатта, жуда эрта уйғонган бўлсалар керак; нонушта қилибдилар, тайёр кийимлар дўконига бориб келибдилар. Уларнинг лўконга аниқ борганларини каравотим ёнидаги стул устида турган тоза кўйлак, пайпок, пухта мовут камзул ва чиройли йўл-йўл шимдан ва стул тагида турган бётникадан дарров билдим. Бу ботинка мистер Бернига сотганимдан анча яхши эди. Стулнинг суянчиғида фуражка ҳам бор, бу кийимлар менга келтирилганига шубҳам йўқ эди, шунинг учун ҳам тез кийинниб олиб, миссис Уинкшипга миннатдорчилик изҳор қилишга шошилдим. Меҳрибон кампир янги кийимлар менга жуда ярашганини кўриб қувонди. У қўл-юзимни ювиш учун илиқ сув келтирди, ўз чўткаси билан соchlаримни таради, соч мойндан сочимга суртди.

— Кани, эди ойнага қара-чи, Жимми,— деди у қувониб.— Кўряпсанми, қандай ярашибди, чиройли бўлиб кетдинг!

— Бу кийимлар труба тозаловчилар киядиган кийимга ҳеч ўхшамайди-ку,— дедим фаҳрланиб, ҳар ёғимга қараб. Йчимда, у менга бошқа бирор касб топганга ўхшайди, деб ўйладим.— Мен бу кийимда трубага киришни хоҳламайман.

— Албатта!— деди миссис Уинкшип.— Бу кийимнинг байрамларда киясан, мистер Бельчер иш кийими беради сенга. Марта Кемберуэлга кетди, ҳадемай Бельчер билан бирга келиб қолади.

Ростдан ҳам, мен нонушта қилиб бўлишим биланоқ Марта келиб қолди, аммо бир ўзи келди. Мистер Бельчер иш билан бугун жуда банд экан, у кечқурун аравасини қўшиб келишга ваъда берибди. От-араваси борлигини эшитиб кўнглим бироз тинчланди. Демак, мистер Бельчер мистер Пайкка ўхшаган камбағал эмас экан!

Қўни-қўшнилар билиб қолмасликлари учун кун бўйи уйдан чиқмадим. Қоронғи туша бошлаганда Бельчер келиб қолди. Унинг қиёфаси труба тозаловчига

сира ўхшамасди. Афти қора эмас, оппоқ, жигар ранг пальто ва олифталарча шляпа кийиб олган эди. Унинг юзлари ҳам Мартаникидек оппоқ, фақат чўтири эди; сарғайиб кетган юқориги тишлари олдинга туртиб чиққан, лаблари яширолмас эди. У менга ёқмади. Марта нима учун чақириб келганини унга айтмаган экан, миссис Уинкшип ўз муддаосини унга айтганда, афтидан бироз таъби хира бўлгандек бўлди.

— Боланинг ёши нечада? — деб сўради у менга бошдан-оёқ назар ташлаб.

— Тўққизга тўлиб, ўнга қадам қўйган; жуда ҳам кичик эмасми?

— Аксинча, катта. Бизнинг ҳунаримизга суяги қотмай туриб ўрганган яхши. Оппоққина бола экан! Унга труба тозалаттириш увол бўлади-да!

— Илож қанча? Унга лойиқ бошқа ҳунар тополмайдик. Бир амалини қиласиз энди, Дик.

— Ҳозир ишим унча юришмай турибди-да,— деди эришибигина мистер Бельчер.— Билмадим, фабрика трубалари учун сал йўғонроқقا ўхшайди. У чўнтағидан линейка олиб, менинг елкамни ўлчаб кўрди.— Қийналади: семиз бўлганида ҳам ориқлаб ингичка тортарди. Ўзининг териси устихонига ёпишиб ётибди, бошқа ориқламайди. Мен уни шундай боқаманки, танасига зифирдек ҳам жир битказмайман. Акс ҳолда, трубанинг бирор жойида тиқилиб қолиши мумкин. Бермондсига бориладиган йўлдаги ёғоч арралаш заводида шундай хунук воқиа рўй берди: заводнинг трубаси тўқсон саккиз фут<sup>1</sup> келарди, бола унинг ярмигача бориб, қисилиб қолди, то...

— Бўлмағур баҳоналарни гапираверманг, Дик,— деди жаҳали чиқиб миссис Уинкшип.— Сиз менга илтимос билан келганингизда мен ҳар хил баҳоналарни рўкач қилавермаган эдим!

Миссис Уинкшипнинг бу таънасини эшитгач, у гапининг оҳангини ўзгартира бошлади.

— Олиб кетмайман деяганим йўқ-ку,— деди у,— ҳозир иш кўп эмас деяпман, холос, машина билан ишляяпман, болаларнинг ишига эҳтиёж йўқ. Майли, меникода тураверсин, барибир мен унга бу касбни ўргатаман.

<sup>1</sup> Бир фут —30,47 см га тенг келадиган инглиз узунлик ўлчови.



Шундай қилиб, тақдирим ҳал қилинди. Энди труба тозалайман, трубанинг бирор жойида қисилиб қолишим ҳам эҳтимолдан узоқ эмас эди. Бу ярамас чўтир менга хўжайинлик қилади! Ўзимни дунёда энг бахтсиз деб ҳис қила бошладим.

— Қачон олиб кетай буни? — деб сўради мистер Бельчер.

— Ҳозир олиб кетсангиз ҳам майли. Таёёр у, қоронфига қолмай олиб кетсангиз яхши бўларди.

— Майли, менга барибир, ҳозир бўлса, ҳозир-да. Шапкангни кий, бола.

Миссис Уинкшипнинг мендан тезроқ қутулиш тараддудига тушиб қолгани мени жуда ранжитди, шунинг учун мен билан илиқ хайрлашаётганида совуқ муоммада бўлдим. Мистер Бельчернинг от-араваси тор кўчанинг бошида экан, мистер қараб туриш учун бир болани қолдириб, унга ярим пенини беришни ватъда қилган экан. Яқинроқ бориб қарасам, бу бола — Жерри Пеп. Жуда ҳам қўрқиб кетдим, юрагим гупиллаб ура бошлади, бироқ бахтимга Жеррининг бутун фикри-зикри оладиган ярим пенини билан банд бўлганидан, у менга қарамади ва биз эсон-омон жўнаб кетдик.

Кемберуэлга, мистер Бельчер яшайдиган жойга етганимизда кун кеч бўлиб қолган эди. У капал ёнидаги тор, ифлос кўчада турар экан. Ҳамма уйлар менга ҳаддан ташқари қашшоқ, гарифона бўлиб кўринди, фақат мистер Бельчернинг уйи бошқаларникидан баланд ва чиройли эди. Эшиклардаги зулфинлар мисдан

чирийли қилиб ишланган. Уйнинг номери ҳам мисдан қўйилган бўлиб, эшигига: «Труба тозаловчи Бельчер» деган сўзлар ёзилган эди. Ярқироқ мис қўнигироқ остидаги тахтачага эса: «Труба тозаловчининг қўнигириғи» деб ёзиб қўйилган. Деразалар ўртасида осиғлиқ вивескада бутун бошлиқ бир манзара тасвирланган эди: Букингем саройи, трубадан гувиллаб ўт чиқиб турибди, сарой деразасидан қиролича Виктория бошига тоҳ кийган, соchlари пахмоқ ҳолда қўлини саройга югуриб келаётган труба тозаловчига чўзиб турибди. Труба тозаловчининг шапкасига катта ҳарфлар билан: «Бельчер» деб ёзиб қўйилган. Сарой дарвозасида турған пособон унга: «Бельчер, биз энди келмайсиз деб ўйлагандик! Шаҳзода Уэльский сизни излаб боргани элп, сиз бошқа ишга кўчган экансиз», деяпти. (Бу сўзлар пособоннинг оғзидан чиққан лентада ёзилган). «Рост,— деб унга жавоб бериб турибди Бельчер (унинг сўзи ҳам лентада ёзилган).— Мен герцог Веллингтонниквида ишлаётган эдим, қиролича чақирганини эшитиб, ҳамма нарсанни оловга улоқтириб бу ёққа югурдим».

Пайкнинг шогирдлари каби, қоп-қора ва жулдур кийинган, мен билан тенгдош бир бола араванинг овоенини эштиб, уйнинг бурчагидан югуриб келди ва отнинг юганини тутди. Мистер Бельчер мени қолдириб, ўзи аравадан тушди.

— Рухсат этинг, жаноб, сизни тушириб қўйишга ёрдамлашай,— деб менга мурожаат этди кичик труба тозаловчи.— Айтгандай, хўжайинининг ўзлари тушириб қўя қолсинлар, мен кийимингизни ифлос қилиб қўйинш имумкин.

— Қанақа жаноб у!— деди кулиб мистер Бельчер.— Хўп анқовсан-да! Янги шогирд-ку.

— Янги шогирд? Жинни бўлдингми, Дик, шогирдни бошиннга урасанми?

Бу сўзларни уйдан чиқиб келган семиз аёл айтди. Сочлари тўзиган бу аёл бошига лентали чепчик кийган, қулоқларида қиммат баҳо ҳалқалар ярқираб турар эди. Афтига қараб, унинг миссис Уинкшипнинг синглиси эканини дарров пайқадим.

— Бошимга урмайман! Ҳеч ҳам керак эмас,— деди мистер Бельчер.— Опангни хафа қиласлик учун олиб келишга мажбур бўлдим. Уйга кирайлик, гапираман.

Шундай деб у болага қаради-да, мени кўрсатиб:

— Уни ошхонага олиб бор, Сем; керак бўлганда уни ўзим чақираман,— деди.

Сем отин юганидан тутиб, уйнинг орқасидаги катта ҳовлига олиб борди. Ҳовлининг бир бурчагида икки эшикли қорамтири узун сарой бор эди.

— Қани, туш аравадан!— деди жеркиб Сем, эшиклардан бири қаршисида тўхтаб.— Ошхона шу. Секии кир, ухлаб ётган болани уйғотсанг, кунингни кўрасан. Отни боғлаб, мен ҳам тез келаман. Эшикни тақиллатиб ўтирма, ўзи очиқ. Итарсанг очилади.

Ифлос қора эшикни сал итаришим билан эшик ростдан ҳам очилиб кетди, мен ошхонага кирдим. Хонанинг ичи қоп-қоронғи, ўчақда кичкина қозон тагидағи бир неча чўғ хона ичига сал ёруғлик бериб турар эди. Дастреб ҳеч нарсанни кўрмадим, бир оздан сўнг кўзларим қоронғиликка ўргаигач, ўчақ ёнида стол ва икки стул, бошқа томонда эса қора латталар уюми борлигини билдим. Шу латталар орасидан хуррак овози эшитиларди. Овоз чиқармасликка ҳаракат қилиб бир неча қадам босдим, латталар орасидан ит ҳурди, кейин кичкина ит менга ташланди.

— Уининг ғашига нега тегасан, Сем!— деб қичқирди бирор ўша латта уюми ичидан.— Сенга зарари тегмаянти-ку. Эшикни ёп, ярамас дайди! Суякларим зирқираб оғрияпти-ю, яна сен совуқ киритасан. Ёп эшикни, лаънати!

Яхшироқ қараб, кимнингдир бош кўтариб тиз чўкиб турганини кўрдим. У гапиргандада ит янада баландроқ вовуллай бошлади.

Кўрқиб кетдим.

— Сем эмас бу,— дедим титроқ овозда.— Менман.

— Ёп эшикни деяпман сенга!

Шундай деб бақириши билан, этикка ўхшаган бир нарса бурним олдидан учиб ўтиб орқамдаги деворга тегди.

Мен эшикни бекитиб, бу баттол одам билан бир хонада ёлғиз қолишдан қўрқдим. Ошхонадан чиқиб, энди эшикни орқасидан бекитиб тургандим, Сем хурсанд ҳолда қўлида фопарь билан келиб қолди.

— Нега кирмадинг ошхонага?— деди менга у.— Мен сенга эшикни итар, очилади девдим-ку.

Ошхонада рўй берган воқиани Семга айтдим.

— Юр,— деди у кулиб, қоп-қора қўли билан мени



тутиб.— Үргимчакдан қўрқма: қоп ичидан судралиб чиққунча сен югуриб дарвозага етишинг мумкин.

— Мен итдан қўрққаним йўқ, ўчоқ ёнида қопда ётган кишидан қўрқдим.

— Үргимчак ўша-да, киши эмиш-а! Юр, хўжайин сени ошхонада ўтирасин деган эди!

Сем эшикни итариб, ичкари кирди, мен ҳам товуш чиқармасликка ҳаракат қилиб, қопдаги кишининг яна жаҳлини чиқармаслик учун қўрқа-писа унинг орқасидан кирдим.

— Ҳалиги кирган ким эди?— деди хаста овозда Үргимчак.— Тарак-туроқ эшикни очиб, бутун уйни со вутиб юборди, ўлай деб қолдим! Кўрдингми уни, Сем?

— Ким дейсанми? Катта бир граф лорд Флеффеминг ўғли, соғлиғингдан хабар олиш учун келган экан, сенга ревматизм дориси келтирган экан. Сен бўлсанг унга этик отибсан! Бу ишинг учун жазонгни тортасаи энди, Үргимчак.

— Оҳ, мен билмабман,— деди Үргимчак пушаймон еб.— Суякларим зирқираб кетяпти-ю, у бўлса менга яна совуқ киритяпти. Наҳотки этик қаттиқ теккан бўлса, Сем?

— Унча қаттиқ тегмабди, у хафа бўладиган йигит эмас; мана ўзи ҳам.

Сем фонарини баланд җўтарган эди, шол мени кўриб қолди. Мен ҳам уни яхши кўриб олдим. У бўйига қарангандә, ўн олти ёшлардаги ўғил бола эди. Эгнида қора жулдур кийим бўлиб, қоп уюмлари устида бир тирсаги-

Га таянган ва иккинчи қўли билан кўзларини қоплаган сочини орқага ташлаган ҳолда ўтиради.

— Мени кечиринг, сэр,— деди у менга ялиниб.— Оғриқдан баъзан ҳеч нарсани билмай қоламан. Ишқилиб, сизга шикаст етказмадимми?

Мен жавоб бермоқчи бўлгандим, Сем хохолаб кулиб юборди.

— Қойил, офарин!— деб қичқирди у.— Мен ҳам бир алдандим, лекин бунчалик эмас! Аҳмоқсан! У на сэр, на лорднинг ўғли. Уни бу ерга шогирдликка беришган.

— Шогирдликка?— деда ҳайрон бўлиб сўради Ўргимчак.— Қизиқ-ку!

— Нимаси қизиқ?— дедим мен.— Ўрганолмайди, труба тозаломайди, деб ўйлайсизларми?

— Нимани ўрганардинг, хўжайинда ҳеч қанақа иш йўқ-ку. Труба тозаламайди ҳозир.

— Барибир менга,— дедим бепарво.— Бошқа болалар нима қилса, мен ҳам шуни қиласман. Сизлар, иккалангиз нима иш қиласизлар?

— Ўргимчак ҳеч қанақа иш қилмайди,— деб тушиунира бошлади Сем.— Хўжайин уни аллақачонлар ҳайдаб юборарди-ю, бироқ мумкин эмас. Уни шартнома билан етти йилга олган. Мен баъзан эрталаблари хўжайин ва Нед Перкс билан бирга машинада ишлашга кўмаклашаман, арзирили иш ҳам йўқ. Бироқ асосий иш кечаси қишлоқларга бориб қилинади. Мен хўжайин ва Нед билан бораман, аравага қараб тураман.

— Қишлоқларда нима иш қилишади?— деб сўрадим қизиқиб.— Фабрикаларнинг трубаларини тозаласалар керак?

— Билмадим, менингча ҳеч қанақа труба тозаламасалар керак,— деб жавоб берди Сем.

— Қурум ҳам келтиришаётгани йўқ! Нега боришашётганини тушуниб бўлмайди!— деди Ўргимчак, яна оғриқдан афтини буриштириб.

У ётиб олиб, яна инқиллаб оҳ торта бошлади. Унинг оғриғи сал босилиб, мени қизиқтираётган сухбатни давом эттиromoқчи бўлган эди, бирдан миссис Бельчернинг овози эшитилди. У мени чақирган эди. Семнинг ёрдами билан уйнинг орқа эшигига бордим, хўжайиним мени меҳмонхонага бошлаб кирди.

Меҳмонхонада қорадан келган семиз аёл ўтиради эди, мен унинг миссис Бельчерлигига шубҳа қилмадим,

стол устида иши, ёг, пиёз турарди. Миссис Бельчер мени совуқни кутиб олди.

— Эй бола, отинг нима?

— Жим.

— Ма, хоҳласанг мана буни е. Эҳтимол бошқаларни кида каклик гўшти еб юргандирсан. Бизнида бундан яхши овқат бўлмайди сенга.

— Раҳмат,— дедим мулоҳимлик билан. — Мен ионни ёғ ва пиёз билан ейишни яхши кўраман.

— Аюйи эмас экансан! Ҳар қанақа овқат бўлса ҳам сендан қолмас деб ўйлайман! Бир бекорчи ит ионнинизни еб ётгани камлик қилаётган экан! Яна бу такасалташ...

— Бўлди энди, вайсайверма!— деб хотинини гапдан тўхтатди мистер Бельчер.— Опанг бизнинг ишимизни қаёқдан билада. Ишимиз эскича давом этаверганда, бу болани олиш малол келмас эди-я. Опангга ҳамма гапни айтиб берсам яхши бўлармиди?

— Гапингни қара-я!— деб қичқирди миссис Бельчер,— очдан ўлганим яхши...

— Ўйга ҳозиргина келган бола олдида вайсайвер-чи,— деди истеҳзо билан мистер Бельчер.— Овқат е, Жим!— деди у менга қараб.— Хонимнинг кайфи бир оз жойида эмас, чарчаган, ухлаши керак.

Мен шошилиб кечки овқатга берилган катта бўлак ионни еб тугатдим.

— Энди бориб ухла,— деди менга мистер Бельчер, овқатланиб бўлганимни кўриб.— Ошхонага ўзинг боролсанг керак, ҳамма болалар ўша ерда ётади. У ер иссиқ, яхши. Ўзингга алоҳида тўшак қилиб ол. Қоп кўп, ҳаммангизга ҳам етади. Ҳайр, эрталаб ўзим чақиртиргунча ётган жойингдан қўзғалма.

— Сен унга иш кийими бердингми?— деб сўради миссис Бельчер.

— Э, эсимлан чиқибди, мана!— деди хўжайин бурчакдан қора тугун олиб.— Кўйлагинг билан этигинг ўзингда қолсин, бошқаларини яхшилаб ўраб, эрталаб келтириб берасан.

Мен тугунин олдим, хўжайнларга хайрли кеч ти-лаб, ошхонага жўнадим.

## XVI

### Ўргимчак ва унинг ити. Сирли қурум

Шифт ёғочига қоқилган михда осилиб турган фонарь ҳамон ёниб туради. Ўргимчак ўз итини ёнига олиб, ўралиб ётарди, бироқ Сем кўринмади. Усиз қаерда қандай ётишимни билмасдим, уни излаб ҳар ёққа қарадим. Тўсатдан менга яқин жойдан мудроқ овоз эшилди:

— Билиб қўй, энг кейин ётган киши чироқни ўчиради.

Пастга қараб Семни кўрдим. У бир тўда қора қоплар орасида ётарди; икки қат қилиб буқланган қопни бошига ёстиқ қилиб олган, қурумга бўялган шапкаси қоралигидан фақат тишлари билан кўзларининг оқигига ажralиб туради.

Ажабо, одам боласи ҳашаматли ҳаётга нақадар тез кўнікар экан!

Кечадан илгариғи тун, арава устида совуқдан титраб ўтирган пайтимда, бирор менга етти ёки саккиз миль юриб, кейин иссиқ ошхонада қоплар орасида ётишни таклиф қилганида, мен нақадар хурсанд бўлган бўлар эдим. Энди эса, миссис Уинкшипнинг озода диванида бир кеча ётиб, Семнинг ифлос тўшагига жирканиб қарай бошладим.

— Мен қаерда ётаман?— деб сўрадим хафа бўлиб.

— Мен билан бирга ётавер,— деб таклиф қилди Сем.— Мана бу ердан иккита қоя ол, бирини бошингтагига қўй-да, иккинчисининг ичига кириб ол. Лекин эҳтиёт бўл, Ўргимчакни уйғотиб қўйма, бўлмаса туни билан вой-войлайвериб тинчлик бермайди бизга.

Мен Сем билан бир қопда эмас, бошқа-бошқа ётамиз, деб ўйлаган эдим, барибир шунда ҳам хўжайининг буйруғи бузилмасди. Шу сабабдан тез ечишиб, мисгер Бельчер берган тугунни ечиб, ифлос кийимларни кийдим, ўзимга «ёстиқ» тайёрладим, фонарини ўчириб, қоп орасига кириб ётдим. Қурумдан ёмон ҳид анқиб турарди, бироқ у менинг тез, осойишта ухлашимга халақит бермади.

Ўргимчакнинг ити вовиллаб мени уйғотиб юборганда ҳали қоп-қоронғи эди. Мен Сем ишга кетаётганини, Нед Перкс эса Ўргимчакнинг инграшларига қарамай эшикни очиб аллақандай топшириқлар берәётганини кўрдим. Бир неча минутдан кейин Нед билан Сем кеттишди, мен эса хўжайнинг буйруғига кўра, ётавердим. Тўсатдан Ўргимчакнинг жаҳлли овози қулоғимга кирди:

— Энди билсам, расво маҳлуқ әкаисан-да! Нега талтайиб ётибсан, эрталаб соат олти бўлди-ку, ёки сен ярим кеча деб ўйляяпсанми? Соғсанда-а, шунинг учун касал одам билан ишинг йўқ! Нега ялайсан мени? Ялама, тур ўрнингдан, ишингни қил! Қани, тур ўрнингдан, ялқов! Ҳозир сени туришга мажбур этаман!

У шундай деб шапиллатиб урди, ит вангиллади, эшикка югуриб бориб, уни тимдалай бошлади.

— Соғ оёқ шунаقا бўллади-да!— деди Ўргимчак.— Югуришини қара!

У ётган қоплари устидан тушнаб,вой-войлаб, ит орқасидан эмаклади.

— Мунча шошиляпсан, ҳайвон? Файратингни кўрсатмоқчимисан? Кечадим нима қилдинг мени, биласанми? Соат тўққизгача мени оловсиз қолдирдинг! Бугун ақллироқ бўлмасанг, кўрасан! Мени яламай қўя қол! Дўстим бўлсанг, астойдил хизмат қил! Ма, буни ҳидла! Энди жўна, тез қайт. Агар бугун ҳам кечагидай қилиқ қиласидиган бўлсанг, ўлдираман сени, билиб қўй, ўлдираман!

Ўргимчак итига шимани ҳидлатганини кўролмадим, итни эшикдан чиқазиб, ўзи яна оҳ-воҳ қилиб жойига келиб ётди.

Биз яна чорак соат ётдик. Ўзининг тўрт оёқли хизматкорини кутиш Ўргимчакнинг жонига тегди шекилли, итни сўқа бошлади, ҳатто бир неча марта эшикни очиб, унинг йўлига қаради. Ниҳоят итнийг оёқ товуши эши-

тилди, у эшикни тымдалай бошлади.. Ўргимчак эшикни очди, ит югуриб кирди, оғзинда иманиидир тишлаб олган эди. Тишлаб келтиргани нарса ғажилган қўйи суяги экан. Ўргимчак афтидаи ожиз кўзи билан уни кўрмади.

— Кел, кел бу ёққа, ярамас ит!— деди у итга.— Шунча дайдиганинг етар, битта ёғоч келтириш учун қанча вақт йўқолиб кетдинг! Ҳа, майли, ёғоч йўғон, яхшига ўҳшайди, қани менга бер-чи! Пинч, азизим Пинч, кел бу ёққа!

Ит эгасининг гапига қулоқ солмади. Унинг ёнидан югуриб ўтиб, бурчакка борди-да, олиб келган ўлжасини оёқлари остига олди. Бечора Ўргимчакнинг жаҳли чиқди, ўжар итнинг олдинга бормоқчи бўлиб бир неча қадам қўйди-ю, лекин ерга йиқилиб тушди. Тиззаси билан ўтириб олиб, итни сўка бошлади. Эгасининг ғазаби унинг ўжарлигини яна оширди — бурчақда қимирламай ётаверди. Ниҳоят Ўргимчак эмаклай-эмаклай итнинг олдига борди. У итни қулочкашлаб урмоқчи бўлган эди, ит сакраб ўлжасини қолдириб нарироққа қочди.

— Эҳ, ярамас ит!— деб қичқирди Ўргимчак ғажилган суякни кўриб.— Шуни келтирганимидинг ҳали? Сени ўтигин учун юборсам, сен суяк олиб келдингми? Тўхтаб тур, тутиб олай, додингни бераман!

У итни сўка-сўка унинг орқасидан эмаклай бошлади.

Мен ўзимни ўйқуга солиб узоқ ётолмадим. Ўрнимдан турниб, Ўргимчакдан бунчалик ғазабланәтгандиганинг сабабини сўрадим.

— Тутиб олай, бошига ит кунини соламан!— деди у итнинг орқасидан қолмай.— Ўлдираман дедимми, ўлдираман! Ушла, ушла уни!

— Нима қилди у сенга?— деб сўрадим итни тутмоқчи бўлиб, ит эса у ёқдан-бу ёққа тинмай югуради.

— Нима қилди?!— деди Ўргимчак ҳансираб.— Мени мазақ қиласпти. То ўтин келтиргагунча ўт ёқолмаслигимни билади. Ўтин келтириш унинг вазифаси. У нима қиласпти? Кеча учта ҳўл тараша олиб келди, ёкишга ярамади. Уни кечирдим. Бугун атайин қуруқ тарашани ҳидлатдим, тушунсин, қуруғини келтирсин, деб. У эса ўзига суяк излаб вақт ўtkазибди, яна уни бу ерга келтирибди-я! У суяк ермиш-да, мен то Сем келгунча оловсиз қийналармишман! Мен соат ўн-ўн бирларгача кутиб ўтиришим керак, суякларим синаётгандек оғрияпти, оловсиз қийин менга.

Бечора майибнинг ғазаби ҳасрат билан алмашинди, йиғлади, у ифлос қўллари билан кўз ёшини арта бошлади.

— Қўй, йиғлама, оғайни,— дедим унинг бахтсизлигига жуда раҳмим келиб,— олов ёқамиз. Мен ҳозир бориб мистер Бельчердан илтимос қилиб, кўмир олиб келаман. Берар, а?

— У бериши мумкин, бироқ хотини бермайди,— деди пичирлаб Ўргимчак.— Хотини болалар ишдаш қайтгунча ўт ёқишимни билиб қолса, ўлдириб қўяди мени. Шунинг учун мугомбирлик қилишга тўғри келяпти.

— Сен, яхшиси, бу яқин-атрофда қаерда ўтин дўкони борлигини айт, ярим пенни пулим бор, ўтин олиб келаман,— дедим.

Кеча кечқурун миссис Уинкшипнинг уйидан чиқаётганимда у қўлимга олти пенслик танга тутқизган эди.

— Ўша ярим пеннига кўмир сотиб олмоқчимисан?— деб қичқирди Ўргимчак, унинг хира кўзларида қувонч нурлари пайдо бўлди.— Дўкон шу яқинда, бурчакда. Биласанми, нима? Балки сенда яна ярим пенни бордир?

— Топилади, нима эди?

— Кофе қайнатиб ичардик-да! Суякларим оғригандა қайноқ кофе исесам худди малҳамдек бўлади! Менда қозонча ҳам бэр, ўшанда қайнатардик.

Қаршимда мўлтираб менга ялиниб турган Ўргимчакни курсанд қилиш учун кўмир сотиб олганимдан кейин қоладиган 5 ярим пенсининг ҳаммасига кофе сотиб олишга рози эдим.

Ўн минутдан кейин харид қилган нарсалар билан қайтиб келдим, бир соатдан кейин эса Ўргимчак билан иккимиз буғи кўтарилиб турган қозонни ўртага олдик. Мен сопол кўзачанинг синифида, Ўргимчак эса эски темир қошиқ билан қозоннинг ўзидан кофе ича болладик. Қайноқ кофе Ўргимчакнинг жонига бир оз оро кирди, у қувноқ бўлиб қолди. Менга ўзининг тарихини айтиб берди.

У етим экан, болалигидан буён иш уйида яшаркан. Тўрт йил муқаддам уни мистер Бельчерга шогирдликка берган эканлар. Бир йил яхши ишлабди. Тобиас (унинг асли номи шундай эди) жуда чақон, эпчил экан, шунинг учун ҳам уни Ўргимчак деб атар эканлар. Мистер Бельчер уни шогирдликка олиб, кийинтириб, ҳунар ўргата бошлабди. Бехосият қиши кунларидан бирида

мистер Бельчерни кўп вақт ишлатилмай ётган буг машинасининг қозонини тозалашга таклиф этибдилар. Үргимчак қозонга кирибди, қозоннинг ичини кирдан ва зангдан қириб тозалаш учун бечора музлаган темир устида роса бир кун ётибди. Шундан кейин бола қаттиқ шамоллаб қолиб, ревматизм билан оғрибди, кейин труба тозалаш у ёқда турсин, ҳатто юролмай ва ўрнидан қўзғалолмай қолибди. Мистер Бельчер уни ошхонага жойлаштирибди. У бошқа шогирдларга хизмат қилиб, уларга нонушта учун кофе қайнатиб, кечқурун каша пишириб юрибди. Хўжайнининг иши ўнгидан келавермагач, шогирдларни тарқатишга мажбур бўлибди. Гобиас ишсиз қолибди, аммо мистер Бельчер шартномада кўзда тутилганига кўра, уни етти йиллик муҳлат ўтгунча боқишига мажбур экан.

— Дуруст овқат беришадими сенга? — деб сўрадим.

— Истаганимча, қорним тўйғунча беришмайди, албатта. Нима ҳам дея олардим. Иш қиломасам, нега ҳам боқсинлар мени. Лекин Семнинг гапига қараганда, соғ бўлганимда ҳам барибир бекор ўтирган бўлардим. Унинг айтишича, баъзан ҳаммалари бирга бир ҳафтада бир фунт ҳам ишлай олмас эмишлар.

— Кечалари қишлоқларга бориб ишлаб, кўп пул топсалар керак? — деб сўрадим.

— Қизиқ! — деди Үргимчак менинг саволимни эшитмай, — ҳафтада зўрга бир фунт топишади-ю, доим янги янги кийимлар тикдиришади-я. Бир от камлик қилиб, яна битта от сотиб олишди. Сем уни худди паровозга ўхшаб югуради дейди.

— Тўғри-да, — дедим мен. — От билан арава бўлса фойда ҳам кўп бўлади.

— Ҳамма гап шундаки, — деди Үргимчак овозини пастлатиб, — отни улар кун бўйи отхонага қулфлаб қўядилар.

— Балки ўғирлаб олгандирлар?

— Йўғ-э! Ўттиз фунт нақд тўлашганини Сем ўз кўзи билан кўрибди.

— Ҳеч ҳам минишмайдими?

— Кундузи ҳеч ҳам минишмайди. Янги жийрон отни фақат кечаси ишлатишади. Тс! Тағин бу гапни ҳеч кимга айта кўрма!

— Нега? Хўжайнининг шунаقا чопқир жийрони борлигини сир тутиш керакми?

— Отнинг борлиги сир эмас, кечалари ули қаёққа миниб бориши сир тутилади, холос.

— Қаёққа бўларди? Кечаси ишлашга боришади-да! Кечаси ишлаш фойдали дединг-ку!

— Ҳа, фойдали! Қишлоқлардаги трубаларни тез-тез тозалаб туришади-ю, лекин сира қурум келтиришмайди, шуниси қизиқ,— деди Ўргимчак таажжуб билан, бошини қимирлатиб.

Шу пайт ошхонага Сем кириб келди ва спрли суҳбатимиз тўхтаб қолди.

Ўргимчак билан Сем менинг бу ерда яшаб, труба тозаловчилик ҳунарини ҳеч ҳам ўргана олмаслигимни тўғри айтганликларига ишонч ҳосил қилдим. Қиладиган ишим ҳам йўқ эди. Мистер Бельчер ва Нед Перкснинг иши кам бўларди, иш бўлганда мен уларнинг бирин билан, Сем эса иккинчиси билан кетардик. Одатда уйга эрталаб соат 10 да ёки 11 да қайтардик. Мен қилган ишлар оғир эмас, шу сабабдан ҳеч ҳам ҷарчамас эдим. Бир уйдан иккинчисига ўтганда машинанинг бир қисмини кўтариб ўтардим, мистер Бельчера таёқларни олиб берардим, уларни машинага у бураб маҳкамларди; таёқлар бўшаганда уларни бир ўрам қилиб боғлардим, иш тугагандан кейин эса печканинг атрофларини супурар эдим. Нонуштадан сўнг хоҳлаган ишимни қилардим, мени яхши овқатлантирадилар, шунинг учун ҳам иш йўқлигидан шикоят қилишга ўрин йўқ эди.

Мистер Бельчер ҳам, афтидан, кўпроқ иш топишни хоҳламаётгандек кўринар эди.

— Хўжайн!— дедим унга бир кун эрталаб ишга кетаётганимизда.— Уйларнинг ҳамма деразалари ёпиқ, труба тозаловчи ўтаётганини ҳеч ким билмайди. Истасангиз мен: «Труба тозаловчи, труба тозаловчи», деб қичқирай. Овозим яхши, ҳамма эшигади, ишимиз ўн хисса қўп бўларди-да.

— Қераги йўқ, Жим,— деб бепарво жавоб берди мистер Бельчэр.— Уйимнинг эшигида вивеска бор, кимнинг иши бўлса ўзи мурожгаат қилаверади.

Унинг чўнтагида ҳамма вақт пул кўп бўлар эди. Эрталаблари мистер Перкс билан бирга ром ичардилар, кечқурунлари майхонада бўлиб, у ерда трубка чекиб, кайф-сафо қилардилар.

Ҳафтада иккى марта кечқурунги ишга жўнаб кетардилар, Семни бирга олиб борардилар. Сем кечаси

юришни жуда яхши кўрарди: жўнаш олдидан уни яхшилаб овқатлантирадилар, унга бир рюмка ром ҳам берардилар. Мистер Бельчер ва Перкс биргаликда иш кийимида жўнаб, труба тозалайдиган машинани, асбоблар билан узун қопни, яна бир бўш қопни, фонарни ва бир шинша ароқни олиб, йўлга чиқардилар. Уйга баъзан кечаси соат иккода, баъзан тўртда қайтардилар. Баъзан эса Сем: «Бугун ишимиз ўнгидан келмади, иши бошқа бирор илиб кетибди, қуруқ қайтишга мажбур бўлдик»,— дерди. Иш қилинганда эса қолни тўлатиб қурум келтирадилар. Ҳовлига келишларни билан Семни ухлашга юбориб, ўзлари отхонада анча узоқ вақтгача овора бўлар, афтидан мистер Бельчернинг қиммат баҳо отини ювиб-тарардилар.

Биз болаларни бир масала жуда қизиқтиради: қишлоқдан олиб келинган қурумни нима қиласдилар?

— Сем, сен нима деб ўйлайсан,— деб сўрадим мен,— қурумни нима қилишади?

— Билмайман,— деди Сем.— Нед Перкс қоплаги қурумни отхонага олиб киради, кейин қурум қаёқладир ғойиб бўлади.

— Наҳотки қурумни Нед олиб кетса?— деб таажжубландик биз.— Унинг труба тозалайдиган ишхонаси йўқ-ку.

Нед Перкс Бельчернида яшамасди. Ньюгет йўлида унинг ўз уйи бўлиб, иш тугагандан кейин кўпинча у кичкина аравада уйига кетарди.

— У Бельчернида тунаш учун қолганда Ўргимчакнинг ити нега безовта бўлаверади?— деб сўрадим мен.

— У Перксни ёмон кўрса керак,— деди Сем.— Балки қишлоқдан келтирилган қурумнинг ҳидини ёқтирамас? Нед кетганда қурумни ҳам, ҳидини ҳам олиб кетади шекилли. Агар Нед тунаб қолса, Пинч вовуллайвёриб тинчлик бермайди, сира ухлай олмайман.

— Балки каламушни ҳидидан билаетгандир,— деди Сем Пинч отхона билан ошхона ўртасидаги деворни тиринаб, вовуллай бошлагач.— Отхонада каламуш бор.

— Йўқ, каламушга эмас,— деди пичирлаб Ўргимчак итни ҳам эркалаб, ҳам уришиб тинч ётишга мажбур этгач,— Перкс кетгани йўқ, у кетмайдиганга ўхшайди, энди тинчлик йўқ. Тўғрими, Жим?

— Ит ҳураверса албатта тинчлик бўлмайди-да!—  
дедим мен.

— Жим,— деди Ўргимчак бир неча минутлик сукундан кейин,— сен итларнинг хусусиятини биласанми? Улар ақлли, кўп зийрак бўлади, сен нима дейсан?

Менинг жуда уйқум келган эди, аммо уйқуси қочиб, мен билан гаплашгиси желаётган Ўргимчакка раҳмим келди. Итларнинг ақллилиги ҳақида эшиятган икки-уч воқиани унга айтиб бердим.

— Ҳа, баъзан жуда ҳам ақлли бўлади улар,— деди у мен ҳикоямни тугатгач.— Акулалар ҳақида ҳеч эшиятгансан, Жим?

— Йўқ, эшиятмаганман.

— Акулалар ғалати бўларкан: кемада матрос ўлса, ҳидини билиб, сузиб келаркан. Ўликни денгизга ташланларида, еркан.

— Бас қил, Ўргимчак, бунака қўрқинчли гапларни эшиятгим келмайди! Нега қўрқитасан мени? Гапиргинг келаётган бўлса, итлар ҳақида гапир, эшитаман, ўликлар ҳақида гапирма!

— Мен фақат шуни айтмоқчи эдимки, Жимми, итлар ҳам акулалардек ақлли бўлади, лекин итлар буни сезса, хафа бўлиб увлайди, акулалар эса қувонади.

— Нимани сезса?

— Бу ҳақда гапиришимни истамайсан-ку, ахир. Итлар ҳам акулалардек...

— Бас қил, гапирма энди. Хайр, уйқум келяпти.

Эртаси кун мистер Бельчер билан ишга бораётганимда Ўргимчакнинг акулалар ҳақидаги ҳикоясини унга гапирдим. У кулди, кейин:

— Нима муносабат билан у сенга бу ҳақда гапирди? Бундан илгари нима тўғрисида гаплашган эдинглар?— деб сўради.

Мен унга Пинчнинг ғалати қилиғи ҳақида ҳамда Ўргимчак билан бўлган суҳбатни бошдан-ёёқ гапириб бердим. Мистер Перкс ҳам биз билан бирга эди. Улар бир-бирларига ғалати қилиб қараб қўйишиди ва мени нарироқ турушга буоришиди. Шу кеча Ўргимчакнинг итиғойиб бўлди. Эгаси итининг уйга келмаганидан жуда ҳам хафа бўлиб қолди.

## XVII

### *Истагимнинг амалга оша бошлагани*

Мистер Бельчерни кида тура бошлаганинг олти ҳафта бўлиб қолди. Бир шанба куни кечқурон Сем ошхонага келиб, мистер Бельчер унинг Доретширла яшайдиган онасини хат ёзиб чақиртирганини айтди. Семнинг онаси келиб, хўжайин билан узоқ гаплашди, охирида тузилган шартномани бекор қилиб, Семни олиб кетишга рози бўлди. Душанба куни у онаси билан бирга кетиши керак эди.

— Энди сенга яхши бўлади, Жим,— деди Сем.— Хўжайин билан кечки ишга энди сен борасан, ҳар борганингда унинг сирини сақлаганинг учун у сенга олти пенс пул беради.

— Унда жуда ҳам яхши бўлади-ку,— дедим.— Мен сир сақлашга ўрганиб қолганиман. Хўжайнининг сирини сақлаш қийинми, Сем?

— Йўқ, осон, хўжайнининг ўзи гапиради ҳали.

— Сен қалин ўртоғимсан, илгарироқ айтиб қўя қол.

— Майли, фақат на Ўргимчакка, на бошқа болаларга айта кўрма!

— Хеч айтмайман!

— Юр, ҳовлига чиқайлик, Ўргимчак эшитиб қолмасин.

Биз ҳовлига чиқдик.

— Жим, ўзинг айт-чи, кечалари улар аравада қанақа қурум олиб келишади?

— Қанақа бўларди? Трубалардан чиқадиган қурумда, бўлмаса нима бўларди?

— Ҳа, трубалардан чиқалашпай өүрүм, жерин түшүнүп трубалардан? Энші, Жым, бана чөрөниң трубындағын курум олиб келамиш.

— Ҳүн, нима бўлибди? Чөрөниң трубында че са, нима бўларкай?

— Теб! Секин! Мен сенга айтсан, әнгут Сүннит мечков трубалардан тозалаш мүмкун чиме мени, үзгашын лозим бўлиб қелганды, ширинача тозалашадиги. Унга қўлга тушса, қаттиқ жазолашар мени, нимасиз мени! Қорнига ўткир сих тиқиб, кўчалардя олиб ифтихарлан! Шунинг учун хўжайин бунақа ниний жечаси, ишларине қиласди.

— Уларниң отига қараб турған болави түзбадиги лар ҳам жазолашадими?— деб сўрайни мен.

— Йўқ. Унинг нима гуноҳи бор! Ким из узаки қўлга тушса, ўшани жазолайдилар-да. Биласини, иш бундай деб ўйлайман. Қонун бўйича чөрков трубында ни поп тозалаши керак. У ўзи тозаламай, бу ишни дэйчокка топширади, дъячок эса қоровулга, қоровул энг труба тозаловчи ёллайди. Хўжайинга ҳақни яхши тўладиди, чунки хавфли иш-да, қурумни ҳам сотиб бўймайди.

— Нега? Чөрковниң қуруми бошқа қурумлардан эмасми?

— Ўшандай қурумку-я, фақат сотиш мумкин эмас. қонун бўйича тақиқланади. Сотмаслик ҳақида хўжиганнинг қасам ичирадилар. Нед Перкс қурумни олиб кетиб, полизига кўмади. Мана, сирнинг ҳаммаси шу. Буни менга хўжайин айтган, сенга ҳам айтади. Бошқаларга айтмаслигинг учун ҳар черковга борганингга олти пенс беради сенга.

Сем буларни жиddий гапириб берди, мен унга ишоғадим. Мана энди чинажам сирни ҳам билиб олдим! Қанзака сир дени! Ғалати сир, Шордич театрида қўйилган томошага ўхшайди. Семнинг гапига қараганды, чөрковларниң трубасини тозалаганлари учун труоа тозалевчиларга бериладиган жазо мени сира қўрқитмасда. Аксинча, қиласиган ишимизнинг шунчалик хавфли эканлиги мени кўпроқ ўзига тортар эди. Мен бир нареадан қўрқардим, мистер Бельчер Семнинг ўринига бошқа бир болани олиб қўймасмикин, деб ташвишланадим. Мен Ҳаргимчакка мурожаат қилиб, сенингча, энди Семнинг ўринига тунги ишларга ким бориши мумкин, деб сўрадам.

— Ким бўларди? Албатта сен-да! Мен ишга ярармидим, борсам уйга тирик қайтмайман,— деди у жиддий оҳангда.

Ургимчакнинг бу жавоби мени ўйлантириб қўйди: мистер Бельчер Ургимчакни жуда ёмон кўрарди, тезроқ ўлиши учун уни атайнин олиб бориши ҳам мумкин, деб ўйладим. Тўғри, Ургимчак юра олмасди, бироқ араванинг устида от юганини тутиб турниши мумкин-ку. Хуллас, ҳар хил шубҳаларим тез вақт ичида барҳам еди. Якшаиба куни кечқурун мистер Бельчер мени меҳмонхонага чақирди, у ёқ-бу ёқдан гапириб, ниҳоят мени Семнинг ўрнига тунги ишларга бирга олиб кетишга қарор қылганини айтди. У менга сирини айтмади, фақат кечалари қишлоқларда ишлашга тўғри келишини, бу ҳақда ҳеч кимга гапирмасликни айтди.

— Шогирди бор ҳамма хўжайинларнинг ҳам ўз сирини бўлади,— деди у менга.— Менинг ҳам сирим бор, уни кейин айтаман. Агар сир сақлай билсанг — ўзингга яхши. Семнинг доимо чўнтағида пули бўлар эди, у бошқа болалар ҳатто ҳидини ҳам билмайдиган ширинликларни еб маза қилиб юради. Гапимга тушуняпсанми, Жим?

— Тушуняпман, албатта,— дедим қувониб.

— Иккинчи томондан,— деди хўжайин гапини давом этдириб,— агар Сем менинг қиладиган ишимни бошқаларга гапириб қўйганда, уни нима қилардим, биласаними?

— Ҳоли хароб бўларди, сэр,— дедим қўрқиб, хўжайнининг юзларида ғазаб пайдо бўлганини пайқаб.

— Ҳа, хароб бўлганда ҳам, шундай ёмон бўлардики, ҳолига маймунлар йиғларди! Унинг бўйнидан тутиб, мана шундай қилиб бўғиб ўлдирадим-қўярдим.

Шундай дея туриб мистер Бельчер ўзининг узуни бармоқлари билан мени шундай қаттиқ бўғдики, ғазабланган юзига бўқиб, мени ваҳима босди. Бироқ тез орада у ўзига келди.

— Семнинг бошига бу кун тушмади,— деди у илгаригидек майнин товушда.— У гапга тушунадиган, ақлли, яхши бола эди, шунинг учун ҳам мендан таёқ егани йўқ, аксинча пул олиб, ширинликлар еб маза қилиб юрди. Шу гапларим кифоя. Бошқа гапирмайман, бугунга шу

етади, эртага тунда, агар ойдин бўлмаса, сирим ишимагини ўзинг билиб оласан.

Суҳбатимиз шу билан тугади. Мен хўжайн билан бирга овқатландим, кейин у Ўргимчакка ҳеч нарса демасликини тайинлаб, мени ошхонага жўнатди.

Эртаснга жун бўйи ҳаяжонланиб юрдим, ҳатто овқат егим ҳам келмади. Кечаси ойдин бўлармикин, қоронғи, деган савол миямдан нари кетмасди. Ойнинг чиқниши, ботиши ҳақида ҳеч қандай тасавурга эга эмас эдим. Ойнинг осмонда пайдо бўлиши тасодифий ҳол деб ўйлардим. Кечга яқин Ўргимчак менга умид бағишлади.

— Оҳ, суякларим, суякларим! — деб инграб қолди у. — Яна оғрий бошлади. Кечаси ёмғир ёғадиганга ўхшайди.

Ростдан ҳам қоронғи тушини билан ёмғир ёға бошлади, кечаси эса ҳаво жуда айниб берди.

Миссис Бельчер мени чақириб, овқатга таклиф қилди. Семни ҳам жосчи ишга кетиш олдидан шундай чақириб турарди. Кечкі овқат мўл-кўл ва антиқа эди: ёғда қовурилган гўшт билан жаз қилинган картошка. Стол атрофида мендан ташқари мистер ва миссис Бельчерлар ҳамда Нед Перкс ўтиради. Овқат еб бўлганимиздан кейин миссис Бельчер эрининг фармойишига кўра менга ярим стакан ўткир ароқ қўйиб берди, мен уни дангал ичиб юбордим, бу аччиқ ичимликдан кўзларим ёшлиниб кетди. Мистер Бельчер билан Нед Перкс ҳам қониб ароқ ичиб олдилар, шундан сўнг биз ҳовлига чиқдик. Ҳовлида чопқир жийрон от қўшилган арава турарди. Хўжайн билан Перкс ёмғирдан сақланиш учун бошларига қоп ёпиб олдинлар-да, аравага ёнма-ён ўтирилар, мен эса бошимга от ёпиги ташлаб, уларнинг оёқлари учила қулай ўтириб олдим. Аравада биздан ташқари, труба тозалайдиган машина, аллақандай асбоблар солинган қоп бор эди. Бу қопдаги асбоблар қанақалигини мен ҳам Семга ўхшаб билмасдим, фақат жаранглаб туришини эшитардим, қалин қопни тимискилаб кўрсам ҳам ичида ишма борлигини билолмадим.

Қаерга бораётганимизни мутлақо билмасдим, шундай бўлса-да, сафаримиз менга жуда ёқарди. Арава тез юриб бораарди, атроф қоп-қоронғи, ёмғир худди чепаклаб қўйгандек ёғар эди. Назаримда, олдимизда катта хавф бордек туюларди, бироқ мен қўрқмасдим, аксинча унинг тезроқ рўй бера қолишини истардим,



Биз ўн милча йўл босгач, мистер Бельчер отни йўл ённаги қудуқقا бурди-да, уни сугорди.

— Сизни билмадиму, Нед, мен жуда ивиб кетдим,— деди хўжайиним.— Баданин иситиш учун озгина ичиб олсак яхши бўларди.

— Майли, ичамиз, кейин яна ароқ олиб келиш учун Жимиин анави майхонага юборамиз.

Улар шишани олиб, ундаги ароқни ичдилар, ароқдан менга ҳам бир оз бердилар, кейин шишани тўлагиб келиш учун мени майхонага юбордилар.

Мен ароқ олиб келганимдан кейин, мистер Бельчер отни яна елдириб кетди, илгаригидан ҳам тезроқ уча бошладик.

— Аттанг, яна бир қоп олмабмиз-да.— деди Нед Перкс.— Ёмғир мени ҳам ивитиб юборди.

— Яна бир узун қопимиз бор-ку ахир, ёпиниб олинг ўшани, Нед,— деди хўжайиним.

— Ёпинсам бўлади-ю, бироқ...

— Нима бироқ? Ҳўл бўлса ичига солинадиган нарса шамоллаб қолади деб қўрқяпсизми?— деди кулиб мистер Бельчер.

— У-ку, шамолламайди-я,— деди Нед ҳам кулиб.— Қопни олиб бер, Жим.

Ёнимда, аравада ётган узун қопни унга олиб бера туриб, биринчи марта мени қандайдир ваҳима босди. Ким тўғрисида гапиряпти булар? Бу қоп қурумга мўлжалланган эмасми? Ким шамоллаб қолиши мумкин?

Мистер Бельчер отни тўхтатганда ёмғир ҳамон шаррос қўйиб турарди.

— Хўш,— деди у менга қараб,— энди сенга сиримниг бир қисмини айтаман. Аниви черковни кўрятсанми?

Қоронгиликда у қўли билан кўрсатган томонга қарадим, черков қўнғироқхонаси зўрға кўриниб турарди, унинг ёниверида пастак кул ранг шакллар кўзга чалинарди. Булар, чамаси, қабрлар устига қўйилган ҳайкал тошлар эди.

— Биз ўша ёққа труба тозалагани борамиз,— деб пичирлади у.— Ҳаммасини айтиб ўтиришга вақт йўқ: қисқаси, черков трубасини одамларнинг кўзи олдида тозалаш мумкин эмас, тушуняпсанми?

— Тушуняпман, сэр,— дедим юрагим дов бермай.

— Сен роса ивигангага ўхшайсан, уйқинг ҳам келаётгандир,— деди меҳрибонлик билан хўжайнин.— Ма, ароқдан яна бироз ичиб ол, тетик тортасан.

У ароқ шишини оғзимга яқинлаштириди. Бир қултум ароқ ростдан ҳам мени тетиклантириди. Мен мистер Бельчер чиндаи черковга труба тозалашга кетяпти, деб ўйладим.

Ҳамроҳларим аравадан тушдилар, отни бир тўп дараҳтлар орасидаги кўча эшиги олдида тўхтатдилар.

— Туш, Жим,— деб пичирлади хўжайнин,— биз ишни битиргунча от олдида тур. Тезда келамиз. Эшитяпсанми, черков соати ўн иккига замг чаляпти? Яrim соатдан кейин қайтамиз, хизмат ҳақингни кейин бераман. Сен азamat йигитсан, тўғрими?

— Ҳа, сэр, раҳмат сизга,— дедим дадиллапиб.

— Қабристон яқинлигидан қўрқмаяпсанми?

— Йўқ, асло қўрқмаяпман!— деб кулдим, ботирлигимга уни ишоптириш учун. Шундан сўнг Нед аравадан асбобларни олди, мистер Бельчер фонарни ёқди, иккаласи эшикдан кирди, йўлакдан черковга томон юрди ва бир лаҳзада қоронгиликда кўздан фойиб бўлдилар.

Мен жийронни юганидан ушлаганимча кутиб туравердим. Ёмғир бетиним қўймоқда эди, шалаббо бўлиб ивиб кетдим, чунки ёпиқни менинг устимдан олиб, от устига ташлаган эдилар. Қаршимдаги қабристонда кўзга хира чалиниб турган шакллар ва қўнғироқхонадан бошқа ҳеч нарсани кўролмасдим; дараҳтларнинг баргла-

рига, арава тахтасига, қўпол от ёпигига шатирлаб урилаётган ёмғир товушидан бошқа ҳеч нарсанн эшитмас эдим. Ярим кечада, шунақа об-ҳавода қабристон дарвозаси олдида ёлғиз туриш осон эмас эди, лекин бу кўпга чўзилмаслигини ўйлаб, ўзимни овутардим. Бир неча дақиқадан кейин улар қурум кўтариб келадилар, мен хизматимга олти пеис ташга оламан, от яна уйга томон югуради, иссиқ тўшагимга ётиб оламан-да, бўлиб ўтган воқиалар ҳақида ширин хотираларга чўмаман, деб ўйладим.

Соат ўн иккидан чорак ўтганига занг урди. Демак мистер Бельчер белгилаган вақтнинг энди ярми ўтибди. Мен безовталана бошладим. Жин-ажниналар йўқлигига, булар ҳаммаси ёлғон гаплар эканига ишонсам ҳам юрагим орқага тортиб кетаверди, лоақал от кишнаса юрагимга далда берарди. деган умидда ҳадеб отнинг бетини силаб қўярдим. Мана, соат ўн икки яримга занг урди.

«Бўлди энди,— деб ўйладим,— бир минутдан кейин келиб қолишади».

Бир минут, иккиуч, тўрт минут черков йўлига кўз қадаб, Нед Перкснинг қопда қурум кўтариб келишини кутдим. У келмади, ҳеч ким қўринавермади. Тишларим такирлаб, яна ваҳима босди. Отни силадим, уни турли номлар билан эркаладим, у ҳам худди қабр устидаги ҳайкалдек қотиб турарди.

Бирдан «ҳу, ҳу, ҳу!» деган товуш эшитилди. Бу бой-ўғлининг товуши бўлса керак. Жон-поним чиқиб кетди, ортиқ чидаб туролмадим. Йўлакдан бир оз юриб, хўжайин келмаяптимикин, деб қарамоқчи бўлдим. От юриб кетмаслиги учун арава филдираги тагига тош қўйиб, йўлакка кирдим. Зим-зиё қоронғилигидан уч қадам нарида нима борлигини кўриб бўлмасди, йўлдан адашмаслик учун оёғим билан пайпаслаб юришга тўғри келди; тўсатдан оёғим катта бир нарсага қаттиқ тегиб кетди. Қўрқиб, чўчиб тушдим, бироқ бир минутдан сўнг тетикланиб, мени қўрқитган нарса нималигиги ни билиншга қизиқдим. Ушлаб қарасам, труба тозалайдиган машинамиз! Ҳайрон бўлдим! Даставвал хўжайин билан Нед шу ерда бироз нафасни ростлаб олиш учун машинани ерга қўйганлар, деб ўйладим. Бироқ атрофга қараганларим, қулоқ солганларим беҳуда бўлди: ҳеч нарса қўринмади, ҳеч қандай овоз эшитил-

мади. Бирдан черковнинг ёнида фонарь ёғдуси кўринди, бу ёғду менга томон келаётганини пайқадим. Овоз чиқармай йўлакдан орқамга қайтиб, ғилдирак тагига қўйган тошин олиб ташладим, ҳеч нарса билмагандек, отнинг ёнида туравердим.

Бир неча минут ўтгач, қаршимда — бир неча қадам нарида икки кишининг қиёфаси кўринди. Нед катта қопни зўрга кўтариб келарди, мистер Бельчер эса асбоблар билан машинани келтирди. Улар эшик ёнида тўхтадилар, мистер Бельчер секингина сўради:

— Ҳамма нарса жойидами, Жим? Ҳеч ким келмадими? Ҳеч ким гаплашмадими сен билан?

— Ҳеч ким,— деб жавоб бердим.

Қурумли қопни аравага жойлаштира бошладилар, бир минутгина фонарни ёқдишлар. Уларнинг кўринниши труба тозаловчига эмас, балки ер қазувчига ўхшарди: қўл-оёқлари, кийимлари лой, қоп ҳам лой эди. Қопни жойлаштириб бўлгач, иккаласи ҳам шишадан ароқ ичишди, хўжайин менга ҳам бир қултум берди.

— Ичиб юбор, кичкина,— деди у,— бундан зарар кўрмайсан. Яша азамат, мана хизматинг учун бир шиллиниг.

У менга танга тутқизди, мистер Перкс бошимни силаб эркалаб қўйди.

— Эпди қандай ўтириб кетамиз?— деб сўради Нед.— Яхниси, бола ўртамиизда ўтира қолсин.

— Йўғ-э,— деди мистер Бельчер,— бир шогирдим ревматизм билан оғриб ётибди; бу ҳам шамоллаб қолиши мүмкун. Араванинг тагига кириб ол, Жим; от ёпигини биз тиззамиизга ташлаймиз, бир томонини сен елкангга ташлаб ол.— Шундай деб у мени пастга, араванинг бурчагига ўтқазди.

— Бошингни қурумли қопга қўйма,— деди мистер Перкс.— У ҳўл, қулоғинг шамоллаб қолади.

Мистер Бельчер қулайроқ ўтириб олгач, отга қамчиурди, от ҳам уюша бошлаган оёқларини ёзишга ҳарат қилгандек, қувониб югурга кетди.

Черков йўлагида қилган кашфиётим менда аллақандай ваҳима туғдирди. Мистер Бельчер труба тозалаш учун бу ерга келмагани аниқ бўлди. У машинани ҳатто черковга олиб ҳам бормай, йўлда қолдирган, ҳолбуки қоп ичи лиқ тўла эди. Нима экан бу? Қандай билсам экан? Мистер Перкс қопга ётмаслигимни ай-

тиб, огоҳлантирмаса ҳам бўлар эди; чунки унга бош қўйинш у ёқда турсин, ҳатто қарашга ҳам қўрқа бошладим. Синчковлик эса янада кўпроқ қийнай бошлади. Нима бўлса ҳам уни билишга жазм қилдим. Оёғим билан секин туртдим, у юмшоқ туюлди. Ресідан қуруммикин-а? Йўқ, шубҳаланиб қийналиб ўтиргандан кўра аниқ билишим керак! Чўнтағимда паккичам бор эди. Секингина олиб очдим, бир зарб билан кесиб, қопга қўлимни тиқдим. О, даҳшат! Паккича тутган қўлим бироннинг совуқ, муздек қўлига тегди! Мен ваҳима аралаш қичқириб юбордим; товушимдан қўрққан от илгаригидан ҳам тезроқ чопиб кетди, шу пайт лип этиб араванинг орқасидан ўзимни ерга отдим ва лойга ботдим. Юзим ерга қаттиқ тегиб, шилинди, аммо оёқларимга шикаст етмади. Үрнимдан туриб жоним борича қоча бошладим. Орқамдан эркак кишининг овози эшигиди. Кимдир югуриб келаётганини билдим. Мени қуваётган эдилар.

---

## XVIII

### *Театрдаги тоюшадан ҳам ваҳималироқ воқиа*

— Қайт орқангга! — деб қичқирди менга Нед Перкс. — Қайт дейман сенг! Тұхтамасанг, бақираверсанг бүйнингни суғуриб оламан!

Мен қандай қилиб тұхтай олардим? Мистер Бельчернинг қотиллигига ишончим комил эди, Нед Перкс бүйнимни узишини ҳам билардым. Кучим борнча йиқилиб-суриниб қочавердим, йўлнинг лойига бир неча марта йиқилиб, «қоровул!» деб бақирдим. Бирдан мистер Перкс ҳуштак чалди, от туёғининг овози эшитилди. Улар отда менин бир минутда тутиб олишлари турган гап эди. Кўрққанимдан ариққа ўзимни ташлаб, ётиб олдим. Ариқда сув бор эди, шу сабабдан бошимни сувдан баланд кўтариб туриш учун тирсакларимга тиранниб ётдим. Ариқнинг икки ёнида ўғсан қалин ўтлар ва буталар менин бутунлай пана қилиб турарди.

Бир неча дақиқадан сўнг Нед Перкс мени ётган жойдан югуриб ўтди, мистер Бельчер эса аравада уни қувиб етди.

— Тутдингизми? — деб сўради у ваҳима аралаш.

— У узоққа кетмаган бўлиши керак, — деди у. — Қизиқ иш бўлди-ку! Нима қилди унга?

— Уни тезроқ тутиб олиш керак, Нед, — деди хўжайнин, — у сиримизни очиб қўяди! Қопни тилиб кўрибди, мана бунга қаранг!

У фонарнинг ёғдусини аравага тутиб, мен кесган жойни Недга кўрсатди.

— Эҳ, лаънати шумтака! — деб қичқирди Нед. — Хўжайнин, сиз ташвишланманг, мен унинг таъзирини бераман! Отни ҳайлариг, мен орқангиздан югурман. Бир зумда тутиб оламиз.

Бахтимдан ўргилайки, у мистер Перкснинг маслаҳатига кўнди, жиёрон отнинг узоқлашини бораётган туёқ товуши тобора секин эшитила бошлади. Энди нима қилишим керак? Илгарига қараб югурсам, уларга етиб қоламан; орқага, Лондонга қараб югурсам, барибир менга етиб оладилар. Нима қилишимни билмай ариқдан шалаббо бўлиб ўйлга чиққан эдим, бирдан буталар орасидан бирор пайдо бўлиб, елкамга қўлни қўйди.

— Нима гап, бола?— деб сўради у ва қўлидаги фонарининг ёғудусини юзимга қаратди. У эннига пахмоқ пальто; бошига шляпа кийган, қўлига миљтиқ тутгани новча одам эди.

— Нега юзинг қон?— деб сўради у.— Ким ариққа ташлали сени? Аравада ўтганларми?

— Йўқ, сэр,— дедим қалтираб,— ариққа ўзиим ётдим. Уларга билдириманг мени, сэр, ўлдиришади. Улар қотиллар экан.

— Қанақа қотиллар? Нима бўлди?— деб таажжубланиб сўради ўрмон қоровули (менинг олдимдан чиққан бу киши ўрмон қоровули экан).

Мен унга қопда кўрган нарсамни айтиб бердим.

— Қаёққа кетди улар?— деб сўради у ҳикоямни эшитгач, қаттиқ газабланиб.

— Улар мени тутгани кетишди, сэр,— дедим.— Тезда қайтишади, Лондонга, Уикзенд кўчасига боришлиари керак, ўша ерда мистер Бельчер туроди, сэр.

— Ал Агар шу гапинг рост бўлса, уларни пойлаймиз!

Урмон қоровули қўлимдан ушлади, ариқдан ҳатлаб ўтди, йўл ёнидаги кичик чакалакзорга кирди-да, бир неча марта ҳуштак чалди. Икки минутдан кейин ёнимизга иккита катта ит билан яна бир ўрмон қоровули етиб келди. Мен унга қоп воқиасини яна бошқатлан сўзлаб бердим.

— Улар биздан қутулолмайдилар!— деди дағал товуш билан у.

Шу пайт бирдан итлар менга ташланиб қолса бўладими! Бирин шимимдан тишлиб олди.

— Тур-р!— деб қичқирди уларга иккинчи ўрмон қоровули.— Бу ерга ўтири, бола! Дюк! Слот! Тегманлар унга.



Мен ерга ўтприб олдим, иккала ит ёнимда турди. Уларнинг кўзларидан мени қимирлашга ҳам қўймасликлари сезилиб турарди.

Йўлда от туёгнинг товуши эшитила бошлади; отин жуда тез елдириб келаётганиклари билиниб турарди.

Ўтирган жойимдан, бута шохларп орасидан йўл аниқ кўринди. Үрмончилардан бирни йўлнинг ўртасига чиқиб, араванинг йўлинни тўсди. Филдиракнинг овози борган сари яқинлашиб келаверди, ниҳоят, яқин келиб қолганда, бирдан ўқ овози эшитилди. Мен қўрқиб кетганимдан кўзимни бир дам юмиб олдим, очиб қарасам, жийрон от икки оёғи билан осмонга сакраган эди,

ўрмончи унин юганидан тутиб, зўрға тўхтатди. Иккинчи қоровул эса фонари билан аравани ва қўрқиб ўтакаси ёрилган труба тозаловчиларни ёритди. Нед Перкс отни тутиб турган кишининг боши устида қамчин ўйнатиб, уни урмоқчи бўлиб қичқирди, мистер Бельчер эса ўзини вазминликка солиб:

— Нима керак сизларга?— деди ўрмончиларга.— Агар қароқчи бўлсангизлар, биз камбағал труба тозаловчиларми, сиз оладиган ҳеч нарсамиз йўқ! Қани, яхшиликча жўнаб қолинглар-чи! Қўйворинг отни, бўлмаса ўлдириб кетади!

— Қонун амри билан сизларни қамоқقا олажиз!— деди қўлига фонарни тутган ўрмончи тантанали оҳангда.

— Қамоқقا оласизлар? Хўп қизиқ иш бўлибди-да! Нега энди?

— Қотиллик учун. Аравангизда ўлдирилган одамният жасади бор!

— Иш пачава! Қочинг, Бельчер!— деб қичқирди Нед ва бир сакраб аравадан ўзини ерга отди. Мистер Бельчер ҳам худди шундай қилди, бироқ ерга тушиши билан ўрмончи милтиқнинг қўндоғи билан унинг бошинига бир урган эди, у ҳушидан кетиб ерга йиқилди. Бу орада Нед Перкс мен томонга қараб қоча бошлади. У мени янчиб кетиши мумкин эди, қўрққанимдан бақириб юбордим. Шунда у бирдан тўхтаб, мени кўриб қолди ва ғазаби тошиб, сёб қўйгудек бўлиб менга тикилди. Аравадан тушганда қўлига ушлаб олган темир билан бошимга урмоқчи бўлган эди, қўлинини кўтариши билан ёнимда турган итлар бирдан унга ташланди, ерга йиқитиб, бирги қўлидан, иккинчиси бўйнидаги рўмолчадан тишлаб, уни ерга босиб турди.

Отни жиловидан тутиб турган ўрмончи биз томонга югуриб келди-да, ҳеч нарса демай, эпчилик билан Перкснинг қўл-оёқларини боғлади.

— Менини тайёр!— деб қичқирди у яна аравага томон югуриб.— Сен-чи, Том, у бечорадан хабар олдингми? Ростдан ҳам ўлдирилганми?

Том бу пайтда аравани титкилаб кўраётган эди.

— Үлик-ку бу!— деб жавоб қилди Том.— Унинг ўлганига камида бир ҳафта бўлган.

— Йўғ-э! Бу қандай бўлиши мумкин? Қанақа аллаҳ экан булар!

— Аблаҳликка аблаҳ-ку, бироқ қотил эмас, Джо. Улар ҳеч кимни ўлдиришмаган, ўлини кавлаб олишган. Кўряпсан, қопда ҳар хил асбоблар, бурғи, лом, белкурак бор, барибир, бу ишлари учун ҳам кўргиликларини кўрадилар! Ёрдамлаш, уларни аравага ётқизиб, Ильфордга олиб борамиз, суд қилишсин...

— Униси ҳам боғланганми?— деб сўради Джо, аравадан туша туриб.

— Билишимча, у менинг зарбамдан ҳали ўзига келгани йўқ. Аммо хавфсиз бўлиши учун албатта уни ҳам боғлаш керак.

Джо араванийн айланиб ўтиб, бир неча минут муқаддам мистер Бельчер ҳушсиз йиқилган жойга борди-да, ҳайратда қолганича қичқириб юборди:

— Кетиб қолибди! Йўқ-ку!

Унинг кетиб қолгани рост эди. Совуқ ёмғир мистер Бельчерни ўзига келтиргач у ўрмончи аравага суюб қўйган милтиқни олиб қочиб кетган эди.

Ёмғирли қоронги кечада уни излаб ўтириш фойдасиз эди.

— Бўлар иш бўлди, энди биттасини олиб бораверамиз!— деди ўрмончи Том.

Улар мистер Перксни ердан кўтардилар, араванинг ичига ётқизиб, ўзлари олдинга ўтириб олдилар.

— Мен, яхиси, араванинг ёнида югуриб бора қолай,— деб илтимос қилдим, менга ғазаб билан қараб турган Перкснинг ёнида ўтиргим келмай.

— Ҳечқиси йўқ, сира қўрқма,— деди Джо мени аравага чиқара туриб.— Қўлинни тегизиб кўрсинг-чи.

У мени аравага ўтқазди-да, отга қамчи урди. Биз икки миль узоқликдаги Ильфордга томон йўл олдик.

Перкс ростдан ҳам менга қўлинни тегизмади-ю, лекин қўрқитиб ўтакамни ёрай деди.

— Жим!— деди у менга, биз бир неча қадам йўл босишимиз билан.

— Гапига қулоқ солма!— деб маслаҳат берди ўрмончи Том.

— Жим!— деб яна давом этди Перкс.— Хўжайнин милтиқ билан қочганини эшитдинг-а. Нималар деб валдираганингни билмайман, лекин энди тилингни тий!

— Бола, бу ёққа кел, олдинга ўтири,— деди ўрмончи Джо.— Бу ерда унинг гапини эшитмайсан.


Мен Перксдан узоқроқ жойга ўтиб ўтирдим, бироқ у қичқириб гапира бошлади, йўлнинг нариги бетида бўлганимда ҳам унинг гапини эшитардим.

— Жим,— леди у,— хўжайинниг гаплари ёлинигдайдир, унинг иши ҳақида ғинг деб оғиз очсанг, нима бўлишингни биллиб қўй! У айтганини қилмай қўймайди! Бир ҳафта ўтар, икки ҳафта ўтар, барибир айтганини қиласди! Судъялар мени ҳимоя қиласар деб ҳомтама бўлма! Судъя ҳамма нарсага қараб туролмайди, хўжайин бир дамда ишини битиради-қўяди. Юз миль узоқликдаги жойда беркиниб ётсанг ҳам эшик қулфи, трубанинг темир қопқоғи ёпиқ бўлса ҳам уйқудан кўзиниг очсанг у қаршингда турған бўлади ва ётган тўшагинг томон битта-битта қадам босиб, ўша айтганини қиласди-қўяди. Шуни эсингдан чиқарма, эҳтиёт бўл!

Мен унинг гапларини эшитмаслигим учун ўрмончилар жўрттага бақириб гаплашишар, оёқларини аравага уриб, тақирлатишарди. Барибир мен унинг ҳамма гапини эшитдим. Вужудими шундай ваҳима босдики, ўзимни ғилдиракнинг тагига ташлаб юборгим келди.

Менинг ҳимоячиларим учун: «Унинг гапига қулоқ солма, бола, у сени ёлғондака қўрқитмоқчи. Судда ҳамма билганингни рост гапиравер», дейиш осен эди. Улар мистер Бельчерни билмасдилар, агар сирини фош қилиб қўйсан, нима қилиши ҳақида гапирганини, гапираётганида башараси қандай даҳшатли тус олганингни билмас эдилар. «Сира қўрқма эмиш!» Ким ҳимоя қиласди мени? Наҳотки полициячилар ҳимоя қилса? Мен бир умр улардан қочиб юрибман-ку, улар менга дарров дўст бўлиб қолармиди? Борди-ю, ҳимоя ҳам қилсан дейлик, ахир ҳар қадамимда мени ҳимоя қила олармиди? Болани бўғиб ўлдириш учун бир нафас кифоя қилишини мистер Бельчер кечқурун овқатланаётганимизда кўрсатган эди. Бундан ташқари, хўжайин қотил эмаслигини билдим, уни айтиб қўйиб, аҳмоқлик қилмадиммикин? Бундай ташвишни орттириб қўйганимга ўзим пушаймон бўлдим. Неднинг маслаҳатини қулоққа олишга, мени судга чақирганларида иложи борича сирни яширишга аҳд қилдим.

Эрталаб мени полиция уйининг қабулхонасига чақирдилар. Полициячилар атрофимни ўраб олишди ва жула эзмалик билан гапга тушиб кетишли.



— Хўш, қани, бола,— деди мулойимлик билан полиция инспектори,— собиқ хўжайнинг тўғрисида билгандарингни гапир-чи. Э, у жуда совуқса қотибди-ку! Ҳамма кийими ҳўл, кийинтириш керак уни.

— Қуруқ кийим бор бизда,— деди бир полициячи.— Ҳозир олиб келаман, инспектор жаноблари.

Мени кийинтириб, яраланган жойларимга дори қўйғанларидан кейин инспектор менга қайноқ кофе беришни буюрди, шундан кейингина сўроқ қила бошлади.

Полициячилар диққат билан тинглаб турардилар.

— Қани, гапирчи, бола, хўжайнинг кечалари ишга тез-тез бориб турарми?— деб сўради у.

— Билмайман, сэр,— дедим бўйнимни эгиб.

— Нега билмас экансан? У билан бир ўйда яшагансан-ку!

— У мени ҳеч бирга олиб юрмас эди, сэр. Мен ухлардим, ҳеч нарсани билмасдим.

— Жавобларинг менга ёқмаяпти, бола. Ҳамма қўрган-билганингни гапириб беришинг лозим. Хўжайнингнинг адресини айт-чи.

— Унутиб қўйдим, сэр.

— Бу гапинг ёлғон! Кап-катта боласан, бу ёшда болалар уйнинг адресини билмасликлари мумкин эмас,— деди инспектор жаҳли чиқиб.

— Рост айтаман, сэр, кеча кечқурун шунаقا қўрқиб кетдимки, ҳамма билганларим эсимдан чиқиб кетди.

— Кечә кечқурун ўрмон қоровулига адресни айтган экансан-ку... Наҳотки у бир кечада унутиб қўйган бўлса,— деб мурожаат қилди инспектор бир полициячига.— Эсга келтиришга ҳаракат қил,— деди у яна менга қараб.

— Эсимдан чиқди, ҳеч нарса эсимга келмаяпти,— дедим яна.

—Хўп, майли,— деди жиддий равишда у.— Олиб чиқинглар уни. Сен, бола, эсингда тут, барибир эртага сени бор гапни айтиб беришга мажбур қиласилар.

Мен шундай гапига ишонмаган эдим, бироқ ҳамма гап айтганидек бўлиб чиқди.

---

## XIX

### Полициядан қочганим

Эртасига мистер Перксни ва мени судга терговга олиб келдилар. Иложи борича гапирмасликка ҳаракат қилишимни судьялар билган экан. шекилли, яшил кўзойнакли бир судья менга шундай ўқрайиб қарадики, қўрқиб кетдим.

— Менга қара, бола!— деб қичқирди у, қўли билан столни қаттиқ уриб, мен чўчиб тушдим.

Унга қараб, яна бадтар қўрқиб кетдим. У яшил кўзларини менга қадади, атрофда йигирма полицияни унинг амрига тайёр турарди.

— Сен ҳамоққа олинган у одамга қарама,— деди у, шу пайт мистер Перкс томогини қоққандан унга қараганимни кўриб.— Фақат менга қараб жавоб бер! Қасам ичиш нималигини биласанми?

Суд ишлари ҳақида кўп ҳикояларни билувчи Моулдидан қасам ичиш ҳақида ҳам эшитган эдим, шунинг учун:

— Инжилни ўпиб, ёлғон гапирсам жавобгарликка тортиламан, деб қасам ичилади,— дедим.

Судъянинг яшил кўзойнагидан кўзимни узолмасдим; ниҳоят, қуёшга қараётгандек, кўзимдан ёш оқиб кетди.

— Ҳа, қасам ичгандан сўнг, ёлғон гапирсанг қаттиқ жазоланасан,— деди жиддий қилиб судья,— сени каторга ишларига юбораман. Экзекутор<sup>1</sup>, уни қасам ишишга

<sup>1</sup> Экзекутор — кичик амалдор.

олиб келинг, сен, судланувчи, сўроқ тугамагуича унга қарама.

Бундай шароитда ҳамма гапни айтмай бўлармиди? Судья шундай баттол одам эдики, ҳамма нарсадан хабардорга ўхшарди, берган саволларига беихтиёр бутун воқнани бирма-бир гапириб жавоб беришдан бошқа иложим қолмади. Ҳаммасини айтдим, уйдан қандай қочганимни, миссис Уинкшип мени мистер Бельчерга шогирдликка берганини, черков трубаларини тозалаш ҳақида Семнинг гапини, ишқилиб, муздек қўлга қўлим тегиб, қўрқиб, аравадан сакраб тушганимгача ҳаммасини айтдим. Мистер Бельчернинг жинояти нимадан иборатлигини шу ерда, судда билib олдим.

У пайтларда врачлар ва студентлар диний хурофотлар таъсири остида одам жасадини текшириб, анатомияни ўргана олмасдилар. Жасадин текшириш гунёҳ ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам у пайтларда Англияда «ѓўрдан ўлик ўғирловчи»лик касби бор эди, кечалари улар қабристонга бориб янги кўмиллган ўлникларни кавлаб олиб, уларни турли медицина муассасаларига кўп пулга сотардилар.

Мистер Бельчер ҳам шу иш билан шуғулланар экан.

Мендан сўнг ўрмон қоровуллари Томас ва Джозеф гувоҳлик бердилар. Шундан кейин мистер Бельчерни полиция қамоқقا олиб, уни судга келтириши учун ишни бир ҳафта кечиктириб, судда кўришга қарор қилинди.

— Болани, яхшиси, уйига, ота-онаси олдига юбориш керак; уни ким олиб борса, отасини қаттиқ огоҳлантирсиз, токи бир ҳафтадан кейин уни судга олиб келсин! — деди яшил кўзойнакли судья.

Суд бошқа ишлар билан шуғуллана бошлади, мен ўрмончилар ва бир неча полициячи билан кўчага чиқдим. Улар алланималар тўғрисида гаплашиб, қўшни майхонага кирдилар, мен ҳам беихтиёр улар орқасидан бордим. Судьянинг: «Болани, яхшиси, уйига; ота-онаси олдига юбориш керак», деган сўзлари мени гангитиб қўйган эди. Бу сўзлар мен учун офат эди. Нега мен бу ишларга аралашдим, нега? «Яхшиси, уйига юбориш керак!» деди. Мени отам олдига полициячи олиб боради, у ўлик ўғирловчилар билан қилган ишимни айтиб беради, ҳеч айби бўлмаган миссис Уинкшип мени уларга шогирдликка берганини ҳам айтади. Кейин отам мени ҳам, бечора кампирни ҳам ўлдиради! Кампирнинг менга

қылган яхшилигига шундай миннатдорлик билдирамаши! Ишүк, бу даҳшат-ку! Бундай бўлиши мумкин эмас! Шундай бир йўл топишим керакки, бу бахтсизлик рўй бермасин, албатта йўл топишим керак! Бунинг учун ҳозирги қоровулларим қўлидан қочишим, Ильфорддан кетиб, Лондоннинг хилват кўчаларига яширишишм керак эди. Мен қоровулларимдан қочаман деяпман, қани қорувул?! Полициячи ва ўрмончилар пиво ичиб турган хонадан сеикингина чиқдим — улар мени пайқамай қолдилар; ҳовлига, кейин кўчага чиқдим, мени ҳеч ким кузатаётгани йўқ эди, аста қочиб қутула олишимга кўзим етди. Бироқ, полициячиларниң жуда айёрлигини билардим, шунинг учун ҳам қайтиб яна пивохонага келдим-да, полициячилар нима ҳақида гаплашаётганларига қулоқ сола бошладим. Полициячилар менинг тўғримда гаплашаётган эканлар.

— Мана у!— деди улардан бири мен киришим билди.— Сен, бола, яқинимизда тур, яна милтиқ олиб қочган кишининг қўлига туша кўрма.

Буни ҳазил тариқасида тушундим, чунки бошқа полициячи билан ўрмончилар кулиб юборишиди.

— Қани, айт-чи, бола,— деб сўради полициячилардан бири,— уйингга боришга ва ҳамма хавфу хатардан қутулишингга хурсанд бўлсанг керак дейман?

Үйга бормайман десам, полициячи мени қаттиқроқ назорат остига олишини билардим. Шунинг учун унга:

— Албатта қувонаман-да, тезроқ борсам яхши бўларди, энди уйдан қочмайман,— дедим.

— Бу ердан уйингга қандай боришни биласанми?

— Йўлни жуда яхши биламан, сэр. Кетаверсам майлими?

— Йўқ, ўзинг боролмайсан, ишларни тугатиб, ўзим олиб бораман. Суд мажлиси соат тўртда тугайди, мен ҳам бўшайман. Ҳадеб бу ерда тураверма, сен арестант эмас, гувоҳсан холос. Истасанг полиция уйига бориб ўтири, истамасанг кўчада сайр қилишинг ҳам мумкин. Фақат узоққа кетиб қолма.

Бу сўзлардан жуда қувониб кетдим. Мен арестант эмас, гувоҳ эканман, томоша қилиб юришим мумкин экан!

— Раҳмат, сэр,— дедим томоша қилмоқчи бўлган кишидек шошмасдан, бепарвогина пивохонадан чиқату-

риб. Оҳиста юриб, Лондонга бориладиган кўчага чиқиб олдим. Бир тасодифий ҳол мени бу юракни зиқ қилувчи сафардан халос қилди. Суд уйи кўзимдан ғойиб бўлиши биланоқ орқадан бир қулай извош етиб келди, мен унинг орқасига сакраб чиқиб олдим ва соатига ўн миль тезлик билан юриб кетдик. Катта ва кичик Ильфорд кўчаларини босиб ўтдим. Майль-Энгача бордим, бироқ бир боланинг пасткашлиги туфайли бу қулай извошдан тушишга мажбур бўлдим. Бола ҳам текинга миниб олмоқчи бўлди, бироқ орқада унга жой йўқ эди. Алам қилиб, кучердан мени тез тушириб юборишни талаб қилди. Кўчер эса бу ярамас боланинг гапига кирди. Шундай жаҳлим чиқиб кетдики, ҳатто орқамдан қувиб етишлари мумкнилигинга қарамай, йўлда болани тутиб олиб дўпосладим.

Иўлнинг қолган қисмини пиёда босишга тўғри келди. Соат иккода мен Уайтчепель<sup>1</sup>га яқинлашиб қолган эдим. Шаҳарнинг бу қисмини яхши билмасдим, бироқ шу ердан борган бир неча бола билан Арк остида танишганимда, улар менга бу ер Лондоннинг энг хилват қисми эканлигини айтган эдилар. Менга худди шунаقا эгри-бугри кўчалари, ўртасидан ўтса бўладиган ҳовлилари кўп бўлган жой керак эди. Бирдан-бир мақсадим, гўрдан ўликларни ўғирлаш билан боғлиқ бўлган суд иши ҳал бўлгунча шунаقا жойда яширинча яшаб юриш эди, кейин эса... Э, кейин нима бўлиши ҳақида бош қотиришнинг нима ҳожати бор, ҳозир қиладиган ишларим ҳақида ўйлашим керак. Бир неча соатдан кейин Ильфорд полицияси мени қидира бошлайди, шунинг учун энг аввал бирон жойга яширинишим керак. Жуда кўп тор ва ифлос кўчалардан ўтиб, бир сув қўйгандек жимжит ошхонага кирдим. Ёнимдаги шиллингдан тўрт пенсни харжлаб, овқатландим. Дўконнинг хўжайини тўрт пенс олиб, тунашга жой, тўшак берар экан, шунинг учун бу ерда тунамоқчи бўлдим, кечқурун эса бир пенсга шўрва ичиб, яхшигина тўшакка ётиб олдим.

Эртасига эрталаб ўйғониб, пастга дўконга тушиб, чўнгатимда қолган уч пенсга нонушта қилдим-да, кўчага чиқдим. Кун бўйи энг қашшоқ ва энг қоронги кўчаларни қидириб кўчама-кўча дайдиб юрдим, ваҳима ичи-

<sup>1</sup> Уайтчепель — Лондонда ишчилар квартали.

да полицияга дуч келмасликка ҳаракат қиласадим. Кечга яқин очлик менга тушда овқатланмаганимни ва, эҳтимол, кечқурун ҳам овқатлана олмаслигимни эслатди.

«Яшириниб қочишнинг фойдаси йўқ, қориннинг бирор иложини қилишинг керак», дерди менга очлик.

Энди нима қилсам экан? Қаерга борсам ҳам аҳволимни оғирлаштириб қўйишим мумкин. Оғирлаштиришм мумкин? Бундан ҳам оғир бўлиши мумкинми? Йўқ, бундан оғир бўлиши мумкин эмас! Ҳар нафасимда дуч келган полициячи тутиб олишидан қўрқиб, яна бунинг устига оч юрсам! Йўқ, бунга чидаб бўлмайди! Агар бирор бозорга яқин жойда бўлганимда ҳозир нима қилишимни ўзим билардим. Бу қандай тирикчилик! Бир бечора, ҳимоясиз болага бутун олам қарши! Яна мен, нима яхши-ю, нима ёмон деб ўйлаб ўтирибман! Энди фақат қандай қилиб ўз кунимни ўтказиш ҳақида ўйлаганим бўлсин, бошқа нарса билан ишим бўлмайди! Ўйимнинг охири шу даражага бориб етдики, агар қўлимдан келса, бирорларнинг чўнтағига қўл тиқишига ҳам тайёр эдим. Бироқ бу иш менга доимо даҳшатли бўлиб қўринарди. Ковентгарден бозорида мева ўғирлаш осон эди. Сотувчи бирор ёққа қараган ёки харидор билан гаплашган пайтини пойлаб, бирон нарсани тез олиб қочиш мумкин эди. Аммо яхши кийинган хоним ёки бой кишининг чўнтағига қўл тиқиши бутунлай бошқа иш, бунда жуда эпчиллик ва довюраклик керак. Арк остида яшаганимда болалар қандай қилиб чўнтақка тушиш кераклигини кўрсатган эдилар, бироқ уларнинг бу санъати фокусчиларнинг санъатидек қийин эканлигини билардим. Назаримда, бирорнинг чўнтағидан пул ўғирлашдан кўра игна ютиш ёки умбалоқ ошиб тушиш осонроқ қўринарди.

## XX

### *Янги ҳунар ортирганим*

Мен ана шундай хаёлларга бериллиб, хилват, қоронғи тор күчалардан чиройли кенг күчага чиқиб қолдим. Күчанинг икки четидаги дўконлар яхши ёритилган, тротуарлари бой ва ясанган жаноблар билан гавжум эди. Мустамлака моллари сотиладиган катта магазин эътиборимни жалб қилди. Унинг улкаи ойнаванд деразалари орқасига ҳар хил мевалар, чой, ширинликлар, сабзавотлар солинган банкалар, консервалар териб қўйилган эди. Булардан ташқари, ғалати чинни ва ёғочлардан ишланган хитой буюмлари бор эдики, бунақаларни илгари ҳеч қачон кўрмаган эдим. Булар факат менинггина эмас, ҳамманинг ҳам эътиборини тортар, магазин ёнидан ўтаётган ҳар бир ўткинчи уларни тоюша қилмасдан ўтломасди. Баъзилар эса дераза олдинга бориб томоша қиллар эдилар; деразалар атрофига одам тиқилинч бўларди. Менинг шошиладиган ишим йўқ эди, шунинг учун ҳам одамлар тарқалишини кутиб турдим, улар тарқалгач, ажойиб буюмларни яқиндан кўриб томоша қилгим келди. Магазин деразасининг қаршисида, тротуарнинг четида фонаръ устуни бор эди; мен унга суюниб, кишиларнинг камайишини кута бошладим. Магазин олдида, тўпланганлар орасида семиз бир хоним кўзга ташланиб туради. У икки кишининг ўрнини олган эди. Хоним деразанинг қўни қисмида ниманидир кўриш учун эгилиб тикиларди. Бу семиз хотиндан кўзимни узмай туриб, у нимага бунча тикилаётганини билолмай турганимда мендан новчароқ бир болага кўзим тушиб қолди. У хоним ёнида

унга тақлид қилиб деразанинг қуи қисмига эгилиб қарай бошлади. Қўлини хонимнинг шойи кўйлагига се-кингина чўзди, газ фонарнинг ёғдусида унинг бармоқлари аниқ кўринди — у аёлнинг бир ҳовуч кумуш тангаси бўлган ҳамёнини эпчиллик билан суфуриб олди. Ҳамённи чўнтағига солди-да, ҳеч кимга сездирмай кишилар орасидан чиқди ва қоронғиликда кўздан ғойиб бўлди. Семиз хоним дераза олдида яна бир печа дақиқа турди-да, бошини хурсанд силкитиб-силкитиб кўча бўйлаб кетди: уни, чамаси, хитой буюмлари завқлантирган эди.

Қандай бахтли бола экан у! Пулга лиқ тўла шойи ҳамёнли бўлди! Мен ботинкамни, пайпогимни бир шиллинг ва бир бўлак ионга сотдим, у эса бир дамда камида 12 шиллингли бўлди-қолди! Қандай учар ўғри экан! Қандай бахтли экан-а! Шу ҳамённи мен олсан нима бўларди? Ҳаёлимни шундай фикрлар банд қилди. Бирдан уларнинг қашчалик жинояткорона эканлигини фаҳмлаб, менин ваҳима босди: ана шу фикрларимни гўё бошқалар ҳам эшитаётгандек туюлди, қўрқиб атрофга қарадим. «Жуда осон-ку! Бу ерда титраб турганингча, уч марта иш қилишинг мумкин эди! Юрак йўқ-да сенда!» — дегандек эди ичимда бирор. «Ҳа, фарз қиласилик,— дедим ўзимга ўзим,— шойи кўйлак кийган, чўнтағи пулга тўлган шунақа семиз кампир дуч келса, ҳар ким ҳам осонгина ола олади-да. Мен ҳам олардим! Бироқ, энди шунақаси келадими, йўқми?»

Фонаръ ёғочига суюниб, шу ҳақда ўйлаб, «шунақасига йўлиқниш» учун кўз-қулоқ бўлиб турдим.

Кўп кутмадим. Ковентгарден бозорида биринчи жасоратимга ёрдам берган «бахт» бу гал ҳам менга ёр бўлди. Беш минутча кутмасимданоқ, магазиндан бир хоним чиқиб қолди. У семиз ҳам, кекса ҳам эмасди, бироқ кўйлаги шоин, ҳамёни эса пул билан лиқ тўла эди. Магазиндан чиқа туриб, ҳамёнини қўлида ушлаб келарди, афтидан пулини санаётган эди. Кейин ҳамёнини бекитди-да, уни шойи кўйлагининг чўнтағига солиб қўйди.

«Бу ҳам ўша дераза олдига борса эди», деган фикр келди хаёлимга.

Чиндан ҳам у одамлар орасига сукилиб, хитой буюмларини томоша қила бошлади. Мен унинг орқасидан эргашдим, ўша болага тақлид қилиб ўзимни то-



кроцлик, ярим соверен, уч шиллинг, тўрт пенс — ҳаммаси бўлиб ўн саккиз шиллинг ва тўрт пенс — олтин ҳисобида тўққиз сўмча пул.

Умримда ҳең қачон қўлимга бунча пул тушмаган эди, ҳатто ярми, тўртдан бири ҳам бўлмаган эди.

Ҳовлиқиб кетганимдан нима қилишимни билмадим, яъни қаердан нима сотиб олиб, овқатланишни билмай шошиб қолдим.

Ниҳоят, ошхенага бориб тўрт пенса овқатландим.

Бутун кечасини овқатланиб ёки овқатланиш тўғрисида ўйлаб ўтказдим. Ошхона эгасининг олдига беш мартача бориб, ҳар гал икки пенслик сосиска едим, кейин қиём билан нон, ўнг сўнг бир пеннига шоколад хариц қилдим.

Кечаси тунамоқчи бўлиб, пулимни санадим, қилган харажатларим унча кўп эмас экан; сўнг бир жуфт яхши этик сотиб олдим, шунда яна ўн уч шиллинг ва олти пенс пулим қолган эди, бундан ташқари, яна ярим соверени курткамнинг астарига тиқиб, тўғноғич билан маҳкамлаб қўйган эдим.

Шундай қилиб, туппа-тузук ўғри бўлиб қолдим,

моша қилаётгандек тутдим, қўлимни эса шойи кўйлакнинг чўнтағига суқдим. Бир минутдан кейин бармоқларим ҳамённинг ипак тўрига тегди, секин уни тортиб олдим да, одамлар орасидан сездирмай қочдим. Хилват, қоронги кўчага етгунимча дам олмай узоқ югурдим. Ниҳоят, хилватда тўхтаб, ўлжамни кўрмоқчи бўлдим. Чўнтағимдан ҳамённи чиқаздим, пулларни олиб тикиувчининг дўкони ёнидаги фонарь ёғудусида санадим. Қарасам, иккита ярим

Дастлаб бугунги жиноятин энди бошқа қилмаслик ҳақида ҳам ўйладим. Албатта, бўлар иш бўлди, энди қайғуришнинг фойдаси йўқ. эди. Бундан ташқари, қилган ишимни ўзимдан бўлак ҳеч ким кўрмади ва ҳеч ким билмасди ҳам. Эрталабдан бошлаб энди нима қилиш тўғрисида ўйлай бошладим. Кишининг чўнтағида ўн уч шиллингу олти пенс турганда, у ҳалол яшаёт учун минг хил восита топиши мумкин, албатта.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам ҳалол яшаётнинг минг хил воситасини топиш мумкин эди, бироқ мен биронта ҳам восита топа олмадим.

Гушдан кейин Петикет-Лейн бўйлаб сайд қилгани жўнадим, у ерда бир магазин олдида тўхтадим. Кўк майда гулли шойи рўмолча магазиннинг деразасида осиғлиқ турарди. Худди шунаقا рўмолчани отам бўйнига ташлаб юарарди. Магазинга кириб, шу рўмолчадан бирини олти пенсга сотиб олдим. Ўзимга-ўзим, бу ишининг аҳмоқлик-ку, дедим, лекин отамни эслаб юраман-ку, деган фикр билан кўнглимни тинчидим. Бу хаёллар менга уйинни эслатиб, соғинтириди, бир оз қайғумни ёзиш учун бир кружка пиво ичдим. Билмадим, пиво кучлироқ эканми ёки пиво ичиб ўрганмаганилигиданми, кайфим ошди, ўзимни зўрга тутиб юрдим. Душманларимдан қўрқмайдиган бўлиб қолдим, ҳатто мистер Бельчер билан юзма-юз учрашиб, у билан уришишга ҳам тайёр эдим (агар қўлида қўшогиз милитиги бўлмаса, албатта). Шу чақ кичик қурол магазини ёнидан ўтаётган эдим, миямга бутун олам таъқиб этаётган мен каби киши ёнида қурол олиб юриши лозим деган хаёл келди. Магазинга кирдим, икки шиллингу уч пенсга кўринишидан жуда эски пистолет сотиб олдим. Уни чўнтақка солиб юриш ноқулай бўлганлиги учун кечқурунга бориб яна ўша магазинга олиб бориб, бир шиллингу тўрт пенсга сотдим. Шу тариқа, жон ҳовучлаб топган ўн саккиз шиллинг, тўрт пенс пулим майда-чуйда нарсаларга сарфланиб кетди. Майда гулли чиройли шойи рўмолчамни ҳам ўн саккиз пенсга сотдим, уч кундан кейин яна кўча ўртасида бир вақтлар фонарь ёғдусида ёғочга суюниб семиз хонимни кузатиб турганимдагидек, мева магазини олдида турардим. Мана, энди...

Ҳаётим қандай издан кетаётганини англаш қийин эмасди. Бу йўлга биринчи қадам қўйишим қийин бўл-

ган эди, қадам қўйдиму сўнг тўхталиб туролмадим. Бахтсизлигимни, ҳамма мендан безорлигини, мендан нафратланишини чуқур ҳис этардим, очдан ўлмаслик учун ўғирлик қилишга мажбур эканимни ўйлаб ўзимни юпатардим. Иккинчи марта ўғирлик қилганимда ҳамендан атиги тўрт шиллинг чиққанини кўриб афсуслайдим, учинчи марта ўғирлик қилганимда ўзимни қандай сезганимни билмайман, чунки ундан сўнг тўртинчи, бешинчи марта ўғирлик қилдим ва шундай қилиб, ўғирлик бошланиб кетди.

Чўнтак ўғриси бўлиб кун кўришим кўпга чўзилемади — бу иш билан икки ої шуғулландим. Бу вақт ичидага қанча пул ўғирлаганимни билмайман; шуни биламанки, бойиб қолдим, Ильфорд полицияси берган кийимни ташлаб, яхшигина кийиниб олдим. Кечалари дўконларда ухламайдиган бўлиб қолдим, Уентфорд кўчасидан ўзимга жой ҳам топдим.

---

## XXI

### *Жорэс Гапкинс билан танишганим*

Июль оқшомларидан бирида Чипсайд бўйлаб кезиб юрадим. Кийимларим башанг бўлгани учун бой кишилар юрадиган катта кўчаларда bemalol юра олардим. Беташвиш ўйнаб юрган болага ўхшаб, атрофга назар ташлардим, шу пайт пайпоқ магазинида алланималарга тикилиб турган бир жентльменни кўриб қолдим.

Бундай жентльменларни кўрганда чўнтак ўғриларининг жони кириб қоларди. У жуда семиз, энкайганила сюртугииинг орқа этаги қўтарилиб, чўнтағи одамнинг ҳавасини келтириб, дўппайиб турар эди. Бу қулай ўлжани қўлдан бой бермаслик керак эди. Чўнтағига қўл тегизиб кўрдим: унда тўрт бурчак қаттиқ бир нарса бор эди. Аста чўнтақка қўлимни тиқдим, кўз очиб-юмгунча қоғоз пуллар солингац чиройли кармон менини бўлиб қолди. Шу вақтгача фақат чўнтақка солиб қўйилган ҳамён, пул ёки қоғозга ўралган пулларни ўғирланган эдим. Лекин бунақа катта, чиройли кармон қўлимга ҳеч тушмаган эди. Ҳаяжондан титраб, қўшни кўчага югурдим, фонаръ ёруғида очиб қарасам, ичиди бир неча банк билети, бир ҳовуч келадиган тилла танга бор экан. Шундай ҳайрон бўлиб қолдимки, бир лаҳза ниша қилишни билмай, кармонни қўйнимга тиқиб қотиб қолдим. Тўсатдан бирорвонинг қўли елкамдан тутди.

— Қоча кўрма,— деди ер остидан чиққандек пайдо бўлиб қолган киши,— мендан қочиб қутулолмайсан.

Онт ичиб айта оламанки, орқамдан ҳеч ким қувлагани йўқ эди. Шунинг учун бу нотаниш қишининг пайдо бўлиши мени довдиратиб қўйди. Кармонни сув оқадиган қувурга секингина ирғитдим-да, ҳеч нарса билмагандек



елкам оша у одамга қарадим — мени тутган киши ё полициячи, ёки кармонини ўғирлатган одам деб ўйлагандим. Янглишган эканман. Ёқамдан тутиб турган киши менга мутлақо нотаниш, жуда олифта кийинган, бармоғига қиммат баҳо узук таққан киши эди. Мен ташлаган кармонни ердан секингина олиб, худди ўзинникидек чўнтағига солиб қўйди.

— Аҳмоқларнинг баҳти бўлади, деб тўғри айтишар экан,— деди у ёқамдан қўлинни қўйвормай, мени қоронги кўчага торта туриб.

— Жаноблари, гапимга

қулоқ солинг,— дедим қўрққанимдан эс-ҳушимни йўқотиб.— Мен уни топиб олдим, рост сўзим; кераги йўқ менга, истасангиз ола қолинг; балки ўзингизникидир...

— Топиб олдинг, ҳа албатта, топиб олдинг,— деди у кесатиб.— Наҳотки топган бўлсанг! Кимнинг қўлида ишлайсан?— деб сўради у дўқ қилиб, анча жойгача юриб борганимизда.

«У мени бирон завод ишчиси деб ўйлаяпти шекилли», деган хаёл келди бошимга.

— Мен Уайтчепель яқинидаги бир қутисознида ишлайман,— дедим қалтираб.

— Алдама!— деб қичқирди нотаниш киши, жаҳл билан.— Ростини айт! Симмондснида яшайсанми ёки Том Мартинснидами?

— Ҳеч қанақа Симмондс билан Мартинсни билмайман!— деб қичқирдим мен бир оз ўзимга келганимдан кейин.— Кўйиб юборинг мени, кармонни ола қолинг, факат мени тинч қўйинг.

— Ростини айтмасанг, бўйнингни узиб оламан,— деди дўқ қилиб у.— Қани, айт-чи: кимга ишлаяпсан?

— Ҳеч кимга ишлаётганим йўқ, ўзимга ишлаяпман!

Нотаниш киши ёқамини қўйиб юборди, бир неча сенунд кўзларини менга қадаб, мижжа қоқмай турди.

— Менга қара, бола,— деди у менга энгашиб ва пичирлаб,— мени алдай олмайсан. Ростини айт. Агар хўжайнинг бўлса, яна яхши; бўлмаса айт, мен сенга ёрдам берай.

— Сиз полициячи ёки пэқувар эмасмисиз?

— Мени полициячи леб ўйлајпсанми ҳали?— деди қаҳ-қаҳ уриб у.— Эҳ гўл бола-ей! Шу ақлинг билан ўғирлик қилиб юрибсанми ҳали? Кўпдан бери шу ҳунар билан шуғулланасанми?

— Икки ойдан бери.

— Ҳеч қўлга тушмадингми?

— Йўқ.

— Бахти экаисан! Сендақа лаванг ўғри қўлга тез тушниши керак эди. Сени қўлга олиш керак экан. Қани, юр мен билан.

Унинг бу гапидан мени ўз қўлига олиш нияти борлиги билиниб туради. Бу менга сира ҳам ёқмасди. Ундан полициячидан қўрққандек қўрқар эдим.

— Раҳмат, сэр,— дедим унга.— Мен бирорининг қўлида ишлашни хоҳламайман.

— Хоҳламайсан!— дея ғазаб билан қичқирди у.— Хоҳлаш, хоҳламаслигинг билан ким ҳисоблашиб ўтиради! Шу вақтга қадар хўжайнинг йўқ экан, энди бўлади! Юр орқамдан: уйга бораийлик, кейин гаплашман сен билан.

У Понлтри кўчасига чиқди, аввал бир тор кўчага бурилди, кейин яна бир тор кўчага, сўнг яна бирига бурилди. Кэт кўчасига чиқди. У қўлимни қўйиб юборган бўлса-да, унинг орқасидан кетаётган эдим, қочишни хаёлимга ҳам келтирмасдим, чунки у ўзининг тўнг ва қўрқинчли муомаласи билан юрагимни ёрай деган эди.

Кэт кўчасининг ўрталарига етганимизда бир уйниг эшигини қоқди, яхши кийинган ёшгина жувон эшики очди.

— Бунча эрта келишингни кутмагандим, Жорж,— деди у ноз билан ҳамроҳимни ўпа туриб.

— Уйимизга янги қўноқ олиб келдим, Сюки,— деди Жорж унга мени кўрсатиб.

Келганимни, афтидан, у ёқтирмади.

— Бунақа қўноқлар наҳотки жонингга тегмаган бўл-

са?— деди у ўз норозилигини билдириб.— Бу ҳам аввалгисидек кўп турмаса керак!

— Албатта, агар менга бирор ёмонлик қилиб қўйса, даф бўлади! Чой тайёрми?

— Тайёр. Юр.

Биз жуда яхши жиҳозланган шинам хонага қирдик. Печка олдидағи стол устида чой идиш-оёқлари турарди. Жорж ўзини диванга ташлади, бошига қўлини қўйиб, жимгина ётди. Ёш жувон чойнакда чой, қовурилган чўчқа гўшти билан тухум олиб келди. Негадир жувон менга ҳамон боягидек душманлик билан қаради.

— Оёқ остидан пари тур, устинигга қайноқ чой тўқвараман!— деди у ғазаб билан чойнак кўтариб ёнимдан ўта туриб.

— Чой ичасами?— деб сўради ундан Жорж.

— Ичмайман, ичдим.

— Ичган бўлсанг, нега бақрайиб турибсан, жўна!— деди қўполлик билан Жорж.

Жувон эшикни жаҳл билан қаттиқ ёпиб, чиқиб кетди.

— Чойта тобинг қалай?— деди менга Жорж.

— Йўқ, раҳмат, сэр.

— Ихтиёринг, бўлмаса мен ичиб, сен билан гаплашман, ўтириб эшишт. Қаердан сен?

Бу саволни кутмаган эдим. Нима деб жавоб берсам экан? Клеркенуэлдан десамми, Кемберуэлдан десамми ёнки Уентфорд кўчасидан десамми? Жорж нима деиниши билмай турганимни сезди.

— Истамасанг, айтмай қўя қол,— деди у,— менга барабир. Уйинг бор-йўқлигини билсан бўлади. Ота-онанг борми?

— Уйдан қочганман, бормайман.

— Нега?

— Ўлгудек калтаклардилар, шунинг учун.

— Э-э! Жуда соз, боришингнинг ҳожати ҳам йўқ.

Шу ерда яшайверасан.

— Шу ерда?

— Ҳа, сени ўзим шогирдликка оламан. Овқат бераман, ётоқ бераман, менда ишлайверасан.

— Нима қиласман?

— Икки ой нима иш қилган бўлсанг, бугун сени қандай иш устида ушлаган бўлсан, шуни қиласан. Бугун кўрдим, унчалик эпчил бўлмасанг ҳам менга ёқ-

динг; бир оз таълим олсанг, сендан жуда уста кисавур чиқади. Шу вақтгача омадинг келган экан, бироқ доим омадга ишонавермаслик керак. Бу ишнинг санъатини эгаллаб олиш лозим. Сен албатта мени билмайсан. Лекин истаган полициячидан, Жорж Гапкинс ким, деб сўрасанг у сенга: «А! У машҳур ўғриларнинг тарбиячиси, билмай бўладими уни!»— деб жавоб беради. Мен сени ўз тарбиямга олмоқчиман.

— Раҳмат сизга, сэр,— дедим, унга бирор нарса деб жавоб қайтаришим шартлигини ҳис қилиб.— Раҳмдил экансиз, менга ёрдам қилмоқчи экансиз, раҳмат.

— Ёрдам ҳам гапми? Мен сени баҳтли қилмоқчиман! Юзлаб кўча болаларининг сенга ҳаваси келади! Бу ерда қолсанг, бир ойдан кейини бугунги ишингни қўпол бажарганингга уяладиган бўлиб қоласан!— Шундай деб, у мен ўғирлаган кармон турган чўнтагини қўли билан кўрсатди.

— Отинг нима?

— Жим Смит...— Мен ҳақиқий исмимни айтишдан қўрқиб, менга Моулди билан Рипстон берган номни айтмоқчи бўлдим-у, тилим дудуқланиб қолди.

— Жим Смит?— дея оғзимдан гапимни илиб олди янги хўжайиним.— Жуда яхши! Қани, ростини гапир-чи, Жим: минг омадинг келгани билан ишинг юришмаган кунлар ҳам бўлгандир? Баъзан ҳамма нарса мўл-кўл, баъзан қуруқ икки қўл дейдилар-ку, ахир. Шундай эмасми? Чўнтаингда ҳамма вақт пул сероб бўлмагандир?

— Ҳа, албатта, бир кун ундоқ, бир кун мундоқ...— дедим.

— Бу маълум нарса. Энди бу ёғига қулоқ сол, билансанми, сен учун нима қилмоқчиман? Мен сенга ўз санъатимни ўргатаман, истаганингча едираман, бойвачалардек кийинтириб қўяман, харж-харажатиннга пул ҳам бериб тураман. Маъқулми?

— Маъқул ҳам гапми, жуда соз!— дедим, мистер Гапкинсга нисбатан бўлган нафратим сусаяётганини сешиб.— Бунинг эвазига мен нима қилишим жерак?

— Нима топсанг, ҳаммасини менга ғелтириб беришинг керак.

— Майли, розиман,— дедим ичимда жон-жон деб турганимни унга сездирмай, яна айниб қолишидан қўрқиб,

— Жуда соз! Бу биринчи шарт; иккинчи шарт ҳам бор: биз уйга кирганда миссис Гапкинснинг нима дегани ёдингдами?

— Бу ҳам аввалги боладан кўп турмаса керак, деганими?

— Ҳа. Илгари бу уйда яшаган бола сендан икки ёш катта эди, унинг олғирлигини кўриб, оғзинг очилиб қоларди! Менинг хонадонимда тўқиз ҳафтагина турди, холос. Ҳозир турмада, уч ойга қамалган. Сенингча қалай, турмада ётгани яхшими?

— Албатта ёмон! Нима қилиб қамалди у?

— Алдамчилиги, мендан пул яширганлиги учун! Мени алдамоқчи бўлган болалар кўп тура олмайди. Ким сидқидил бўлса, мен унга ўз отасидан яхшироқ ғамхўрлик қиласман. Унинг бошига бирор кулфат тушгудек бўлса, ҳеч нимамни аямай уни қутқариб оламан. Кимки мени алдамоқчи бўлар экан, унинг ашаддий душманиман. Ўзи турмага тушмаса, мен уни турмага тиқдираман. Тушундингми?

— Тушундим.

— Тушунган бўлсанг, жуда соз. Ҳозирча бошқа гапим йўқ. Истасанг сайр қилиб кел, истасанг театрга туш. Пулинг борми?

— Тўрт пенс пулим бор, сэр.

— Менда ҳам бир оз майда пул бор. Мана сенга уч шиллингу олти пенс. Ишимиз юришиб кетмагунча пулни аяброқ сарфламасак бўлмайди. Хайр. Соат ўн бирдан кечикмай кел.

---

## XXII

### *Эски үртогимни учратганим*

Мистер Гапкинс истаган жойимга бориш учун мени уйидан чиқазиб, орқамдан эшикни ёпиб олди. Үмримда ҳали ҳеч қаочон бунақа қизиқ аҳволни бошимдан кечирмаган әдим.

Гапкинс қанақа одам бўлди экан? Агар у ҳазиллашганида, ўз квартирасини кўрсатмасди, менга пул бермасди, ҳамма сирини очиқ гапириб ўтирмасди. У менга овқат, уст-бош беради, харж-харажатимга пул бериб туради; хўш, буларни нима учун беради? Икки ойдан бери қилаётган ишимни яна давом эттиришим учун. Қайтага энди бемалолроқ шуғулланишим мумкин, чунки қўлга тушгудек бўлсан, у қутқариб олади. Бу шартлар, албатта, мен учун ҳар жиҳатдан ҳам яхши. Яхши муоммалада бўлса, уйида яшаб юравераман, агар сал ёмон муносабатда бўлганини сезсан, қочиб кетишим осон. Роса аҳмоқ экан-ку бу мистер Гапкинс! Кўчада кета туриб, янги хўжайнининг бунчалик нодонлигидан қаҳқаҳ уриб кулиб юборишимга сал қолди.

Ҳозир қаерга борсам экан? У театрга борақол деди. Яхши бўлди, Шордич театрига бораман; бир вақтлар у ерга энг қалин ўртоқларим билан бориб турардим. Ложага билет оламан. Энди пулга хасислик қилмасам ҳам бўлади! Шундай хаёллар билан иккита сосиска, бешта апельсин олдим, бир кружка пиво ичдим-да, театрга жўнадим.

Театр олдида одам кўп эди. Бугун янги пьеса кўрсатила бошлаган экан. Севимли артистнинг бенефиси бўлгани учун ҳам одам жуда тиқилинч эди. Мен одамлар-

нинг ўртасига суқилиб бордим, кишилар тўрт томондан мени қисишар, туртишарди. Бир бола тирсагини тирайвериб, чўнтағимдаги сосискани эзib юборди. Мен уни секин туртиб, сосискани эзма, деб айтдим.

— Сосискасини гапиради-я!— деди у.— Нега уни уйингда еб келмадинг?

Бола менинг олдимда тургани учун менга юзини ўгирмай гапирди, аммо мен дарров овозидан таниб қолдим.

— Рипстон, бу сенмидинг?— деб қичқириб юбордим.

— Смитфилд! Учрашадиган кун бор экан-ку!— деб қичқириди эски дўстим.

Атрофдагиларининг рањишишларига қарамай, у менга ўгирилиб, қўлинни чўзди. Одамлар бизни театр эшигидан анча жойга суриб боришди, туртавериб, қисавериб замизи: қочиришди. Биз тўдадан аранг чиқиб олдик.

Театр эшиги олдида осиғлиқ турган катта лампа ёғдусида бир-бирнмизга тикилишдик.

— Бор экансан-ку!— деб Рипстон беҳад қувониб кетганидан мени қучоқлаб, бўғиб қўйгудек бўлди.— Сени аллақачонлар ўлиб кетган бўлса керак деб юрадим, сен эса анчагина ўсиб, олифта бўлиб қолибсан! Биз Арк остида яшаб юрган пайтдан кейин омадинг яхши юрнишиб кетганга ўхшайди-а?

Мен айтарли олифта бўлмасам-да, ҳар ҳолда кийимларим тузук эди. Иситма билан оғриған пайтимда кийган кийиммидан ўлса ўлиги ортиқ эди. Рипстонни олифта деб бўлмасди. Унинг курткаси билан иштони бир хил матодан тикилган бўлиб, жуда ифлос эди. Афт-башараси ҳам тоза эмас эди. Айниқса қўллари мени ҳайратда қолдирди. Бу қўллар илгаригидек ифлос, бундан ташқари, қавариб қадоқ бўлиб кетган эди, бу ҳолда мени уни ҳеч қачон кўрмаган эдим. У мени шу ифлос қўллари билан бўйнимдан қучганда, кўнглим қандайдир ижирғангандек бўлди.

— Нима бўлди, Смит?— деб сўради Рипстон хижожат бўлганимни пайқаб.— Мен билан учрашганингдан хурсанд эмасмисан? Э, энди билдим!— деб қичқириди у бир лаҳза кўзларини менга қадаб.— Сен ўғирликни таълаганга ўхшайсан, шунинг учун мен билан таниш-билиш бўлишни истамаяпсан. Ҳали сен билмайсан. Смиф, мени ҳам ўзгариб кетганман.

Унинг бу гапларини эшитиб кўнглим тинчимади, ак-

сінча, эски ўртоғим билан учрашганимга афсусландырдек бўлдим.

— Ўзгариб кетганиман деганинг нима деганинг, Рипстон? Қайси жиҳатдан ўзгардиинг? — деб сўрадим.

— Билсанг, ўша бемаъни ишларни ташладим. Ҳар шафасда бурчакларга беркиниб, ҳар бир қоровулдан, сотувчидан қочиб юриш ҳам ҳаёт бўлдими? Бу ерда фабрикада ишлайдиган бир бола билан танишдим. У мени Спиталфилддаги Беккерининг фабрикасинга ишга киритмоқчи бўлди ва киритиб ҳам қўйди. Осон иш эмас, албатта, ҳар ҳолда яшириниб қочиб юрмайсан киши. Ҳафтада ўн саккиз пеис оламан. Ишчилар казармасида тураман. Энг муҳими — ўртоқларим яхши.

— Моулди қани? — деб сўрадим ундан, балки у машҳур ўгри бўлиб кетгандир деган умидда.

— Моулди ўлди, — деб қисқа жавоб берди Рипстон.

— Ўлди?

— Ҳа, қишида ўлди. Юр, тезроқ театрга кирайлик, бўлмаса жойимизни тополмай қоламиз.

Мен ложага билет олганими айтиб, уни ҳам ёнимда ўтиришга таклиф этдим, ортиқча ҳақини мен тўлайман, чўнгтагимда бир шиллинг пул бор, дедим. Ҳолбуки, уч шиллингга яқин пулим бор эди, буни айтишга уялдим.

— Оббо сен-эй, бойвачча бўлиб кетибсан-ку! — деди Рипстон. — Мендан ҳам яхшироқ жойда ишлаётганга ўхшайсан. Сен газлама магазинида ишлаётган бўлсанг керак?

— Худди шундай, топдинг, — дедим эсимга келмаган хизматни топганидан қувониб.

— Демак анча вақтдан бери пул жамғариб, бугун бир яйрагинг келибди-да? — деб сўради Рипстон.

— Сен ҳамма вақт худди билгандек гапирасан, — дедим унга ростини гапиришдан чўчиб. — Юр, ложалар банд бўлиб қолмасин.

Биз серҳашам ложага ўтириб олдик, бу ерда биздан ташқари уч киши бор экан. Мен Рипстонни сосиска ва апельсин билан меҳмон қилдим, у еяётганда Моулдининг нима бўлиб ўлганлигини сўрадим.

— Бахтсизлик рўй берди: дарё қирғоғида сарой бор эди, ёдингдами, ўша саройнинг томидан йиқилиб тушди.

— Қандай қилиб?



— Эсингдами, сен иситма билан оғриган ўша кунларда аҳволимиз ёмон эди,— деди Рипстон менга энгашиб пичирлаб,— сендан кейин аҳволимиз бадтарроқ бўлди. Биз бирга ётиб юрган арава Арк остига келмай қўйди, бизни бошқа араваларга ётгани қўймадилар. Сендан иситма юқтирган деб, биздан жуда қўрқишиди. Ифлос тошлиар устида ухлашга тўғри келди. Кўчаларда ҳам аҳволимиз тобора ёмонлашаверди. Сотувчилар бизни бозордан ҳайдаб, полициячилар таъқиб остига ола бошладилар, иш топиш жуда ҳам қийин бўлди, илгаригидек ўғирлик ҳам қила олмай қолдик. Бунинг устига, об-ҳаво шундай ёмон бўлдики, тинқамизни қурилди. Рождество

байрамигача икки ойни жуда қийналиб ўтказдик. Ҳамма байрамга яхши тайёрланиб, уни хурсандлик билан ўтказади, биз-чи, биз нимани кутамиз? Моулди жуда хафа бўлди, умидсизланиб қолди. У қўл-оғини совуққа олдириб, юролмай инграиди, холос; охири жондан тўйдириб юборди. Арк остидагилар эса рождествони хуш чақчақлик билан ўтказишарди. Ҳар ким топганича пул бериб, ҳалфана қилишарди, ўт ёқиб чойми, кофеми ичишарди, папирос чекиб, ашула айтиб, кўнгил очишарди. Ўтган йили биз ҳам ҳалфанага пул берган эдик, бу йил беролмадик. Совуққа қотиб, оч ҳолимназча қоронги бурчакда ётдик, бошқалар Арк остида байрамни хуш ўтказдилар. Моулдига жуда ҳам алам қилиб кегди. У ҳамиша овқатга ўч эди, бирдан димогига қовурилган гўшт ҳиди кирса бўладими, ўзи эса эрталабдан бери оч-наҳор эди. У менга: «Тўхтаб тур, Рип, бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўлар! Етар азобланганим, ортиқ бардош қилолмайман. Пешонамга баҳт битилмаган экан, уни ўзим қўлга киритаман»— деди. Мен уни аламидан қизишиб шундай деяпти деб ўйладим. Жиддий гапирганини ҳаёлимга ҳам келтирмаган эдим. Ухлагани ётдим, у билан бошқа гаплашмадим. Ухлаб қолибман, эрталаб ўйғонсан — Моулди йўқ. Ҳайрон бўлдим: у менга айтмасдан ҳеч қаёққа кетмас эди. Ҳамма танишлардан сўрадим. Ҳеч ким кўрдим демайди. Бозорга бордим — у ерда ҳам йўқ! Соат ўнларда уйга қайтдим. Зинапоялардан тушаётганимда бир бола мендан: «Кўрдингми? Қалай аҳволи?»— деб сўради. Юрагим шув этиб кетди. «Кимни сўраяпсан?»— деб сўрадим ундан. «Ҳалиги ўртоғинг-чи,— деди,— Моулди. Ахир у касалхонада-ку, хабаринг йўқми ҳали? У қўрғошин ўғирлаш учун дарё бўйндаги саройнинг томига чиққан экан, трубадан тушаётганда йиқилиб оёқ ва қовурғалари синибли. Эртагача яшай олиши гумон эмиш...»

Рипстон ҳикояга берилиб, парда кўтарилиб, томоша бошланганини ҳам пайқамай қолди. Программанинг биринчи номери балет экан, Рипстон балетни ёқтирас мас эди. У кўз ёшларини артиб, ҳикоясини давом эттириди.

— Мен, албатта, эшитган заҳотим касалхонага югурдим, дарвозабонга ўзимни Моулдининг акаси деб танитдим, у киришга рухсат бериб, қайси палатада ётганлигини ҳамшира Мелиядан сўрашимни уқдириди.

Мен Мелияни чақирирдим, у чиқди. «Сиз Рипстон эмасмисиз?— деб сўради у мендан.— Моулди сизнинг номингизни тилидан қўймай қичқирипти. У бечора жоң бериш олдида турибди». Мелия мени Моулдининг олдиға олиб борди. Уни ювинтириб, кийинтирибдишар. У тўшакда рағиғ бўздек оқариб ётар, кўк кўзлари катта-катта бўлиб қолгаи эди. Мен илгари Моулдининг кўзлари кўк эканлигини пайқамаган эканман. Мени кўриши билан қўлинин чўзди. «Келганингга хурсандман, Рип!— деди у менга.— Энди сени кўролмасдан ўламан, деб ўйлаган эдим!» Мен унга ҳеч нарса дея олмадим, Смиф, томоғимга бир нарса тиқилиб қолгандек бўлди, тилим қовушмай қолди. Моулди эса қўлимни ҳамон қўйиб юбормасди. Тўсатдан қўлимни қаттиқ қисиб, менга тикилди, бошини бир силкитиб, сўнг жон берди.

Рипстоннинг кўз ёшлари гапиришига имкон бермади. Уни тинчлантириш учун нима қилишни билмай, қўлига катта апельсинн тутқиздим; у бир неча секунд апельсинга дарғазаб тикилиб турди-да, кейин яна гапини давом эттириди:

— Моулдининг вафоти мени қаттиқ қайғуртириди, мени бутунлай бошқа одам бўлишга унади. Мен ҳаётимни тез ўзгартиришга аҳд қилдим, аммо ҳаётимни ўзгартириш учун нима қилишни билолмасдим. Қарасам, Моулдининг ёнидаги каравотда бир ўғил бола ўтирибди, эгнида халат. Тузалаётгани сезилиб турарди — қувноқ эди. У менга: «Нега мунча қайғурасан, оғайнин?— деди.— Илож қанча, ҳаммамиз ҳам бир кун ўламиз». Дастьлаб унинг бу сўзлари мени ранжитиди. Кейин ўйлаб қарасам, унинг менга ҳеч қанақа ёмонлиги йўқ экан. Гаплашдик. У менга фабрикада ишлашини, фабрикада замбилиғалтак оёғини босиб, майиб қилганини, балодан осонгина қутулганини, яъни тузалганини гапирди. У менга ёқиб қолди, дўстлашдик. Шундай қилиб, ёлғиз ўзим Арк остига сира боргим келмай қолди. Мен унга бошдан кечирганларимни гапириб бердим. У менга: «Бу аҳволда турмага тушишинг мумкин, яхшиси бизнинг заводимизга ишга кир. Мен ёрдам бераман сенга»,— деди. Айтганини қилди, ишга киришимга ёрдамлашди. Мана менинг тарихим. Пайтини топиб, фабрикамизга бир кел, қандай яшаётганимиз билан таниш. Жуда ҳам мақтанарли эмас, албатта. Юртоқларим яхши. Қани, энди сен ўз тўғрингда гапириб бер-чи. Сенинг ишинг

жуда ҳам ўнгидан келганга ўхшайди. Бир вақтлар ўғри бўлганимга ўзимнинг ҳам ишонгим келмайди. Сен-чи?

Унинг саволига нима деб жавоб қайтаришимни билмай, бош силкитиб, гўё мен ҳам шундай деган ишорани билдиридим.

— Сен кўп қийналмаган бўлсанг керак,— деди у,— 1ез кўнишиб кетган бўлсанг керак, чунки мен билан Моулдига қараганда ўғирликни кам қилгансан. Эсимда, сенинг қўрқиб-титраб нарса ўғирлашингга қараб Моулди билан иккимиз кулардик. Сен ҳали чинакам ўғри бўлганинг йўқ эди, Смиф. Ўйлайманки, мен ва Моулди билан учрашмаганингда сен ҳеч қачон ўғирлик қилмаган бўлардинг.

— Эҳтимол,— дедим мен.

— Энди мен билан Моулдига ўхшаб ашаддий ўғри бўлмаганингга курсанд бўлсанг керақ?

— Ҳа, албатта-да. Қара, Рип, жуда яхши рақс ўйнашялти.

— Ҳа, яхши рақс! Мен, Смиф, иккаламиз ҳам тўғри йўлга кирганимиздан кейин учрашганимиз учун жуда мамнун бўлдим. Агар биримиз ўзгариб, иккинчимиз ўғри бўлиб қолганимизда, курсанд бўлмасдик! Агар мен ўзгармай, сен ўзгарганингда нима бўларди, Смиф. Сенинг, албатта, ўғри билан суҳбатлашиб ўтиргинг ҳам келмас эди. Ўйлайманки, ўшанда мен ўзимнинг ўғри эканимни иложим борича яширадим. Ёки ростиши айтардим-да, сипо ва олифталигинги масхара қиласадим.

Ҳеч қачон мен Рипстонни бунчалик сергап ва хушичақчақ бўлганини кўрмаган эдим. Унинг ҳар бир сўзи юрагимга наштардай санчилар эди. Сўнгги пайтларда виждоним овози ўчиб қолган эди, Рипстон уни яна тилга киритди. У ва Моулди билан танишлигим ғоят самиими, чинакам дўстликка айланиши мумкин эди. Моулдининг ўлими ҳақидаги хабар мени жуда хафа қилди. Бироқ энг курсанд бўлган жойим шуки, эски дўстим Рип, Моулдидан ҳам кўпроқ яхши кўрганим Рип ҳалол меҳнат билан кун кўриш йўлига, тўғри йўлга кириб олган эди. Бироқ у беихтиёр, нима деяётганига тушумаган ҳолда эски ярамни тирнаб янгилааб қўйди, мен шу қадар афсуслар еб, шу қадар уялдимки, ер ёрилса кириб кетгудек эдим. Айни бир вақтда Рипстон менинг паришонлигимни пайқашидан қўрқиб, бу азобим устига

азоб қўшилар эди. Беҳудага ташвиш тортмаган эканман. Агар у ўғри бўлиб, мен тўғри бола бўлганимда бу учрашишимиз қандай бўлишини тасавур қилиб, у жуда шодланди. Биқинимга туртиб, хохолаб кулиб, нега кулмаётганимни сўради. Нимага ҳам кулардим? Кулиш у ёқда турсин, жилмайишга ҳам мажбур қилолмасдим ўзимни. Мен тишимни тишимга қўйиб мижжа қоқмай бир нуқтага тикилиб ўтирадим. Қаҳ-қаҳ уриб кулаётган Рипстон тўсатдан кулгини тарк этди:

— Нима бўлди сенга, Смиф?— деб сўради у енгимдан тортиб.— Тобинг йўқми? Бирор нарсадан хафамисан? Магазинда ишлашинг ростми?

Шу пайт парда кўтарилди, янги пьеса томошаси бошланди. Шу баҳона билан Рипстоннинг саволини жавобсиз қолдирдим. Паришонлигимни яшириш учун театр залидаги бошқа томошабинлар сингари қарсак чала бошладим.

Пьеса жуда қизиқ, таъсирили эди. Унда жуда баҳтсиз бўлган бир кишининг ҳаёти акс эттирилган эди. Биринчи кўринишда унинг чақалоқлиги кўрсатилди, уни онаси кўтариб юради; отаси ароқхўр, разил киши бўлиб, ароқ учун доимо хотинидан пул сўрар, хотини пулим йўқ, пулни қаёқдан оламан, деса уни тутиб олиб калтаклар эди.

— Смиф, сизларнинг уйда ҳам шунаقا ҳодиса бўлган экан-а?— деб менга мурожаат қилди Рипстон биринчи кўринишдан кейин.— Отанг ойингни урганлигини айтиб берган эдинг, эсингдами?

— Эсимда,— дедим; шунда бечора онам кўз олдимга келди.

— Ҳар кимнинг ўз онаси бўлгани қандай яхши, а, Смиф?— деди Рипстон.— Айниқса ҳозир сен тўғри йўлга кирганда, онанг йўқлигидан афсусланарсан-а? Мен ҳам кампир онам олдига қайтиб борганимда қувончим бир жаҳон бўлган эди. Кампир бечора бағрига қаттиқ босиб олди. Қувонганидан юраги чиқиб кетгудек бўлди. Биласанми, юрагимда нималарни ҳис этдим ўшанда, Смиф?

Унинг бу сўзларини эшитиб, кўзларим ёшланди, Рипдан яшириб турганиларимнинг ҳаммасини унга айтиб бергим келди. Уят мени тўхтатиб турарди. Шу пайт қалбимда Гапкинсга нафрат тўлиб-тошди, унинг уйига сира қадам босгим, унга йўлиқум келмай қолди.

Пъесанинг иккинчи кўринишида Френк деган бола анчагина улғайиб қолгани кўрсатилди. Онаси ўлади, унга тобут сотиб олиш учун пули йўқлигидан бола ўғирлик қилишга мажбур бўлади. Қўлга тушади, уни турмага қамайдилар.

Учинчи кўринишида эса унинг турмадан чиққани, ўғрилар ва қароқчилар билан айш-ишрат қилгани кўрсатилади. У ичган пивосининг пулини тўлай олмайди, яна ўғирлик қилишга мажбур бўлади. Унн яна турмага ташлайдилар, оёғига қишин соладилар.

Тўртинчи кўринишида у сургунда бошқа маҳбуслар билан биргаликда меҳнат қиласди.

Бешинчи кўринишида у қамоқ муддатини ўтаб келиб, ҳалол меҳнат қилиб кун кўриш учун ўзига иш излайди, бироқ иш тополмайди. У каторгада орттирган бир танишини кўриб қолади, унинг гапига кириб, яна ёмон йўлга киради.

Олтинчи кўринишида у каторгага сургун қилинган киши билан биргаликда бир идорага кириб, қоровулни ўлдиради ва пул ўғирлайди. Полиция уларни қўлга олади. Каторгага сургун қилинган киши қочади, Френкни яна турмага ташлайдилар.

Еттинчи кўринишида эса оёқ-қўлига қишин урилган Френкнинг турмада ўтиргани кўрсатилади. У қилган ишлари учун афсусланади, руҳан жуда қийналади. Тўсатдан тушига онаси киради; онаси уни юпатиб, руҳлантиради; у йиғлади ва қатл этиладиган жойга бўйнини эгиб, мўмин бўлиб боради. Шу пайт сахнада узуи қофоз ёйлади, унда катта ҳарфлар билан: «Она меҳри чексиздир», деган сўзлар ёзилган бўлади.

---

## XXIII

### *Тұғри йүлга кариши нияттарым пүсга аққана*

Пьеса томошибинларга жуда манзур бўлди, улар узоқ қарсак чалишди. Менга шунчалик таъсири этдики, йиғлаганимни кўрсатмаслик учун Рипстонга қарай олмай турдим.

— Яхши пьеса экан-а, Смиф?— деди у менга кишинлар орасидан туртина-туртина юриб театрдан чиқаётганимизда.— Унда киши тўсатдан, бир кун ичидаги ярамас бўлиб қолмаслиги, ҳаёт уни аста-секин ярамас йўлга киришга мажбур этиши жуда яхши кўрсатилган... «Она меҳри чексиздир». Менимча, бунинг маъноси, она ҳамма вақт кечиради, дегани бўлса керак. Она ҳақида ўйласа киши ўзини енгил ҳис қиласди, яхши бўлгиси келади.

— Мен ҳам шундай фикрдаман.

— Ўгай оналар ҳақида ҳеч нарса дейишмабди, Смиф. Агар сен тушингда ўгай онангни кўрганингда, ҳеч ҳам тинчланмасдинг, тўғри эмасми?

Унинг бу гапига жавобан жилмайиб қўйдим, ҳолбуки юрагимга асло кулги сиғмас эди.

— Нима бўлди сенга? Нега йиғладинг, Смиф?— деб қолди Рип тўсатдан.

Биз кўчага чиқдик.

— Қўй энди, йиғлама,— дея мени юпатди у.— Кўнглиниг бўш экан, бунақа таъсири пьесаларга келмасанг ҳам бўларкан. Рўмолчанг йўқми? Ма, менинни ол.

У менга аллақандай кир латтани тутқизди,

— Қўй, Рип!

— Бўлди қил энди! Касалмисан дейман! Тинчлаи, қара, соат ўн бўлибди, уй-уйимизга кетишимиз керак! Менини узоқ. Сен қаерда турасан? Соат нечада ишга борасан? Хўжайинингнинг дўкони қаерда?

Сўнгги саволида ҳаяжонланиш аломатлари сезилди, назаримда менга шубҳа билан қараётгандек эди.

— Мен дўконда ишламайман,— дедим хўрсаниб-хўрсаниб,— хўжайиним ҳам йўқ.

— Хўжайнинг йўқ? Бўлмаса қандай яшяйпсан? Қаерда ишляйпсан?

— Ҳеч қаерда. Илгари биргаликда қилган ишимизни иш деб бўлармиди?

— Илгари шуғулланган иш!— деб таажжубланди Рипстон.— Наҳотки ўзгармаган бўлсанг, Смиф? Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас!

— Ҳа, ўзгардим,— деб жавоб бердим ўпкамни тутолмай.— Пъесада кўрсатилгандай, фақат бадтарроқ бўлдим.

Рипстон бир минут менга ҳайрон бўлиб тикилиб қолди. Кейин бош силкитиб қўйди. Бирор муҳимроқ нарса ўйлаганда у ҳамма вақт шундай қиласарди.

— Шунга йиғлаяпсанми, Смиф?— деб сўради у.

— Ҳа, шунга.

— Демак, тўғри йўлга киришни истар экансан-да?


— Жуда ҳам истайман! Иложи бўлса ҳозир ишга кирадим. Нима қилишни билмайман. Ёрдам берсанг яхши бўларди.

— Қандай ёрдам берай?

— Билмадим. Сен ишлаётган жойга ишга кирсам дейман...

— Ўзим ҳам шуни ўйлаган эдим!— деди ҳовлиқиб Рипстон.— Мастер билан бир гаплашиб кўрай-чи. Тезроқ жўнайлик, бизларнинг дарвозани бекитиб қўйишади.

Мен Рипстоннинг маслаҳатига киришга қаттиқ аҳд қилдим; биз кўча бўйлаб тез-тез юриб кетдик. Бир вақт қарасам, қаршимизда тўсатдан Жорж Ганкинс пайдо бўлиб қолди. У фонарга суюниб турарди. Унинг ёнига яқинлашганимда елкамга қўлинин қўйди, қараш-



лари мулойим эди. Лекин қўли елкамни оғритиб юборди.

— Ҳа-ҳа, сен ҳали бу ерда юрибсанми! — деди у миқатиб.— Сен қулоқсиз, бебош бола чиқдинг-ку, бунақа ёмон жойларда юриш уят эмасми сенга? Буни холанг билиб қолса нақ таъзирингни беради-я. Бу бемаъни танишларингдан кечасанми, йўқми? Ҳой бола,— деб у Рипстонга қаради,— агар уни яна йўлдан оздиromoқчи бўлганингни кўрсам, полицияга олиб бораман сени. Йўқол кўзимдан!

Мен Гапкинснинг ердан чиққандек пайдо бўлганини кўриб танг қолган эдим, ҳеч нарса дея олмадим. Рипстон унинг сипо кийинганини ва менга амр этаётганини кўриб, гоҳ менга, гоҳ унга ҳайрон тикиларди.

— Мен билан юрмайдиган бўлсанг, Смиф, хайр,— деди Рипстон бир лаҳза ҳайронликдан кейин.

— Хайр, Рип! Тез кунда яна учрашиб қолсак кепрак.

У кетди, кета туриб бир неча марта орқасига қараб-қараб қўйди.

— Бу ярамас бола ким? — деб сўради Жорж елкамдан қўлини олмай, мени Қэт кўчаси томон бошлаб.

— Ярамас эмас, ҳалол, тўғри бола у.

— Агар тўғри бола бўлса, сен ўғри бола билан гаплашардими? — деди мистер Гапкинс заҳарханда қилиб.— Сенга ҳам тўғри болалар билан алоқада бўлишнинг нима кераги бор? Үз йўлингни бил, мен учун ишлаётганингни эсдан чиқарма.

Мен хижолат тортиб, унга нима дейишимни билолмай қолдим. Елкамдан қўлини олди, энди мен бемалол қоча олишим, Рипстонни қувиб етишим мумкин эди. Хаёлимга тўсатдан шу фикр келди. Бироқ буни бажаришга менда ирода йўқ, чунки Жорж Гапкинс мени ғоят қўрқитиб юборган эди. Шу сабабдан Гапкинсдан ажralиб кета олмадим.

— Ўша тўғри бола билан нима ҳақда гаплашиб турган эдинглар? — деб сўради у мендан.

— Ўтган кунлар тўғрисида, — деб жавоб бердим.

— Ўтган кунлар тўғрисида? Сен тўғри бола бўлган пайтларинг ҳақидами?

— Йўқ, у ўғри бола бўлган пайтлар ҳақида.

— Э, демак у ҳам ўғри бўлган экан-да, Жим? Нима иш қиларди у ўшандা?

Ўз дўстимнинг сирини фош этиб, ахмоқлик қилиб қўйишим мумкинлигини эсладим, бироқ хўжайнининг саволини ҳам жавобсиз қолдира олмадим.

— Биз у билан Қовентгарден бозорида ўғирлик қилганимиз,— дедим.— Ўша пайтларда Арк остида бирга яшардик.

— Ҳали шундай де! Ҳозир қаерда яшайди у? Нима қиласди?

— Ишлайди.

— Ишлайди? Қора меҳнат қилиб юргандирда, бечора бола? Қанча ҳақ оларкан?

— Ҳафтада ўн саккиз пенс.

— Ўн саккиз пенс учун кун бўйн эшакдек ишлаб, душанба эрталабдан шанба кечқурунгача ифлосга беланиб юриш. Биласанми, йилига у қанча олиши мумкин? Уч фунту ўн саккиз шиллинг.

— Нима бўпти, ёмон эмас.

— Бир йиллик меҳнатига! Бугун ўмарган карманингда қанча пул бор эканини биласанми? Йигирма етти фунт! Бунча пулни у етти йил ишлаб топиши мумкин. Қўлингни совуқ сувга урмай, у етти йилда топадиган пулни сен бир минутда топганингни билса, нима дерди у? Менингча, у умри баҳтсизликда ўтаётганини тан оларди!

— Балки ваҳима ва ташвишда кўп пул топгандан кўра, меҳнат қилиб камроқ ҳақ олганим яхши дер.

— Ҳа, албатта, узум ёмон эмас-ку, гўра-да! Бу масални эшигтганимисан, Жим? Ширин-шарват бир бош узумни ололмагандан кейин, тулки шундай деган экан! Сен ўз тўгрингда кўп хаёл сураверма, Жим! Шуни эсингда тутгинки, қобилият, эпчиликсиз бугун қилган ишингни ҳеч ким қила олмайди. У бечора оғзидан ногини олдириб қўядиган бир лавашанг бола бўлса керак, шунинг учун насиҳатгўйлик қилиб юрибди. Сенга ҳам насиҳатгўйлик қилгандир, тўғрими?

— Нима десам экан. У менга ўзининг ўзгарганлигини, энди тўғри йўлга кирганлигини гапириб берди, холос.

— Албатта, ҳозирги турмушим яхши, ўтмишимни ўйласам юрагим орқамга тортиб кетади, дейди-да. Маълум гап. Сен нима дединг унга?

— Нима ҳақда?

— Менинг ҳақимда?

— Ҳеч нарса деганим йўқ!

— Нима?!

Бу пайтда биз шаҳарнинг хилват, қоронғи қисмига етган эдик. Мистер Гапкинс шундай деб қичқириб, бирдан менга ўгирилди-да, худди еб қўйгудек тикилди, унинг бу қарашида гўё ҳали мен билган нарсани инкор этмоқчи бўляпсанми, деган шубҳа бор эди. Агар менинг тўғрисида гапирганимда кўзларига тик қарай олмасдим. Кўзига кўзларимни қадаб:

— Сизнинг тўғрисида ҳеч нарса деганим йўқ,— дедим.

У бирдан хохолаб кулиб юборди.

— Гапириб ҳам кўргин эди!— деб қичқирди у.— Театрда дуч келган болага менинг ҳақимда гапириб ҳам кўр эди! Нима қилишимни ўзим билардим!

Бу гапларида гўё кулгили бир нарса бордек, у ҳамон хохолаб қуларди.

— У бола тўғрисида, биласанми, менинг фикрим қандай?— деди бир неча минутдан кейин Гапкинс.— У ўтакетган аҳмоқ. Бунинг учун айбдор эмас, албатта, лекин аҳмоқлиги шубҳасиз. Бойваччалардек мўл-кўл яшаб кўрмоқчи бўлган: иш қилмай, кўп пул орттироқчи бўлган; бироқ қобилияти етарли эмаслигини фаҳмлаб, ишлашга мажбур бўлган. Ишлаганда ҳам ҳўқиздек ишлаб, кунига уч пенсга рози бўлган. Тасаввур қилиб кўр, агар у аҳмоқ бўлмаганида, сенга ўхшаган қобилияти, таланти бўлса шунаقا ҳаёт кечиришга рози бўлармиди? Асло рози бўлмасди! Эртадан қора кечгача ишлаётганини айтиб, кимни ҳайрон қолдирмоқчи у? Қимнинг ҳаваси келаркан унга? Ҳеч қимнинг. Аксинча, ҳамма унга: «Билиб қўй, бола, ҳайдаб юбормаганимизга шукур қилиб ишлайвер. Айтганимизни қилмасанг, итдан хор қилиб қувлаб юборамиз», дейди. Мана, уйга ҳам етдик.

Шундай дея туриб у уйининг эшигини очди. Биз хонага кирдик, лаззатли таом тайёрлаб қўйилган экан: стол устига гўштили иссиқ пудинг, қовурилган картошка, икки ярқироқ стакан ва катта кўвачада пиво қўйилган эди.

Мистер Гапкинс мени ўзи билан ёнма-ён ўтиришга таклиф этди ва тарелкага хурсандлик билан лаззатли таомдан олиб қўйди. Рипстоннинг баҳтсиз ҳаёти ҳақидага хўжайнимнинг мулоҳазаларидан кейинги бу ажо-

йиб таомлар менинг тўғри йўлга кириш ҳақидаги ияятларимга рахна солди. Албатта, бечора Рип талантсиз эди. («талант» деган сўзнинг маъносига тушуммасам да, бу сўз менга ёкиб қолганди), эҳтимол, елкасига кўмир кўтариб, умрини ўтказар. Менинг йўриғим бошқа! Мендаги қобилият унда йўқ! Икки ойдан бери чўнтакка тушиб, ўз ихтиёrimcha яшаётганимни у билмайди. Бу ишининг осонлигини, пулни кўп топиш мумкинлигини билмайди! Меҳнат қилганинг учун ҳеч ким миннатдор бўлмас экан, Рипга ўхшаб қашшоқ яшашниг нима кераги бор?

— Хўш, Жим, «виждонли» ошианг нима еб тиринчилик қилишини энди билдингми? — деди мистер Гапкинс.— Бир бурда ион билан озгина моғор босган пишилоқ сотиб олади-да, оч ётаверади, шундай эмасми?

— Шундай,— дедим мен.

— Қорни тўяр-тўймас, бирор тор, ифлос жойга агарапиди-да, хурракни отаверади, а?

— Бўлмаса-чи, албатта,— деб мистер Гапкинс билан бирга кулдим.

— Қара, сенинг ётоғинг қандай яхши,— деди у бирлаҳза жимлиқдан сўнг.— У ердаги жавонда сенга кўйилак ва бошқа ички кийимлар тайёр. Кийимлар яхши, бироқ сенга лойиқ келармикин, бунисини билмадим. Соатиг борми?

— Менда соат нима қиласди? Соат ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаганман.

— Мен ҳозир олиб келаман. Шогирдларим ҳамма вақт соат тақиб юришади.

У хонадан чиқиб, бир минутдан кейин занжирли кумуш соат келтирди, уни соат чўнтағимга солиб қўйиб, қандай қилиб тоб бериб туришини ўргатди. Камзулімнинг соат чўнтағидан осилиб турган ялтироқ кумуш занжирга тикилиб, ўзим билан баҳтсиз Рип ўртасидаги фарқни тасаввур қилиб кўрдим ва Рипнинг ҳолига жуда ачиндим.

Овқатдан кейин мистер Гапкинс бир стакан грог — ўткир ароқ ичди, сигара чекди, сўнг диванга ёнбошлиб олиб, театрда қандай томоша кўрганимни сўради. Менга таъсир этган пьесанинг мазмунини бир бошдан айтиб бера бошладим. Бироқ унга пьеса мен билан Рипга таъсир этгандек таъсир этмади. У менинг ҳикоямни тез-тез бўлиб, пьесада кўрсатилган воқналарнинг

ҳаммаси уйдирма, ҳаётда бунақа воқиалар бўлмаслиги тўғрисида гапириб, луқма ташлаб турди, майна қилиб кулди. Кейин мен бу бемаъни пьесадан қаттиқ таъсирланганим учун жуда уялиб кетдим. Мистер Гапкинсга театрдан олган таассуротларимни сездирмаслик учун, унинг ҳамма гаплариға қўшилдим, ундан ҳам қаттиқроқ кулдим. Жуда иноқлашиб кетдик.

Ниҳоят, мистер Жорж соатига қаради:

— Эҳ-хе, ўтириб қолибмиз-ку! — деди у. — Соат ўн иккى бўлибди. Ухлаш керак, Жим! Шамни ол; бир лаҳза қоронғида қолсан ҳеч нарса қилмас. Сенинг хонанг тепада, ўнгда, Ечинганингдан кейин мени чақир, шамни ўзим олиб келаман.

Мен унга қувноқ кайфиятда хайрли кеч тилаб, хонадан чиқдим. Уйга қайтганимиздан кейин унинг ҳақидаги ёмон фикрим ўзгариб қолди. У менинг астойдил унга хизмат қилмоқчи эканлигимни билди. Қўлимга шамии олиб, хонамга жўнадим. Ётоқхонам яхши, озода эканлиги тўғрисида мени огоҳлантирган эди, бироқ мен бунчалик серҳашам бўлишини тасаввур ҳам қилмаган эдим. Оппоқ чойшап ёпилган каравот атрофига чиройли чит пардалар тортилган, деразаларда оқ дарпардалар, кийим-кечак турадиган жавонга кўзгу қўйилган, полда чиройли, юмшоқ гилам товланиб ётар, умивалник олдида топ-тоза, оппоқ сочиқ осиғлиқ турар эди. Ана шу хонага дадил кирдим-у, жиҳозларининг серҳашамлиги менда шубҳа туғдирди, янглишиб бошқа хонага кирдим шекилли, деб ўйладим. Балки ўнгда бошқа хона бордир? Йўқ, ҳеч қанақа хона йўқ эди, менинг ётоғим шунинг ўзи экан. Чиройли гиламни ифлос қилиб қўймай, деб оёқ кийимимни ечдим, тўшакка яқинлашдим. Бу гўзал хонада нималар борлигини яшилаб кўриб олгим келди, шунда мистер Гапкинс қоронғида шамни кутиб тургани ёдимга тушди ва мен ечиниб ётишга шошилдим.

— Бўлдим! — деб қичқирдим.— Шамни олиб кетаверинг!

Менга ҳеч ким жавоб қайтармади. Ўрнимдан туриб, эшикни очдим ва баландроқ товуш билан қичқирмоқчи бўлган ҳам эдимки, бирдан мистер Гапкинс билан биринчи кун эшикни очиб бизни уйга киритган аёлнинг товушини эшишиб қолдим. Улар, чамаси, жанжаллашаётган эдилар.

— Қачон кетиб, қачон келишимни сендан сўраб юрармидим? Топган гапини қара-я. Сенга айтяпман-ку, ишим бор, боришим керак.

— Кеча ҳам кетдинг, уч кундан бери ишинг шунчалик кўпми, Жорж? Ёлғон гапиряпсан? Нима қилиб юрганингни биламан! Орқангдан бораман!

— Ёлғон гапираётган бўлсам, сўраб нима қиласан? Бормасам бўлмайди, вассалом!

Овозлар тинди.

— Шамни олиб кетсангиз бўлади! — деб қичқирдим.

Бир минутдан кейин Жорж менинг олдимга келдида, шамни олиб, ҳеч нарса демасдан чиқиб кетди. Орадан бироз вақт ўтгач, мен кўча эшиги жаҳл билан қаттиқ ёпилганини эшитдим.

Мистер Гапкинснинг хотини билан уришгани парвойимга ҳам келмади. Мистер Гапкинс қаергадир бормоқчи экан, хотини қаршилик қилибди — менга нима? Юмшоқ, яхшигина каравотимга ётиб олиб, энди кўзим уйқуга кетган экан, бирдан хонамнинг эшигини бирор тиқирлатаётганини эшитиб қолдим.

— Ким у? — деб сўрадим.

— Кийиниб, пастга туш, бола, сенга айтадиган гапим бор.

Бу миссис Гапкинснинг овози эди. У эшикни очди, ёқилган шамни хонамнинг полига қўйди-да, бир оғиз ҳам гап гапирмай чиқиб кетди.

---

## XXIV

### *Миссис Гапкинснинг менга кўнгилсиз гаплар айтгани*

Миссис Гапкинснинг фармойишини бажармай иложим йўқ эди. Ахир у хўжайнининг хотини эди-да. Сакраб ўрнимдан туриб, кийина бошладим.

— Этигингни кийиб ўтирма, жойида тураверсин!— деб қичқирди у зинапоядан.

Унинг бу янги фармойиши мени бироз тинчлантириди. Бу хонадонга келганимда у мени совуқ кутиб олганни кўз ўнгимда эди, энди Жорж уйда йўқлигига мени уйдан ҳайдаб юборади шекилли, деб қўрқаётган эдим, этикни кийма деганидан кейин, мени ҳайдамас экан, деб бироз кўнглим тинчиди.

Пастга тушиб, унинг меҳмонхонада ёлғиз ўтирганини, кўзлари йигидан қизариб, шишганилигини кўрдим.

— Киравер!— деб қичқирди у бесабрлик билан, оstonада ҳайрон бўлиб турганимни кўриб.— Кир, эшикни ёп.

Кўрқа-писа, оёғимни аста босиб ичкарига кирдим.

— Яқинроқ кел, шамни столга қўй, мен сени яхшироқ кўрай: ахир, яхшироқ кўрганим ҳам йўқ сени.

Мен ҳақда бошіга қандай фикрлар келганини билмайман, аммо йигидан қизарган кўзларини менга жиддий тикканини кўриб, у масти бўлса керак, деб ўйладим.

— Ўтир,— деди у, мени яхшилаб кўрикдан ўтказгандан кейин,— менга айт-чи, қанақа боласан ўзинг?

— Қанақа бола бўлардим?— дедим нима дейишимни билмай.

— Сенинг ҳам илгари уйимизда яшаган шумтакалар-дек безорилик суяк-суягингга сингиб кетганми?

У кўзларини менга қадади. Нима дейишими билмай, қизара бошладим. Албатта, мен яхши бола бўлганимда мистер Гапкинс менинг уйига олиб келмаган бўларди!

— Безорилик суяк-суягига сингиб кетган деганингизга тушунмадим,— дедим.— Унчалик бўлмасам керак деб ўйлайман. Яхшиси, менинг кимлигимни мистер Гапкинсдан сўранг.

— Кўпдан бери ўғирлик билан шуғулланасанми?

— Бир неча ҳафтадан бери.

— Атиги-я! Турмада кўп ётганмисан?

— Ҳеч ётган эмасман.

— Ҳеч! Онанг борми?

— Бор эди. Ёшлигимда ўлган.

— Отанг-чи?

— Билмайман, балки у ҳам ўлгандир; тирик бўлса ҳам барибир менга.

— Отанг ўгридир-да? Умри турмада ўтаётгандир-да?

— Турмада? Ким ўйлаб чиқарди буни? Бу гапни ўзи эшитса айтган кишининг боплаб таъзирини бериб қўярди! Отам ҳалол, тўғри одам!

Аччиғим чиққанидан унинг кўзига тик қарадим. У жилмайиб қўйди.

— Нега тўғри бўлиб қолдинг бўлмаса?— деб сўради мисис Гапкинс.— Жорж билан қандай танишдинг? У маъқул бўлиб қолдими сенга?

— Ҳа, жуда ҳам,— дедим ҳовлиқиб.— Жуда яхши одам экан!

— Жуда яхши одам?— деб қичқирди у заҳарханда билан.— Кимлигини сенга айтиб берайми? У сени астасекин ўраб олиб, қонингни сўрадиган ўргимчак!

— Қонимни?

Мисис Гапкинснинг куйиб-пишиб гапираётганидан юрагим шув этиб кетди.

— Ҳа, ким қўлига тушса, қонини сўради! У қонхўр! Хўш, ўзинг айт-чи, бўлмаса сени нега олиб келди?



Жорж Гапкинс мени бу ёрга нима учун олиб келганини хотини билмаса, мен айтиб қўйсам, у мендан хафа бўлиши турган гап эди. Борди-ю, мени нима учун олиб келганини бу хотин билса, унга бу тўғрида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. У эри билан уришиб қолган, шунинг учун мени эри билан қарама-қарши қилиб қўймоқчи бўлса жерак, деб ўйладим. Бироқ миссис Беркнинг айёрликларини хотирлаб, эҳтиёт бўлнишга уриндим: хўжайинимга қарши бирор ёмон гап гапириб қўйсам, эртагаёқ эр-хотин ярашиб қолганларидан кейин унга ҳаммасини гапириб беради. Бундан ташқари, аёлнинг маст эмаслигини пайқаганимдан кейин, ундан янада кўпроқ қўрқа бошладим. Буларнинг ҳаммаси аста эшик томон сурилиб, қулай фурсатда юқорига қочиб чиқиб, хонамни устимдан бекитиб олиб ётишга ундарди.

— Биз у билан иноқлашиб қолдик,— дедим иложи борича юмшоқроқ гапиришга ҳаракат қилиб,— мен жуда мамнунман; агар бошқа гап бўлса, бу ҳақда эрталаб гаплашармиз.

У менга ачинаётгандигини ифодаловчи қараш билан бир неча секунд тикилиб турди, бу ҳол мени бадтарроқ довдиратиб қўйди.

— Уни билмаганинг туфайли мамнунлигингни айтатётган бўлсанг яхши-я,— деди у.— Мамнун эмиш! Эҳтимол, бир неча ёй ёки бир неча йил турмада ётишингдан мамнун бўлаётгандирсан! Ўзинг ва қариндошларининг шаънига бир умр доғ бўлиб тушадиган ном ортириб олишингдан мамнун бўлаётгандирсан! Фараз қилайлик, отанг ҳам, онанг ҳам йўқ бўлсин; ўғирлик қилганинг учун турмага қамаганларида кўз олдингга келадиган, сенга иисбатан яхши муомалада бўлган бирор кишинг ҳам йўқми?

Ҳа, албатта, шунаقا кишим бор эди, Миссис Уинкшип ёдимга тушди. У ва Марта мени яхши кутиб, с вқатлантириб, кийинтириб, эркалаб бошимни силаган кеча ёдимга тушди. Миссис Уинкшип менинг тўғри, виждонли бўла бўлишимни умид қилган эди, агар ўғирлиқ туфайли менинг турмага тушганлигимни эшишиб қолса, унга жуда ҳам ёмон таъсир этиши ҳақида ўйладим. Бироқ нега энди турмадан қўрқаман? Ахир Жорж Гапкинс ҳар қандай баҳтсизликдан сақлаб қолажаги ҳақида ваъда берди-ку менга.

— Мен турмага тушмайман,— дедим.— Мен бу иш

билин шуғуллана бошлаганимга икки ойдан өшди, бирор марта ҳам қўлга тушмадим. Қайта у пайтларда менга ҳеч ким ёрдам бермас эди.

— Энди ёрдамчи топдим дегин! — деди миссис Гапкинс. — У сени турмада узоқ вақт ётқизишига ёрлам беради, холос. Бу унинг доимий ҳунари. У менга: «Эскилардан қутулмай туриб, янгилари билан ҳеч ҳам иш бошламайман», — деб минг марта таъкидлаган. Ҳар бир бола то полицияга маълум бўлгунича, таъқиб остига олингунича унинг қўли остида хизмат қилади. Гапимга энди тушундингми?

Буни тушуммай бўлармиди!

— Мистер Гапкинс менга бошқача гапирган элику, — дедим, — бошингга бирор кулфат тушгудек бўлса ҳар қанча пулни аямай сени қутқариб оламан, деб ваъда берган эди.

— Ваъда берган эмиш! Бу газанда ёлғончининг ваъдаларига ишониб бўладими? Менга қара, бола. Сенга кўп нарсани гапириб бердим. Эртага эримга айтиб қўйгудек бўлсанг, у мени ўлгунча калтаклайди. Унинг калтагини еганман. Энди барибир менга, бунақа турмуш жонимга тегди!

У бошини стол устига қўйиб, аччиқ-зичиқ йиглади, унга раҳмим келди, кўзларимдан ёш томчилади.

— Мендан қўрқманг, хавотир бўлманг, — дедим унга яқинлашиб. — Мен унга ҳеч нарсани гапирмайман. Менга яхшилик қилган кишига ёмонлик қиласидиган одатим йўқ.

— Мен сенга яхшилик қилмоқчиман, — деди у, кўз ёши билан ювилган юзини столдан кўтариб. — Сенга гапирганларимнинг ҳаммаси рост гап, ҳақ гап!

— Сизга ишонаман, фақат нима қилиш тўғрисида менга маслаҳат беринг.

— Ўрнигга бориб ёт, ўзинг ўйлаб кўр. Бу ердан қочганингдан кейин қаерга боришинг мумкинлиги тўғрисида ўйла.

— Борди-ю, мен қочсам, у мени тутиб олса-чи, нима дейсиз?

— Шундай жойни ўйлаб топгинки, у сени излаб топа олмасин. Бор, ётиб олиб шу ҳақда ўйла. Хайр.

Чуқур хаёлга ботганимча ўз хонамга қайтдим. «Бор, ётиб олиб шу ҳақда ўйла» дейиш унга осон эди. Бугунги ғалати ҳодисалардан кейин бошим шундай ғовлаб

кетган эдикى, нимани ўйлашимни ҳам билмасдим. Менга фақат бир нарса равшан эди. Миссис Гапкинс менга ҳақ гапни айтди: унинг эри разил одам эди, агар бу ерда қолсам, шўрим қуриши турган гап. Қочишим көрак, бироқ қаерга? Қаерга қочсам у мени излаб тополмайди? Бу масалани ҳал қила олмадим. «Яхшиин ухлаб олай,— дедим ўзимга-ўзим,— бу ҳақда эртага миссис Гапкинснинг ўзидан тузукроқ маслаҳат оларман. У менга бирор маслаҳат берар».

Эртаси куни эрталаб уйғониб, кечак мистер Гапкинс менга совға қилган чиройли соатга қарасам, соат 8 бўлибди. Мистер Гапкинснинг уйга қай вақтда қайтганини билмадим, бироқ ҳозир зинапояда унинг этик фарчини эшитдим, демак у уйда экан. У мени чақирап деб кутган эдим, лекин ҳеч нарса демай хонам олдидан ўтиб кетди, бир неча минутдан кейин эса уйдан чиқиб кетаётганини пайқадим. Ўрнимдан тургач, нима қилишим кераклиги ҳақида ўйлаб ётган эдим, тўсатдан кўча томондаги эшик очилиб, зинапояда икки эркакнинг оёқ товуши қулоғимга чалинди. Орадан кўп ўтмай Жорж Гапкинс менинг хонамга кирди.

— Хўш, Жим,— деди у,— бугун сен ҳам ошпаз, ҳам хизматкор бўладиганга ўхшайсан: хотиним касал бўлиб қолди.

— Қаттиқ касалмилар, сэр?— деб сўрадим унинг юзиидаги кечаги ғалати ҳолатни хотирлаб.

— Қаттиқ касал бўлиб қолди, ҳозир докторга борган эдим. Доктор тиф бошланяпти деди.

Миссис Гапкинснинг касали чиндан ҳам оғир экан, роса уч ҳафтага чўзилди. Бу давр ичада уни бирор марта ҳам кўрмадим. Мистер Гапкинс қандайдир кампирни ёллади, кампир унга қараб, овқат тайёрлаб турди, уй ишларини қылди, мен эса унга кўмаклашиб юрдим. Бошқа ишим ҳам йўқ эди. Хўжайним ваъдасини бажармади: ҳунаримнинг позик томонларини ўргатиш унинг хаёлига ҳам келмади. Тиф касали юқиб қолишидан қўрқиб, деярли уйда ўтирмасди. У ёшхонада дебразани очиб қўйиб, ҳадеб спиртли банкани ҳидлаб, мен билан овқатланарди. Шундан кейин чиқиб кетар, уйга жуда кеч қайтарди. Шу ошхонадаги диванда ухларди.

Турмушим ёмон эмас эди. Яхши овқатлар ер эдим. Агар сўрасам хўжайним ҳамма вақт майда пул бериб

туар, кечқурунлари соат 6 дан 10 гача истаган жо-  
йимга бориб томоша қилиб келишимга рухсат этарди. У  
менга ўғирликинг нозик томонларини ўргатмагани  
устига, ҳар куни эрталаб уйдан чиқиб кета турди:  
«Ҳеч қанақа иш қилма, бирор ёққа кета кўрма. Зерик-  
санг театрга ёки концертга бор. Агар пул керак бўлса,  
мендан ол, ўғирлик қилма»,— дерди. Шундай қилиб,  
мен миссис Гапкинс берган маслаҳатни эсдан чиқарма-  
ган бўлсам ҳам, ҳозир бу ердан қочишни аҳмоқлик  
деб билардим. Ўндан ташқари, гарчи касал бе-  
камни кўрмайтган бўлсам ҳам у менга кампир орқа-  
ли майдадчидаги топшириқлар бориб туарди. Мен  
унинг хизматларини бажариб турдим, шунинг учун  
ҳам касал пайтида кетиб қолишни ўзимга эп билма-  
дим.

Уч ҳафтадан кейин миссис Гапкинс оёққа туриб,  
хонасидан чиқди. У ҳаддан ташқари ориқлаган, ранги  
оқарган, узун соchlари қисқа қилиб кесилган бўлиб,  
бошига чепчик ўраб олган эди. У шунчалик ўзгариб  
кетган эдикни, зўрға танидим. Мистер Гапкинс икки  
ҳафтадан буён хотинини кўрмаган эди, у ҳам ҳайратда  
қолди.

— Жуда ҳам бадбашара бўлиб қолибсан-ку!— деди  
у.— Мен сенинг ўринингда бўлганимда бунақа афт-ба-  
шара билан уйдан сира чиқмас эдим.

— Сенинг жонингга тегиш учун бундан ўи ҳисса  
ёмонроқ бўлишга ҳам рози эдим!— деб жавоб берди у  
жаҳл аралаш.

Миссис Гапкинс касал бўлгани билан эридан ав-  
валгидаи кўнгилсиз экани маълум бўлди.

Эртаси кун кечқурун уйга қайтганимда эр-хотин  
ошхонада қандайдир икки эркак билан ўтирганини кў-  
риб, таажжубландим. Улар нима тўғрисидадир қувноқ  
гапиришар, кулишарди, афтидан ярашишгандек эди.  
Лекин, ҳар ҳолда, ишга онд гаплардан гаплашмоқда  
эдилар, чунки мен киришим билан мистер Гапкинс ме-  
ни ўз ҳамсуҳбатларига кўрсатди. Улар эса бошдаи-оёқ  
мени кузатдилар, шундан кейин менга ё ётиб ухла, ё  
томуша қилиб кел, деб фармойиш берилди. Мен бирин-  
чисини танладим.

Қанча ухлаганимни билмайман, кимчингдир қўлк  
елкамдан туртиб уйғотди. Миссис Гапкинснинг товуши  
қулоғимга чалинди:

- Ухлаяпсанми, Жим?
- Йўқ, ухлаётганим йўқ.
- Мен касал бўлмасимдан олдин сенга айтган гапим ҳақида ўйлаб кўрдингми?
- Ҳа, кўп марта ўйладим, қайта-қайта ўйладим.
- Хўш, қандай қарорга келдинг? Маслаҳатимга кирасанми?
- Ҳа, албатта, фақат қаерга қочиб кетишимни билмайман.

— Тезроқ ўйлаб ҳал қилишинг керак. Агар эртага қочиб кетолмасанг, бир умр хор бўласач. Бугун ошхонада эримнинг икки ошнасини — Туинер ва Джон Армитежларни кўрдингми? Улар шериклика бир шум иш бошлишмоқчи, сени ҳам ёрдамчиликка олиб кетишимоқчи.

— Нима қилишмоқчи?

— Босқинчиллик. Жим... Бошқа сўрама. Бу эртага ёки индинга кечаси қилинади... Фульгетда, Прескет кўчасидаги 12-ўйда кекса мистер Женетнинг уйини босишимоқчи. Гапимга қулоқ сол, эртага эрталаб, ўрнингдан туришинг билан ўша ёққа бор, ҳаммасини гапириб бер. Фақат менинг тўғримда ҳеч нарса дема. Тушунднингми?

— Тушундим, хотиржам бўлинг! — деб жавоб бердим.

— Мен жуда хотиржамман, яхши бола эканлигинги биламан, яхшиликка ёмонлик қилмайсан. Хайр, мен пастга тушишим керак, улар ҳозир келиб қолишади.— У менинг юзимни иссиқ қўли билан силаб қўйди-да, чиқиб кетди.

Хуллас, мистер Гапкинс қўлида хизмат қиласиган куним келди! Шуниси таажжубланарли эдик, босқинчиллик қилишдек муҳим ишда у мени ёрдамчи қилиб олиб кетмоқчи, ҳолбуки ваъдасига кўра менга ҳеч нарсани ўргатмаган эди. Миссис Гапкинснинг гаплари эса мени янада таажжублантиради. Бу ёмон ишда у менинг ҳамкор бўлишимни истамаса, қочиб кетишимни хоҳлаган бўлса, нега эрининг ошналарини ва ўғирлик қилинадиган уйнинг адресини айтди? Ана шундай хаёлларга берилган ҳолда тўшакда у ёнимдан-бу ёнимга ағанаб ётдим, бироқ миям ғовлаб, саволларнинг бирор тасига ҳам қатъий жавоб топа олмадим. Хуллас, шундай қарорга келдим: эртага эрталаб, ўрнингдан туришим билан Смитфилдга югураман, у ерда Рипстонни

излаб топиб, ҳаммасини гапириб бераман, ундан масла-  
ҳат оламан. Даставвал миссис Уинкшип билан масла-  
ҳатлашмоқчи бўлдим, бироқ унинг уйи олдида отамга  
дуч келишдан, қолаверса Бельчернивидан кетганим  
учун унинг жаҳли чиқишидан қўрқиб, бу фикримдан  
воз кечдим.

## XXV

### *Жорж Гапкинс қўлидан кетганим. Воқиа тамом бўлади*

Эртаси жун эрталаб, нонуштадан сўнг Жорж Гапкинс менга деди:

— Бугун кўп лақиллаб юриб, ўзинигни чарчатиб қўйма. Кечқурун ишим бор сенга.

— Қанақа иш?— деб сўрадим ундан ҳеч нарса билмагандек.

— Сенга барибир эмасми? Кейин биласан.

Орадан бироз вақт ўтгач, у мени ҳовлининг нариги бурчагидаги кир ювнладиган кичик хонага чақирди. Бу хона билан ошхона ўртасидаги деворда тешик бор эди.

— Бир кўр-чи, шу тешикдан ўта оласанми?— деб сўради у.

Мен елкамни зўрға тиқиб, ошхонага дўп этиб сакраб тушдим.

— Яна ҳам қаттиқроқ дупурласанг бўларди,— деди у кесатиб.

Бу гал иложи борича аста ҳаракат қилишга интилиб, тешикдан яна бу ёққа ўтдим.

— Мана бу жойида,— деди у.— Оёқ учida юриб, яна бир ўт-чи.

Шу тарзда тешикдан йигирма мартача у ёқдан-бу ёққа ўтдим.

— Жуда соз!— деди Жорж ниҳоят.— Этигинг қанақа, Жим?

— Мустаҳкам, қалин тагчармли, сэр.

— Бунақа этик ярамайди. Сенга ечиш ва кийиш осонроқ бўлган бир жуфт енгил ботинка сотиб олиш

керак. Бор, шунақасидан сотиб ол. Бишопстритда оёқ кийим дўкони бор.

У менга ўн шиллинг берди, мен дўконга йўл олдим. Ошхонанинг ёнидан ўтишга тўғри келарди. Миссис Гапкинс мени кўриб қолди-да, бошини иргаб астагина: «Жўнаб қол! Вақтни ўтказма!»— деди. Унга жавобан мен бошимни силкиб, «хўп» деган ишорани қилдим.

У мени кечакаладиганда алдамаганинг равшан бўлди. Менинг нима учун зарурлигимни мистер Гапкинс айтмади, аммо бирор жойга бориб деразадан тушишимни, ўғирликда шундай қилиб қатнашишимни сезин турган эдим. Ўғирлик қилиб қўлга тушганда бадарға қилишларини ҳам билардим. Демак, иложи борича тезроқ қочиб қутулмасам, бир умрга ҳалок бўлардим.

Бошқа ҳеч нарса ҳақида ўйлаб турмай, Смитфилдга томон йўл олдим.

Рипстон ишлаётган фабриканинг қаердалигини аниқ билмасдим. Беккернинг пўлат қўйиш фабрикаси қаерда, деб сўрасам, менга кўрсатишар, деган фикрга келдим. Соат ўн иккига яқинлашган эди. Демак, ишчилар тезда овқатланишга чиқадилар. Дарвоза олдида Риппин пойлаб туриб, у билан гаплашаман.

Фабриканни менга кўрсатиб қўйнишди. Дарвоза олдида қўлларига тугунча тутган аёллар кўп эди. Улар, мазмунни, фабриканинг ўзида овқатланадиган ишчиларга овқат келтиришган эди.

«Рипстонни кўчага чиқазишмаса-я?— деб ўйладим.— Унда нима қиласман?»

Шу пайт қўнғироқ чалинди, ишчилар фабрика ҳовлисига дув отилиб, дарвоза томон шошилишди. Баъзилари хотинларининг қўлидан тугунчаларни олиши, баъзилари эса қоровулхона орқали кўчага чиқишли.

Бирдан дарвоза эшиги ланг очилди-ю, бир гуруҳ болалар кўчага ёйилди. Уларнинг орасида Рипстон ҳам бор эди. Дастлаб у мени пайқамади, мен чақирганимдан кейин қувониб менга томон югурди:

— Э, Смиф, дўстим! Келганинг жуда соз бўлди! Чарли, мен гапириб берган бола мана шу,— деб мурожаат қилди у ўз ўртоғига.— Хўш, Смиф, ошхонага кетдик, ўша ерда гаплашиб оламиз. Бир ярим соат бўшмиз.

. Бегона боланинг олдида гапиргим келмади, бироқ бошқа иложим йўқ эди. Мен Рипга имо қилдим, у ҳеч

нарсани тушунмади. Шундан сўнг: «Барибир эмасми, у ўзининг ўртоғидан ҳеч нарсани яширмаса керак. Гапкинснинг номини тилга олмасам бўлди-да»,— деб ўйладим.

Ошхонага келиб, алоҳида столчада бурчакда ўтиридик. Рипстон ўртоғи билан чўнтакларидан қандайдир билетлар чиқаришиб, унга бир тарелкадан шўрва ва бир бўлакдан нон олишди. Мен, қорним тўқ, дедим.

Улар овқатлангунларича хўжайинимнинг хотини менга гапирган гапларни гапириб бердим.

— Эҳ ярамас!— деди Рипстон, мен гапимни тугатгач.— Осишса ҳам кам уни! Узи қилганиликни қилиб, бошқаларни фалокатга қўяди! Ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бориб полицияга айт!

— Йўқ, бундай қилмаслик керак, Рип!— деди унинг сўзини бўлиб, гапларимга диққат билан қулоқ солиб ўтирган Чарли.— Полицияга бориши ярамайди. Сенинг ишчилар орасига яқинда кирганинг шундан ҳам билиниб турибди, Рип. Чинакам ишчи ҳеч қачон полиция билан алоқада бўлмайди.

— Демак, сенингча, у истаганича босқинчилик қиласверсин, одам ўлдираверсинми?

— Йўқ! Полициясиз ҳам иложини топиш мумкин. Улар кимнинг уйига ўғирликка боришини билмайсанми?— деб сўради мендан Чарли.

— Биламан,— деб жавоб қайтардим.

— Жуда соз! Ҳозир уникига бориб, огоҳлантириб қўй. Раҳмат айтади сенга. Агар унга ёрдам керак бўлиб қолса, ҳар қандай ўгрининг ҳам адабини бериб қўядиган йигитларни бошлаб боришим мумкин.

Мен Рипстонга қарадим.

— Шу гап маъқулга ўхшайди, Смиф,— деди у менга паришон ҳолда.— Тўғри гап: шундай қилганинг яхши. Қўрқма. Агар ўзинг бориб огоҳлантиранг, кечқурун улар билан бирга бўлганингда, сени ўғри ҳисобламайди.

— Гапни кўп чўзма,— деди Чарли шошириб.— Иш жиддий. У одам ҳозирлик кўриши керак.

Ўрнимдан турдим. Албатта боришим керак эди, бироқ мени жуда ҳам ваҳима босди.

— Нима бўлди сенга, Смиф?— деди кулиб Рипстон.— Қўрқяпсан шекилли? Чарли!— деди кейин у ўр-

тогига қараб.— Үзинг бирга борсанг-чи, яна бир соат вақтимиз бор. Бир ўзи қўрқяпти.

— Майли, бораман,— деди Чарли розиллик билдириб. Афтидан, унга катта кишидан ёрдам сўрагандек мурожаат қилинаётганидан хурсанд эди.

Рипстон билан хайрлашдим, биз тез юриб Фульгетга жўнадик. Фульгет узоқ эмас, фабрика жойлашган томонда эди.

Ҳар эҳтимолга қарши қўшни дўйондордан мистер Женет қаерда туришини яна сўраб олдик. У бизга, Женет ҳақиқатан ҳам 12-үйда бир ўзи яшашини айтди. У кекса денгизчи бўлиб, кўпдан бери шу уйда турар экан.

12-үй кичкина боғчанинг ичкарисида бўлиб, кўча эшигги очиқ экан. Биз қўнфироқ бергач, новчагина йигитча чиқди.

— Мистер Женет уйдамилар?— деди дадил Чарли.

— Отам уйда,— деб жавоб берди у.— Нима ишларингиз бор? У денгизга чиқмайдиган бўлиб кетган.

У бизни, афтидан, кемага ёлланиш учун келишган, деб ўйлади.

— Муҳим иш билан келдик, мистер Женетни кўришимиз керак,— деди Чарли унга.

Йигит бизга бошдан-оёқ таажжубланиб қараб чиқди-да, ҳеч нарса демай, уйига кириб кетди.

— Ёлгиз дейишган эди, каттакон ўғли бор экан-у!— деди менга Чарли.

Гаплашишга тобим йўқ, ҳаяжоним борган сари ортиб бормоқда эди. Гапкинсга хиёнат қилиб тўғри иш қилаётганимкинман? Ахир, мистер Женет полицияга маълум қилса, уни бадарға қилишлари мумкин. Балки у менинг гапларимга ишонмай, менинг ўзимни полицияга юбортирас? Эшик очилди, йигит бизнинг ичкарига киришимизни таклиф қилди.

Мистер Женет бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. У чорпаҳил, қорамағиздан келган, қалин соchlари оқариб кетган чол эди. Бизни қаршисига ўтқазди ва нима ишимиз борлигини сўради.

Шунда Чарли бироз довдиради. У менга қараб деди:

— Бу бола, сэр, сизга ҳаммасини гапириб беради. Ишонинг. Ҳаммаси тўғри. Бушга мен ҳам кафилман.

Мистер Женет жилмайди, кейин менга жиддий тикилиб, деди:



— Хўш, гапир-чи! Эшитаман.

Мен бироз тутилиб, дудуқланиб гапира бошладим. У менинг сўзимни бўлмади. Кейин аста-секин ўзимни тутуб олиб, бугун кечқурун нима воқиа бўлишини унга гапириб бердим. Гапим тугагач, у паст овозда деди:

— Болаларим ҳам баҳтимга худди шу куни қелишди-да!  
Шу сўзларни айтатурниб у эшикни очди-да:

— Джон, буёқقا кел, Томни ҳам чақир,— деб қичқириди.

Бир нафасдан кейин хонага баланд бўйли икки йигит кирди.

— Нима гап, ота?— деб сўради биз дастлаб кўргаи йигит.— Тинчликми?

Мистер Женет мендан эшитганларининг ҳаммасини уларга айтди. Улар менга яна бир неча савол беришди. Шундан кейин мистер Женет уларни деразанинг олдига чақириди, бир неча минут ўзаро маслаҳатлашишди. Чол яна менинг олдимга келиб, сўради:

— Кэт кўчасидан чиққанингда соат неча эди?

Ошхонага қараб, кўзим миссис Гапкинсга тушганида соат ўн бир ярим эканлигини хотирладим.

— Ҳозир бирдан чорак ўтди,— деди мистер Женет.— У сенга, ботинка сотиб олгач, уйга қайт деганими?

— Шундай, сэр?

— Шундай бўлса, тезроқ югар, у қанақасини айтган бўлса, шунаقا ботинка сотиб ол.

— Ахир, сэр, ҳали этикларим бақувват-ку,— дедим мен.

Мистер Женет жилмайди-да:

— Сен яхши болага ўхшайсан,— деди.— Ёмон ишдан ўз вақтида юз ўгириб жуда яхши қилибсан. Бу сенинг баҳтинг. Ботинка олишинг билан Кэт кўчасига югор.

— Яна ўша ёққами? Жорж Гапкинснинг олдига-я?  
Нега энди, сэр?

— Қўявер, ўғирлик қилиш учун уйимга келаверсин,— деди мистер Женет.— Сен ақлли боласан, нима учунлигини тушунасан, Сен ҳеч нарсадан қўрқма,— деб

Қўшиб қўйди у, менинг қўрқаётганлигини пайқаб.— У ярамасларга шерик бўлганингда таъзириингни ердинг, албатта, энди бошқа гап: уларни тутишга ёрдам беряпсан, сени ҳимоя қилишга сўз бераман. Сўзимга ишон, ҳозирдан бошлаб охиригача ўғилларим билан сендан хабардор бўлаб турамиз.

Мистер Женет сўнгги сўзларини ҳижжалаб айтди, бу билан, яна менга панд бериб қўймагин, деган маънони уқдиргандек туюлди.

— Яна бир оғиз гап: сенга ишонсам бўладими?

У елкамга қўлни ташлаб, кўзларимга тикилди.

— Ишонинг, сэр,— дедим.— Менга бирор ёмон зарари тегмаса, мени қутқазиб қолишга ваъда берсангиз, айтганларингизнинг ҳаммасини қиласман.

— Жуда соз. Ўйга бор ва қаерда бўлганингни ҳеч кимга айтма. Сенга, эҳтимол, бирор кичкина деразадан ошиб тушишга тўғри келиб қолар, бироқ қўрқма, мен сени кутиб тураман. У ер қоп-қоронги бўлади, мен сочингдан ушлайман, шундан билиб оласан. Энди кетавер.

Чарли ўзининг ёрдамга тайёрлигини айтди, лекин мистер Женет унинг елкасини қоқиб деди:

— Раҳмат, йигитча. Кекса бўлсам ҳам менинг қўлларим сеникidan кучлироқ. Умримни денгизда бекор ўтказган эмасман! Ўғилларим ҳам чакана эмас. Мени якка қолдиришмайди.

Шундан кейин биз уйдан чиқдик. Чарли мен билан хайрлашиб, фабрикага кетди. Эртага тушки овқат пайтида яна унга учраб, воқиа қандай тугаганидан уни хабардор қилишимни тайинлаб қолди.

Бошимда фикрларчувалиб кетган эди; фақат бир нарсани: мистер Женетнинг айтганларини қилишим кераклигини яхши тушунар эдим. Бу билан ўзимни хавф остида қолдирмаслигимга ақлим етарди. Мен Кэт кўчасига бурилганимда Жорж Гапкинс уйда йўқ эди, эшикни хотини очди. Мени кўриб ҳайрон қолар деб ўйлаган эдим, у эса аксинча менга жиддий тикилди ва курсанд кайфиятда:

— Ие, келдингми, Жим!— деди.

— Ҳа, кетгим келмади,— дедим.

— Жуда яхши, қолганингдан хурсандман!— деди у.

— Сиз менга кет деган эдингиз-ку,— дедим таажжубланиб.

— Ҳа, кетиб яна қайтиб келибсан-ку, шунга хур-  
сандман!

Бироз жимликтан кейин у эри кечқурун ўғирликка  
борадиган жой хотиримда бор-йўқлигини мендан сўра-  
ди. Мен айтиб бердим.

— Жуда яхши, Жимми!— деди у яна ғалати ку-  
либ.— Ақлли боласан, сир сақлаш ва уни эсда тутишини  
яхши биласан! Энг муҳими ҳам шу-да, тўгри эмасми?  
Ҳа, ҳа, ҳа!

— Жуда тўгри,— дедим ва ҳаяжонланиб юқорига,  
ўз хонамга шошилдим.

Узи нима гаплигини тушунолмадим, мендан шубҳа-  
ландими, йўқми, билолмадим. Соат тўртда у кийимла-  
рини кийди-да, мени уйда қолдириб, қаёққадир чиқиб  
кетди. Соат еттига яқин Жорж Гапкинс қайтди. Даст-  
лаб у хотини уйда йўқлигидан жаҳали чиқди, кейин  
хурсанд бўлди. Чой ича туриб, мен билан ҳазиллашди,  
менга ўзини жуда жонкуяр қилиб кўрсатди. Унинг ҳа-  
зилларини эшитиш менга оғир эди. Бундан кўра мени  
сўkkани яхши эди, кўнглим тинчирди. Чойдан кейин у  
мендан:

— Фульгет кўчасини биласанми, Жим?— деб сў-  
ради.

— Билмайман,— деб жавоб бердим.

— Майли, барибир. Ботинкангни кийиб ол. Банк-  
кача пиёда бор, у ерда дилиジョンга ўтириб, Фульгетга  
етгач, кўпrik қаёқдалигини сўра, кўпrikдан ўтгач,  
учинчи кўчага бурил, у ерда пивохона бор; унга кир,  
мистер Мезон уйдами деб сўра. Тезроқ жўна.

Янги ботинкамни кийиб, диққинафас хонадан тоза  
ҳавога чиқдим, хурсанд ҳолда банкка қараб тез қадам  
ташлаб кетдим.

Мистер Гапкинс айтган кўчага соат 9 ларда етиб  
бордим. Пивохонанинг прилавкасида турган бола мис-  
тер Мезон уйида мени кутмоқда эканлигини айтди.  
Унинг уйига кирсам, Жорж Гапкинс, Туниер ва Джон  
Армитежлар қарта ўйнаб ўтиришган экан.

— Мен мистер Мезонман. Бирпас ўтиратур, Жим-  
ми,— деди уй эгаси.

Улар қарта ўйнаб, пиво ичишни давом эттириллар.  
Пивохонанинг хўжайини уларнинг олдига бир неча  
марта кириб, эски танишлардек гаплашди. Ниҳоят,  
соат ўн бир яримларда, қоронғи тушгач, кўчага чиқдик.

Жорж билан мен олдинда, қолган иккovi орқада кетди. Шу тарзда анчагина йўл босдик. Мистер Гапкинс йўл-йўлакай нима қилишим лозимлигини менга тушунтирди: кичкина деразадан киришим, девор тагидан эҳтиёткорлик билан юриб, ичкаридан эшикнинг зулғинини очишим лозим эди.

— Қўрқма,— деб қўшиб қўйди у,— хавфлироқ иш бўлганида сени ўзим билан бирга олмас эдим. Айтганларимни қила оласанми?

— Қила оламан.— дедим безгак тутгандек титраб.

— Ишни пирра қиворамиз,— деди мистер Гапкинс.— Ити ҳам йўқ, уй эгаси ҳозир хуррак отиб ётибди.

У мистер Женетнинг ҳозир ёлғиз эмаслигини билмас эди.

Тор кўчага бурилиб, тахта деворга етдик. Туниер ва Джон Армитеж бизга етиб олишди. Тахта девордан лип этиб ошиб тушдик. Йўлакдан юриб, катта қорамтирий олдига бордик. Финг деган овоз чиқармадик. Джон Армитеж қандайдир ялтироқ асбобларни буради. Туниернинг елкасига чиқиб олиб, деворда алланима қила бошлади. Орадан икки минут ўтгач, нимадир жаранглади, у ерга сакраб тушди.

— Ботинкангни еч, Жим,— деб шивирлади менга Жорж.

Қўрққанимдан дағ-дағ титраб ботинкамни ечдим. Жорж мени кўтариб, Туниернинг елкасига чиқди ва оёқларимни қандайдир тешикка тиқди.

— Бу ер тор, Жим,— деб пицирлади у.— Лекин сен ўта оласан. Қўлларингни икки ёнингга қис. Ёнбошлаб кир! Яхши! Сакра, қўрқма, баланд эмас; айтганларимни эсдан чиқазиб қўйма!

Ҳамма айтганларини қилдим, ниҳоят, пастга сакрадим. Бу ерда, кимнингдир қўли сочимдан тутди, бошқа қўл оғзимни бекитди, мени қандайдир хонага қамаб, эшикни бекитиб олдилар.

Шундан кейин нима бўлганини кўрмадим. Очилган эшикнинг секингина ғижирлаганини, оёқ товушини, бақириқ-чақириқ, Жорж Гапкинснинг баланд овозини, кимнингдир яғринига тушган калтак зарбини, дўпир-дўпир қадам ташлаш, депсинишларни эшиздим, бошқасини билмайман.



Мистер Женетнинг плани амалга ошган эди. Улар Жорж Гапкинс ва шерилкларининг боплаб адабини бернишди.

Мени омборхонадан олиб чиққанларида ўгриларнинг ном-нишони ҳам қолмаган эди. Мистер Женет қўлимни қисиб, мени эркалади, агар пароходда сузишга тўғри келганида ўзига ёрдамчи қилиб олажагини айтди.

Мен мистер Женетнинг уйида тунадим. Эртаси эрталаб яхшигина овқатлантириб, улар яна бир марта миннатдорчилик билдирилар, соат ўн иккига яқин фабрикага югурдим.

Рипстон билан Чарли звонокдан кейин деярли биринчи бўлиб отилиб чи олиб бориб, ҳаммасини ундашди.

қишиди. Мени хилват жойга бирма-бир гапириб беришга

— Балли! — деб қичқирди Рипстон, мен гапимни туттагач. Чарли ҳам хурсанд бўлиб, елкамга қоқиб қўйди. Тўғрисини айтганда, мени нега бунчалик мақтаётгандикларига тушунолмасдим. Ахир, бу воқиалар давомида киши билмас ич-ичимдан қўрқиб юрган эдим.

Мени бошқа нарса қизиқтираётган эди: Юрагим дов бермай иккиланиб Чарлига қарадим-да:

— Мен ҳам ишли бўлолармикинман? — деб сўрадим.

— Албатта! — деди у. — Балки фабрикамизда ҳозир ҳам жой бордир. Кеча мастеримиз мистер Краус, эртага бир эски печни бузамиз, унинг ўрнига янгисини қурамиз. Шунга яна бир неча бола керак бўлади, деган эди. Истасанг, мен сени тавсия этаман.

Бу менга жуда ҳам маъқул тушди.

Овқатдан кейин Чарли билан Рипстон мени мистер

Крауснинг ҳузурига олиб бордилар, у әртадан бошлаб ишга келишни таклиф қилди.

Шундай қилиб, шу кундан бошлаб «жулдур кийимли бола»ликдан чиқиб, чинакам кичкина ишчи бўлиб қолдим.

Бу янги ҳаёт мени кўп меҳнат ва машаққатларга дуч қилди. Бироқ ҳар қанча қийин бўлган бўлса ҳам энди мен илгаригидек ёлғиз эмасдим. Ўртоқларим мен билан бир сафда эди. Улар мени оғир фурсатларда қўллаб-қўлтиқладилар, биз улар билан биргаликда илк болаликларидан бошлаб меҳр нималигини, қувонч нималигини билмайдиган, хоҳ катта, хоҳ кичик жулдур кийимлиларни бирор вақт порлоқ келажакка мұяссар қилажакмиз.



## М У Н Д А Р И Ж А


### Е. Брандис. Жемс Гринвуд ва унинг «Жулдур кийимли бола» повести ҳақида

I.	Үгай она . . . . .	15
II.	Янги кулфатлар. Қочиш . . . . .	20
III.	Кечқуруп Смитфилд бозорида. Таҳлиқада қолғаним . . . . .	26
IV.	„Вевуллаш“ни машқ қилғаним. Янги танишлар . . . . .	33
V.	Арк . . . . .	39
VI.	Фипстон, Моулди ва К° ширкати . . . . .	49
VII.	Ишлай бошлаганим . . . . .	55
VIII.	Күчүкча. Мени излаганлар. Күнгилсиз туи . . . . .	65
IX.	Иш уйига тушғаним . . . . .	74
X.	Тирик қолғаним . . . . .	80
XI.	Яна Тернилл күчасыга борғаним . . . . .	87
XII.	Икки жеңильмен билан танишганим . . . . .	95
XIII.	Кўча ашулачиси бўлғаним. Эски дўст . . . . .	103
XIV.	Эски дўстим мени меҳмон қилиб, кийинтиргани . . . . .	110
XV.	Янги хўжайиним . . . . .	117
XVI.	Ургимчак ва унинг ити. Сирли қурум . . . . .	126
XVII.	Истагимнинг амалга оша бошлагани . . . . .	134
XVIII.	Театрдаги томошадан ҳам ваҳималироқ воқна . . . . .	143
XIX.	Полициядан қочганим . . . . .	151
XX.	Янги ҳулар орттирганим . . . . .	156
XXI.	Жорж Гапкинс билан танишганим . . . . .	161
XXII.	Эски ўртоғимни учратганим . . . . .	167
XXIII.	Тўғри йўлга кирниш ниятларим пучга чиққани . . . . .	176
XXIV.	Миссис Гапкинсининг менга кўнгилсиз гаплар айтгани . . . . .	184
XXV.	Жорж Гапкинс қўлидан кетганим. Воқна тамом бўлади	192

*Ҳурматли китобхонлар!*

*Бу китоб ҳақида ўз мулоҳазаларин-  
гизни бизга, қўйидаги адресга ёзиб юбо-  
ришингиизни илтимос қиласиз:*

*Тошкент, Навоий кўчаси, уй № 30  
«Еши гвардия» нашриёти.*



*На узбекском языке*

*Джемс Гринвуд*

**МАЛЕНЬКИЙ ОВОРВЫШ**

**Н. Петрова расмлари  
Муқовани Ю. Зорькина ишлаган**

*Издательство „Ёш :вардия“ — Ташкент — 1961*

*Редактор Комил Пўлатов  
Расмлар редактори К. Назаров  
Техн.редактор Т. Раҳимов  
Корректор Э. Миробидов*

Босмахонага берилди 17/I-1961 й. Боснига  
руҳсат этилди 28/III 1961 й. Формати  
84×108<sup>1</sup>/32, Босма листи 2,62. Шартли босма  
листи 5,23. Нашр, листи 12,0.  
Тиражи 30 000.

Ташкент, Навоий кўчаси, 30,  
Шартинома № 63—60.

ЎзССР Маданият министрияги Ўзглавиздатиниғ  
1-босмахонаси, Ташкент, Ҳамза кўчаси,  
21. 1961. Заказ № 936, Баҳоси 90 т.

51 т.

51 т.

Эти заряды